

Покк Энтонк



Й у л Б Арснн
Б у й с у н д и р и ш

Тонк Энтонк

Анжелла Литтл иштирокида

Ўзларснн бўйсундириш

ДУЗАХ ҚАЪРИДАН ШУҲРАТ
ЧЎҚҚИСИГА

ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ КУН-ФУ УСТАСИ
ҲАҚИҚИЙ ТАРИХИНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАСИ

Ушбу китобни чўлда мени даъват қилган
ва ҳозирда бошқаларни даъват қилишни
давом эттираётган Майкл Райтга
бағишлайман

Йўлбарсни бўйсундирсанг — аждаҳони маҳв этган бўласан.

Хитой мақоли

Қўлида тубсизлик қаърининг калити ва катта занжир билан осмондан тушаётган фариштани кўрдим. Фаришта аждаҳони, яъни иблис ва шайтон деб аталган алмисоқ илонини тутиб, уни минг йил муддатга кишанлаб қўйди. Минг йил тамом бўлгунга қадар яна халқларни алдамасин деб, уни тубсизлик қаърига ташлаб қамаб қўйди ва унинг устига муҳр босди. Минг йил ўтгандан кейин қисқа бир муддатга уни озод қилиш керак...

Ваҳий 20:1–3

1 боб

Шейн Соузани эндиликда туққан онаси ҳам таний олмасди. Қамоқхона хизматчилари унинг дабдала қилинган танасини камера еридан том маънода қириб олишди ва ифлос замбарга ташлашди. Шейн ўларча калтакланган, бутун танаси кесилган, зўрланган ва майиб қилинган эди. Унинг танасидан қон сув мисоли оқиб, қизил ранг бўёқ сингари бутун зах бетонни қоплади. Уни қамоқхонанинг госпиталига олиб кетишаётганда, замбардан оқаётган қон коридорнинг бошидан охиригача из қолдирди. Оёқ-қўллари занжирбанд қилинган маҳбуслар занжирларини шаққиллатиб жой-жойларига тарқалишди. Биз ҳаммамиз Шри-Ланкада яшовчи ёшгина йигитни қийноқ азобига солганларининг гувоҳи бўлдик, бироқ ҳеч биримиз бирор сўз айтишга ожиз эдик. Қамоқхона бошлиқлари бизни, яъни Б бўлимидаги маҳбусларни — *fylakismenos*, деб атардилар. Бир маҳбуснинг камайганлиги улар учун барибир эди. Тез орада Шейн Соузанинг ўрнига яна бошқа маҳбус келади. Қамоқхона хизматчилари маҳбусларга нисбатан бундай ваҳшийларча муносабатда бўлганларини ҳеч ким қораламайди, шу сабабдан ҳеч ким жазоланмайди ҳам. Адолат ғалаба қозонишига ҳеч қандай умид йўқ.

Никосияда жойлашган Марказий қамоқхонада юз берган шунга ўхшаш лавҳалар у ердагилар учун од-

дий ҳол бўлиб қолган. Биз, маҳбуслар орасида наркотик сотувчилар ва контрабандистлар, гангстерлар, ёш болаларни зўрлаганлар, зўравонлик қилувчилар, террористлар, ўғри ва муттаҳамлар: тубанликка тушган инсон қиёфасидаги ваҳший ҳайвонлар тўдаси; ҳуллас, ашаддий разиллар ва бахтиқаро, иши ўнгмаганлар, ҳеч кимга фойда келтирмайдиган одамовилар, ҳамма-ҳаммаси шу ерга йиғилиб, Кипрнинг сассиқ қамоқхонасига ахлат сингари ташланган.

Қамоқхонада риоя қилиниши зарур бўлган кўплаб қонун-қоидалар мавжуд эди. Гарчанд бундай қонун-қоидалар ҳеч қаерда қайд этилмаган бўлса-да, бироқ бу ерда кун кечирувчи ҳар бир маҳбус кунда қамоқхона хизматчилари томонидан кўрсатилаётган жабр-зулмга дош бериши керак эди. Бу аччиқ ҳақиқат ва қатъий зарурат ҳисобланарди. Ниҳоятда эҳтиёткор ва ҳушёр бўлиш лозим эди. Ҳамма ўзи учун ўзи жавоб берарди. Баъзида фақатгина кўнгил очиш учунгина кўплаб қон тўкиларди. Шундай бўлса-да, Шейн иккимиз ўртамизда қандайдир алоқа, гўёки икки кишининг иттифоқи сингари боғлиқлик мавжуд эди. Ўртамиздаги алоқа фақатгина Худога аён. Менинг кўз олдимда Шейнга нисбатан етказилаётган қийноқлардан қоним қайнаб, ғазабим ортиб кетаётганлигини ҳис қилардим. Тишимни тишимга қўйиб, имкон қадар ўзимни тутиб туришга, қамоқхона хизматчиларига бўлган нафратимни сир тутишга уринардим.

Аль Капоне — ёки юнонларнинг айтишларига кўра «Алькапони» деб аталмиш кимса, ниҳоятда жирканч, қабих ва золим одам эди. Унинг ҳақиқий фамилиясини ҳеч ким билмайди. Бу оддий жинни, руҳий хаста жиноятчи эди. Бундай руҳий хасталарни маҳсус руҳий касалликлар шифохонасига юборишни суд органлари оддийгина «эсдан чиқариб қўйганлар»; шунинг учун ҳам ақлдан озган жиноятчилар ўз муддатларини бошқа ҳукм қилинганлар билан бирга ўташар

эдилар. Ҳеч қандай қонун-қоидага улар бўйсунмасдилар. Ақлдан озган жиноятчиларнинг энг ашаддийси Алькапони ҳисобланарди. Кипрликёввойи Алькапони ҳеч ким билан дўстлашмасди, ўзи билан ўзи ҳеч ким тушунмайдиган тилда сўзлашиб, танҳо юрарди. У одам ўлдиргани ва гуруҳ бўлиб қизнинг номусига тегишгани учун ўз муддатини ўтарди. У ҳақиқий девона, психопат эди. Агар қамоқхонадаги маҳбуслар қорадори ва ширево* қабул қилиб, бир-биридан сигарет ва шоколад ўғирлаб (буларнинг иккиси ҳам асосий валюта вазифасини бажарарди), баъзида бошқача найранг ва номаъқул қилиқлар билан кун кечирсалар, Алькапони эса ўз вақтини бошқа маҳбусларни майиб қилиб, уларга жабр етказиш билан ўтказарди. Унинг ўзи умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилинган бўлиб, гўёки кимларнидир буйруғига биноан иш тутиб, қамоқхонадаги бизнинг ҳаётимизни дўзах азобига айлантиришга ниҳоятда интиларди.

Алькапони Шейн дўстимни қийноқ азобига солиб ўлдирган кун, мен албатта дўстим учун қасос олишга онт ичдим. Алькапонининг бўйи-басти мендан ярим метрча баланд эди. Унинг мушаклари шунчалик бақувват эдики, қўлларининг йўғонлиги менинг оёқларимнинг йўғонлигича келарди, аммо уни албатта енгитишимга менинг ишончим комил эди. Қуролсиз уни забт этишимни ва уни ўлдиришимни мен яхши тушунаман, аммо уни ўлдиришдан олдин дўстим Шейннинг тўкилган ҳар бир томчи қони, еган ҳар бир зарбаси ва таҳқирланганлиги учун Алькапонини тавбасига таянтираман ва албатта ундан аёвсиз ўч оламан.

Сўнгги кунларда қамоқхонада ниҳоятда аянчли, чидаб бўлмас муҳит ҳукм суради. Нимадир юз бе-

* Ширево (жаргон) — кўпинча қадимий усул билан тайёрланиб, томир орқали киритиладиган наркотик. — Бу ўринда ва бундан кейинги барча сўзма-сўз изоҳлар таржимонникидир.

риши керак эди. Мен Алькапонидан ўч олишимни ҳамма тушунарди. Эндиликда мени ҳеч нарса тўхтата олмасди. Мен вақти-соати келишини кутардим. Орадан икки ҳафта ўтди. Ҳар куни бу жинни қотилдан қандай ўч олишим мумкинлигини, тавбасига таянтиришни пухта ўйлаб борардим. Унинг осонгина ўлиб кетишига асло йўл қўймайман. Алькапони раҳм-шафқат сўраб оёқларим тагида ўрмалашини хоҳлардим. Уни камситиб, элантиришни, тавба-тазарру қилгандан кейингина уни жаҳаннамга — отабоболарининг ҳузурига жўнатишни режалаштириб қўйдим. Мен дунё миқёсидаги кун-фу устаси эдим ва уни бир зумда парча-парча қилиб йиртиб ташлаш бемалол қўлимдан келади. Менга бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ эди, қуролсиз уни бемалол енгишим мумкин. Ўша вақтда барча маҳбуслар сингари мен ҳам ўзим билан лезвие олиб юрардим. Биз бундай лезвиеларни безарар бритвалардан тайёрлаб, тилимизнинг тагида ёки топиш қийин бўлган жойларга беркитардик. Бироқ бундай ҳолат, менинг билишимча, қамоқхонадагиларни асло ташвишлантормасди. Кимлардир лезвияларни ишга солиб роҳатлансалар, бошқалар ўзларини ҳеч нима кўрмагандай тутардилар. Бир маҳбус иккинчисини бўғизлагани билан уларнинг иши йўқ эди. Қолаверса, бундан кимга қандай наф?

«*Gammodi bastardos!*» Бирдан кимсасиз қоронғу коридор узра Алькапонининг хириллаган овози эшитилди, жинни мени бор кучи билан деворга ёпиштириб қўйди. Кутилмаган ҳамладан менинг аччиғим чиқиб кетди ва томирларимга адреналин қуйилиб, қоним қайнай бошлади. Мана, ниҳоят бу газанда билан олишадиган вақт етиб келди!

Бу разил бурнини башарамга тираб, гумбаздай бўлиб мени тагига босиб олганда, ундан келаётган сассиқ қўланса ҳиддан менинг кўнглим айниб кетди.

Бритвадан ясалган лезвие менинг бўйнимга тиралди — энди бу тентак ҳар дақиқада йўғон қон томирларимни кесиб юбориши мумкин эди. Бўш қолган чап қўлим билан шу заҳотиёқ Алькапонининг юзини сиқдим, икки бармоғимни унинг кўз соқачаларига тўғриладим: мен унинг кўзларини ўйиб олишга тайёр эдим. Биз бир-биримиз билан ёқалашиб кетдик, мен ҳар бир ҳаракатимни назорат қилиб турардим, чунки қотилнинг лезвиеси ҳар дақиқада бўйнимни тилиб ўтиши мумкин эди. Бироқ энди менга барибир. Тўғри, мен ўлишим мумкин, аммо олдин у жон таслим қилиши керак.

Мен Алькапонининг қонини тўкилишини истардим. Унинг кўзларини ўйиб, қулоқларини тишлашга мен тайёр эдим. Менинг қоним қайнаб турарди, бироқ мен тўсатдан ўзгача нарсани ҳис қилдим. Маълум сониялар ичида менинг юрагимда қандайдир кураш бораётганини сездим. Алькапонига нисбатан тўғридан-тўғри бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Бундай жанг менинг қалбимда юз берарди. Мен гўёки тамомила бошқа оламга тушиб қолгандай эдим, менинг қон-қонимга сингиб кетган душманлик ҳисси қаергадир ғойиб бўлгандай эди. Бир зумда мен ўч олмоқчи бўлган қотилдан ўзгача одамга айлангандай бўлдим. Алькапонининг қулоғини тишлашга интилганимда, бирдан хаёлимга бугун эрталаб ўқиган мисраларимни ёдимга тушди. Бир одамни ноҳақдан ноҳақ айблаб, зиндонга ташлаган эканлар. Ноҳақ айбланган одамнинг дўсти уни ҳимоя қилиш мақсадида, айбловчи қулининг қулоғини чопиб ташлабди. Алькапонининг қулоғи менинг тишларимдан беш сантиметр узоқда эди.

«Қани, Тони, бўлақол, тишла душманингнинг қулоғини. Ахир сен буни осонгина уддасидан чиқасан», — деб пичирларди менга ҳис-туйғу овози.

«Йўқ, тўхта... кимки қилич кўтарса, шу қиличдан унинг ўзи ҳалок бўлиши мумкин...» Бу овоз қаердан келмоқда?

«Тони, бўл, Алькапонининг кулоқларини тишлаб ол! Нимани кутиб ўтирибсан?»

Менинг қалбимда ўч олиш ва қўрқув ҳисси курашаётган бир пайтда Алькапони бўш қолган қўли билан менинг чотимга зарба билан бир мушт туширди. Синиб қорайиб кетган тишларини менга кўрсатиб, у тиржайди. Менинг қўлларим эса унинг башарасини тобора қийшайтириб, дағаллашган этларини йиртиб борарди. Яна менга овоз эшитилди.

«Хўш, сен нимани кутиб турибсан? У сени сўйиб, кейин Шейнни таққирлагани сингари сени ҳам зўрлашини хоҳлайсанми?»

Бироқ мени нимадир тутиб турарди, аммо нималигини мен билмасдим ва тушунмасдим. Ўзим деворга ёпиштирилган бўлсам ҳам, лекин бу разил қонхўрни мен қаттиқ тутиб турардим, кейинги ҳаракатни амалга оширишимга нимадир ҳалақит берарди. Қалбимда икки овоз — икки ҳис-туйғу курашарди. Дақиқалар ўтиб борарди, Алькапонининг башарасидан тер сув сингари оқиб тушарди. Аммо ўшанда мен учун вақт тўхтаб қолгандай эди. Овозларнинг баҳси бутун танамга тегишли эди, овозлар менинг ҳаёт тарзимга очикдан-очик қарши чиқарди, мен истамаган ҳолатда, аслида мен ким эдимۇ энди ким бўлганлигимга эътибор қаратишимга даъват этарди.

Овозларнинг қай бири ғолиб келишини мен тушунардим. Хўш, кейин-чи, кейин қандай йўл тутишим керак? Мен бу қотилга таслим бўлишим ва дўстим сингари ўлишим, ёки майиб-мажруҳ бўлишим керакми? Ёки мен ҳақиқатдан ҳам бу янги ҳис-туйғуга, бундай матонатли янги овозга ишонишим керакми? Беҳосдан менинг тилимдан жуда бошқача сўзлар чиқа бошлади. Оғзимдан тинчлантирувчи, аниқ ва асосли сўзлар тараларди. Алькапони фақат юнон тилини тушунарди, аммо шундай вазиятда мен инглизча гапирардим. Шундай сўзларни айтгач, мен

ниманидир ундан кутгандай Алькапонини қўйиб юбордим.

Шу вақт гўёки кучли электр заряди уни ток ургандай танасини тешиб ўтди. Алькапони сапчиб тушди. Тердан ёпишқоқ бўлган танаси қаттиқ титради ва эти товук этига ўхшаб кетди. Қоронғуда унинг қора кўзлари қўрқувдан чақнади — мен хужум қилишга шайландим. Кутилмаганда Алькапони қўлларини бўшатди ва мени қўйиб юборди. Мен озод эдим. Иккимизнинг орамиз бир неча сантиметр бўлиб, биз бир-биримизни ёмон қараш билан таслим қилишга уринардик. Тўсатдан, бир дақиқада Алькапони ўгирилди ва катта-катта қадам ташлаб қоча бошлади. У эгилиб, қўллари билан бошини ушлаганича жин чалгандай югуриб кетарди.

Қоронғуда Алькапонининг танасини йўқ бўлиб бораётганини кузатар эканман, одамнинг қалбини ҳайратга солувчи унинг совуқ овози бетон деворларга урилиб, кўплаб садо бераётгани эшитилди.

Томоғимни пайпаслаб, теримга ёпишган Алькапонининг лезвиесини олдим. Томоғимга ёпишган ўткир лезвиедан ҳеч қандай из қолмаган эди.

2 боб

Бу нотаниш одам уйимизда пайдо бўлганда, мен тўрт ёшда эдим. Эсимда, олдинлари уйимизга ҳеч ким келмаган. Ҳовли эшикнинг қўнғироғи жиринглаганда, мен тепадаги хонадан югуриб чиқдим ва ҳайрон бўлганимча зинапоялар олдида тўхтадим. Отам келган меҳмонни ичкарига киргизди ва катта меҳмонхонага ўтишни таклиф қилди. Нотаниш одам, онам сингари, хитойлик экан. Мен секингина зинапоялардан тушдим ва ярим очиқ турган эшикдан келган меҳмонга тикилиб қарадим. Катталар секингина суҳбатлашишарди, уларнинг овозларини эшитишим, гап нима ҳақида бораётганлигини билишим қийин эди. Шундай бўлса-да, эшикнинг тирқишидан нотаниш одамнинг юзи менга яққол кўриниб турарди. Унинг юз тузилиши ёқимсиз ва самимий эмасди.

— Қани, Антонио, ичкарига кир, — деди онам менинг кузатишларимни бўлиб.

Мен нотаниш одамга қарамасликка ҳаракат қилдим ва унинг олдидан тездагина югуриб ўтиб, отамнинг оёқлари ортига беркиндим. Аммо онам зудлик билан қўлимдан ушлаб ўзининг ёнига тортиб олди. Мен нима қилишни билмасдим. Онам қовоқларини солиб менга қаради ва гўёки: «Тинчлан» деб айтмоқчи бўлгандай, менга тикилди. Мен қачон тўполон қиладиган бўлсам, онам мени худди шундай қараш

билан койирди. Сўнгра онам келган нотаниш одам-га бир кичикроқ сумкани узатди. Мен сумкада нима борлигини қандай кўрсам экан, деб ўйлангунимча, биз аллақачон меҳмонни кузатгани ҳовлига чиққан эдик. Боғимизнинг торгина йўлагидан борар эканмиз, она-онам менинг қўлимдан ушлаб олиш у ёқда турсин, ҳаттоки кичкинтой келяптимикан деб, ортга бир қараб ҳам қўйишмади.

Кейин билсам, бу одам мени олиб кетишга келган экан. Ўшанда саёҳатимиз қандай давом этганлиги аниқ эсимда йўқ. Нотаниш одам менга бир сўз ҳам айтмади. Шунинг учун ҳам бу одам мени қаёққа олиб кетаётганлигини мен билмасдим. Аэропортга келгач, мен баҳайбат самолётларни кўрдим, қаттиқ ғувуллаган овозларни эшитиб ниҳоятда кўрқиб кетдим. Эҳтимол, чиндан ҳам мени ғаройиб саргузаштлар кутаётгандир, аммо бу ерда нимадир бошқача эди, айнан шу номаълумлик мени ваҳимага соларди. Биз индамайгина самолётга ўтирдик. Вақт ўтгани сари, мени ваҳима босарди. Самолёт жуда узоқ вақт учди, ҳаёлимда самолётда қилаётган саёҳатимизнинг чек-чегараси йўқдай эди. Албатта, ота-онам тез орада мени олиб кетгани келишади. Биз ҳаммамиз биргаликда уйга қайтамиз, яна олдингидай бир оила бўлиб яшаймиз. Бу самолёт мени Хитойга олиб боришини мен ўшанда билганмидим!

Тўрт ёшлигимда ота-онамнинг ҳаёт тарзи, уларнинг шуғулланаётган ишларини тушунмаганман, қолаверса, булар мени асло қизиқтирмаган ҳам. Аммо бир нарсани иккиланмай аниқ айтишим мумкин: онам мени жуда ёмон кўрарди. Самолётда ўтирар эканман, нима учун онам мендан аччиқланишини ўйлардим. Энди бу сафар нимани кўнгилдагидек қилмадим? Онамнинг ҳаётини барбод қилганимни мен билардим. Бу ҳақда менга онамнинг ўзи жуда кўп марта гапирган. Балки, шунинг учун ҳам онам ҳар доим мендан аччиғи чиқиб юрар.

Шу нотаниш одам бизнинг уйимизга ташриф буюришидан бирозгина олдин уйимизда бир ҳодиса юз берди, мен бу бўлиб ўтган воқеани ҳеч қачон унутмайман. Бизлар эндигина Уэст-Эндедаги тор квартирадан Лондоннинг шимолий-ғарбида жойлашган Эжвера шаҳридаги катта уйга кўчиб ўтган эдик. Мен учун бу уй жуда катта, баҳайбат бўлиб кўринди. Бир хонадан иккинчи хонага хурсанд бўлиб, бақириб югуриб юрганим ҳамон менинг эсимда. Онам билан отам ўзларининг ётоқхоналари учун катта кроват сотиб олдилар ва мен унинг устида маза қилиб ўйнамоқчи бўлдим: юмшоқ кўрпалар устида бир сакраб, янгигина пар адёлга бошимни ўраб олардим. Тўсатдан ётоқхонага онам бўрондай учиб кирди.

— Тентак болакай, қани зудлик билан бас қил! — деб бақирди онам оёқларимга урар экан. Кейин пардоз қиладиган стулга ўтирди-да, қўлига каттагина ойнани олди ва пардоз қила бошлади. Онам ҳар доимгидек, олдинига ойнага тикилиб ўтиради, сўнг иягини олдинга чиқариб шошмасдан лабларига бўёқ суради, ана шундан кейингина сунъий киприклар ёпиштиради. Шу орада мен полга тушмоқчи бўлдим, оёғим адёлга илиниб қолиб яна каравотга шалпиллаб тушдим. Бундай ҳолатдан кулгим келди ва мен қаҳқаҳ отиб юмаладим.

Оёғимни бўшатиб бундай қарасам, тепамда қовоқлари солинган онам турибди. Бирдан бошимга қаттиқ бир нарса тушди, ойнани сингани ва онамнинг қарғаб сўкишлари эшитилди. Онам мени шундай сўзлар билан қарғардики, бундай қарғишларни эҳтимол бошқа оналар қўллаши у ёқда турсин, эшитмаган бўлса ҳам керак. Қаттиқ оғриқдан кўз олдим қоронғулашиб кетди.

— Қанақанги аҳмоқсан, сен бола? — бақирди она ғазабланиб. — Ўзинга бир қара!

Эшикни шарақлатиб ёпиб, онам ётоқхонадан чиқиб кетди. Мен эса оғриқдан қимирлай ҳам олмас-

дим. Бошимга кийдирилган ойнанинг роми елкам-да эди, ойна синиқлари бошларимни ва юзларимни кесиб ичига кириб кетганди. Ҳамма жойимдан қон оқарди, афтимни буриштириб юзимга кирган каттагина ойна синиғини суғураётганимда, қон дарё бўлиб оқди.

Бизнинг самолётимиз қўнганда уйғониб кетдим. Сал ўзимга келиб нотаниш меҳмон билан бирга самолётнинг трапидан тушдик. Вожабо! Биз қаерга келиб қолдик? Мен кўзларимни ишқаламоқчи эдим, аммо шундай қилолмадим, чунки нотаниш одам менинг қўлимдан қаттиқ ушлаб олганди. Хўрлигим келиб йиғлаб юборай дедим. Атрофимиздаги одамлар алланималар деб гаплашишарди, бироқ мен бирор сўзни тушунмасдим. Бу одамларнинг овозлари ғалати ва қаттиқ чинқириқ каби эди. Мени қўрқув ва ваҳима босди. Бу одам ким бўлди экан? У мени қаерга олиб келди? Атрофимиздаги одамларнинг бири сумка, яна бошқаси пакетлар кўтарган, учинчиси аравача етаклаб юрибди. Бу жой биз самолётда ўз саёхатимизни бошлаган аэропортга ўхшамасди. Сигарета тутинидан ва ғалати сассиқ ҳидлардан ҳаво жуда оғир, нафас олиш ниҳоятда қийин эди. Уйқудан ҳали тўлиқ уйғонмай туриб, эсанкираб мен саросимага тушдим. Қўрқиб кетганимдан ўпкам тўлиб йиғлай бошладим.

— Ш-ш-ш! Жим бўл! — деди нотаниш меҳмон қўлимни қаттиқ сиқиб. Унинг ўсган тирноқлари этимни тешиб ўтди ва қўлим қонай бошлади. Ўткир оғриқ ва қўрқув менинг зорланишимга чек қўйди. Нотаниш меҳмон мени судраганича ғалати жойлардан юриб ўтдик ва ниҳоят очик ҳавога чиқдик. Ялангликка чиққанимизда, уйдан анча узоқдалигимни эндигина тушундим.

Қўрқиб кетган қуён сингари ота-онамни кўриш илинжида атрофга аланг-жалаң бўлиб қарадим. Ҳамма одамлар ва барча нарсалар менга бегона эди. Бу

ердаги халқ ғалати кийимда юрарди. Ҳамма ёқда шовқин-сурон, итларнинг акиллаши. Тўсатдан қўлида қушларнинг катагини кўтарган қандайдир одам пайдо бўлди. Биз тўхтадик. Қаршимизда бўйи новчагина, ориқдан келган, енг кенг ва ёқаси кўтарилган чопон кийган бир одам турарди. Бу бобом эканлигини мен кейинроқ билдим. Лекин ўшанда бизни бир-биримизга таништиришмади. На салом, на алик, на яхши тилаклар бўлди. Мени кўтаришди-да, бобомнинг от аравасига ташлашди. Бобом отини ҳайдади ва биз тун қоронғусида йўлга тушдик.

Аэропортдан от аравада чиқиб кетар эканмиз, йўлда кетаётганимизда дарахтларнинг ғалати шаклдаги сояси ва қоронғуда ўралашиб юрган ҳайвонлар эътиборимни тортди. Мен қўрққанимдан юрагимни ховучлаб кетардим, бунинг устига қандайдир сассиқ ҳиддан кўнглим ағдарилиб кетай дерди. (Кейинроқ билишимча, бу бобом ишлатадиган сапсар гул совунининг ҳиди экан. Хитойликлар бу совунни антисептик хусусиятига эга эканлиги учун яхши кўрар эканлар. Лекин ҳозиргача бу совуннинг бадбўй ҳидини эсласам, кўнглим айнийди.) Ўшанда бундай ҳиддан нафасим тикилиб, жинни бўлиб қолишимга сал қолганди.

Сафаримиз асло адо бўлмайдиганга ўхшарди. Ва ниҳоят кўзланган манзилга етиб келганимизда ярим кеча бўлиб қолганди. Атроф зимистон. Мен қайси кўчада эканлигимизни ва қайси уйга киришимизни билмасдим. Бироқ яқинроқ келганимизда, дарвоза олдида турган бир нечта аёлга кўзим тушди. Эҳтимол, улар бизни кутиб туришгандир. Бу аёлларга мен ёқмадим, шекилли. Мен буни дарров ҳис қилдим. Аммо мен уларга қандай ёмонлик қилдим экан? Яна онам эсимга тушди. Тез орада менга ёввойи қараш қилиб ва тинмай алланималар деб жавраб, битта аёлдан ташқари ҳаммаси тарқалди. Бу менинг момом, яъни бувим — Жоумо эди.

Уйга кирганимизда мени қалтироқ босди. Аммо ҳеч ким бунга эътибор қилмади. Мен қаерга келиб қолганимни сўрамоқчи бўлганимда, менга қовоқларини солишди ва бармоқларини лабларига тираб, овозингни ўчир дегандай буйруқ қилишди. Эндигина тўрт ёшга кирган болакай ўзини ваҳимага солувчи бу оламда танҳо эканлигини ҳис қилиши нақадар оғир ва аянчли эди.

Бобомнинг уйи менга қўрқинчли кўринди. Шундоққина рўпарамда девор* сурилганда, эсим чиқиб кетди. Бувим мени бурчакда турган каравотга етаклади, бу каравот ўз уйимда турган каравотдан катта фарқ қиларди — оддий ёғочга бамбук таёқчалари тўртбурчак шаклда бойланган эди. Мен каравотга ётганимда, ғичирлади. Ёнбошга бурилганимда, бамбук чўплари теримни қисиб қолди. Юпқагина муслин чойшаб аранг устимни ёпишга етарди. Бироқ мен оёқларимни букиб, чойшабга ўраниб олдим ва йиғлаб юбордим. Йиғлаганимча жуда узоқ ётдим, ниҳоят ухлаб қолибман. Орадан бир неча кун ўтди, мен йиғламай ўзимни тутиб туришни ўрганиб олдим.

Одамлар жуда вақтли, эрта саҳар соат тўрт-бешларда уйғонишар экан. Мени вақтли, яъни эрта уйғонишга ўргатиш учун жаноб Лоуси — менинг «хўжайиним» ёки «устозим» (бобомга шундай мурожаат қилишим буюрилган) менинг хонамга кирарди-да, бошимга бамбук таёғи билан урарди. Тез орада мен ҳали бобом хонага кирмасдан, оёқ товушини эшитишим билан дик этиб турадиган бўлиб қолдим, бобом хонага кириб келганда уни таъзим қилиб кутиб олар-

* Ўз фалсафасига эга бўлган хитой уйларида ҳозирги бизнинг тушунчамизда девор бўлмайди. Деворларни ушлаб турувчи устунлар қўйилади, холос, устунлар ўртасига эса йиғилиб очиладиган пардалар ва экранлар тортилади.

дим. Бироқ бобом ҳар доим мени калтаклашга баҳона излаб топарди. Лоуси мени ваҳшийларча дўппосларди. Тахминан бир ойдан кейин бундай калтаклашларга кўникиб ҳам қолдим. Ҳар бир калтаклашдан кейин бутун авзойи баданим титраб-қақшарди. Лоуси мени қулоқларимга бамбукнинг новдалари билан қон чиққунча урарди, чунки бамбукнинг йўғонроқ чўплари бардош беролмай синиб кетиши мумкин эди. Ҳар гал бобом мени нима учун ураётганини айтмасди. У мени *Ло хань цзюйло*, яъни «Четдан келган кичкина шайтон» деб атарди ва «мендаги юмалоқ кўзлилар руҳини»* қоқиб чиқаришни ўзининг вазифаси деб биларди.

Мен ота уруғи томонидан ягона меросхўр ҳисобланардим. Бинобарин, бувим билан бобом менга жуда бошқача муносабатда бўлишлари лозим эди, аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Удумларга кўра, ўғил болалар Хитойда оилага бахт ва шон-шараф келтирар эканлар, шунинг учун уларни кўпинча «кичкина императорлар» деб аташарди. Ўғил болаларни ота-оналари жуда бошқача тарзда эркалатиб вояга етказишар, шу жумладан, буви-боболар ҳам набира тарбиясига жуда катта эътибор қаратишар экан. Хусусан менга келсак, ҳамма бало шунда эдики, онам чет эл фуқаросига турмушга чиққан экан. Отамнинг келиб чиқиши италиялик, у Англияда туғилиб ўша ерда вояга етган. Онам ажнабийга турмушга чиқиб, бутун оиласига иснод келтирганди. Оила аъзолари онамнинг босган ножўя қадами учун эндиликда мендан ўчларини олишарди.

Ҳар куни эрталаб бобомга эргашганимча, хонамдан унинг кетидан индамай ҳовлига чиқардим. Ҳовлида у ўзининг эрталабки машқларини бошларди. Бир неча соат мобайнида мен юпқа муслин халатида совуқдан қотиб ерга қараганимча тик турар-

* Яъни ғарбдаги оқтанли одамлар.

дим. Бошимни кўтариб бобомга қарашга кўрқардим, чунки у мени дарровдангина дўппослашга тушарди. Баъзида бобомга билинтирмай, мен уйларнинг девор ва томларига яширинча қарардим. Уйнинг девор ва томлари ажойиб ва антиқа шакллар билан безатилганди: уларнинг орасида аждаҳолар, феникс қуши, қанотли отлар, бир шоҳли ҳайвонлар ва хўроз миниб олган қандайдир одамнинг тасвирлари бор эди.

Олдинига мен Лоусининг ғайритабиий ҳаракатларни бажаришини томоша қилиб турардим. Бобом менга индамай туриб чуқур нафас олишни буюрарди: бурним билан нафас олиб, сўнг нафасни оғзимдан чиқарардим. Бу жуда зерикарли ва одамни чарчатадиган машғулот эди. Кунлар кетидан кунлар, ҳафта-лар кетидан ҳафта-лар ўтиб мен аста-секин бобомнинг гапларини тушуна бошладим. Устозимнинг айтишича, унинг машқлари тай-чи системасига тааллуқли бўлиб, бундай тажрибасиз кун-фунинг дунё миқёсидаги ҳақиқий устаси бўлиш қийин экан.

Кейинчалик менгача етиб келган гапларга қараганда, бобом қадимий жанг санъатининг Буюк устаси бўлган экан. Уни қишлоқда ҳамма ҳурмат қилиб, унга иззат-икром кўрсатардилар. Шунинг учун ҳам бобомнинг уйи бошқаларникига қараганда катта ва чиройли эди. Баъзида бу уй менга тоғда жойлашган ҳақиқий қасрдай кўринарди.

Бизнинг оилавий қавмимизнинг келиб чиқиши ҳозир аниқ эсимда йўқ, лекин шуни аниқ биламанки, бобом Шимолий Хитойдан бўлган. Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида япон босқинчиларининг зулмидан қочиб Кантонга* келган. Бобом Су оиласида туғилган, бу оила «Эътиборлилар бешлигига» киритилган Гун Су авлодидан бўлган. Манчжур сулоласи ҳукмронлик пайтида 1768 йили Шаолинь ибодатхонаси бузиб ташлангандан кейин Гун Су авлоди

* Кантон — Гуанчжоу хитой шаҳрининг европача номи.

омон қолиб, сиёсий таъқибларни беркиниб юради. Гун Су авлоди вакиллари жанговар санъат кун-фуни татбиқ қилиб келганлар. Авлоддан-авлодга ҳурмат ва эҳтиром билан ўтиб келаётган бу санъатнинг сир-ас-рори бобом Чжэн Лин Суга ҳам етиб келган.

Шаолинъ ибодатхонасининг роҳиби бўлган бобом кун-фунинг беш асрлик меросидан фахрланиб келган. Ибодатхонада узоқ йиллар роҳиблик қилгандан кейин жанговар санъат кун-фунинг янгича усул ва услубларини ривожлантира бошлади. Тез орада бобом кун-фунинг Буюк устасига айланди ва катта ҳурмат-эътибор қозонди. Бироқ Чжэн Лин Сунинг ўғли бўлмаган, бу эса Су авлоди унда тўхтади деганини англатарди. Шундай қилиб, мен кутилмаганда унинг шогирдига ва меросхўрига айландим. Эҳтимол, шунинг учун бобом менга ўргатар экан, шундай қаттиққўл усулларни қўллашни мақсад қилгандир. Менга, «кўзи юмалоқ» чала зотли набирага ҳаётда жуда-жуда қийин бўлишини у билган. Яқин йиллар орасида Лоуси қадимий санъатнинг кўплаб сир-асрорларини менга очиб бериши керак эди. Мен эса ўз навбатида, унинг ҳақиқий ва интизомли шогирди бўлишим, бобомнинг моҳир издошчиси, тенги йўқ ва енгилмас жангчи — қўл курашининг устасига айланишим лозим эди.

Жанговар санъат мактабининг ҳақиқий ва моҳир ўқувчисига айланиш — бу ғарб дунёсида ҳаммага маълум ва машҳур бўлган ҳаёт тарзини қабул қилиш демакдир. Бундай ҳаёт тарзининг асосини — даосизм*

* Даосизм — қадимги хитой фалсафасининг бош йўналишларидан бири, шунингдек, «Лао-цзи» асосий каноник баён сифатидаги хитой динининг трактати. Эътиқод асосини — ўнга фазилатлар орқали ва қонун-қоидаларга амал қилиш туфайли абадий бахтга эришиш ташкил қилади. Даосизм издошларининг асосий мақсади — бу махсус парҳез ва турлича жисмоний машқлар ёрдамида узундан- узоқ ҳаёт кечиришдир.

амалиёти ва руҳий интизом ташкил қилади. Жанговар санъатлар ҳақидаги қадимий ривоятларга кўра, кун-фунинг отаси — буддизмнинг ҳинд воизи, роҳиб Бодхирхарма бўлган экан. Хитой аҳолисига у Дамо исми билан таниш бўлган. Қайсидир бир ривоятда айтилишича, Дамо олтинчи асрнинг бошларида Ҳиндистондаги ибодатхонани тарк этиб, Будда таълимотини тарқатиш учун Хитойга йўл олган экан. Шимолий Хитойнинг тоғларида дарбадарлик қилиб юрган Дамо Шаолинъ ибодатхонасида кўним топибди. Хитой тилидан таржима қилинганда Шаолинъ — «дарахт кўчати» англатади. Ўзининг эгилувчанлигига, ихчамлигига кўра бу дарахт эгилиб қимирласа-да, қаттиқ шамол ва бўронларга дош берар экан. Дамонинг талабига биноан ўқувчиларга медитация* кўникмалари ўргатилди. Медитация жараёнида ўқувчилар доимо ҳақиқатга интилишлари даркорлиги уқтирилди. Лекин шогирдлар медитация пайтида доимо мудраб ўтирардилар. Бу ҳолат ўқувчиларнинг жисмонан заифлигидан ва нимжонлигидан юз бераётганини Дамо жуда яхши тушунарди. Шунинг учун у бир нечта машқларни ўйлаб топди. Шу муносабат билан у қуйидагича гапларни айтган:

Будда таълимоти руҳ учун мўлжалланган, бироқ руҳнинг айрилмас йўлдоши — тана мавжуд. Мана шунинг учун мен сизларга шундай усулни таклиф қилмоқдаман: бундай усул ёрдамида Буддага яқинлашишингиз учун сиз ўз қувватингизни етарли даражада тутиб туришингиз мумкин.

* Медитация — ўйлаш, ҳаёлан мулоҳаза қилиш, ҳаёлга ботишни англатади. Медитация пайтида маълум даражадаги фикрлаш туфайли ички ҳолатнинг тинчланиши кузатилади. Бундай ҳолатда атрофдаги ҳақиқатни нотўғри, хато қабул қилиш юз бермайди, қолаверса, тан руҳ билан бирлашади.

Бундай машқлар медитация жараёнида маълум даражадаги кетма-кет ҳаракатларни намоён қилади. Қолаверса, бундай ҳаракатлар жанг пайтида элементлар негизини ташкил қилиб, таркидунё қилган кишилар ва қаландар-роҳибларга ёрдам берарди. Чунки улар бир ибодатхонадан иккинчи ибодатхонага йўл олганларида медитация усуллари турли йўлтўсарлардан ҳимоя қиларди. Бироқ шундай ҳолатларда ҳам Дамо ўқувчиларни аввалам бор, жисмоний кучга эмас, балки ички қувват — «ци»га таянишга даъват қилган. «Ци» сўзининг энг яхши таржималари сифатида қуйидагича учта сўзни келтириш мумкин деб ўйлайман: «нафас», «руҳ» ёки «ҳаётий куч».

Айнан ци қувватини ривожлантириш тиббиёт, фалсафа, шунингдек, жанговар санъатлар соҳасида даос ижодининг асосини ташкил этади. Бобомнинг ҳовлисида ўша болалик давримданоқ соатлаб нафас гимнастикаси билан тинмай шуғулланардим. Ва бу машғулотлар келажақда менинг руҳий кучимнинг ривожланишига ва мустаҳкамланишига бевосита ёрдам берган.

Кунларнинг бирида Лоуси менга тўқсариқ рангдаги кийим кийинтирди ва ўзи билан маҳаллий шаолинь ибодатхонасига олиб борди. Биз чеки йўқ, узундан-узун поғоналардан кириш жойига кўтарилар эканмиз, осмонга боқдик. Осмон кўм-кўм эди, самода ажойиб бир ҳид таралиб турарди.

— Бу бухур ва олча гуллари тутатқисининг ҳиди, — деди Лоуси. — Биз Буддага бўлган ҳурмат-эҳтиромимизни намоён қилиш учун бухур тутатамиз.

Бобом икковимизнинг номимиздан бирин-кетин қуритилган бухур қаламчаларини тутатгунга қадар, мен унинг кетидан сўзсиз юравердим.

— Унинг шифобахш ҳидидан сенинг кайфиятинг кўтарилиб кетади, сен оғир ва вазмин одам бўлиб

қоласан, — деб тушунтирди бобом. — Сен агар маърифат йўлидан борсанг, самоларга қўтарилаётган бухур тутатқисига ўхшаб қоласан.

Сўнгра устозим мени медитация учун ажратилган овлоқ жойга бошлади. Йўлда борар эканмиз, мен яширинча жанговар машғулотлар билан машғул бўлган роҳибларга қарадим.

— Улар ипли арқон билан тоvon ва тўпиқларини боғлайдилар, — деб тушунтирди Лоуси менинг қизиқишимни пайқагач. — Бу бойлағичлар оёқлар билан тепилган пайтда, бўғинларни мустақамлаш ва химоя қилиш учун керак бўлади.

Роҳиблар товонлари билан қандай тезлик ва кучли тепишларини кўриб, кўзларимга ишонмадим.

— Бу турна усули — шаолинь қўл жангининг асосий қадимий усулларида бири, — деб давом эттирди тушунтиришни Лоуси, мен бўлсам унинг бирорта сўзини эшитмай қолмасликка ҳаракат қилиб, бутун диққат-эътиборимни унга қаратдим. — Бир роҳиб қачонлардир маймун ва турна ўртасидаги олишувнинг гувоҳи бўлибди. Маймун қушни парча-парча қилиб йиртиб ташлашга шай турган бир пайтда, турна маймундан анчагина айёрроқ чиқиб қолибди. Қуш қанотларини ёйганича маймунга ҳамла қилиб, бошларини чўқирди, сўнг четга сакраб ўтиб, яна бошқатдан хужумга ўтарди. Бу ҳолат қуш то каттагина маймунни ҳайдаб юбормагунча, давом этаверди. Роҳиблар ҳаракатларининг нозиклигига эътибор бергин, — деб изоҳ берди Лоуси, — улар бир оёқ билан қанчалик қаттиқ зарба етказиб, иккинчи оёқда нақадар узоқ тик турмоқдалар. Қўллари билан турнанинг тумшуги сингари ҳаракат қилишларига қара.

Кейинчалик мен ҳам нафақат турна усулини, балки кун-фу жангининг кўплаб анъанавий усуллари-ни эгаллаб олдим. Хитой жанговар санъатининг бир ярим мингдан ортиқ усуллари мавжуд. Турли қуш ва ҳайвонларнинг қилиқларини имитация қи-

лиш — шаолинь кун-фу санъатининг қадимий машқларидан бири ҳисобланади. Одам ҳайвонлардан заифроқ, менинг тақсиримни ўргатишича, одам тирик қолиши учун ўз онгига таяниши лозим. Мана шу сабабли, у ёки бу ҳайвоннинг ёки қушнинг ҳаракатларини ва қилиқларини имитация қилиш учун, одам мукаммал равишда статик жим ўтириб кутишни ва динамик шиддатли ҳужумни ўрганиши, салмоқли, бир текис ҳаракатларни ва яшиндек тезлик билан ҳужум қилишни, шунингдек, кузатишни ва адекват равишда ҳаракатланишни албатта эгаллаб олиши керак.

— Энди бу ёққа қара!

Мен зудлик билан машқ қилаётган роҳиблардан чалғидим.

— Бу оловга диққатингни жамла.

Менинг эътиборимни Лоуси бурнимнинг тагига қўйган ёниб турган шамчироқ жалб этди.

— Шамчироқ алангасида диққатингни жамла ва ҳамма нарсани унут. Энди чуқур нафас олишни бошла.

Шамчироқ алангасига тикилиб қараганимизча, биз ибодатхонада бир неча соат ўтирдик. Менинг киприкларим гўёки қўрғошин қуйилгандай оғир эди, мен шамчироққа бошқа қарай олмасдим. Мен кўзимни юмишим биланоқ, юзимга бамбук таёқчаси зарб билан тушарди. Лоуси ҳар гал лозим топганда, мени диққатимни сусайтириб бошқа нарсага чалғиди, деб ўйлаганда урарди. Кўп соатлаб фикр-хаёлга чўмишнинг мақсади — бу цин билан мулоқотга киришув эди. Менга уқтиришларича, дунёда ҳамма нарса космос кучларининг мусбат ва манфий ҳосиласидир, яъни инь ва ян, уларни цини билиш жараёнида уйғунлаштириш мумкин. Дао шогирдларининг ҳисоблашларича, одам танасида цини қувватнинг оқими сифатида тасаввур қилиш мумкин, шундай тасаввур ижобий натижаларга олиб келади. Одам орга-

низмида айнан ци ҳар қандай мушак ҳаракатларини, нафас олишни бошқариб туради, юрак-қон томирларини ва марказий нерв системасини тартибга солади.

— Агар сен танада ва руҳда цини тўлиқ мувозанатга келтирсанг, унда ички ҳотиржамликка эришасан ва онгинг равшанлашади. Мана шунда сенда мўъжизавий куч пайдо бўлади, — деб таълим берди менга Лоуси. — Жанговар кун-фу санъатида цидан фойдаланиш асосни ташкил этади, — гапини давом эттирди устоз. — Бундай қувват доимо муттасил ҳаракатда бўлади.

Бобом қўлини унчалик катта бўлмаган идишдаги сувга солди, сўнг сувдан қўлини олди. Кўрсаткич бармоғини узатган эди, бармоқ учида бир томчи сув осилиб турди.

— Мана сенга бир томчи сув. Фақатгина бир томчи, беозор, ювош ва кучсиз бир томчи. Цунами кучига ер юзида нима дош бериши мумкинлиги сўралади? Цунамининг шиддатли тўлқинлари ўз йўлида учрайдиган ер юзидаги барча нарсаларни йўқ қилиб юборишга қодир. Ци қувватини бошқаришни ўрганиб олгин, ўғилгинам. Бу оламнинг қуввати оқимига қўшилгин, сен жисмоний имкониятларингдан кўп марта ошиқ кучга эга бўласан.

Йиллар ўтгани сари Лоусининг ци қувватини бошқариш борасидаги кўрсатмалари мен учун янада тушунарлироқ бўлиб борарди. Мен цини «ички худо» сифатида, куч-қувватимнинг манбаи сифатида қабул қилардим. Ци орқали жисмоний қувватимни бошқарар эканман, мен қуруқ қўл билан ғиштларни парчалашни ўргандим ва янада ажойиб мўъжизаларни амалда кўрсата бошладим. Мен тун қоронғусида душманнинг ҳаракатларини билиб олишни ўргандим ва қаттиқ оғриқни бутун танамга тарқатиб, уни енгилни ҳам уддасидан чиқа олардим.

Хитойдаги бутун ҳаётимни кун-фу жанговар санъатини ўрганишга бағишладим. Янги ўқувчи сифатида

менга уйдаги ва ибодатхонадаги барча қора ва оғир ишларни бажаришни буюришарди. Шу вақт мобайнида Лоуси менинг танамни жиддий равишда машқларни бажаришга астойдил тайёрлади. У менга қўрсатган биринчи машқлардан бири — бу қум солинган челака қўлни тикиш бўлди. Бобомнинг қаттиқ назорати остида мен соат сайин бу машқни такрор ва такрор қайтаравердим. Натижада қўлларим шилиниб қонаб кетди. Бобом эса машқни давом эттиришни буюрарди. Бир неча ҳафтадан сўнг менинг этим шунчалик қотиб кетдики, мен оғриқни асло ҳис ҳам қилмасдим. Сўнгра машқни мушкуллаштириш учун Лоуси қум солинган челака кичкинагина тошчаларни қўшди ва муолажа яна бошқатдан бошланди. Кейин маълум вақт ўтгач, қумга янада каттароқ тошлар солинди ва машқлар олдингидай давом этаверди. Сўнгра янада каттароқ, кейин катта-катта тошлар қум билан челака солинди ва машқлар яна бошқатдан бошланди. Мен тош ва қум солинган челака қўлларимни кескин равишда солишни, шу билан бирга қўлларим кесилмай, бирор бир жароҳат олмаслигини, ҳеч қандай оғриқни ҳис қилмасликни ўрганмагунимча, машқлар қайтарилаверди.

Хўжалиқда бажариладиган вазифамга келсак, менга ҳайвонларга қараш ишлари юклатилганди. Бобом билан бувим шоли экилган далаларнинг хўжайини эдилар, булардан ташқари, биз товуқлар, эчкилар, сигирлар ва отларни боқардик. Хўжалик ишларини бажаришда одатда мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди, шунинг учун Лоусининг бамбук чўплари билан калтаклашларидан қўрқмасам ҳам бўлаверарди. Жониворларнинг орасида юрганимда мен бобомнинг назорати остида ўтадиган машқлар билан боғлиқ азоб-уқубатлар ва бобомга нисбатан бўлган қаҳр-ғазабни тамомила унутардим.

Менга хуш келадиган машғулотлардан яна бири — бу бувим билан бозорга савдо-сотик қилишга бориш

эди. Албатта, мен озиқ-овқат билан тўлдирилган оғир саватларни кўтаришимга тўғри келарди, аммо ҳар ҳолда бу ташвишлар бобомнинг аёвсиз калтаклашларидан минг чандон яхшироқ эди. Бозор ниҳоятда гавжум ва шовқин. Савдо қилаётган одамлар жуда кўплаб ўрнатилган палаткалардан келаётган шовқин, тақир-туқур туфайли бир-бирларига бақириб гапиришарди. Палаткалар маджонг* ўйинлари учун мўлжалланган эди. Бу ерда катакларда тирик товарлар сотиларди ва ҳарид қилинади: катта араваларда кучуклар, ўрдаклар, эчкилар, қуёнлар, қушлар, судралиб юрувчи ҳайвонлар ва турли-туман балиқлар. «Одам-рептилия» мени кўриб, тутиб олмаслиги учун мен имкон қадар бувимнинг биқинига кириб юрардим. «Одам-рептилия» — бу ҳаммаёғини ажин босган, бели букик, соқоли оппоқ, саналган мўйлови бор ва юзи шафтоли қоқига ўхшаган қартайган бир чол эди. Унинг сўлиб қолган бармоқларидаги тирноқлар шунчалик узун ва сариқ рангда эдики, чол тирноқлари билан ўзи савдо қилаётган ва гўшти ниҳоятда лаззатли бўлган катта сув тошбақаларининг бўйнидан чўрт этиб сўйиб юбориши мумкин эди. Унинг савдо растасида қурт-қумурсқа ва илонларни ҳар қандай кўринишда топиш мумкин — тиригини, ўлигини, сўйиб тозаланишини ва қуритилганини.

Мени ўзига жалб қилувчи жойлардан бири — бу аптека дўкони эди. Дорихона менда ўзгача қизиқиш уйғотади. У ерда полда катта шиша идишларда кобралар сақланади, дўкон пештахталарида турган «дорилар» эса янада кўрқинчлироқ — ҳайвонларнинг қандайдир аъзолари солинган банкалар, турли шаклдаги ва катта-кичик қўнғиз ва чаёнлар, асалари ва илонлар, спирт қўшилган қандайдир сассиқ суюқликка солинган қумурсқалар.

* Хитой доминоси.

Ҳозиргача эсимда, бувим доимо кўкатлар сотадиган одам билан тортишардилар. Мен эса жуда катта-катта қалампирларни, турли рангдаги зираворларни ва одамларга ўхшаш томирларни томоша қилардим, бувим бундай томирлардан жень-шень ва занжабил шарбатларини тайёрларди. Кўчадан ажойиб хидлар тараларди — халқ йўл четларида ўтириб, катта «вокларда» — таги юмалоқ бўлган даштқозонларда таом пиширарди. XX асрнинг 70-йилларида Кантон шаҳрининг катта қисми қурувчилик билан банд бўлгандай туюларди. Оёғига шиппак кийган, баъзилари оёқ яланг юрган хитойликлар чарчамасдан меҳнат қилардилар. Улар оддий анъанавий кулбалар ёнида ғарб типигаги улкан иморатлар барпо этардилар. Бамбук дарахтларидан улар чиндан ҳам мўъжизавий бинолар қурадилар.

Бозорда юришни давом эттирар эканмиз, биз бувим билан қўлида ҳиди келадиган чўплар ушлаб олган ва одамга канадай ёпишадиган фолбинлардан ўзимизни олиб қочишга ҳаракат қилдик. Биз майда тошчалардан қилинган йўлдан юриб ўтиб, бозорнинг тикан босган харобазор томонига бурилардик. Менинг эътиборимни сўзсиз кўчада ишлаётган устакхаттотларнинг бўёқ ва чўтка билан ёзган матнлари жалб этарди.

— Хаттотлар «сюань-чжи» номли махсус қоғозга ёзадилар. Бундай қоғозларни улар дарахтларнинг пўстидан ва юмшоқ шоли сомонидан тайёрлайдилар, — тушунтирди Жоумо. — Халқ хаттотларга хат ёзиб бериш учун ёки бирор бир керакли хужжатни расмийлаштириш учун мурожаат қиладилар.

Гарчанд бувим жон-дилларидан халқимизнинг қадимги тарихи ва қизиқарли анъаналари ҳақида менга ҳикоя қилиб берсалар-да, менга нисбатан илиқ муносабатни ва меҳрни хис қилмаётганликлари яққол кўриниб турарди. Хитойда одамлар жуда кўплаб байрамларни нишонлайдилар. Бу байрамлар ичида

Янги йил байрами — энг асосий байрамлардан бири ҳисобланади. Хитой ойномаси, календари Ойнинг Ер атрофида унинг орбитаси бўйлаб қиладиган ҳаракатига асосланган. Унда йил ўн икки ойга бўлинган. Тақвим цикли ҳар ўн икки йилда қайтарилади, қолаверса, ҳар бир йил у ёки бу ҳайвон орқали намоён бўлади.

— Қадимги бир хитой ривоятида айтилишича, Будда ерни тарк этиб кетишдан олдин ҳузурига барча ҳайвонларни чорлабди, — деб ҳикояни сўзлаб беришни бошлади Жоумо, — аммо Будда билан ҳайрлашгани фақатгина ўн икки хил ҳайвон келибди. Келганларни мукофотлаш учун Будда ҳайвонларнинг исми билан йилларни аташни ваъда берибди. Будданинг чақириғига биноан ҳайвонлар қандай тартибда келган бўлсалар, йиллар ҳам шундай тартибда аталиши керак эди. Ким биринчи бўлиб келганлигини билиш мақсадида, ҳайвонлар бир-бирлари билан жанжаллаша бошлабдилар. Ва ниҳоят улар бир қарорга келибдилар ва мусобақа уюштиришни лозим топибдилар: кимки дарёнинг нариги қирғоғига биринчи бўлиб сузиб борса, ана ўша ҳайвоннинг исми йил тақвимини, мучаллар йилини бошлаб берар экан, қолган йиллар эса ҳайвонларнинг дарёни сузиб ўтишлари кетма-кетлиги тартибида номланади. Мана, қирғоқда ўн икки ҳайвон сафга туришибди ва бир вақтда сувга шўнғишибди. Аммо сичқон сигирнинг устига унга билинтирмай сакраб чиқиб олибди. Сигир ҳамма ҳайвонлардан биринчи бўлиб нариги қирғоққа сузиб бориб, эндигина сувдан чиқаман деганда, унинг елкасидан сичқон сакраб тушиб сигирдан бир неча сония олдинроқ, биринчи бўлиб қирғоқда пайдо бўлди. Қолган ҳайвонлар қуйидагича тартибда қирғоққа етиб келибдилар: йўлбарс, қуён, аждар, илон, от, қўй, маймун, хўроз ва ит. Тўнғиз ниҳоятда дангаса ва имиллайдиган ҳайвон бўлгани учун мусобақанинг энг охирида етиб келибди.

Ушбу ривоятни Жоумо менга жуда кўп марта сўзлаб берган. Ҳар гал ҳикоясини тугатар экан, бувим думалаб қолгунларича хохалаб кулардилар. Чунки дангаса, бечора тўнғиз бувимнинг тасаввурида ниҳоятда кулгили кўринарди.

— Аммо сен хўроз йилида туғилгансан, — дерди бувим менга. — Бу мучал йилида туғилган одамлар жуда меҳнаткаш бўладилар. Улар тездагина бир қарорга келадилар ва ўз фикрларини билдиришдан асло қўрқмайдилар, аммо сен эҳтиёт бўлгин, — деб огоҳлантирарди мени бувим, — хўроз ниҳоятда мақтанчоқ ва ўзбилармон бўлади. — Жоумо менга тикилиб қараганча, қўшиб қўйди: — Сен бениҳоят ботир ва жасур йигит бўласан.

Янги йил яқинлашиб келарди. Бу байрамнинг кириб келишини катта-ю кичик интизорлик билан кутарди. Ўн иккинчи ойнинг йигирманчи куни уйда ҳар йилдагидек йиғиштириш ва тозалаш ишларига бағишланарди. Менинг бувим бундай йиғиштиришни «пойдеворни супириш» деб номлаб олган. Бу кунда озодалик уйнинг ҳар бир бурчагида ва хилват жойларида ўрнатилади. Қоғоздан ясалган катта қизил ленталарни деворларга ва эшикларга осишга мен бувимга ёрдамлашардим. Бу қоғозларга қора бўёқлар билан ҳуснихатда иероглифлар — оила аъзоларига қутлов ва эзгу тилаклар битилган. Биз уйни гуллар, мандаринлар, апельсинлар ва нок шаклидаги грейпфрутлар билан безатдик. Грейпфрутларни бу ерда «помело» (супуриш учун қўлланадиган таёқ), деб аташар экан.

— Бу мевалар бизга бахт-саодат ва бойлик келтиради, — деди бувим меваларни чиройли қилиб тегиб қўяр экан. (Аслида бу қадимги хурофот келиб чиқиши турлича бўлган сўзлардаги товушларнинг талаффуз пайтида мос келиши билан боғлиқ бўлган экан: «мандарин» сўзи хитой тилида «бахт» сўзи

билан бир хил талаффуз қилинар экан, аммо ёзувда улар фарқланади; «апельсин» ва «бойлик» сўзлари ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.)

— Мана, уйларни саранжом-саришта қилиб, биз байрамга тайёргарлик кўрамиз ва Ўзаованни — ошхона руҳини кузатамиз, — деб тушунтирди бувим. — Қадимий ривоятга кўра, ошхона руҳи Ўзаован янги йилнинг биринчи куни, барча байрам сайрлари тугаганда орқага қайтиб келар экан.

Хуллас, уйдаги юмушлар етарли даражада эди. Барча зиёфатлар ва тўкин дастурхонлар Янги йил олдидан тайёрланиши керак, токи удумга кўра ўткир қуроллар — пичоқ ва қайчилар, кириб келаётган янги йил «бахтига» зиён етказмаслиги учун четроққа беркитиб қўйилиши лозим.

Янги йил олдидан бизнинг уйимизда оилавий уруғнинг барча аъзолари жам бўлишди. Бу одамлар Хитойнинг турли бурчакларидан етиб келдилар. Яна бир қизиқ анъана бор экан. Меҳмонларга хизмат кўрсаётган бувим, маълум сабабларга кўра кела олмаган, аммо уларга ажратилган бўш жойларга бориб: «Хуш келибсизлар!» дейиши мен учун жуда ғалати туюлди.

— Бу шунинг учун шундай қилинадик, келмаган одамларнинг танаси йироқда бўлса ҳам, руҳи биз билан биргадир, — деб тушунтирди бувим.

Бу ерда менинг онам учун ҳам жой ажратилганми, деб сўрамоқчи бўлдим, аммо журъат қилолмадим. Ташриф буюрган меҳмонларнинг кўпчилиги бобом сингари менга нисбатан нафрат билан қарашди. Аммо катта қариндошлар билан бирга меҳмонга уларнинг фарзандлари — менинг холавачча ва тоғаваччаларим келишганди. Ҳеч бўлмаганда, мен улар билан маза қилиб ўйнадим. Меҳмонлар орасида юзлари ялпоқдан келган, ёши каттагина бир хоним бор эди. Ҳа деганда, у тиржайганича, шумлик билан менга қараб кўз қисаверди. Унинг исми Ли Мэй, яъни «Гуллаб тур-

ган олхўри» эди. Бу кампир бобомнинг опаси эди. Бобомнинг яна бир синглиси бор, Ли Вэй. У ўз исми «Гўзал атиргул»га асло мос келмасди. Назаримда, у жуда бадбашара эди. У бобомга ўхшаб менга ёвуз кўзлари билан қарарди. Кечаси, базми жамшид тугагандан кейин мени бошқа болалар билан бирга ҳурмат юзасидан бувимга, бобомга ва бошқа меҳмонларга эгилиб таъзим қилишимиз кераклигини айтдилар. Мен итоат этиб барча айтганларини бажардим, лекин аввалгидек уларни ёмон кўрардим.

Янги йил байрамида бизга қизил «лай-сэ» конвертларини совға қилдилар. Конверт ичига бахт тилаклари билан бирга бироз пул солинган экан. Бизларнинг ҳар биримиз янги қўйлак кийиб олган эдик. Бобом эса кўркем шойи кастим кийиб олган. Кастим қизил рангда бўлиб, четлари тилларанг иплар билан гулдор қилиб тикилган.

Мен Хитойдаги янги ҳаётга жуда тез кўникиб кетдим, аммо бу ердаги одамлар учун мен тоабод бегоналигимча қолавераман. Англияда онам менинг шарқона кўринишимдан жуда фахрланиб юрарди, бироқ хитойликлар учун мен авваламбор «четдан келган шайтон»лигимча қолавераман. Айнан шу сабабдан барча атрофдагилар, ҳаттоки болалар ҳам, нима учун менга раҳм-шафқат қилмасликларини, марҳамат кўрсатмасликларини, менга ачинмасликларини олти ёшлигимдаёқ тушуниб олдим.

Кунларнинг бирида бозордан қайтаётиб, биз бувим билан бирга ҳовуз олдида бирозгина дам олмоқчи бўлдик. Жоумо салқингина жойга чўзилди, мен эса ҳовузни айланганимча силлиқ думалоқ тошларни сувни бетида учира бошладим. Тўсатдан мени нотаниш болалар ўраб олишди. Уларнинг ёши чамаси мендан каттароқ эди.

— Эй, юмалоққўз, сен бу ерда нима қиляпсан? — сўради болалардан бири ва менга қарата туфлади.

Кутилмаган ҳолдан мен чўчиб кетдим. Айбим нимадалигини, улар мендан нима хоҳлаётганларини тушунишга ҳаракат қилдим.

— У ҳаттоки бизнинг тилда сўзлашишни ҳам билмайди, — деб устимдан кулди бошқа бола ва мушт билан оғзимга туширди. Оғзимдан қон оқди. — Қани, юмалоққўз, бирор нима дегин—чи, биз эса диққат билан сени эшитамиз.

Оғзимдаги қон таъмидан қўрқиб кетганимдан, мен тез-тез ўзимча бир нималар дегандай бўлдим, аммо юзимга яна бир мушт тушди. Бу сафар зарба шунчалик шиддатли эдики, мен мувозанатни йўқотиб чайқалдим ва лойга шалпиллаб йиқилдим. Айнан ўша дақиқада бутун компания менга ташланди. Улар мени сочларимдан судрашарди, уришарди, тўғри келган жойимга тепишарди. Ўзим кичкина бўлсам, улар кўпчилик бўлиб менга азоб беришарди, нафасим тикилиб бувимни ёрдамга чақирдим, аммо ҳеч қандай садо чиқмади. Болалар мени тепишни давом эттирардилар, шу билан бирга, ёмон сўзлар билан ҳақоратлаб сўкардилар. Уларнинг баджаҳл кичқириқлари узоқ вақтгача қулоғимда шанғиллади. Кўз ўнгим қоронғулашиб, мен тубсиз чуқурликка тушгандай бўлдим, энди тепкиларни ҳис қилмасдим, ҳақоратларни ҳам эшитмасдим. Ҳаммаёқда жимжитлик ҳукм суради. Ҳеч қандай оғриқлар йўқ. Ўзимни қушдай енгил сезардим. Сўнг мен тамомила хушимдан кетдим.

Бир неча кундан кейин шифохонада ўзимга келдим. Иккала қўлим ва бир оёғим гипс қилинганди. Озгина қимирлагандим, қаттиқ оғриқ белимга берди.

Кунларнинг бирида, ҳали шифохонада эканлигимда уйкусираган ҳолатда эдим. Шунда каравотим олдида ўтирган Лоусини ва у билан бир нотаниш эркакни кўрдим. Улар нималар ҳақида гапиришаётганларини билмадим. Аммо узук-юлуқ гаплардан шуни англадимки, улар мени калтаклаган болалар гуруҳини танишар экан.

— Бу болалар шанхай «Триадасидан»*, — деди нотаниш кимса, — улар қайсидир танишлариникига меҳмонга келган эканлар.

— Улар кимни дўппослаганларини билмаганлар, — деди Лоуси ғамгинлик билан.

— Тўғри айтасиз, устоз.

— Сенинг гапларингга қараганда, улар қилган ишларига яраша жазоланишди, шундайми?

— Ҳа, бу оила аъзолари жам бўлиб, болалар билан жиддий гаплашишди. Оила бошлиқлари сиздан кечирим сўраш учун эртага сиз билан учрашмоқчилар.

Бу воқеадан сўнг шанхай болалари имкон қадар менинг кўзимга кўринмасликка ҳаракат қилдилар. Уларнинг ҳаммаси «Триада» (ҳаммага маълум ва машҳур хитой мафияси) оилаларидан эдилар, уларнинг ҳаммаси кун-фу жанговар санъатидан бохабар эдилар, аммо ҳеч қачон менинг тайёргарлик кўрган даражамга етолмасликларини яхши тушунарди-

* 1644 йили Цин манчжур авлоди кўчманчилари Хитойни босиб олдилар ва ўзининг жанговар санъатлари билан машҳур бўлган Шаолинъ ибодатхонасини бузиб ташладилар. Озиқ-овқат олиб келишга кетган фақатгина учта роҳиб тирик қолди. Қайтиб келган роҳиблар кули кўкка совирилган ибодатхонани ва биродарларининг найза тешиб ўтган мурдаларини кўрдилар. Ана шу учта роҳиб биринчи бўлиб «Триада»ни ташкил қилдилар — «Ҳақиқат учун Ер, Инсон ва Само Иттифоқи». Бу Иттифоқ маньчжур босқинчиларига қарши чиқди. Роҳиблар вафот этганларидан кейин уларнинг издошлари ташкилот бошқарувини ўз қўлларига олдилар. Улар темир интизом ўрнатдилар: «Триада»нинг ҳар бир аъзоси сўзсиз бўйсунитиши ва ҳар қандай буйруқни бажаришга доимо тайёр туриши керак эди. Бироқ «Триада»нинг янги лидерлари партизан уруши ўрнига кулларни сотишга, ўғирлик қилишга, ноқонуний олтин топишга ва рэкетга ўзларини урдилар. Улар бундай ҳолатни маньчжурлар билан курашишга жамоатнинг маблағи камлигидан, деб тушунтирдилар. Ўша пайтдан бошлаб «Триада» мафияга айланди. Мана, сўнгги 50 йил давомида Хитой Республикаси авторитар ҳукумати «Триада» мафияси куч-қудратига путур етказа олмаяпти.

лар. Агар улар ўшанда мен ҳамманинг ҳурматини қозонган Чжэн Лин Сунинг шогирди, қолаверса наби-раси эканлигимни билишганда эди, менинг оиламни шу қадар ҳақорат қилишга журъат этолмаган бўлар-дилар. Умуман олганда, мени қайси уруғ давомчиси эканлигимдан хабардор бўлганларида эди, улар ме-нинг соямга таъзим қилиб юрардилар. Хитойликлар орасида шунга ўхшаш можаролар ҳеч қачон уну-тилмайди ва кечирилмайди. Кўп йиллар ўтгач ҳам менга ҳужум қилган болалар, ёшликда йўл қўйган хатоларидан ниҳоятда пушаймон бўлиб, бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан узоқ вақт чўчиб юрдилар. Кунларнинг бирида, мен вояга етиб улғайганимда узоқ сафарга кетдим. Бир неча йил-дан кейин қишлоғимизга қайтганимда, менга ҳужум қилганлардан бири мени ўч олгани келди деб айтиб-ди. У шунчалик кўрқиб кетибдики, ҳаттоки оиласини олиб бошқа бир қишлоққа кўчиб кетибди.

Ўша ҳодисадан кейин мен шиfoxонада бир неча ҳафта ётдим, бироқ гипсларим ечилиши биланоқ, устозим дарровдангина ҳовлига чиқиб ўзимнинг оғир жисмоний машқларимни давом эттиришим-ни буйруқ берди. Машқлар пайтида чидаб бўлмас оғриқ авзойи-баданнимни титратиб ташларди ва кўз-ларим ногаҳон ёшга тўларди. Агар кўзларимдаги ёшни устозим кўргудек бўлса, албатта мени жазо-лаши турган гап. Биринчи кўз ёшим ҳали юзимдан оқиб улгурмасиданоқ, тўсатдан қулоғим тагига бам-бук таёғини едим. Устозимга нисбатан бўлган нафрат ва ғазабим қайнаб кетди. Ўша пайтда мен олти ёшда эдим, лекин мен бутун вужудим ва танамдаги ҳар бир тукум билан уни ёмон кўрдим.

Ўша тунда совуқ терга ботиб уйғониб кетдим. Чигирткаларнинг чийиллаши эшитилиб турарди. Ҳа, ҳадемай тонг отар экан. Уйлар саранжон-саришта, ҳаммаёқда тинчлик-хотиржамлик, бироқ кўрган ёмон тушларим туфайли мендаги нафрат янада кучайган.

Олинган янги жароҳатлардан мен титраб-қақшардим. У ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилдим, лекин ухлай олмадим. Қўлида бамбук таёғини кўтарган қаттиққўл бобомнинг образи менинг хаёлларимни таъқиб қиларди. Назаримда, бу ҳеч қачон якун топмайдиганга ўхшайди. Яна бир кунга чидай оларми-канман? Агар ҳаммаси яна такрорланадиган бўлса, менинг фақат бир йўлим бор.

Мен оёғим учида ошхонага яширинча бораётганимда, менга гўёки юрагимнинг уриши бутун уйга эшитилаётгандай бўлди. Ошхонадаги катта яшиқда Лоуси жанговар қурооларни сақларди. Бобомнинг қуроолларини биз ҳар куни артиб тозалаб ўткирлардик, шунинг учун ҳам мен қарамасдан туриб қайси қурол қаердалигини пайпаслаб, осонлик билан аниқлаб олишим мумкин эди. Жанг қурооларидан ҳисобланмиш шамширлардан бирини олдим ва тепага кўтариб кўрдим. Шамширнинг бритва сингари тиғи ялтираб юзимни ёритди.

Бамбуклардан ясалган ромнинг орасидан ой хонага нур сочиб турарди ва мен ухлаб ётган бобомнинг соясини кўрдим. Мен ундан бир неча қадам нарида турардим ва унга нафрат туйғуси билан қарардим. Жирканиш ва нафрат туйғуси менда тўлқин каби қайнаб тошарди. Бирдан мен оғир ва қаттиқ нафас олаётганимни сездим. Ажабки, бунда менга бобомнинг таълимоти ёрдам қилди. Ўлимга олиб келадиган зарба бериш учун тинчланиш лозим. «Цига бутун диққат-эътиборингни қарат. Сенинг онгинг танангни бошқариши лозим». Бирозгина нафасимни ростлаб бўлгач, бобом ётган каравотга секингина яқинлашдим. У қимир этмай ухлаб ётарди. Мен шамширни унинг нақ кўкраги устида ўйнатдим.

3 боб

«Самодаги бизнинг Отамиз! Сенинг номинг абадий порласин!...» — бундай ибодатни баъзида ухлашимдан олдин отам айтарди. Отамнинг гапларига қараганда, у католик, чунки отам италиялик-да, яна шунинг учун ҳамки, Худо католикларни яхши кўрар экан. Бироқ агар ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлса, унда ҳозир У менинг борлигимни унутган. Менинг шафқатсиз ҳаётимда У ҳеч қачон бўлмаган. Англиядаги ҳаётим анча ортда, туманли узоқда қолиб кетгандай эди. Эсимда фақатгина узук-юлуқ хотиралар қолган.

Конфуций шундай ўргатган: «Мамлакатда тинчлик оиладаги тартибдан бошланади... Ота-онани яхши кўришга ва ҳурмат қилишга ўргатилган одамлар ҳеч қачон бошқа одамларга нисбатан юзсизлик ва ҳурматсизлик намоён қилмайди». Конфуций шунингдек севги, қадр-қиммат ва ор-номус ҳақида ҳам гапириб, уларни жамиятнинг юксак идеаллари деб қадрлаган.

Қадр-қиммат ва ор-номус ҳақида менга кўп нарса маълум эди. Бундай тушунчаларни тўғриси айтганда, менинг онгимга, ёшгина танамнинг ҳар бир катига сингдиришган. Аммо севги-чи? Севни нима дегани? Мен ҳеч қачон севги нималигини билмаганман. Мен оилада кутилмаган ва исталмаган бола, «четдан келган шайтон» эдим, мени яхши кўрувчиларга мен

ҳар доим бахтсизлик ва иснод олиб келардим. Мен, олти ёшли болакай, шунчалик нафратланишимнинг ажабланадиган жойи йўқ. Нафрат менда осонгина уйғонди. Шамширнинг дастасини қаттиқ сиқдим, ва кучим борича қулочкашлаб...

Шу пайт торнадо сингари қандайдир улкан куч отилиб чиқди. Бир лаҳзада Лоуси чап қўли билан шамшир ушлаб турган қўлимни сиқди ва айлан-тириб орқамга буради. Бобом ўнг қўли билан мени бўйнимдан ушлади ва полга босди. Келажакда бу усулни унинг бошчилигида бир неча бор қайтардим ва кўп марта ишда қўлладим. «Дим-ло» техникаси хужум қилувчининг ҳаракатларини бир зумда тўхта-тиб қолиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу усул «дим-мак» номли барчага таниш техникани эсга солади. Агар бу ҳолатда бобом менга қарши «дим-мак» усулини қўллаганда, мен ўшандаёқ ота-боболаримнинг хузурига жўнаб кетган бўлардим.

Лоусининг бармоқлари бўйнимдан қаттиқ тутганича, бошимни полга тираб турарди. Мен оғзим билан нафас олардим, ўзим эса ўлишни афзал деб билдим. Ҳозирда ортга назар ташлар эканман, ўшанда Лоусининг совуққона тиржайиб турганини, унинг одамни тешиб юборовчи қараши эса том маънода мени пармалаганини эслайман. Назаримда, у мени айнан шундай кўрмоқчи бўлган деб ўйлайман. Чунки менда ўзга юрт яшовчисининг қони борлигига қарамасдан, каминада Су уруғининг руҳи уйғонди, қолаверса, бу Шаолинъ ибодатхонаси жангчиларининг бебаҳо меросига эга бўлиш туйғусининг яққол намунаси эди. Мен ўшанда бобомнинг ғазабини нақадар оғирлигини билдим, менга нисбатан нафратланишнинг ва жирканишининг гувоҳи бўлдим. Бобом сочларимдан ушлади-да, ётоқхонадан мени ҳовлига судради. Йўл-йўлакай устимдаги барча кийимларимни йиртиб ташлаб, аввал ҳеч қачон ва ҳеч кимга кўрсатмаган усулларни намоиш қилиб, машқларни

менда қўлламоқчи эканлигини юзимга тупурикларини сачратиб айтди.

Шундай бўлди ҳам. Бобом мени ўларча қилиб дўппослади ва яланғочимча музлаган ховуздаги сувга сакрашимни буюрди. Ўшанда даҳшатли совуқ қиш кунларининг ярим кечаси эди. Бир неча соатлик оғриқдан сўнг мен ҳушимни йўқотдим. Шифохонада чалажон бўлиб ўзимга келдим. Қаттиқ совуққотган ҳолатда мени шифохонага олиб келишган экан.

Ўша воқеадан кейин менинг юрагим шафқатсизланди ва тошдай қотди. Лоусининг иродасига тўлиқ бўйсуниб, мен ёввойи мустанга, ўргатилган ва фақат ўз хўжайинига бўйсунадиган ҳайвонга ўхшаб қолдим. Мен албатта унга ўхшаган бўламан. Мен бобом билан тенг ҳуқуқли даражада жанг қилишни ўрганганимда, сўзсиз унинг ҳурматини қозонаман. Мен келажақда албатта кучли, мустаҳкам иродали ва жасур жангчи бўламан.

Саккиз ёшга тўлган вақтимда мен ҳақиқий ва тўлақонли шогирд бўлиб қолдим. Янги шогирд сифатида мени мунтазам равишда турлича ва қийин синовлардан ўтказишарди. Эндиликда мен ўзимни тўлиқ равишда кун-фу жанговар санъатига бағишлаганимдан устозим Лоуси беҳад хурсанд эди. Шу пайтдан бошлаб бобом жанг қилиш ўз маҳорат сирларини мен билан ўртоқлаша бошлади. Қолаверса, шу билан бирга мен даосизмнинг келиб чиқишини ўргана бошладим ва шу оқим йўлига кирдим.

Менинг таълим олишим ва техник тайёргарлигим муваффақият билан борган сари олдинга интиларди. Шогирдлар бир кунда саккиз соатдан ортиқроқ машқ қилишлари лозим эди. Машқларда биз ҳар гал янгидан-янги техникаларни ўзлаштириб, жисмоний кучимизни, тезликни, матонатни ва бардош беришни мустаҳкамлаб борардик. Кун тартибига биноан мен вақтимнинг кўп қисмини махсус «Мок-чжун» («ёғоч қўғирчоқ» ёки «ёғоч одам») би-

лан ишлашга ажратардим. Бу оддий иншоот, яъни қурилма бўлиб, у ёғоч устундан ясалган. Устунга турлича қалинликда ва ҳар хил узунликда бўлган қозикчалар қоқилган. Қозикчалар одамларнинг қўлоёқларига ўхшатиб ясалган бўлиб, паст баландликда ва турлича бурчакларда ёғоч устундан чиқиб турарди. «Мок-чжун» одатда махсус корпусга ўрнатилади ёки каттакон пойдеворга қотирилади. Лоуси бизнинг ҳовлимизда ўсган дарахтдан ўзининг «мок чжун»ини яратди.

— «Мок-чжун» ёрдамида сен вазиятни турган жойингда тез аниқлаб оласан, ҳужум бурчагини ва зарбаларнинг узоқлигини мувофиқлаштирасан, — деб ўргатарди мени Лоуси. — Ҳар доим энг фойдали усулларни танлашга ўрган.

Ўшандан бери яқиндан туриб жанг қилишни ўрганишга мен асло вақтимни аямадим. Мен бегуноҳ «мок-чжун»ни қўлларим билан муштлаб, оёқларим билан қаттиқ тепардим.

Лоусининг ўз қўллари билан шаолинъ роҳибларининг анъанавий қуролини яратишини мен соатлаб катта қизиқиш билан кузатиб турардим. Унинг қўл остидан турлича шаклдаги ва катта-кичик ҳажмдаги шамширлар тайёрланиб чиқариларди. Машғулотларнинг режасига биноан мен бу шамширларни ёғ қуйиб, тошда чархлашим керак эди. Буюк уста ҳисобланган бобом ўз қуролларини яратиб, доимо ижодий изланишда бўлган. Кун-фу жанговар санъатини ўрганар эканман, мен, бобомнинг ўқувчиси сифатида аста-секин унинг тажрибаларининг машқини олардим.

Ҳар гал саёҳат вақтида биз бобом билан сифатли қуроллар — лангар, таёқлар ва найзалар тайёрлаш учун керак бўлган дарахтларни излаб топардик. Биз Тибетдаги будда ибодатхоналаридан бирига тез-тез бориб турардик. Ибодатхона жуда кўркам ва сўлим жойда жойлашган бўлиб, атрофида катта-катта тол-

лар ўсарди. Айнан тол шохларидан тўғри лангарлар чиқарди. Лоуси доимо ўзи билан ойболта олиб юрарди. Биз шохларни кесиб, уларни яхшилаб арчардик. Лангарлар етарли даражада маҳкам, шу билан бирга эгилувчан бўлиши керак эди. Уларнинг маҳкамлигини мен синаб кўрардим. Бунинг учун қўлимда лангарни кўтарганимча югурардим, сўнгра лангар билан ерга таянганимча, осмонга кўтариладим. Мен имкон қадар баландроққа ёки узоқроққа сакрашга ҳаракат қилардим.

— Энди диққат билан қара, — деб буйруқ берди Лоуси лангарлардан бирини олиб. Шу лангар ёрдамида менга Шаолинь роҳибларининг жанговар усуллари билан бирини намоёни қилди. Бобом ниҳоятда чаққонлик ва дадиллик билан ҳимоя қилишнинг асосий усуллари билан ўргатди.

— Ўғлим, ёдингда бўлсин, яхши жангчи, авваламбор, ўз диққат-эътиборини ҳимояга қаратиши керак. Сен рақибнинг навбатдаги ҳаракатини доимо олдиндан кўра билишинг лозим.

Биз Шаолинь қуролиларининг ўн саккиз классик турлари билан машқлар ўтказганмиз, шу жумладан, уларнинг орасида тўқмоқлар, найзалар, қиличлар, сешоҳалар ва қамчилар бўлган. Мен шуғулланган тай-чи системаси — бу барча қурооллар билан машқларни ўтказишни ўз ичига олган. Кўплаб жанговар қурооллардан биз кучни ўстириш, тезликни ва эпчилликни кучайтириш, шу билан бирга, бардошни, топқирликни, қўл жангида чаққонликни мустаҳкамлаш учун фойдаланардик. Қўлда қуроол билан машқларни бажариш жуда катта хавф-хатарни намоён қиларди, мен кўпинча жароҳат олардим. Қуноқларнинг бирида Лоуси менга ўртаси арғамчи билан қўшилган икки таёқчани совға қилди.

— Бу оддий нунчаку, — деб тушунтирди у.

Лоуси нунчакуни ўзидан айлантириб, яшин тезликда ва аниқлик билан олдиндан олинган мўл-

жалга ташлашини ва усталик билан нунчакуни бошқаришини мен диққат билан кузатиб турардим.

— Рақибга отилган нунчаку жуда хавфли қурол бўлиши мумкин, — деб огоҳлантирди бобом.

Қўлларимни ўргатиш ва мушакларини мустаҳкамлаш учун мен ҳар куни нунчаку билан машқ қила бошладим. Капалак услубида уни бошим ва қўкракларим узра тезлик билан айлантирардим. Ушбу техниканинг асосий жиҳати — бу қурол билан катта тезликда ҳаракат қилиш лозим. Бунинг устига, имкон қадар одам ўз танасига яқин, албатта ўзига зиён етказмаган ҳолда, нунчакуни ўйнатиши керак. Нунчакуни бошимнинг орқасида айлантириш кўпинча менинг қўлимдан келмасди. Тез орада Лоуси бу қуролнинг янада хавфлироқ вариантини менга кўрсатишни журъат этди — ўлдирадиган нунчаку: занжир билан қўшилган металл таёқчалар.

Келгусида мен жисмоний кучни, маҳорат ва эпчилликни жуда мос дастали кичкина тўқмоқ ёрдамида ривожлантирдим. Бу ўнқиррали тўқмоқлар мустаҳкам металлдан ясалган бўлиб, оғирлиги ҳам кам эмасди. Бу тўқмоқлар билан узоқ вақт жараёнида тинмай машқ қилишга Лоуси мени зўрларди. Баъзида у мени дарёга олиб келарди ва дарёнинг чуқурлигида тай-чи системаси бўйича машқ қилишни давом эттиришимни буюрарди.

— Сувда худди қуруқликдаги сингари ҳаракат қил, — деб бақирарди у соҳилдан, мен сув оқимини энгишга уринганимда. — Ички қувватга диққат-этиборингни қаратгин, атрофингдаги сув йўқ бўлсин, — даъват этарди мени Лоуси, сув шовқинини энгиш мақсадида бақириб. Мен оқимга қарши чиқиб, тезликни пасайтирмасликка ва кучни йўқотмасликка ўз танамни мажбурлардим.

Мен ҳеч қачон Лоусининг буйруқларини шубҳа остига олмаганман. Бобом эса мунтазам равишда

мени чегара ҳолатига қўйиб, кучим ва бардошим борица ҳаракат қилишга ундарди. Машғулотлар пайтида бобом кўпинча ўзимни ёлғиз қолдирарди, аммо мен бобом борлигидаги сингари машқларни ўша тезликда ва ўшандай куч билан бажарардим. Ўз тажрибамдан шуни аниқ билиб олдимки, Лоуси мендан анча йироқда бўлса ҳам, панада беркиниб олиб мени кузатиб туриши мумкин эди.

Бир куни биз уйимиз олдидаги ялангликка чиқдик. Ажойиб баҳор кунларининг бири эди, қуёш нурлари одамга хушёқар, мовий осмон тип-тиниқ, атрофимиз кўкаламзор, у ер-бу ердан қушларнинг сайраши эшитилиб турибди. Бобом менга тўқмоқларни берди-да, машқларни бошлашимни айтди. Мен бутун баданимда қаттиқ оғриқ сезмагунимча, машғулотни тўхтатмадим ва чин дилдан меҳнат қилдим.

— Давом эттир, — деб буйруқ берди Лоуси ва ўз юмушлари билан кетди. Орадан кўп вақт ўтди. Бобомдан ҳануз дарак йўқ эди. Эҳтимол, дарахтлар ортига беркиниб олгандир? Йўқ, суръатни бўшаштирмаслигим керак. Мен соат ўтгани сари тер тўкиб машқларни бажарардим. Зўр бериб ишлаганим учун бутун мушакларим зирқираб оғрирди, кўзларимдан ёшлар оқарди. Лоуси қоронғу тушганда қайтиб келди.

— Энди дам олишинг мумкин, — деди у хотиржамлик билан.

Бобом ҳеч қачон мени мақтамасди ва қўллаб-қувватламасди ҳам. Аммо мен аста-секин унинг ҳурматини ғоятда қозонаётганимни қалбан ҳис қилардим.

Жисмоний таёргарлик менинг шогирдлик вазифамнинг бир қисми эди. Кун-фу жанговар санъатини мукамал эгаллашни истаган ҳар бир кимса кенг билимга эга бўлиши лозим. Мен хаттотликни, чет тилларни, кун-фу тарихини ўргандим ва бо-

лалигимданоқ курт-қумурсқаларни, қушларни ва хайвонларни ўзини тутишини кузатишга жуда кўп вақт ажратганман.

Кунларнинг бирида Лоуси ҳовлига кичикроқ ёғоч қутичани кўтариб чиқди. Бобом бу қутичани жуда бошқача ушлаб турарди, унга тикилганимча, мен кўрқувдан ва ҳайратдан қотиб қолдим... Бобом мени ёнига чорлади, мен унинг ёнига келганимда, қутичадан қисқич билан ...чаёни олди.

— Чаёнинг юришига қара. Диққат билан қара, ҳеч нимани ўтказиб юборма, — деб пичирлади Лоуси. — Чаён ҳар доим зийрак бўлиб туради, у доимо жанг қилишга тайёр. Унга қўл теккизиб, жойидан кўзгатганларни у ёқтирмайди.

Лоуси ўргимчаксимон мавжудотни қисқич билан ўткир халқасимон нишидан тепага кўтарди. Чаён қаршилиқ кўрсатди, ўралиб ҳамла қила бошлади. Бобом уни секингина ўзининг очиқ турган кафтига қўйди.

— Ана энди чаён тинчланди, бироқ қара, у ҳали ҳам олдингидай шайланиб турибди.

Мен эса беихтиёр равишда кўрққанимча чаёнинг ҳаракатларини кузатиб турардим.

— Мен кафтимни доимо очиқ, тўғридан тўғри тутиб туришим керак. Бироқ шуни эсингдан чиқармагинки, — дерди бобом ҳануз мени огоҳлантириб, — қўлнинг ўз кучи мавжуд. Чаён бу кучни ҳис этмаслиги керак.

Мен қоқилган қозикдай ҳамон жойимда қотиб турардим.

— Ҳозир шабада эсиб турибди. Қара, чаён сен томондан ҳеч қандай хавф-хатарни сезмаслиги керак, сен шабада эсишига қараб ҳаракат қилишинг лозим... — деб ўргатарди бобом.

Бобом яна бир неча сония чаёни тутиб турди, сўнгра бир чертиш билан ерга ташлади. Мен шу заҳотиёқ четга қочдим ва юзим қизариб кетганини сездим.

Бобом ўргимчасимон мавжудотни қисқич билан олиб яна қутичага солди.

— Сен қўлингни узат, — буйруқ берди бобом.

Мен у айтгандай қилдим, лекин қўлим билинар-билинемас қалтирарди.

— Энди нафас олишингга диққат қил. Юрак уришини секинлаштир ва тинчлангин, ана шунда терламайсан ва қалтирамайсан. Қўлингдаги чаён юрагингни уришини ҳам, қўлингнинг намлигини ҳам ҳис этмаслиги керак.

Мен ўзимни босиб олдим ва нафас олишимни секинлаштирдим. Бу кўникма менинг қон-қонимга сингиб кетди, менинг иккинчи табиатимга айланди. Нафас олишни бошқариб, мен бутун вужудимни бошқаришни ўрганиб олдим. Шунинг учун ҳам эндиликда мен бемалол танамдаги оғриқларни йўқотиб, тана ҳароратини эркин равишда ўзгартиришга муяссар бўлдим. Нафас олишни секинлаштирганимдан кейин, қўрқув йўқолганлигини мен ҳис қилдим.

Лоуси қутини очар экан, менга насиҳат қилди:

— Чаёнга қўшилиб кетгин. Ўзингнинг «мен»ингдан воз кеч. Чаёнга айлан. Чаён энди қандай ҳаракат қилишини ўйла! У нимани кўряпти? Чаён нималарни ҳис қиляпти?

Устозим менинг кафтимга бўғиноёқли мавжудотни секингина қўйди, мен то тегишли бўлган ҳолатга киргунимга қадар, бобом мендан кўзларини узмади. Мен қимир этмай жойимда турардим, аммо ҳовлида нималар содир бўлаётганини диққат билан кузатардим. Бирдан шамолнинг эсиши ёки кутилмаган шовқин чаённи безовта қилиши мумкин эди, бу эса мен учун ўлим билан баробар бўлади. Ўшанда менинг устозим бундай синовдан мени халос этишини қанчалик хоҳлаган эдим-а! Ва ниҳоят бобом керакли командани берганда, мен яшин тезлигида бўғиноёқли мавжудотдан қутулдим. Устозим менга қараб жилмайди.

Бизнинг ҳовлимизда бешиктерватарлар* яшарди. Лоуси менга тинмай, бир неча соатлаб уларнинг ҳаракатларини кузатишни буюрарди. Мен уларга ҳам тақлид қилишни ўрганиб олдим.

— Танлан-цюань — бешиктерватар услуби ҳисобланиб, император Мин авлоди мамлакатни бошқарган пайтда, Хитойнинг шимолида ишлаб чиқилган, — деди Лоуси кунларнинг бирида, биз у билан «бешиктерватар» услубини ўрганаётганимизда.

Кун-фу жанговар санъатининг ҳар қандай услубини менга ўргатганда, бобом шу услуб билан боғлиқ бўлган бирор бир қизиқарли ҳодисани, эртакни ёки ривоятларни сўзлаб берарди.

— Айтишларича, бешиктерватар услубининг асосчиси Ван Лан исмли жасур ва моҳир жангчи бўлган экан; у Шаньдун қишлоғида тўрт аср олдин яшаган экан, — гапини давом эттирди Лоуси. — Ривоят қилинишича, у туғилиб ўсган жойларидан кун-фу жанговар санъатини эгаллаш учун Хэнань ибодатхонасига йўл олибди. Аммо бу ибодатхонадаги тай-ёргарлик жараёни унинг ҳафсаласини пир қилибди. Кунларнинг бирида у беҳосдан бешиктерватар билан саратон — бешиктерватардан анчагина катта бўлган чирилдоқ ҳашарот жангининг гувоҳи бўлиб қолибди. Жанг тугаб, бешиктерватар ғолиб бўлгандан кейин Ван Лан ҳашаротни ибодатхонага келтирибди ва унинг жилвали ҳаракатларини ва қилиқларини яхшилаб ўрганиб чиқибди. У ўзининг янги изланишлари натижаларини ўзидаги олдинги тадқиқотлар —

* Бешиктерватар — бешик каби тебранадиған, тўғри қанотли йиртқич ҳашарот, олдинги оёқлари жуда узун бўлиб, ўлжани тутиб олиш учун учли, ўткир тирноқлар билан қуролланган. Ҳашаротнинг боши ниҳоятда айланувчан бўлиб, кўзланган ўлжа ҳаракатларини кузатишга имкон беради. Бешиктерватарлар ўз ўлжаларини олдинги икки узун оёқларини кўтарган ҳолда пойлайдилар (бешик каби тебранганлари учун уларга «бешиктерватарлар» деб ном берилган).

маймун оёқларининг алдовчи қилиқларига тақлид қилишга бағишланган ишлари билан солиштирибди ва натижада, бешиктерватарнинг шимолий услубига асос солибди.

Бу ривоятни ҳикоя қилиб бергач, Лоуси менга танлан-цюань услубини ўргата бошлади.

— Бешиктерватар услубидаги асосий жанговар усул — бу қисқа, тезлик билан ён тарафдан амалга ошириладиган зарба, — деди бобом менинг панжаларимни бу йирқич ҳашаротнинг оёқлари шаклида ташлар экан. — Сенга ҳужум қилиш, қуршаб олиш ёки зарбани қайтариш зарур бўлганда, бу усулдан фойдалангин.

Сўнгра бобом «слива мэйхуа мушти» услубидаги баъзи бир ҳаракатлар услубини кўрсатди. Бу услуб бешиктерватар услубининг бир тури эди. Устозим усулни шундай тезлик билан амалга оширдик, унинг муштлари беш поғонали стаккато дўппослаганда, мен киприк қоқишга ҳам улгурмадим.

— Бешиктерватарнинг афзалликларини эслаб қолгин — бу унинг совуққонлиги, матонати ва қатъийлигидир. Бешиктерватарнинг ҳаракатлари ниҳоятда ҳисоб-китобли ва эффектив. Бешиктерватар ғалаба қозониш учун баъзида чекиниш тактик усулини қўллайди. Шунинг учун бешиктерватар услубида ҳужумга эмас, кўпинча ҳимояга кўпроқ эътибор қаратилади, — деди Лоуси.

— Амалдаги жангда танлан-цюаньдан шундай фойдаланиш даркор: рақибнинг қўлини қаттиқ тутамиз ва ўзимизга тортамыз. Сўнг ён тарафдан кириб, эгилтирилган қўлини унинг тирсак бўғинининг тагига тираймиз. Қўлдан таяниш нуқтаси сифатида фойдаланиб, ён тарафдан қисқача зарба берамыз. Шундай қилиб қарабсизки, рақибнинг тирсаги синган.

Бу шиддатли усулни бобом тушунтирар экан, у бешиктерватарнинг узун тирноқли оёқлари сингари бармоқларини эгиб, ёнида турган дарахтнинг кат-

та шоҳини узиб олди ва кескин зарба билан уни синдирди.

Лоусининг кун-фу жанговар санъатининг сеvimли усулларидан бири — бу илоннинг жанубий усули ҳисобланган. Бу усулни ўрганиш, бошқа усулларга қараганда қийинроқ, қолаверса, бу усул хавфли техникалардан биридир. Нозик жойларга — юзга, томоққа ва жинсий аъзоларга зарба бериш. Бу ерда зарба бармоқ учлари билан, безовталанган кобра, питон ва заҳарли қора илонларга тақлид қилингандай, яшин тезлигида етказилади.

— Илон ўз ўлжасини чақиб, ўлим билан якунланадиган жароҳат етказди, — деди менга Лоуси. — У сенга заҳар томиб турадиган ўткир тишини санчади — бу унинг шоҳона номери.

Лоуси менинг кўрсаткич ва ўрта бармоқларимни тўғрилаб, қолганларини мушт қилди.

— Сенинг мақсадинг — асосий қон томирлар ва артериялар, — деди у ва бурнимнинг тагида «қўлнайза» зарбасининг техникасини кўрсатди. Сўнгра тезлик билан қўлимдан ушлаб, катта бармоғимни менинг кафтимга босди.

— Бу ҳолатда, худди кобрадаги сингари, динамик кескинлик сақланиб қолади, — деди бобом. — Чунки кобра, авваламбор, энг нозик жойларни — асосий нерв системасини ва муҳим артерияларни нишонга олади.

Ундан кейин, Лоуси судралиб юрувчи питон қандай қилиб ўлжани қўлга киритиши ҳақида сўзлади: питон ўз ўлжасини қаттиқ тишлаб, ўз танаси билан халқасимон равишда ўраб олиб, уни сиқиб ўлдирар экан.

— Ҳаракатларнинг тезлигидан ташқари, питон ниҳоятда қатъиятли ҳайвондир, — деб огоҳлантирди мени устоз. — Агар у ўлжага бир ҳамла қилган бўлса, то ўз мақсадига етмагунча, ўлжани бошқа қўйиб юбормайди.

— Демак, питон «дим-мак» техникаси асосида ҳаракат қилар экан-да? — сўрадим мен.

— Мутлақо тўғри. Илон усули учун асосийси — ци ҳаётий қувватининг концентрацияси, — деб гапини давом эттирди Лоуси. — Илоннинг ўраб олувчи ва ўлдирувчи ҳаракатларига тақлид қилиш учун ёки илонники сингари тананг пўлат пружинага ўхшаши учун, биринчи навбатда, сен цини зудлик билан тананинг бир қисмидан иккинчи қисмига олиб ўтишни ўрганишинг лозим. Ўз танангдаги ци оқимини бошқара олибгина, сен чинакамига илон усулини эгаллаб олишинг мумкин.

Бир куни биз бобом билан уйимизнинг орқасида жойлашган ўрмондан кетаётганимизда, менга ўрмон ичидаги буталар орасидан қандайдир жонивор югуриб ўтгандай туюлди. Машғулотлар жараёнида ҳар қандай вақтда ҳушёр туришга мен ўрганиб қолганман, худди шу пайт автоматик равишда менинг экстрасенсорлик қобилиятим улашиб кетди.

— Бу оқ йўлбарс, — деди хўжайиним, худди менинг ўйлаган фикрларимни ўқигандай. У хотиржамликни сақлаган ҳолда йўлдан боришни давом эттирди. — Йўлбарс тоғда яшайди. Сўнгги бир ярим километр масофани у бизнинг кетимиздан босиб ўтган. Сен энди билдингми?

Биз йўлимизни давом эттирдик, Лоуси мен билан оқ йўлбарс ҳақида гаплашди: унинг қандай яшаши, қандай юриши, ўлжани қандай таъқиб қилиши ҳақида. Биз яна бирозгина йўл юрдик, сўнгра дарахтга чиқиб олдик.

— Энди диққат билан назорат қил. Изғий-изғий, у бизнинг рўпарамиздан чиқади. Ахир, оқ йўлбарслар ниҳоятда қизиқувчан бўлади, — деди Лоуси.

Биз дарахтда йўлбарсни кутганимизча жуда узоқ ўтирдик. Ва ниҳоят ўтлоқда ажойиб гўзалликка ва латофатга эга бўлган кўркем жонивор кўринди.

— У бизнинг шу ердалигимизни биладими? — сўрадим мен.

— Албатта. Масала бошқа нарсада — энди у қандай йўл тутди? Унинг қандай ҳаракат қилишини диққат билан кузатгин. Унинг қорни очмикан? Ёки йўлбарс бирозгина кўнгил очмоқчими?

Йўлбарс аста-секинлик билан буталар орасидан беркиниб келар экан, мен кўзимни ундан узмадим.

— Унинг аччиғи чиқмаяпти, шекилли, — дедим мен. Менинг пичирлашимни эшитиб, жонивор оғзини катта очиб эснади ва папортниклар орасида ерга чўзилиб ётиб олди. — Унинг умуман қорни оч эмас... — дедим мен енгил тортиб.

— Сен ҳақсан, аммо қарагин-а, у ҳар доим зийрак, ҳамла қилишга шайланиб туради. Йўлбарс қулоқларини дик қилиб, бизнинг гапларимизни эшитиб турибди ва шабада у тарафга эсганда, бизнинг ҳидимизни пайқамокда. Бироқ биз унга ҳеч қандай ҳавф-хатар етказмаймиз, шунинг учун ҳам у хотир-жам.

Мен бу жонивордан кўзимни узолмас эдим, қотганимча, унинг ажойиб қалин жунига, танасидаги такрорланмас чизиқларга ва ҳар дақиқада ташқарига чиқиб, биринма-кетин зарба беришга ва сакраб ўзини четга олишга тайёр турган унинг куч-қудратига завқланиб қараб турардим.

Кейинги кунларда биз кўпинча бу оқ йўлбарснинг изларига дуч келардик. У ҳеч қачон аҳоли яшайдиган жойларга яқинлашмасди, аммо кўпинча тоғ ён бағрида жойлашган ўрмонга тушиб келарди. Баъзида, унинг диққатини жалб қилиш учун, бобом йўлбарсга янги сўйилган буқанинг гўштини олиб келарди. Ўша вақтдан бошлаб мен бу жониворнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилишни ўргана бошладим.

— Фақатгина унинг қандай ҳаракат қилишини эмас, балки унинг нафас олишини, фикр юритишини ўрган, — деди Лоуси. — Сен худди йўлбарс каби

ўйлашни ва ҳаракат қилишни ўрганишинг керак. Ана ўшандагина сен йўлбарс усулини эгаллаб оласан.

Бир куни биз оқ йўлбарсни ўрмоннинг яланглигида кўриб қолдик. У бу ерга кўпинча ўйнаб, ҳордиқ чиқаргани келарди. Биз унга атайлаб шамол эсмайдиган томондан яқинлашиб бордик, токи у бизни олдинроқ сезиб қочиб қолмаслиги учун. Биз унга етарли даражада яқинлашганимизда, йўлбарс уйқудан уйғонгандай, истар-истамас эснади ва бизга салом бергандай, думини қимирлатиб қўйди. Лоуси шу заҳотиёқ баланд дарахтга чиқиб олди. Менинг бобом сингари ҳеч ким чаққонлик билан дарахтга чиқа олмас эди. Мен ҳам унинг кетидан дарахтга чиқаётганимда, бобом мени тўхтатиб қолди.

— Йўлбарс томон бор, — деди у пичирлаб.

Ҳа, биз кўп ҳафталар мобайнида йўлбарсни кузатиб юрдик, қолаверса, унга имкон қадар яқин масофада бўлдик. Бироқ, йўлбарс — бу жуда хавфли, ваҳший ва йирқич ҳайвон эканлигини мен яхши тушунардим. У бир лаҳзада мени парча-парча қилиб ташлаши мумкин эди.

— У сени яхши танийди. Сен йўлбарснинг балаларидан бири сингари унга яқинлаш. Кичкинагина йўлбарсчага айлангин. Қўрқувни кўнглингдан чиқариб ташла, акс ҳолда у сенга ҳужум қилади ва сен ҳалок бўласан, — деб менга амр берди Лоуси.

Мен нафасимни ростлаб олдим ва ҳаракат қилишга шайландим. Мен секинлик билан қўлимдаги таёқни ерга қўйдим, қўлларимни пастга тушириб, охишта йўлбарсга яқинлаша бошладим. «У мен томондан ҳеч қандай хавф-хатарни сезмаслиги керак, — деб юпатардим ўзимни ўзим. — Фақат ерга қараб боришим лозим... унга тик боқмаслигим керак. Йўлбарс мени тинч ва беозор жонивор деб ҳисоблаши керак».

Оқ йўлбарсни эркинликда кўриш бахтига муяссар бўлиш дунёда ҳамма одамга ҳам насиб қилавермайди. Ўша куни ёввойи йирқич ҳайвон оёқларини узатган-

ча, қалин жун босган каттакон бошини оёқларига қўйиб ётарди. Мен уни оддий уй мушуги сингари қулоқларининг орқаларини силаб, эркалатдим. Мен ўз ҳукмдорим — бобомга қараб жилмайдим. Шу вақт устозим тарафидан шоҳнинг тирсиллаб сингани эшитилди. Мен бир лаҳзада диққат-эътиборимни сусайтирдим ва чўчиб кетганимдан қўлимни йўлбарсдан кескин тортиб олдим. Йўлбарс шу заҳотиёқ қарши таъсир кўрсатиб, мени бир оёғи билан туртиб юборди. Вожабо, менинг танамни йўлбарс бурда-бурда қилиб ташламасидан мен ўзимни четга олдим. Энди менинг жойимдан қимирлаганимни кўрган йирқич бошқа оёғи билан зарба бериш мақсадида, ўзининг ҳолатини ўзгартирди. У астагина ўрнидан тура бошлади. Ҳа, унинг эндиги ҳаракати мен учун ҳалокатли тугаши мумкинлигини тушундим. Менинг ҳаётим ўз қўлимда эди, ўзимдан бошқа менга ҳеч ким ва ҳеч нарсa ёрдам беролмас эди. Ўзимни қўлга олишим лозим. Ҳайвоннинг кўзларига тик қарамаслигим керак. Шунингдек, ўзини сақлашнинг табиий инстинктини енгиб, қочиб кетмаслигим даркор. Акс ҳолда йўлбарс шу заҳотиёқ менга ташланади. Қочиб кетиш ўрнига, бошида мен йўлбарсга қандай яқинлашган бўлсам, шундай итоатли, ювош кўринишда қотиб қолдим. Кўзларимни пастга туширганимча, мен йўлбарснинг оёқларини кузата бошладим, шу пайтда эса у менга диққат билан қараб турарди. Йўлбарс ўрнидан қўзғалмади. Мен секингина орқага бир қадам қўйганимда эса, у яна ётиб олди.

Лоуси менга эгилиб таъзим қилди. Ҳаётимда биринчи бор у менга шундай иззат-икром кўрсатди.

— Сен синчков ва қобилиятли бола экансан... — деди у ва ўша пайтдан бошлаб мени «Ло Фу Цзай», яъни «Кичкина йўлбарсча» деб атай бошлади.

Жониворларнинг ҳатти-ҳаракатларини ва қилиқларини кузатган ҳайвонлардан менга ниҳоятда йўл-

барс ёқди. Ва албатта, мен йўлбарс усулига қизиқиб кетдим. Кун-фу жанговар санъатида ушбу усулдан авваламбор суякларни, мушакларни ва пайларни мустаҳкамлаш учун фойдаланилган. Бу усулнинг қисқа, шиддатли ҳаракатлари куч ва қудрат жиҳатдан фарқланади. Аслида, йўлбарс табиатан урушқоқ ҳайвон ҳисобланмайди, мабодо у бурчакка қисиб қўйилгудек бўлса, унинг қаҳр-ғазабидан асло қочиб қутилиб ҳам бўлмайди. Қўл жангида йўлбарс усулидан фойдаланувчи жангчи жон-жаҳди билан ва шиддатли курашади. «Йўлбарс панжаси» позицияси бу усулда қуроолланган рақиб билан қуроолсиз жанг қилишда жуда қўл келади. Ҳужум қилувчининг қуролини қўл билан қайтариб ёки унга қақшатқич зарба беришга йўл қўймай, кун-фу жангчиси ўз рақибини унинг барча имтиёзларидан маҳрум қилади.

Бир куни эрталаб — мен ўшанда ўн ёшда эдим — Лоуси мени яна бир ўрмонга бошлади. Кун ҳали жуда вақтли бўлиб, эндигина тонг ёришаётган эди. Одатга кўра, йўл-йўлакай биз барча ҳайвонларга тақлид қилиб кетардик. Шундай қилиб, бир неча километр йўлни ҳам босиб ўтдик. Аммо бу галги сафаримизни биз менга номаълум, янги маршрут орқали бўлди. Йўлнинг охирида биз икки катта дарахт ўртасига арқон билан қотирилиб осилган ёғоч платформага дуч келдик. Саккизбурчак шаклдаги бу платформа кўндалангига бир ярим метрча бўлиб, унинг паст тарафидан бир хил узунликда пўлатдан ясалган юзлаб ўткир ва учли қозиқлар чиқиб турарди. Ёғоч платформа тагидаги ернинг топталганлигини кўрганнимда, менинг томоғим қуриб, қақшаб кетди. Мени ваҳима босди.

— Платформа тагига тур, — деб буйруқ берди менга Лоуси.

Ҳар доимгидек, мен унинг буйруғига сўзсиз бўйсундим. Платформа тагидаги жойни эгаллар экан-

ман, мен кўрқинчли, эрта тонгдаги кўёш нурларида ялтираб турувчи ўткир қозикларга кўзимни ўзмай тикилдим.

— Сакрашга тайёр турган йўлбарснинг ҳолатини эгалла.

Мен тўрт оёқлаб, қуйи ҳолатни эгалладим, бобом эса платформа тортилган арқонни бўшата бошлади. Платформани шунчалик паст туширдик, мен билан платформа орасида чамаси бир сантиметрча жой қолди.

— Энди яна ҳам пастроққа чўк, сонларинг ерга параллел равишда турсин.

Мен итоат этдим.

— Бу йўлбарснинг узала тушиб ётган ҳолати, — деб тушунтирди Лоуси. — Бу ҳолатдан жанг қилиш учун фойдаланилмайди, бироқ бу ҳолат оёқларингнинг мушакларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. — Шуларни айтгач, устоз платформани янада пастроққа туширди. — Кўтарила кўрма, — деди у ва уй томонга қараб жўнаб кетди.

Мен бу ҳолатда бир умр тургандай бўлдим. Тонг ҳам анчагина ёришиб қолди. Мендан тер жала каби оқарди. Кун жазирамасигача ҳали анча вақт бор эди. Оғрикдан оёқларимнинг томири тортишиб, увушим қолганди. Аммо тепамдан осилиб турган платформанинг ўткир қозиклари олдидаги кўрқув қимирлашга ҳам имкон бермасди. Шу фурсатда эндигина Лоуси ҳақида ўйлаган эдим, у ердан чиққан кўзиқориндай ёнимда пайдо бўлди. Лоуси платформани айланиб чиқиб, менинг турган ҳолатимни кўздан кечирди. Мен зўрға турганимни у кўрди. Тер ва кўз ёшларим юзларимдан оқиб тушарди.

— Энди позицияни енгиллатишинг мумкин — бир оёғингни олдинга узатгин, — деди у менга. Ниҳоятда қийинчилик бир оёғимни олдинга узатдим, лекин шундан кейин ҳақиқатдан ҳам бирозгина енгил тортдим, ҳар ҳолда, оёғим томир тортмай қолди.

— Бу ҳолат «камон ва ёй» деб аталади, — деди Лоуси. — Қара, сенинг бир оёғинг жанговар камон сингари букилиб, таранг қилиб тортилган, узатилган иккинчи оёғинг эса, ерга тиралиб, камон ўқи сингари тўғри турибди.

Бу қўрқинчли платформа ёрдамида Лоуси мени кўплаб қуйи ҳолатларда туришни ўргатди. Уларнинг ҳар бири йўлбарс усулининг у ёки бу турини намоён этади. Менинг кундалик машғулотларим мунтазам равишда ўтириб туришни, пастга тушиб тепаликларга кўтарилишни, югуриб сакрашни, шунингдек, «камон ва ёй» ҳолатидан «хужум қилувчи мушук» ҳолатига, ундан кейин айланиб туриб «от» ҳолатини бажаришни ўз ичига олган. Узоқ ойлар мобайнида платформа тагидаги бажарган машғулотларим туфайли мен қуйи ҳолатлардаги позицияларни ўзгартиришни ўрганиб қолдим, бунинг натижасида менинг оёқларимнинг мушаклари шунчалик мустаҳкамландики, оёқларим пўлат каби қаттиқ бўлиб кетди. Лоуси кўл остида ўтказилган бу машғулотларнинг ниҳоясида қўлларим ҳам чидамли, кучли ва бақувват қўлларга айланди. Лоусининг машқлари ўзи шундоқ ҳам жуда оғир ва шафқатсиз эди. Бунинг устига мен оёқларимга тиралиб, эгилганимча платформа тагида зўрға узоқ вақтларни ўтказганимда, булар камлик қилгандай, қўлларимни катта ва оғир тошлар билан эзиб қўярди. Оғриққа чидаб бўлмас эди, аммо мен унга бўйсуниб, унинг барча айтганларини бажаришим керак эди.

Бироз вақт ўтгандан кейин бундай ҳолатлар мен учун шунчалик оддий бўлиб кетдики, мен уларни ўйланмай, автоматик тарзда бемалол бажарар эдим. Вақти-вақти билан Лоуси менга турлича синовлардан ўтишни буюрарди. Бир куни кечаси мен ухлаб ётган эканман. У билинтирмай ётоқхонамга кириб келиб, устимдан бир челақ совуқ сувни қуйиб юборди. Мен шу заҳотиёқ уйғониб кетдим, нима юз бер-

ганини тушунмай ўрнимдан сапчиб туриб, «от» жанговар ҳолатини эгалладим. Бироқ мен нотўғри ҳолатни қабул қилганимни кўриб, Лоуси мени бақариб сўқди.

— Мана бу елкангни олдинга чиқаришинг керак эди, — деб бақирди у ва мушт билан оғзимга туширди. Лабларим ёрилиб қонаб кетди. Кейин бошқача оҳангда ҳовлида тақлид қилиш машқларига тайёрланишимни буюрди.

Кунларнинг бирида Лоуси саватдан кўринишидан қимматбаҳо бўлган сиёҳдонни, футлярда мис перолар тўпламини ва тоза оппоқ қоғозни олди.

— «Йўлбарс» жанговар ҳолати ҳақида нималарни ўрганган бўлсанг ёки билсанг, шуларнинг ҳаммасини ушбу қоғозга ёзиб беришингни хоҳлайман.

Ушбу топшириқ туфайли мен оғир жисмоний машқлардан бирозгина дам оладиган бўлдим. Эрта саҳардан кун ботгунча ёзиш билан машғул бўлсам-да, бирозгина дам олиб ҳордиқ чиқаришни кўпдан бери кутиб юардим.

Уйимизнинг ҳовлиси менинг кўзимга доимо қийноқ ва азоб-уқубатлар жойи бўлиб кўринарди. Аммо ўша куни бир ўзим тақлид қилиш машқларини бажараётганимда, бу ҳовли жуда шинам ва чиройли эканлигини пайқадим. Шундоққина рўпарамда, ҳовлининг узоқ деворида жойлашган «ой дарвозалари» тепасидан Совуқ тоғлар, хитойча Ханьшань Си номли тоғларнинг жанубий тизмалари кўриниб турарди. Куёш нурларидан кўзларимни қисиб, узоқдаги монастирнинг ғира-шира тасвирини кўрдим. Монастир кассия, донли экинзор бағрида жойлашганди. Тепамдаги деворларда периметр бўйлаб ва томларда рақсга тушганча, мифик ҳайвонлар қотиб қолган. Шундай имконият пайдо бўлганда, мен ҳар доим маҳлиё бўлиб уларга қарардим. Кейинроқ билдимки, ҳайвонларнинг бу ҳайкалчалари турлича ёвуз руҳлардан уйларни кўриқлар эканлар.

Кўплаб хитойликлар сингари, менинг қариндош-уруғларим ҳам ниҳоятда хурофотга берилган эдилар, лекин кун-фу жанговар санъати ҳар қандай қўрқувни енгишга қодир бўлган эътиқодни менга инъом қилди.

— Сенинг ичингдаги худодан ташқари, ҳеч қандай худолар мавжуд эмас, — деб доимо қайта-қайта огоҳлантирарди мени Лоуси. — Ўз қўрқувингни енгиш учун ци қувватидан фойдалангин.

Лоуси мендаги ҳар қандай қўрқувни, бунинг устига ғайритабиий тарзда қувиб чиқаришни билар эди. Кунларнинг бирида биз тоққа кўтарилдик. Бир неча кун деганда, тоғ чўққисига етиб келдик. Даҳшатли ва қаттиқ шамол ғувиллаб, ёмғир қуярди, аммо Лоуси менга шу заҳотиёқ машқларни бошлашни буюрди. Хаёлни бир жойга жамлаш жуда қийин эди: кучли ва шиддатли шамол эғнимдаги юпқагина кийимимни узиб оларди ва мени ҳар дақиқада чўққидан чуқур жарликка ташлаб юбориши мумкин эди.

Юқоридаги саёҳатдан кейин Лоуси мени жуда кўплаб мусобақаларга олиб борадиган бўлди. Биз континентал Хитой ҳудудида жойлашган турлича ибодатхоналарни зиёрат қилдик. Бизнинг сафаримиз шимоли-шарқдаги Шаньдун ва Тангугача, сўнгра Ланьчжоу ва Чэнду орқали ғарбдаги Тибетгача давом этди. Баъзида биз Покистонгача етиб борардик. Мени бедардликка ўргатишарди, турлича ҳис-ҳаяжонларни босишга ундашарди. Бироқ ҳар сафар биз Гонконгга бўлганимизда, мен завқ-шавқимни зўрға тутиб турардим. Бу XX аср 70-йилларининг охири эди, оролдаги ҳаёт жўш уриб қайнарди. Спорт автомобиллари, ғарб бичимидаги ажойиб қимматбаҳо кийимлардаги одамлар, ёрқин неон рекламалар ва ҳамма жойда янграётган мусиқа менинг нигоҳимни жалб этди.

Гонконгга менинг биринчи сафаримнинг мақсади куматайни кўриш эди. Гарчанд куматай — бу нолегал мусобақа бўлса-да, Гонконгга бошқа томошабин-

лар қаторида полициячилар ва яна бошқа мансабдор шахслар ҳам дов тикар эдилар.

— Бу ерда эркин усулда ва тўлиқ контактда, яъни жиддийчасига — жангчи жон бергунча мусобақалар давом этади. Жанговар санъатнинг турлича тармоқларида амалиёт ўтаётган жангчилар бу ерда таваккалига бир-бирлари билан яккама якка кураш олиб борадилар, — деб менга тушунтира кетди Лоуси, биз аренада ўз жойимизни эгаллаганимиздан кейин.

Бу мусобақалар (ва у ерда ҳукм сураётган муҳит) мен бориб кўришга улгурган бошқа мусобақалардан кескин фарқ қиларди. Бундай мусобақаларни мен биринчи бор кўришим эди.

— Қонхўр ҳайвонлар... — деди бобом, мен қутурган оломонга қараганимни сезиб. — Ҳар гал жангчилар ўлгунча олишганларида, шундай ҳолат юз беради.

Лоуси бир эмас, бир неча бор куматай жангларида иштирок этганидан мен хабардор эдим.

— Шундай кун келадики, сен албатта бундай жангларда голиб чиқасан, — деб башорат қилди бобом. У ҳақ эканлигига менинг ишончим комил эди.

4 боб

Мен ўн икки ёшга тўлганимда, бобом мени Англияга қайтариб юбориш кераклигини айтди. Ота-онамни кўришга муяссар бўлишимни ўйлаганимда, мен ниҳоятда ҳаяжонландим, бунинг устига мени қўрқув ҳам босди. Аэропортга йўл олаётганимизда, биз Лоуси иккимиз узоқ жим кетдик. Ҳар биримиз ўз фикри-ҳаёлимиз билан банд эдик. Биз аэропортга етиб келганимизда, бобом Лондонда менинг кун-фуни ўрганишни давом эттиришим кераклигини айтди.

— Мен Женевадаги кун-фу Халқаро федерацияси билан гаплашдим. Сенга бирор устозни белгилашди ва сен учун таълим олиш пулини тўлашади, — деб қўшиб қўйди у. Арава тўхтади. — Мен сенинг муваффақиятларингни кузатиб бораман. Кейин бироз вақт ўтгач, сен бу ерга қайтиб келасан.

Шундай деб, у таъзим қилди ва орқасига қайтиб кетди.

Самолёт тепага қўтарилганда, энди яқин келажакда мени нималар кутаётганлиги ҳақида ўйлай бошладим. Хитойда яшаган саккиз йиллик ҳаётим давомида мен бир неча бор ота-онамни кўриб кетишга келганман. Баъзида мен уларникида, яъни ота-онамнинг уйида бир неча ойлаб қолиб кетардим. Серҳаракат ва гавжум Лондон доим менга олам-олам қувонч бахш этиб, мени ўзига маҳлиё этарди. Мен ўйинчоқларга тўла магазинларни, Трафальгар майдонида оси-

либ турувчи панкларни, икки қаватли автобусларни ва Пикадиллининг ярқираб турган ранг-баранг чироқларини яхши кўрардим. Бироқ ота-онамнинг уйида яшаш мен учун осон эмасди. Улар Хитой ҳақида асло эшитишни хоҳлашмасди. Аввалам бор, бу гап онамга тегишли эди: онам ўзини худди менинг ҳаётимда ҳеч қандай Хитой бўлмагандай тутарди. Менинг ҳузуримда онам ҳар доим ўзини ноқулай сезарди. Биз иккимиз умуман гаплашмасдик. Бутун вужудим билан ва сидқидилдан инглиз тилини ўрганишим ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Кантон диалекти тез орада менинг она тилимга айланди. Шубҳасиз, онам ҳам ўз ота-онасининг тилини билган, аммо мен ҳеч қачон бу ҳақда онамдан қизиқиб сўрамаганман. Менинг оиламдаги кўп ҳодисалар мен учун жумбоқлигича қолди.

Самолётда ўриндиққа яхшигина ўрнашиб олиб, мен сўнгги марта Англияга борганимни эслай бошладим. Ўшанда мен тўққиз ёшда эдим. Кунларнинг бирида мен онам билан супермаркетга бордим. Одатдагидай, онам аравагани турли ширинликларга ва бакалеяга тўлдирди. Онам бир пакет креветкани араваганинг тагидаги сумкачасига беркитганини кўриб қолдим.

— Она, креветкаларни кўрсатиш сизнинг эсингиздан чиқди, — дедим мен онамга, у олинган нарсаларни пулини кассирга тўлаш учун столнинг устига қўйганда.

— Вой эсим курсин! Қаранг-а, креветка ҳам олганим ҳам ёдимдан кўтарилибди! — деди онам уялганича бир пакет креветкани сумкасидан чиқариб. Кармонидан қўшимча пул олиб креветка учун узатди.

— Ҳавотирланманг, — деди ёшгина сотувчи қиз. — Ҳамма ҳам янглишиши мумкин.

Биз магазиндан чиққанимизда онамнинг кайфияти йўқлигини сездим. Унинг қарашида менга нисбатан қаҳр-ғазаб борлигини сездим. Аммо мен она-

мнинг бундай ёвуз қарашларига кўникиб кетганман. Хўп, бу сафар мен қандай ёмонлик қилганимни тушунмасдим. Нима бўлганда ҳам, мен жим туришим керак эди.

Агар бу ҳолат бир неча кун ўтгандан кейин яна такрорланмаганда, эҳтимол, креветкалар билан бўлиб ўтган воқеани мен асло эсламасдим. Бу сафар онам қимматбаҳо конфетларни ўғирламоқчи бўлди. Кассага навбат кутиб турганимизда, онам бир коробка шоколадни аравачадан олиб, пальтосининг кенгengi ичига беркитиб олди.

— Ойи, ундай қилманг... — деб эндигина гап бошлагандим, шу заҳотиёқ тилимни тишлашимга тўғри келди. Онамнинг қаҳли ва ғазабли қараши менинг сўзларимдан устун келди.

Буларни эслаш мен учун оғир эди, шунинг учун бахтли лаҳзаларни эслашга уриндим. Хаёллар мени Эджевердаги катта уйда яшаган давримизга қайтариб олиб кетди. Отам қўли гул уста бўлган. У телевизорларни тузатарди. Яхши ишлагани учун унинг мижозлари кўп бўларди. Бир куни отам кечқурун ишдан уйга қайтиб келганда, мен хушчақчоқ кулги ва хурсандчиликдан бақириқ-чақириқни эшитдим. Дадамнинг мижозларидан бири у билан ҳисоб-китоб қилибди. Мижоз отамга каттагина пулни нақд берибди, қолаверса, пул миқдори ҳам анчагина экан. Отам уйга кириб келгач, даста-даста пулларни уйга сочди. Хурсандчиликдан боши айланган онам полдан пулларни йиға бошлади. Отам онамнинг белидан ушлаб, иккаласи хонада рақс тушдилар. Бу рақсни кўрганимдан кейин, менинг ҳам кайфиятим ниҳоятда кўтарилиб кетди. Оиламиздаги кам учрайдиган бахтли онлардан бири шундай бўлган ва бу кун менинг хотирамда шундайлигича сақланиб қолган.

Самолётга ўтирганимга ҳам бир неча соат бўлди. Мен самолёт моторларининг тинмай гувиллаши-

га қулоқ солдим. Ва ниҳоят кўзим илиниб қолибди. Бизнинг самолётимиз Лондон шаҳрининг Хитроу аэропортига қўнаётганида мен уйғониб кетдим.

Авиарейс стюардессалари ҳар доимгидек, жуда эътиборли. Манзилга етиб борганимиздан кейин стюардессалардан бири мени терминал орқали кутиш залига кузатиб қўйди. У ерда мени ота-онам кутиб олишлари керак эди. Мен енгилгина йўлга отлангандим, ҳеч қандай юким йўқ эди. Кутиш зали кутиб олувчиларга лиқ тўла. Мен оломон ичидан отам билан онамни қидирардим. Мана, уларни кўрдим. Онам, ҳар доим тасаввур қилганимдек, чиройли қимматбаҳо қўйлақда, лаблари қизил қилиб бўялган, қоп-қора киприклари узундан-узун, унинг туфлиси ва қўлидаги сумкачанинг ранги бир-бирига уйғунлашган. Отамнинг кўриниши шундай эдики, менинг бутун вужудим титраб кетди. Олдин отамнинг бўйлари узун, барваста, юз тузилиши кўркем, ўзи қорачадан келган, сочлари қалин ва қора, ҳар қандай одам орзу қиладиган инсон бўлган. Ҳозирда эса отам ногиронлар аравачасида ўтирарди. Кўриниши кичкинагина, юзлари сўлган, кўз қарашлари ғамгин, қалин қора сочларига оқ оралаган эди. Мен ота-онамни таъзим қилиб кутиб олдим. Онам қандайдир совуққонлик билан юзимдан ўпиб қўйди.

Мен кейинроқ отамга нима бўлганини билиб олдим. Маълум бўлишича, отам анчадан бери бетоб экан. Ташхиси — паришонхотирлик, склероз. Мен туғилганимдан кейин унга шундай ташхис қўйилганди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам онам шу қадар баджаҳл бўлса керак. Балки, ҳаммасига айбдор менидирман, шу сабабли онам мени ниҳоятда ёмон кўрса керак.

Онамга қараганда, мен кўпроқ отамни яхши кўрардим. Отам ўзининг турли асбобларини ва бошқа қизиқарли нарсаларни кўрсатиб, мен билан жуда кўп вақтини ўтказарди. Мени отамнинг турлича шуруп,

болтчалар, винтлар ва гайкалар солинган ихчамгина чамадончалари ўзига жалб этарди. Дадам мени шахмат ўйнашга ўргатган, биз у билан бирга ҳар хил техник моделлар ясардик. Моделлар схемаларини ва чизмаларини у менга ўқиб берган китоблардан олардик. Отам ўзининг мутахассислиги бўйича катта, қалин китобларни ўқирди. Мен учун отам билан бирга бўлиш ҳар доим хурсандчилик олиб келса-да, бироқ мен дадам билан югурмасдим, футбол ўйнамасдим, кураш тушмасдим, гольф ўйинида мусабақалашмасдим. Нега бундай бўлганини мен энди тушундим. Отам имкон қадар меҳнатга бўлган қобилиятини сақлашга интиларди, лекин у жуда тез чарчаб қоларди. Кўпинча у уйда ёлғиз қолганда, тиззаларига китобни қўйганича ухлаб қоларди. Онам бўлса кун бўйи магазинма-магазин санғиб юрарди.

Гарчанд Англияда бобом қатъий талаб қиладиган қонун-қоидаларга риоя қилиш бўлмаса-да, бироқ бу ерга ўрганишим жуда қийин бўлди. Ҳар ҳолда ўз уйимда, бобомникига қараганда, яшаш анчагина енгил эди. Бу ерда, Ғарбда, ҳамма нарса менга бегона эди. Биринчи кунлари мен ҳаттоки юмшоқ каравотда ётолмай, ерда ухлашимга тўғри келди.

Ота-онам мени маҳаллий умумтаълим мактабга киритиб қўйишди. Мен барча болалар сингари, кундузлари мактабда ўқирдим, кечқурунлари эса инглиз тилидан қўшимча дарсларга қатнардим. Ростини айтаман, бошиданоқ мактабга боришни асло ёқтирмадим. Аслини олганда, мактабдаги бошқа болалар билан ҳеч қандай умумий қизиқишларим йўқ эди. Ҳеч бир сабабсиз уларнинг сўкинишлари, беадаблиги, устозларга нисбатан қилган қўпол муомалалари олдиниға мен учун ғалати кўринди, бундан мен ниҳоятда изтироб чекдим. Одоб-ахлоқ борасида мен маданий муҳитдаги олган тарбиям доирасида катталарни нафақат ҳурмат қилиш кераклигини би-

лардим, балки уларни қадрлаб, уларга сўзсиз итоат этардим.

— Эй сен, пискакўз, қаерга кетяпсан? — бу Стив Женкинс эди. Биринчи бор бу мактабга келганимда бир гуруҳ болалар мени калака қилиб устимдан кулишган. Стив ўша беадаб болаларнинг шайка бошлиғи. Мен улар билан уришмасликка қарор қилдим, наилож, шунинг учун ҳам уларнинг қилган таҳқирлашларига ва хўрлашларига чидаб юрибман. — Менимча, ўз хитойликларингникига тушлик қилишга кетаётгандирсан?

Стивнинг шериклари қорниларини ушлаганларича, қотиб кулардилар. Улар менинг орқамдан юриб мактаб ҳовлисини айланиб чиқдилар.

— Эй, хитойча, мен сен билан гаплашяпман. Нима, қулоғингни том босганми?

Мен индамай ўз йўлимда кетавердим, аммо ичимда нимадир қайнай бошлади. Майли, ўзларининг кўнгилларини ўзлари очишаверишсин. Аммо ким билан ўйнашаётганларини улар билмайдилар. Кунфу жанговар санъатининг муҳим принципларидан бири — бу тўқнашувлардан ўзини олиб қочиш, фақатгина ўзини ҳимоя қилиш ҳолатидагина кунфу усулларида фойдаланиш. Аммо болалар мени тинч қўймасдилар. Уларнинг калака қилишларидан ва ҳақоратларидан мен қаерга беркинишни билмасдим. Барзангидай тасқара Стив Женкинс яна кўплаб бошқа болаларни — қоратанлиларнинг ва осиёликларнинг жиғига тегарди. Бир куни мен уни отаси билан шаҳарда кўрганман. Ота-бола иккиси ҳам сочларини устарада кирдириб юришарди. Унинг отасининг қўлларида Миллий фронт* рамзи туширилган

* Буюк Британиянинг экстремистик фашистик партияси. Ўтган асрнинг 70–80-йилларида Осиё ва Африкадан келиб чиққанлар бу партиянинг кўчалардаги зўравонлиги курбони бўлдилар.

таутировка бор эди. Бир сўз билан айтганда, бу жирканч ва разил одам.

— Нима, хитойча, кўрқиб кетдингми? Ёки мен билан гаплашгинг келмаяптими? Ҳа, айтганчалик, ёдимдан кўтарилибди, ахир сен инглизча гапирмайсан-ку! — Шундай деб, Женкинс кўзларини олайтириб, афтини буриштириб мени калака қилди.

Мен тўхтаб қолдим, чунки у менинг ўтиб кетишимга йўл қўймасди. Бошқа болалар эса ўз бошлиқларини қўллаб-қувватлаб, бирор бир «қахрамонлик» кўрсатишга гижигжлашарди. Шу вақтда «Триада» болалари мени ўлгудай қилиб дўппослашгани эсимга тушиб кетди. Ўша ҳолат бошқа қайтарилмаслиги керак. Женкинс ҳалигача афтини буриштириб, кўзлари пискакўз бўлиши учун чаккасидаги терини қулоғи тарафга тортиб ҳамон мени мазахларди.

— Мени тинч қўйинглар, — дедим мен секингина, аммо қатъийлик билан.

Женкинс тиржайганича менинг гапларимни қайтариб, калака қиларди:

— «Тинч қўйинглар» дейсанми? Болалар, келинлар, уни тинчлантириб ётқизиб қўямиз.

Женкинс, қани келинлар, демоқчи бўлгандай, ўз тўдасидаги болаларга қаради. Сўнгра ўтирилиб, мени чап елкамга қулочкашлаб уришга ва ерга йиқитишга шайланди. Мен қўл қовуштириб турмай дарҳол оёғим билан юзига кучли зарба бердим. Зарбадан унинг бурни синди. Кутилмаган зарбадан у ерга йиқилди. Бошқа болалар эса Женкинсни оғриқдан ерда думалаб бақиришига, сўқинишига ва бурнидан оқаётган қонни бир амаллаб тўхтатишга уринаётганига оғзиларини очиб қараб турардилар. Мен уларнинг ҳар бирининг кўзига бирма-бир тикилиб қарадим. Ҳаммаси бир зумда Женкинсни чангта ботганича қолдириб, тумтарақай бўлиб қочиб қолишди. Ўзи ҳам жуда айна пайтида кетишди-да. Бўлмаса

ҳаммаси «бошлиғи» каби ерда ётарди. Бу мени анчагина тинчлантирди.

Муштлашганим учун мени енгилгина жазолашди: биринчи кунданоқ қандай ҳолатларга чидаб келаётганимни ўқитувчилар яхши билишарди. Мен меҳнатсевар, хушмуомалали ва интизомли ўқувчи бўлганман, Стив Женкинс эса ўтакетган безори эди. Ўша воқеадан кейин тез орада Стивни мактабдан ҳайдашди. Кун-фу жанговар санъатидан мен бохабар эканлигим ҳақидаги шов-шув, қақраб ётган чўлдаги ёнғин сингари, тездагина ўқувчилар орасида тарқалди. Тез орада менинг атрофимда кўплаб болалар тўпландилар. Мен олдин ҳеч қачон диққат марказида бўлмаганман. Болаларга бирор нима билан шуғулланиш ва қизғин фаолият кўрсатиш учун бошлиқ керак эди. Мен икки ўт орасида қолдим: бир томондан, мен маълум бир қонун-қоидага кўра яшашим керак; иккинчи томондан эса — эркинликнинг хавфли хисси. Қолаверса, ўзга юртнинг маданиятига дуч келганимдан мен чуқур хижолатда эдим. Оммавий бепарволик ҳукм сураётган бир пайтда ва ҳамма нарсaga рухсат берилган жамоатда мен ўзимни қандай тутишим кераклигини асло тушунмасдим. Оддий бир ҳолатни олайлик, синфда интизомни сақлаш учун кўплаб вазиятларда ўқитувчилар ўқувчилар билан жанг қилиб кетишарди. Очигини айтганда, болалар мендан кўрқиб туришарди, бу эса менга хуш ёқарди. Энди бирор кимса мени хафа қилишга журъат этолмасди. Безориларнинг қурбони бўлишдан кўра, безори бўлиш яхшироқ эди.

Агар мен кун-фу жанговар санъатини эгаллашни давом эттирмаганимда эди, эҳтимол, осонгина Стив Женкинс ва унинг дўстлари тузоғига илиниб қолармидим.

Менинг бобом жуда машҳур инсон бўлган ва кун-фу Халқаро федерацияси (КФХФ) орқали таълим олишимни маблағ билан таъминлаган эди. Кун-фу

Халқаро федерациясининг штаб-квартираси Женевада жойлашган бўлиб, КФХФ вакиллари мен Лондонда ўз амалий машғулотларимни жаноб Чжон раҳбарлиги остида давом эттиришимга имкон яратиб бердилар. Жаноб Чжан жуда меҳрибон ва қувноқ инсон, кўп йиллик тажрибага эга бўлган кун-фу устаси. Аммо кейинроқ маълум бўлишича, кўплаб техникавий усулларда мен ундан анчагина устун эканман. Бироқ жаноб Чжон бошчилигида ўтадиган машғулотлардаги интизом олий даражада бўлган, бу эса менинг муваффақиятли таълим олишимнинг сабабчисига айланди. Тез орада мени кун-фу мактаби устозининг ассистенти қилиб тайинладилар. Ўша ерда мен, шунингдек, Ямайкалик Кинстелий билан танишдим. У ҳам кун-фу жанговар санъатини яхши эгаллаган экан. Кинстелий менинг биринчи ҳақиқий дўстим бўлди.

Гарчанд жаноб Чжон кўп нарсада мени чегаралаб қўймаган бўлса-да, кун-фу мактабидаги интизом мени кўча боласи бўлишдан эҳтиёт қиларди ва турлича муаммолардан асраб-авайларди. Шундай бўлса-да, мактабдаги интизом менинг олдинги режимимга, бобомнинг мактабидаги менинг онгимда муҳрланиб қолган кун-фу жанговар санъатини ўрганишдаги ҳақиқий таълимнинг қатъий кун тартибига мос келмасди. Олдинги даврларимни эслар эканман, ҳаётимнинг кўп қисмида мен қатъий итоат этишга ўрганиб қолган мустаҳкам иродага, бобом сингари талабчан инсонга муҳтож эканлигимни тушундим. Зарур бўлган принципаалликни ва сабот-матонатни маълум даражада мен устозларимнинг бирида топдим. Жаноб Сайзер диний таълим учун жавоб берарди. Менимча, ҳамма болалар уни ёмон кўришарди. У жуда талабчан эди, ҳар қандай тентакликларни ёмон кўрарди ва ҳеч кимга ўзи билан хазиллашишга ижозат бермасди. Мен ҳар доим катталарга нисбатан ҳурматда бўлиб келганман, лекин жаноб Сайзер мен чиндан ҳам ҳурмат

қилган ва эъзозлаган ўқитувчилардан бири бўлган. Унинг дарслари менга ҳақиқатдан ҳам завқ-шавқ бағишларди. Бобом дунёвий динлар ҳақида менга жуда қўп ҳикоя қилган. Мен сеҳрлангандай эътиқодларнинг турлича амалиёти ва системаси ҳақидаги воқеаларни диққат билан тинглардим. Ҳар бир одамнинг юрагида жойлашган ҳақиқий худо, жумладан, ци ягона ва ҳақиқий худо ҳисобланганлигини жуда яхши тушунардим. Ҳозиргидек эсимда, жаноб Сайзер бизга Иброҳим ҳақидаги Муқаддас Китоб ҳикояларини, шунингдек, Иброҳим ўз ўғли Исҳоқни қурбонликка келтиришга тайёр эканлиги ҳақидаги воқеаларни сўзлаб берган. Иброҳим ўз Худосига сидқидилдан итоат этди ва ўғлини Худога бағишлаб, мардлик намоён қилди. Бу воқеа менинг қалбимни изтиробга солди ва Муқаддас Китобни ўқишга қизиқиш уйғотди. Қачонлардир албатта Муқаддас Китобни оламан ва бу ажойиб китобдан яна бошқа қўп нарсаларни ўқиб чиқаман, деб ваъда бердим мен ўзимга.

КФХФ қарамоғида бўлганим учун жанговар санъатнинг турли усуллари бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақаларда мен қатнашишим мумкин эди. Бундай мусобақалар кўпинча Осиё давлатларида ўтказиларди, шунинг учун мен у ерда бобомни тез-тез кўриб турардим. Бобом мен голиб келишимга катта пул тикишини билардим, мен ҳеч қачон уни уялтириб қўймасликка ҳаракат қилардим. Ҳар йили мен Хитойга қайтиб келардим ва бобомдан жанговар санъат сирларини билишни давом эттириш мақсадида у ерда икки-уч ой қолиб кетардим. Эндиликда бобом мени урмасди, аммо мен аввалгидай сўзсиз итоат этардим.

Мен ўн етти ёшга тўлганимда, Лоуси мени реал ҳаётда учрайдиган синовлардан ўтказиш бошлади. Қунларнинг бирида биз у билан бирга Цзянсига қарашли қишлоқлардан бири Наньчанга бордик. Наньчан Поян кўлининг жанубий-шарқида жой-

лашган. Бу қишлоқ ўзининг кўча бандитизми билан «машҳур» эканлигини мен ўшанда билмаган эканман. «Ҳар доим огоҳ бўлгин. Кутилмаган нарсани кутгин», — деб насиҳат берарди Лоуси. Бирдан у мени қипяланғоч бўлиб ечинишимни буюрди. Мен ваҳимага тушдим. Шу ерданоқ кутилмаган ҳолатлар рўй бера бошлади. Мен бобомнинг кўзларига тикилиб боқдим. Минг афсуски, унинг буйруғи қатъий ва ҳеч қандай шикоятга ўрин йўқ эди. Буни мен олдиндан билардим. Бобом чўнтагидан ёзуви бор узун ўралган лентани олди ва менинг бўйнимга осиб қўйди. Лентада қуйидагича сўзлар ёзилган эди: «Хум ка чжань» («Ҳамманг қирилиб кетларинг!») ва «Чжао ни нян дэ чжу цзун ши бадай» («Ҳа сени онангни-ю бувингни... шундай-шундай қилай!»). Бундай уятсиз сўзлардан кўнглим айниб кетди.

Лоуси мени қоронғу кўчага итариб деди:

— Энди ўзинг кетасан.

Бобом нималарни ўйлаб қўйганини энди тушундим. Кўча бўйлаб эндигина бир нечта қадам ташлаган эдим, бир кампирни кўриб қолдим. Мени кўрган кампир тездагина уйига учиб кирди, эшикни ёпди ва маҳкамлаб зинжилаб қўйди. Кутилмаганда бақирчақир, куракда турмайдиган гаплар билан сўкиниб, чамаси саккиз ёки тўққизта кўча безорилари менга кастетлар, яъни муштлашганда қўлланадиган, тешикларидан бармоқларни ўтказиб ушланадиган темир қуроллар билан ташланиб қолишди. Кўча ниҳоятда тор эди ва бу менга жуда қўл келди, чунки улар менга ҳаммаси бирданига ҳужум қилолмас эди. Шу заҳотиёқ мен йўлбарс ҳолатига турдим. Оёқ зарбасини зудлик билан талаб қилувчи усулни қўлламоқчи бўлиб, мен хаёлан бутун диққат-эътиборимни ҳужум қилувчиларга қаратдим. Безорилардан биринчиси менга чап томондан ташланди. Бир айланиб унинг ҳужумини қўлим билан тўхтатдим ва шу заҳотиёқ уннг оёғим билан унга зарба бердим. Эндигина би-

ринчи безорининг хужумини қайтаришим биланоқ, қўлида кастет билан келаётган иккинчи безорини кўрдим. Мен чаққонлик билан яна бир айландим-да, рақибнинг кастетини узоққа тепиб юбордим. Унинг юзига чап томондан бир мушт туширган эдим, зарба шиддатли бўлди шекилли, йўлтўсар ўзидан кетиб ётиб қолди.

Мен барча маҳоратимни ишга солишимга тўғри келди. Оёқларим билан тез-тез ҳаракат қилиб, мен кейинги рақибни кутиб олдим. У ўнг қўли билан менинг юзимни нишонга олган эди, мен безорининг зарбасини чап оёғим билан қайтардим ва икки бармоқларим билан унинг кўзига ҳужум қилдим. Рақиб ерга йиқилганда, мен унинг елкасидан платформа сифатида фойдаланиб, олдинга, бўшроқ жойга баланд сакраб ўтиб олдим. Бу сафар менга қарши бира тўла икки безори ҳужум қилди: бири ўнг қўли билан кўкрак қафасим — юрагимга зарба беришга уринган бўлса, бошқаси ён тарафимдан биқинимга чап оёғи билан тепмоқчи бўлди. Олдинига чап қўлимни кўтариб биринчи ҳужум қилувчининг зарбасини қайтардим, сўнгра орқа тарафдан мушт билан унинг чаккасига контратака уюштирдим. Шу заҳотиёқ пастга эгилдим ва бошқа рақибнинг оёқ зарбасига чап бердим. Ўзим эса — бир сакраб ўнг оёғим билан унинг чотига тепдим. Кўча безориси чотини чангаланича, қаттиқ ингради.

Безорилардан яна биттаси мен томон югуриб ташланди, бироқ мен баланд сакрадим-да, товоним билан рақибнинг орқа миясига тепиб, уни учириб юбордим. Нариги ҳужум қилувчи ерга шалпилаб тушиши биланоқ, яна бошқаси тўғридан-тўғри кўкрагимни нишонга олиш мақсадида мен томон ташланди. Рақибимнинг танасини ёй сингари зўрлаб эгдим-да, тиззаларим билан унинг чотига бир неча бор тепдим. Безорилардан қолган иккитаси ҳужум қилишга журъат этмади. Улар сўкинишди-да, қўлларидаги

бўш шишаларни мен томонга улоқтиришди. Сўнгра жуфтакни ростлаб, бадар қочишди.

Озгина нафасимни ростлаб, олишув тугаганига ишонч ҳосил қилиш учун мен бироз кутиб турдим. Бирдан ёмғирдан кейин ернинг тагидан чиққан кўзиқориндай Лоуси пайдо бўлди ва менга таъзим қилди. Сўнгра иккимиз ҳам у ердан жўнаб қолдик.

Кейинги йилларда биз бобом билан Наньчанда бир неча бор бўлдик, ҳар сафар кўча безорилари ва йўлтўсарлар билан олишиб жанг қилардик. Бу ерда мен авалам бор ўзимга ҳар қандай жангда — у қандай бўлишидан қатъий назар, хоҳ у қонун бўйича бўлсин, хоҳ қонунсиз — ғолиб келишимни такрор ва такрор исботлардим. Бир куни бобом менга опера кўшиқчиларининг либосини кийиб олишимни буюрди. Биз у билан бирга тоққа кўтарилдик ва кичкина бир камбағал қишлоққа кириб келдик. У турлича ранглар билан менинг башарамни бўяди, оғир бир ридони елкаларимга ташлади ва шу ҳолатда — «бўёқларга чапланганимча» ва ўнғайсиз ҳолда оғир кийимларга бурканганимча, кўчалар бўйлаб етаклаб юрди. Маҳаллий деҳқонларни жиғига тегиб уриш бошлаш учун, ҳар хил сўкишларни айтишимга ва уларни ҳақорат қилишимга бобом ундади. Мана, бобом мақсадига етди: қўлларига нима кирган бўлса шуни олиб, жиғибийрон одамлар менга ташланишди. Мен учун бешлик ва болта кўтарган бир тўда одамлар билан жанг қилиш жиддий синов бўлмади. Ҳақиқий муаммо бошқа нарсада эди: менинг имкониятларимни чеклаб қўйган оғир, ноқулай кийимда жанг қилиш — синовларнинг энг оғири эди. Чунки мен ярим яланғоч ҳолда олишишга ўрганиб қолгандим.

Бунга ўхшаш жанжалларнинг сабабчиси ҳар доим ҳам бобом бўлавермасди. Менинг Сую Мин исмли амакивачча синглим бор эди. Бир куни саёҳат пайтида уни ўғирлаб кетиб, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур қилибдилар. Бу каби жино-

ятлар Хитойда ҳар қадамда учраб туради. Сюй Мин жуда чиройли ва гўзал ёшгина қиз. Унинг насл-насабини билмаган одам учун, у енгилгина ўлжа бўлиб кўриниши мумкин эди. Сюй Минни «Триада» паноҳи остида ҳаракат қилувчи Шанхай борделларидан бирида қолдиришгани ҳақидаги хабар бизгача етиб келди. Юз берган нохуш воқеани биз бир неча бор оилавий кенгашимизда муҳокама қилдик ва Шанхайдаги дўстларимиз орқали муаммони бартараф этиб, Сюй Минни зудлик билан қўйиб юборишларига ишонч ҳосил қилдик. Бироқ кунлар кетидан кунлар ўтарди, аммо ҳеч қандай хабар йўқ эди. Ва ниҳоят биз хат олдик. Бобом хатни ўқиб чиқиб, ғазаб отига минди:

— Шанхайдаги маҳаллий полицияда хизмат қилувчи бизнинг одамимизнинг гапларига қараганда, «Триада» гуруҳи назорат қилувчи территорияга полициячилар қадам босишга қўрқар эканлар, акс ҳолда уларнинг ўртасида ўзаро низо чиқиши мумкин эмиш.

Айнан шу сабаб мен Шанхайга жўнадим.

Шанхай полициясида хизмат қилувчи бизнинг дўстимиз юқорида айтиб ўтилган сабаблар туфайли мени ичкаригача кузатмади. Лекин усиз ҳам мен қаерга ва қандай қилиб боришим кераклигини ўзим билардим. Мен ўзимга керак бўлган хонадонни излаб топдим ва ичкаридан келаётган овозларга қулоқ тутдим. Эшик қия очиқ экан, мен ичкаридан келаётган қизчанинг инграш овозини эшитдим. Эҳтимол, бу Сюй Миннинг овози бўлса керак, деб ўйладим мен. Қиз айнан нималарни гапираётганини мен тушуна олмадим. Шовқин солмасликка ҳаракат қилиб, мен секингина ғира-шира ёритилган хонага кирдим. Қиз мени кўриб йиғлаб юборди.

— Сюй Мин!

Ҳа, бу амакивачча синглим эди. Сюй Мин менга талпинди, аммо шу заҳотиёқ қаердандир бир эркак чиқиб қизнинг қўлидан тутди ва бошқа хонага итар-

ди. Мен қимматбаҳо кастим кийиб, ёзув столи атрофида ўтирган бир салобатли одамга яқин келдим. Кўринишидан у шу ернинг бошлиғига ўхшайди. Унга ҳушмуомалалик билан салом бердим ва дедим:

— Ҳурматли жаноб, менинг ўйлашимча, бу қизга нисбатан тушунмовчилик юз берди.

— Ҳой йигит, бу қизчанинг сенга ҳеч қандай алоқаси йўқ, — деб бўқирди стол ёнида ўтирган жаноб. У қилаётган ҳисоб-китобидан бошини ҳам қўтармади.

Ҳаммасидан ҳам жанобнинг мен томонга бир қараб қўймаганлигига аччиғим чиқди. Шунда тез ҳаракат қилишга ўрганган одам сифатида мен қатъий ва ишончли гапирдим:

— Сиз ўғирлаб кетган қиз...

— Биз ҳеч кимни ўғирлаганимиз йўқ, — деб гапимни бўлди у.

— Сиз мен нима демоқчи эканлигимни тушунмаяпсиз шекилли, — дедим мен таслим бўлмасдан. — Сю Миннинг келиб чиқиши Кантондан, Су қабиласидан. Сиз албатта уни озод қилишингиз ва менинг бобом Чжэн Лин Судан кечирим сўрашингиз керак.

Эътиборли жаноб афтини бужмайтириб тиришди. Бизнинг оиламиз шаънини топтаб, ҳақоратлаган дилозор кечирим сўраши ва етказган зарарни қоплаши кераклигини ҳар бир кимса жуда яхши билади. Акс ҳолда ҳақоратланган томон дилозорнинг қабиласини йўқ қилиб ташламагунича, қонли қасос олишни давом эттираверади. Мен нималар ҳақида гапираётганимни жаноб жуда яхши тушуниб турарди, аммо менинг келиб чиқишим Су қабиласидан эканлигига ишонгиси келмади, шекилли.

— Чжэн Лин Судан кечирим сўрашим керак? — деб масхара қилди жаноб. — Хўш, сен ким бўласан, юмалоқкўз? — ҳиқиллади у ва нафрат билан менинг юзимга тупурди.

Бирдан менинг орқамдаги эшик катта очилди ва хонага пичоқлар билан қуролланган етти ёки саккиз барзанги кишилар кириб келди. Бундай вазиятдан тинчлик йўли билан чиқиб кетиб бўлмаслиги тушунарли. Мен халтамдан ойболтачамни олдим, йўлбарс ишга киришди.

Мен бу безбетларнинг таъзирини бердим ва «Триада» тарафдорлари томонидан ҳеч бир қаршиликсиз Сюй Минни ўзим билан уйимга олиб кетдим. Ушбу ҳодиса туфайли мен хитой қариндош-уруғларимнинг диққатига сазовор бўлдим. Менга эса ҳаммасидан ҳам айнан шу етишмас эди.

Маълум вақт ўтгач, бобом мени навбатдаги шафқатсиз синовга тайёрларди. Шу синовдан муваффақиятли ўтсам, кун-фу устаси деган шарафли унвонга сазовор бўлишим мумкин. Бироқ олдин мен қатор оғзаки ва амалий синовлардан ўтдим, фақат шундан кейингина финалда иштирок этишга ижозат бердилар. Финал синови ҳам ниҳоятда хавфли бўлиб, «та шуй», ёки «туннель синови» деб номланарди. Бундай хавфли синовдан жуда камчилик ўтиши мумкин эди. Ботирларнинг ҳаммаси ҳам туннельга киравермайди, у ердан бўлса янада камчилик омон чиқиши мумкин.

Биз бобом билан эрта саҳарда шимол томонга йўл олдик ва бир неча кундан кейин Шаньдун қишлоғига етиб келдик. Бу ерда сўз бораётган туннель — аслини олганда, Тай-шань тоғи остида жойлашган узун ғор, даос Хитойнинг улуғловчи тоғларидан бири ҳисобланади. Мен ўзимни руҳан тетик, жисмонан бақувват ҳис этардим ва бундай даъватга ҳеч бир иккиланмай «тайёрман», деб жавоб бердим. Кун-фу жанговар санъатини тинмай ўрганиш жараёнида, мен ҳеч қандай қўрқувни билмаганман, қолаверса, ҳар қандай оғир синовлардан ўтиш истагида ёнардим. Ёзнинг

куёшли кунларидан бири эди, лекин мен ғорга бош суқишим биланоқ, қаттиқ совуқ — захни ҳис қилдим. Бирдан кундузги куёшдан қоронғу ғорга кирганимдан кейин, кўзим ичкаридаги чироққа тўлиқ мослашиши мақсадида, мен бир неча дақиқа жойимда қотиб турдим. Ёниб турган бир нечта машъаллар ғор ичкарисини хира ёритарди. Оёғимнинг тагида бир неча метрга шишалар синиғи уйиб қўйилган. «Бунинг қийин жойи йўқ, оппо-осон», — деб ўйладим мен. Лайлакнинг енгил юриши қилиб, мен шиша синиқларидан осонгина ўтдим ва ҳеч қандай оғриқ сезмадим. Фақатгина оёғимнинг тагини нимадир пат сингари қитиқлади. Бир неча метр шиша синиқларидан муваффақиятли ўтиб, ёниб турган кўмирларга дуч келдим. Бироқ товоңларимдаги этим шунчалик дағаллашиб кетган эдики, ҳеч бир қийинчиликсиз кўмир чўғларидан юриб ўтдим. Гарчанд ичимдан тезроқ жангга отилгим келса ҳам, лекин мен шошилмасдан, ишонч билан мақсад сари борардим. Ва ниҳоят, мана жиддий синовга ҳам етиб келдим. Олдинда мени нималар кутаётганини кўриб, ўзимча кулдим ҳам. Менга айнан шундай, ҳақиқий синовлар керак эди. Менинг йўлимни саккиз бурчакли ёғоч ром тўсди. Ромнинг пастига учли ва ўткир қозиқлар ўрнатилган, бунинг устига бу ромни фақатгина бир нечта бамбук таёқлар тутиб турарди. Бундай қурилма одам адашиб қоладиган чалкаш айланма лабиринтни эса соларди. Бошқа бамбук таёқларга ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда яна бамбук таёқчалар ётқизилган. Мен шу таёқлар орасидан ўтишим керак. Эҳтиётсизлик қилиб бирорта бамбук таёғига билмасдан тегиб кетгудек бўлсам, ўткир қозиқли қурилма нақ устимга тушиши мумкин.

Мен ўйланиб қолдим. Бу менинг эпчиллигимни, чаққонлигимни, зийраклигимни ва аниқ ҳаракатларимни синаб кўриш эди. Лабиринтдан фақатгина ўрмалаётган илон ҳаракатларига тақлид қилиб

ўтишим мумкин. Бутун диққат-эътиборимни қўл ва оёқларимнинг жойлашишига қаратиб, мен бамбук таёқчалари орасидан дам белимни эгиб, керак бўлганда ҳолатни ўзгартириб, бир қўлга тиралганимча ўрмалай бошладим. Горизонтал позициядан фойдаланиб, вазият ва ҳолатни ўзгартирганимча, қўрқинчли лабиринтдан эсон-омон қарама-қарши томонга чиқиб олдим.

Навбатдаги синов шартига биноан мен тошли лезвиядан ўтишим керак. Катта тош менинг йўлимга кўндаланг қўйилган бўлиб, мен тошнинг бритва каби ўткир қирғоқларидан юришим талаб қилинарди. Машъалларнинг хира ёруғида тошли лезвиянинг иккала тарафида пол ва деворлар ялтираб турганини кўрдим. «Нефть...» — кулимсирадим мен. Ўтиш қийин бўлиши учун ҳамма жойга нефть тўкиб қўйилган. Мен энди масофани фақат саккиз метрли ўткир лезвиялар устидан босиб ўтишим керак. Бунинг устига, ғорнинг айнан шу ери шунчалик тор эдики, бошқа тошнинг ён-елидан ўтишнинг иложи йўқ. Кучли ҳис-туйғулар бу — синовларнинг эндигина бошланиши, оғир ва қўрқинчли синовлар ҳали олдинда эканлигидан дарак берарди. Мендан бутун энергиямни зўр бериб, жамлаш талаб этиларди. Мен нафасимни ростладим, диққатимни тўплаб оғриқни сезмаслик учун бутун циқувватимни оёқларимга қаратдим. Мувозанатни сақлаган ҳолда, мен тош лезвиянинг ўткир қирғоқларига қадам қўйдим ва аста-секинлик билан юра бошладим. Бир вақти бундай қарасам, мен томонга ёввойи, қутурган ит акиллаганича учиб келмоқда. Шу вақтда бобомнинг айтган гапларини эсладим: «Ҳар доим огоҳ бўлгин, кутилмаган нарсани кутгин!» Тинмай акиллаётган ит — менинг эътиборимни чалғитиш усули эканлигини мен тушундим. Сўлақларини оқизиб, дарғазаблиқда ит менга ташланмоқчи бўларди, аммо бефойда — қўпкакни

қалин занжир тутиб турарди. Мен олдингидай ци қувватини назорат қилиб турардим ва тош лезвиядан дадиллик билан борардим.

Ёввойи итни ортда қолдириб, мен эҳтиёткорлик билан яна бир тешикдан ўтиб, ғордан юришни давом эттирдим. Олдинда турган хавф-хатарни кутиш натижасида менинг ҳис-туйғуларим ниҳоятда зўрайиб кетди. Туннель борган сари яна кенгая бошлади ва мен ҳақиқий тўсиқларга энди дуч келаётганимни кўрдим. Ғорни бутун кенглигида — бу девордан у деворгача — ёғоч тахта кўприк тўсиб турарди. Кўприкнинг устида ҳам, тагида ҳам ўткир темир тишлари бор. Кўприкнинг ўзи эса каттакон бир харсангтошга миндириб ўрнатилган. Бу қурилма жойлаштирилган катта ғилдирақлар улкан металл ўқлари билан, гўёки ҳеч қачон ўрнидан қўзғатилмаган. Шубҳасиз, бу энди менинг йўлимдаги жиддий ва мураккаб тўсиқдир. Мен ғорнинг нариги томонига тўсиқни енгиб ўтишим керак, лекин бирор нарсани ушлашнинг, ёки бирор нимага таянишнинг иложи йўқ эди: айланасига ўткир темир тишлар чиқиб турарди.

Ци қувватининг юксак жамланиши яна талаб қилинди. Бу сафар бутун қувватни қўлларимга қаратдим, бу эса ўз навбатида, темир тишларга кафтларим билан кучимнинг бориचा қатъий таянишимга имкон берди. Аммо қурилма жойидан жилмади. Ўткир темирларга оёқларимни тираганимча, қотиб қолган қурилмани силжитишга яна бир ҳаракат қилиб кўрдим. Яна ҳеч қандай ижобий натижа йўқ. Бироқ мен мағлуб бўла олмас эдим. Озгина нафасимни ростлашни хоҳлардим, аммо мен бунинг ўрнига фикри-хаёлимни жамлаб ци қувватини бошқаришга киришдим. Тактикани ўзгартиришга тўғри келди. Бир юз саксон градусга қайрилиб, мен елкам билан кўприкка ётиб олдим. Тисарилиш учун катта майдонни эгаллаб, қурилмани бирозгина бўлса ҳам бўшатмоқчи бўлдим.

Узоқ йиллар мобайнида бобомнинг раҳбарлиги остида мен темир қозикларнинг, михларнинг, найзаларнинг, гарпунларнинг ва шунга ўхшаш ўткир нарсаларнинг босимига дош бериш одатини ишлаб чиқдим. Бу кундалик ва мунтазам равишдаги жисмоний машғулотларимдан бири эди: бобом менинг гавдамга найзани тираб, унга ўзининг бутун оғирлигини ташларди. Қуруқ губка сингари юмшоқ мушак тўқимани тешиш жуда осон. Лекин ўзига намни шимиб олган губка мустаҳкам ва эластик бўлиб қолади. Агар баданнинг барча қуввати бир жойга, масалан, қоринга жамланса, юқорида қайд этилган қонунга биноан тери усти ва мушаклар тош сингари қаттиқ ва мустаҳкам бўлиб қолади. Шундай қилиб, барча машғулотлар ва машқлар пайтида мен жуда камданкам жисмоний жароҳат олишим мумкин эди, албатта, баданимдаги арзимас тимдаланган ва шилинган жойларни инобатда олмаганда.

Менинг босимимга дош беролмаган ғилдирак олдиниға гичирлади ва сал жойидан қўзғалгандай бўлди. Бундан руҳланиб, мен ҳаракатларимни давом эттиравердим, бироқ энди елкамга ўткир темир қозиклар кираётганини ҳис қила бошладим. Бир ўтирилиб, бирламчи ҳолатни эгалладим. Қўзларимни юмиб, ци қувватини жамладим ва хаёлан қурилмани жойидан силжитишга уриндим. Мен таянч кучини қўлларимга ўтказдим, энди бутун баданим ягона мақсадга қаратилди — тошнинг устида турган кўприкни суришга. Ва ниҳоят оғир тош сурилди, аммо ғилдираклар ерга қоқилган қозикдай аввалгидай турарди. Бу ерда мен бутун нафасим қудратини ёрдамга чорлаб, яна медитацияга берилдим. Мен Лоусининг ишончини оқлашим керак, унга панд беришга ҳаққим йўқ. У мен билан фахрланиши керак. Бутун кучимни тўплаб, мен ёғоч қурилмани тош кўпригию ғилдираги билан ярим метрга юр ичкарисига сурдим ва тиззалладим — бутун қувват менинг баданим орқали тош-

га ўтди. Очилган тор тирқишдан ўтишдан олдин мен тўхтадим ва ғолибона жилмайиб қўйдим.

Имкон қадар эҳтиёткорлик билан ғор ичидан юрар эканман, ғорнинг ичи ёришаётганини англадим. Синовлар охирлаб қолганди, аммо одатга кўра, мени яна бошқа синов кўтаётганини билардим. Ва бирдан қиздирилган темирнинг ҳиди келаётганини хис қилдим. Тез орада ғордан чиқиш ўрни кўринди ва мен ёруғ қуёш нурлари порлаб турганини ва тешикдан бобомнинг соясини кўрдим. Аммо ғордан чиқиш ўрнини қиздирилган металл қириндилар солинган катта дашт қозон тўсиб турарди. Дашт қозоннинг ўзи ҳам ловуллашиб қиздирилган ва унинг оғирлиги чамаси юз килограммдан ошиқроқ эди. Дашт қозондан йўлбарснинг металл панжалари чиқиб турарди, ташқаридан эса менинг танамни тилка-пора қилишга шай турган аждаҳоларнинг тасвирини кўрдим. Бу мардликнинг, куч-қувватнинг ва саботнинг сўнгги синови эди. Мен Лоусининг юзига тикилиб қарадим. Унинг юз тузилиши ва нигоҳи ҳар доимгидек сирли. Аммо мен унинг қўллаб-қувватловчи боқишига асло муҳтож эмасдим. Унинг шу ердалигининг ўзи — мен учун катта далда эди.

Мен тинчландим ва ци қувватини қўлларимга қаратдим. Бир неча лаҳзадан сўнг менинг қўлларим карахт бўлиб қолди ва муз сингари совуқ қотди. Олдимга қараб, мен қўлларим билан аждаҳоларни кучоқладим. Бирпасда куйган жун билан пишган гўштнинг ҳиди келди, аммо мен учун бу ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасди. Мен оғриқларни сезмадим. Мен бутун қувватимни жамладим, йўлбарснинг панжаси сингари бақувват қўлларимнинг кучини ишлатиб катта дашт қозонни туширдим. Қозондан чиқиб турган йўлбарснинг металл панжалари ўзимга зиён етказмаслиги учун, мен қозонни қўлларимни тикка узатганимча ушлаб турардим. Гарчанд сал бўлса ҳам тебраниб, лекин шахдам қадамлар билан дашт

қозонни ғор ичидан олиб чиқдим ва хўжайинимнинг олдиға қўйдим. Бирдан бобомнинг чехраси ёришди ва у менға қараб жилмайди. Мен қиздирилган қозондан қўлларимни тортиб олдим. Давом этаётган медитация самарасининг кучи туфайли қўлларимдан ҳали ҳам совуқ чиқиб турарди. Мен қўлларимға қарадим, елкаларимнинг аждаҳолар зулукдай ёпишган жойларида куйган катта-катта пўрсилдоқ изларни кўрдим.

Махсус ҳаракат, имо-ишора орқали Лоуси менға ўз иззат-хурматини ва эҳтиромини билдирди. (Бундай имо-ишора билан муносиб рақиблар, шунингдек, шогирд ва устозлар бир-бирларига бўлган илиқ муносабатни ва иззат-хурматни намоён қиладилар.) Бундай ҳаракат — инь ва ян, яъни қуёш ва ой рамзини ифодалайди. Ўнг қўл бармоқлари мушт қилиб тугилади ва бу ойни ифодалайди. Бу бармоқлар қуёшни ифодалайдиган чап бармоқларнинг очиқ кафтига таянади. Ҳар бир машғулот ёки жанг олдидан мен ўз хўжайинимға содиқлигимни айнан шундай ҳаракат ёрдамида ифодалайман. Энди эса умримда биринчи бор Лоуси менға нисбатан шундай ишорани амалга оширди. Мен учун бу жуда катта шараф, ифтихордир. Бобом менға нақш солинган қилич совға қилди. Бу қилич менинг янги мартабамни ифодалайди. Шу вақтдан бошлаб мен кун-фу устаси, Ло Фу Цзай бўлдим.

5 боб

Мен ота-боболаримнинг жанговар санъати устаси эканман, аввалам бор, фақатгина Су оиласи меросини қандай сақлаб қолиш ҳақида ўйладим. Хавфхатардан мен асло қўрқмасдим. Ҳар гал мен жанг майдонига чиққанимда, бобомнинг маҳорати ва шоншарафи ўртага қўйиларди. Унинг шарафини ҳимоя қилиш, гарчанд оғир бўлса ҳам, менга топширилганидан ниҳоятда фахрланардим.

Энг зўр жангларимни мен Покистонда, Карачидаги Ашраф мактабида ўтказдим. Ашраф ва менинг бобом ҳали жуда ёшгина шаолинъ курашчилари бўлган пайтларида, шимолий Хитойда бўлиб ўтган турнирларда мунтазам равишда учрашиб, иккалалари ҳам мусобақаларда фаол иштирок этардилар. Вақти-соати келиб Лоуси ва Ашраф ҳаммага маълум Буюк уста бўлиб етишдилар. Ашраф яккама-якка курашишнинг турлича техникаларини ўрганди ва такомиллаштирди, шу жумладан, маймун усулини, илон усулини ва аждарҳонинг жануби хитойча усулини мукамал ўрганиб ривожлантирди. Иккала спорт устаси бир-бирларининг профессионализмини ниҳоятда кадрлар ва эъзозлар эдилар, бутун ҳаётлари давомида бир-бирларига муносиб рақиб бўлганлар. Иккиси ҳам жанговар санъатни ривожлантиришда ва ўқитишда зиддиятли қарашларни тарғиб қилганлар. Мен дунёга келгунга қадар бобом

шундай қилиб барча маҳорат сирларини дадиллик билан ўргатишга ўзига муносиб шогирд топа олмаган бўлса, Ашраф эса ўз мактабига юзлаб болаларни, асосан, маҳаллий деҳқонларнинг фарзандларини қабул қилиб, уларга кун-фу жанговар санъати сирларини ўргатди. Гарчанд Ашрафнинг мактаби тегишли доираларда муносиб ўрин эгаллаб машҳур ҳисобланган бўлса-да, бироқ Лоуси Ашрафнинг шогирдларига нисбатан салбий муносабатда бўлган, уларнинг хулқ-атворини ва жанг олиб бориш техникасини танқид қилган. «Жангда Ашрафнинг шогирдлари қаҳр-ғазабга тўлиб кетадилар ва ўзларини бошқара олмайдилар, — деб гапирарди бобом киноя билан. — Уларнинг ҳаракатларида ҳақиқий гўзаллик, латофат, аниқлик ва муайянлик йўқ».

Аммо Ашраф Лоусининг танқидий мулоҳазаларини эшитиб эшитмаганликка оларди, у шон-шухрат ва эришилган муваффақиятлардан қанот чиқариб учиб юрарди. Йиллар ўтди, лекин Лоуси ҳамон шухрат чўққисини эгаллаши мумкин бўлган вақти-соати келишини кутиб юрарди. Узоқ кутилган фурсат етиб келди. Менинг ёрдамим туфайли у тарозунинг оғир палласини ўзи томонга оғдирмоқчи ва бобом ўзининг ўқитиш методлари ва техникаси Ашрафникидан устун эканлигини исботлаб бермоқчи.

Буюк уста Ашрафнинг келажаги порлоқ шогирдларидан бири Раани бўлган. Раани кун-фунинг асосан маймун усулидаги жангларда жуда катта муваффақиятларга эришган.

— Ашрафнинг ҳисоблашича, сен ва Раани — бир-бирларингга лойиқ рақиб эмишсизлар, — деди Лоуси биз у билан бирга Покистонга жўнаганимизда.

Раанини кўриб, мен унинг қадди-қоматига эътибор қаратдим. У ҳам, мен сингари, қўпол ва мушаклари бўртиб чиққан эди. Мендан фарқли ўлароқ, унинг бўйи меникидан узунроқ экан. Иккала устозларимиз тахмин қилганларидек, биз турнинг финал босқичида

учрашдик. Турнирда тахминан ўн бештага яқин жангчи иштирок этди.

Биринчи бўлиб аренага мен чиқдим. Трибуналарда гулдурос қарсақлар чалинди, сўнгра омма ўртага энди ким чиқар экан дегандай, жим бўлиб қолди. Лоуси Ашраф билан майдон олдида ўтирарди ва мендан кўзини узмасди. Мен ҳам жойимда рақибнинг чиқишини кутиб турардим. Бирдан томошабинлар қийқиришди, қарсақлар чалиб рақибимни кутиб олишди: барчанинг суюкли арзандаси Раани менинг қаршимда ўз ўрнини эгаллади. Биз ўзига хос равишда бир-биримизни қутладик: ўнг қўл мушт қилиб тугилади ва чап қўл бармоқларининг очиқ кафтига таянади. Рақибимнинг эғнида деҳқонларнинг дағал кийим-кечаги бўлиб, унинг кўриниши жуда ночор ва исқирт эди, бироқ унинг бундай кўриниши халққа жуда ёқарди. Раани уларнинг қаҳрамони ҳисобланарди. Зал тинчланмасди, одамлар: «Раани, Раани!» деб, уни олқишлашарди. Мен ўз хўжайинимга қарадим. Бобом тинч ва хотиржам ўз ўрнида ўтирарди. Мен учун устозимнинг хотиржамлигини кўришдан афзалроқ мадад йўқ.

Бизнинг жангимизни бошқариб борадиган Денью исмли ҳакам, кўринишидан жуда ҳам кичкина одам эди. У қўлларини тепага қўтарди ва оломонни тинчлантирди. Денью Раани иккимизга жангга тайёрланишга буйруқ берди. Халқ бироз тинчланган бўлсада, баъзилар ҳамон имо-ишоралар қилиб, бор будларини ўртага тикардилар. Денью қарсақ чалди ва кейинги лаҳзаларда ҳамма диққат-эътиборини майдонга қаратди.

Раанининг зарбаларини қайтариш учун, мен узундан-узун тирноқларини чиқариб турган йўлбарснинг панжалари каби, қўлларимни тепага қўтардим ва йўлбарснинг жанговар ҳолатини эгалладим. Раани билан жангда мен ўзимнинг севикли усуларим — йўлбарс ва қоплон (қоплон усулидаги

ҳаракатлар ва зарбалар гарчанд йўлбарс усулидаги куч сифатига қараганда заифроқ бўлса-да, аммо йўлбарс усулига қараганда тахминан уч мартага тезроқ ва эпчилроқдир) усуллари уйғунлаштиришни режалаштирдим. Бизнинг нигоҳларимиз тўқнашди ва мен аста-секинлик билан Раанига яқинлаша бошладим. У жанговар от туришининг жуда қуйи, бир қанча эгилган ҳолатини қабул қилди. У менинг ҳамла қилишимни кутиб елкаларини олдинга чиқарди ва танасининг оғирлигини орқага узатилган оёғига ўтказди. Унинг ҳаракатларини олдиндан билиб олиш мақсадида, авваламбор Раанинг ҳолатидаги камчиликлар ва нуқсонларни дарровданоқ сезиб қолдим. Бундай нотўғри техника учун Лоуси мени ўларча қилиб дўппослаши мумкин эди. Раани қўлларини силтаб ва енгилгина сакраб, оёқлари билан шариллаган ҳаракатларни қиларди. Вақти-вақти билан у бир ёки икки қўли билан усти юмшоқ, сирпанчиқ бўлмаган полни енгил-елпи муштлаб қўярди.

Биз бир-биримизнинг кўзимизга тикилганимизча, аста-секинлик билан яқинлашдик. Оломон жимликдан қотиб қолди. Нафаслари ичига тушганича, одамлар ўзларининг эркатойлари Раанининг атрофимда айланиб, менинг ҳушёрлигимни сусайтиришга ҳаракат қилаётганини кузатиб турардилар. Бирдан у чапга ёлғондакам ҳаракат қилди. Мен тушиши мумкин бўлган зарбани қайтариш мақсадида ўз ҳолатимни ўзгартиргунимча, Раани маймун усулини қўллаб, мени йиқитмоқчи бўлди. Шу зоҳотиёқ мен тепага учдим ва унинг устидан сакраб ўтдим. Аммо у чап оёғимдан тутиб олишга улгурди. Бунга жавобан, мен ўнг болдирымнинг мушакларини ишга солиб, унинг қўлига товоним билан қисқа, аммо кескин зарба бердим. Биз иккимиз ҳам полга гупиллаб йиқилдик, трибуналар бизнинг эндиги ҳаракатларимизни яхшироқ кўриш мақсадида ўрниларидан туриб олдилар. Полдан дик этиб сакраб туриб, мен қоплон ҳолатини қабул

қилдим ва ўрнидан бир амаллаб қўзғалаётган «маймун»га қисқача, лекин шиддатли тепкилар билан хужум уюштирдим.

Раани унга ёғилаётган қоплон тепкиларидан орта тисарилганча, зарбаларни моҳирлик билан қайтарарди. Менинг қилаётган хужумим авж олди. Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётган эди, аммо у майдоннинг чеккасига етиб бориб қолди. Бир лаҳзада мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Бошим гангиб қолди. Наҳотки у осонликча менга таслим бўлса? Айни ўша дақиқаларда, мен унинг оёғи майдон чизиғидан ташқарига ўтди, деб ҳисоблаганимда, Раани кутилмаганда менга ташланиб қолди. Мен шу заҳотиёқ унинг чотига тешиб, рақибимни кутиб олдим. У менинг шундай ҳаракат қилишимни билган ва эпчиллик билан ўнг қўлимнинг енгидан тутиб олишга улгурди. Унинг алдовчи усули ажойиб эди, бироқ мен зудлик билан хавфни сезиб қолдим. Раанининг найранглари ҳаракат қилишидан олдин билиб олишни ўрганишим учун, мен бобомдан қанчадан-қанча калтак егандим. Лоуси қайта-қайта ҳозирда Раани қўллаган усул — асосли баландликка сапчиш усулини қўллаган ва ўз вақтида унинг зарбасини қайтара олмаганим учун баданларим моматалоқ бўлиб кетган.

Рақибим кўз очиб юмгунимча, менинг енгимдан тортиб ерга йиқитди ва оёғи билан чотимга тепди. Мен тепага учдим, оғриқ яшин ургандай, тиштирноғимгача етиб борди.

Бир лаҳзада мен ўзимга келдим ва оғриқдан чалғидим. Спираль шаклида айланиб, оёқларимда тик турдим. Трибуналар ҳайратдан қотиб қолди, чунки мен шундай зарбадан кейин ҳам мувозанатни сақлаб, оёққа туриб олдим. Бир оёғим майдонда, иккинчиси эса — тахтасупада эди. «Маймун» яна бошқатдан мени майдон чизиғидан чиқариб юбориш мақсадида, менга хужум қилди. Мен эгилган тўсиқдан шиддат билан бир неча қадам қўйдим. Энди алдаш усулини

қўллаш навбати менга келди. Мен чотимни чангалла-
нимча, эгилиб олдим. Гўёки қаттиқ оғриқдан ўзимни
қўйгани жой тополмай, у ёқдан—бу ёққа юрдим, ин-
граганимча «хушимни йўқота бошладим». Албатта,
оғриқ чиндан ҳам кучли эди. Лекин кўз очиб юмгун-
ча, «маймун» бир айланиб менга яна зарба бериш
мақсадида олдимга югуриб келиб ташланди. Мен як-
качўпда айландим ва бир зарба билан рақибимнинг
қўлини синдириб ишдан чиқардим. Бундан кейин
эса қоплон усулидаги усулни қўладим ва Раанининг
бўйнига ён тарафдан бор кучим билан тепдим. Унинг
кўзлари олайди ва Раани полга қулаб тушди.

Трибуналар бир лаҳзага жим бўлиб қолди. Денью
санай бошлади: «Бир... икки... уч! Аут!» Ва ниҳоят
у мени кўрсатди ва мени жанг ғолиби деб, эълон
қилди. Бирдан томошабинлар томонидан қулоқни
қоматга келтирувчи олқишлар ва қарсақлар кўтарил-
ди. Мен меҳнат қилиб уларнинг хурматини ва эъти-
борини қозондим. Менинг зарбамдан кейин Раани
ўзига келди, лекин бир неча дақиқа мобайнида гарант
бўлиб ўтирди. У менинг унга билдирган хурмат ва
эҳтиромимни ифодаловчи ишорамни қабул қилди,
аммо кўзимга тик қарашдан ўзини олиб қочди. Мен
таъзим қилиш учун Лоуси ва бошқа кексалар ўтирган
томонга қайрилдим. Менинг устозим ўрнидан турга-
нича, менга қарсақ чаларди. Бу мен учун юксак муко-
фот эди.

Бир неча ой ўтиб яна бир турнир ташкил қилинди.
Биз Лоуси билан галдаги турнирда иштирок этиш
учун Покистонга жўнадик. Бу сафар мен Раанининг
амакиси Аднан билан жанг қилишга таклиф этилган-
дим. Кучлар тенг эмасди, чунки биз кўп нарасада бир-
биримизга мос келмасдик. Мен ниҳоятда хавотирла-
нардим, зеро эндиликда менинг обрўйим хавф-хатар
остида эди. Эҳтимол, бу Лоусининг найранглари-
дан бири бўлиши мумкин. Балки, устоз менга навбатда-

ги сабоқни бермоқчи бўлгандир. Аднан билан бўлиб ўтадиган жангда бобом менинг ғалабага эришишимга умид қилганми ёки йўқми, мен бундан беҳабар эдим. Тоғ лайлаги усули бўйича кун-фу устаси бўлган Аднан, менга қараганда, сўзсиз кўплаб афзалликларга эга ва мендан анчагина устун келарди. Биринчидан, у кўп йиллик жанговар тажрибага ва, иккинчидан, ажойиб техника ва қобилиятга эга.

— Бу жанг омма олдида бўлиб ўтмайди, — деди менга Лоуси.

Ёпиқ эшиклар ортида бўлиб ўтадиган ҳар қандай жанг — бу жуда катта пул дегани. Одамлар катта пулларни ўртага тикканларида, у ёки бу тарзда бунга ҳукумат аъзолари ҳам бош қўшган бўлади.

Аднаннынг кўриниши жияни Рааниники сингари, жуда содда, гўлроқ эди. Бизнинг нигоҳларимиз тўқнашганда, рақибимнинг шамолдан ёрилиб кетган юзи менга қатъий, дадил ва ёқимсиз кўринди. Гўёки унинг устозининг обрўси хавф остида, шунинг учун ҳам у ҳазиллашиб ўтирмайди.

Йўлбарс сифатида, мен Аднан билан кучли ҳужум қилувчи усулдаги яқин жанг олиб боришим керак эди. Шу билан бирга тўғридан- тўғри контакт қилишдан қочиб қутулиш мақсадида, рақиб лайлак услубини танлашини мен тушунардим. У алдаб ўтувчи ҳаракатлар қилади, чап бериб ўзини четга олади ва мендан қочади, сўнгра ўзининг шоҳона зарбасини узоқдан туриб беради. Қисқача қилиб айтганда, бу ерда мен учун тайёрланган ноҳушликлар керагидан анчагина ортиқ эди. Мен тинмай машқ қилардим, йўлбарс ва лайлакнинг аралаш усуллари- ни қўллаш маҳоратини оширардим ва ўткирлаштириб, мақомига етказишга ҳаракат қилардим. Менга шу вақтгача ушбу усулда қарама-қарши курашувчи жангчиларни кўриш ҳеч қачон насиб этмаган. Мана энди бундай жангнинг нафақат гувоҳи бўлмоқдаман, балки тўғридан-тўғри қатнашчисиман.

Барча тахминларим тўғри бўлиб чиқди. Мен тинмай Аднанни қувиб юрдим, у эса менинг «йўлбарс» зарбаларимга ва «ўтқир панжаларим»га осонгина чап бериб, ҳавода учиб юрарди. Менинг зарбаларим Аднанникига қараганда анчагина кучли эди, аммо рақибни аниқ нишонга ололмасдим. Танлаган тактикам менга панд берди, шунинг учун жанг бориши жараёнида ҳужумни бошқача тарзда уюштирмоқчи бўлдим. Менинг иккиланишимни сезиб қолган Аднан таваккал қилди. Менинг зарбамга моҳирона чап бериб, у «лайлакнинг қанотлари»дан фойдаланди ва учиб келиб, менинг кўзларимни нишонга олди ва яхшилаб тепди. Бир лаҳзага кўзларим кўрмай, вазиятни идора қилолмай қолдим.

Узун ва орриқ «лайлак» бундан фойдаланди. Аднан полда ётганича, қўлларига тиралди, бир оёғини букиб тиззалади, иккинчи оёғи билан супириб ташловчи ҳаракат ёрдамида оёқларимга тепиб мени йиқитди. Оёқларим унинг кўкрагидан тепага кўтарилди, сўнгра Аднан бутун оғирлиги билан менинг устимга ташланди. Мен полга елка ва белларим билан гупиллаб ётиб қолдим. Бир неча сониялардан кейин Лоуси ўз жойидан кўтарилиб, майдон олдида турганини кўриб қолдим. Мен устозимнинг обрўсини тўкишга ҳаққим йўқ.

Бир лаҳза — ва мен оёққа туриб, ҳимоя қилувчи ҳолатни қабул қилдим, аммо бефойда. Аднан яна менга ҳужум қилди. Менга нафасимни ростлаб олиш учун бир сония ҳам вақт бермай, «лайлак» бошимга қарата кетма-кет зарба уюштирди. У менинг атрофимда айланиб учиб юргунга қадар, мен бор кучим билан мувозанатни сақлаб қолишга интилдим. «Лайлак»нинг зарбаларидан бошим қаттиқ айланарди. Тўсатдан жаҳлим чиқиб, қониб қайнаб кетди. Аднан яна бир бор менга яқинлашганда, мен бирдан уни ўнг қўлим билан чап билагини ушлаб олдим ва қаттиқ сиқдим. Аднан учун бундай усулни қўллашим

кутилмаган тасодиф бўлди. У оғриқдан ингради ва бошқа қўлини бўшатишга шошилди. Мен отнинг максимал қуйи ҳолатини қабул қилдим ва «лайлак»нинг қўлини қайириб орқасига тирадим. Шу билан бир қаторда унинг орқалаб тепган зарбасини қайтардим. Рақибимнинг қўллари янада кучлироқ елкасига қисиб, уни таслим бўлишга мажбур қилдим. Даҳшатли инграшдан сўнг оғриқни енгмоқчи бўлиб, Аднан тиззалади. У мардларча ўзини тутишга ва чидашга ҳаракат қилди. Аммо кейин додлади:

— Таслим бўлдим! Енгилдим!

Жанг тугагач, мен бобом билан учрашдим, у мени қутлади. Устознинг кўзларида шўх, муғомбирона учкун чақнади. Бундай учкунни олдин ҳеч кўрмаганман. У чопонининг чўнтаглари шаппатлади. Менга маълум бўлишича, битта ғалабам бобомга бир йиллик даромад пулини етказибди. Мени ўртага қўйиб пул тикар экан, бобом ҳеч қачон уятга қолмаслигини мен ўшанда тушундим.

Англияга қайтиб келгач, мен жаноб Чжон мактабида ишлашни давом эттирдим. Отам кўз ўнгимда сўлий бошларди. Мен уни кўтариб олиб, айлантришга олиб чиқардим. Онам аввалгидай кўпинча уйда бўлмасди. Ота-онам билан бирмунча вақт яшаб, ўзимга билинмаган ҳолда уларнинг ўртасидаги муносабатларни аста-секин тушуна бошладим. Улар жуда ғалати жуфтлик эди. Иккиси ҳам Англияда туғилган, аммо итальян ва хитой маданиятига хос бўлган талабчан анъаналарда тарбияланишган. Иккала оила аъзолари ҳам уларнинг никоҳига қарши чиқишган, бунинг устига, иккала тарафдан ҳам улар бадарға қилинганлар. Уларнинг маданиятида ўхшашликларга қараганда, кўпроқ тафовутлар мавжуд. Онам олдингидай ўзининг келиб чиқишидан фахрлариб юрарди, унинг кибрли хулқи атрофдагиларни ўзидан нари итарарди. Онамнинг табиати жуда нозик бўлиб,

чиройли ва кўркем кийинишни яхши кўрарди, шу сабабли у ўзини эркин тутарди. Бироқ отамнинг касаллигидан кейин онам ўзгарди, у олдингидай бой ва бадавлат яшашдан, яхши кийиниб, яхши еб-ичишдан умидини узди. Лекин барибир олдинги қилиқлари ҳеч қолмади. Онам Найтсбридж ва Риджент-стритдаги қимматбаҳо магазинларга бориб, у ерда соатлаб қолиб кетишлари мумкин эди. Аммо барибир у арзон муниципал уйга қайтиб келарди ва шаҳар кенгашининг баъзи харажатларни қоплаш учун давлат томонидан бериладиган ёрдам пули билан чекланиб қоларди. Бошқа ҳеч қандай чора йўқ эди.

Вақт жуда тез ўтиб кетарди. Мактабдаги ишларим борган сари кўпайиб кетгани учун, жаноб Чжон бир нечаборменингмаошимни оширди. Олганпулимнинг ҳаммасини ота-онамга олиб бориб берардим. Шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, турли мусобақаларда иштирок этишим учун барча йўл харажатларини КФХФ (кун-фу Халқаро федерацияси) тўларди. Ҳозирга қадар мен енгилмас жангчи бўлиб келардим. Шунинг учун ҳам КФХФ аъзолари менинг келажақдаги мартабамга маълум бир қизиқиш уйғотдилар. Тез орада кун-фу бўйича дунё чемпионатида иштирок этишга мени кўндирдилар. Аввалига бу гоё менга унчалик ёқмади. Кун-фу бўйича кўплаб Буюк усталар КФХФ ҳомийлиги томонидан ўтказиладиган чемпионатларнинг ҳеч бирини тан олмасдилар. «Чемпионат» сўзининг ўзи — кун-фу жанговар санъатига ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Усталар мусобақаларга ўз шогирдларини фақатгина бир мақсадда жўнатардилар: жанг техникасини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун. Курашчини дунё тан олиши, хушомадгўйлик ва лаганбардорлик Буюк усталар кўз ўнгида ҳеч нарсага арзимасди.

— Менинг назаримда, дунё чемпиони унвонини ўз билармон, кеккайган, уятсиз одам олиб юриши мумкин, — дедим мен дўстим Кингслейга, биз жаноб Чжон

мактабидан уйга қайтаётганимизда. — Мана мени олайлик, мен нима учун жанг қиламан — фақатгина устозим Лоусини машхур қилиш учун.

— Э-э-э! Дўстим қўйсанг-чи... Сенга нима? Кел, рози бўлгин... ўз устозингни бутун жаҳонга машхур қилишга сенда имконият туғилди! — деб эътироз билдирди Кингслей ва тиржайганича биқинимга туртиб қўйди. — Кейин эса Тони, ўн минг фунт пул мукофотини нима қилишингни яхшилаб ўйлаб кўр. Ёки сен пулни нимага сарф қилишни аллақачон ўйлаб қўйганмисан?

Ҳар қандай вазиятда Кингслей менинг кайфиятимни кўтаришга уста эди. Эҳтимол, у ҳақдир. Унинг айтганларини Лоуси билан муҳокама қилиш керак.

Мен узлуксиз уч йил давомида жаҳон чемпионатларида қатнашиб келдим: бир маротаба — Таиландда ва икки марта — Гонконгда. Бу каби мусобақалар — бу ҳар доимги «контактсиз» жанглар, яъни улар «контактли» жанглардан фарқли ўлароқ, оғриқсиз усуллар ёрдамида ўтади. Шундай қилиб, ҳеч бир қатнашчи жиддий жароҳат олмайди, жангчилар ўзларининг маҳоратларини ва ажойиб техникага эга эканликларини намойиш қиладилар. Шу уч йил давомида ҳар доим мен финал биринчилигида албатта маҳоратли жангчилар тўртлигига киритилардим. Ва шундан мен чинакам қониқиш ҳосил қилардим. Маълум ва машхур Буюк уста Гок Сю Фуннинг шогирди, Сянлик Ли Чжон По менинг рақибларим ичида энг ашаддийси бўлган. Шу йиллар давомида будда ибодатхоналарида ўтказиладиган турлича намунали чиқишларда биз иккимиз бир неча бор жанг майдонида учрашганмиз ва иккимизнинг ҳам бир-биримизга нисбатан иззат-эҳтиром туйғулари пайдо бўлди. Ўзаро ҳурмат ҳақида гап кетганда, рақиблик туйғусига ўрин қолмайди. Иккаламиз ҳам бирдай жиддий таълим олганимизни ва ҳар қандай жангга бир хил мақсадда майдонга чиқаётганимизни биз тушунардик. Бизнинг

жангларимиз шафқатсиз сценарийлар бўйича бўлиб ўтарди ва мен икки йил давомида узлуксиз Ли Чжон Пони устидан ғолибликни қўлга киритардим. Мен иштирок этган учинчи жаҳон чемпионатида Ли Чжон По қатнашмади. Шунинг учун ҳам сўнгги чемпионат биринчилигида мен ҳеч бир қийинчиликсиз ғалабага эришдим.

Пул мукофотини менинг бобомга топширишди. Бобом эса, албатта, пулнинг катта қисмини менинг ҳисобимга ўтказди. Ўз навбатида мен ҳам улкан улушни ота-онамга бердим.

Айнан шу вақтда менга бошқа ишни таклиф қилишди — кун-фу Халқаро федерацияда ишлашни. Бутун дунё бўйлаб мен кун-фу мактабларида олиб борилаётган ишларни назорат қилдим ва у ерда фаолият кўрсатаётган мураббийларни рўйхатга олиб юрдим. Кун-фу санъатининг ҳақиқий йўлидан оғмасдан бориб, таълим ва тренингларни бирга олиб бориш — КФХФнинг асосий ғамхўрлигидир. Ташкилотни пул билан таъминлаш асосан шу ташкилотни ҳомийликка олган қўриқлаш ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Қўриқлаш фирмалари ўз хизматларини қонуний ҳукуматга, ташкилотларга ва шахсий қўриқлашга муҳтож бўлган граждандарга таклиф этадилар. Мени кун-фу Халқаро федерациясидаги бўш ўринга ишга қабул қилганларидан кейин, тез орада қўл жангини олиб бориш усуллари янги келган ўқувчиларга ўргата бошладим. Ойлик маошдан ташқари, менга турлича имтиёзлар бериларди. Менга яхшигина пул тўлашарди, мотицикл ва Швейцарияда хизмат майдони ажратиб беришди — Женевада рю де ля Конфедерасьон асосий ўқув корпуси ёнидан квартира. КФХФ ўқувчиларни асосан собиқ ҳарбий хизматчилар орасидан танлаб оларди, шунинг учун ҳам мен бу ерда турли миллат ва ижтимоий аҳвол вакиллари билан танишишга муяссар бўлдим. Булар жисмонан бақувват, жасур йигитлар

эдилар. Уларнинг кўпчилиги француз Чет эл легиони, Британия армиясининг десант-диверсион ва Америка қуроли кучларининг вакиллари бўлардилар. Уларнинг ҳаммаси жанговар тайёрлов курсларини ўтаганлар, қўл жанги усулларини яхши билганлар, ҳар қандай жанговар техника ва қурооллардан фойдаланишни аъло даражада бажарардилар. Аммо КФХФ доирасидаги таълим ва тренинг, асосан ўқувчиларнинг турлича объект ва маълум шахсларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш профессионал кўникмаларини ривожлантириб, такомиллаштиришга қаратилган мақсадларни кўзларди. Бинобарин, шуниси аниқки, бу йигитлар авваламбор дунёнинг энг аслзодалари, бой-бадавлат ва забардаст одамларнинг ҳимояси учун жавоб берганлар.

Менинг шогирдларимдан ҳар бири ўз вақтида ҳарбий ўқув базаларида махсус тайёрлов курсларини ўтаганлар. Аммо менинг асосий вазифам — хавф солувчи вазиятларда қўл жанги эффектив методлардан бири эканлигини уларга кўрсатишдан иборатдир. Қўл жангининг асосий усулларига уларни ўргатиш учун бир неча ҳафта вақтим кетди. Улар рақиб билан узвий контактда бўлган вазиятларда профессионал кўникмаларни ишлаб чиқишда ва ривожлантиришда, гаровга олинган одамларни озод қилишда, душманни қувишда ва таъқиб қилишда, уларга ишониб топширилган кимсаларни ҳимоя қилишда фаол иштирок этганлар.

Вақт ўтгани сайин бизнинг ўртамиздаги муносабатлар дўстона алоқаларга айланди. Мен кун-фу жанговар санъатига ўргатган забардаст йигитлар, ўз вақтларини турлича дўстона кечаларда ўтказишни яхши кўрардилар. Машқлардан бўш вақтларимизда биз маҳаллий клуб ва барларга боришни ёқтирардик. Йигитларимизнинг кўпчилиги наркотиклар қабул қилишарди, ўзларини йўқотиб қўйгунарлича спиртли ичимликларни истеъмол қилардилар. Шахсан ме-

нинг ўзим бундай салбий ҳолатлардан мустасно эдим. Шунинг таъкидлаш керакки, бундай шарт-шароитларда ҳам мен индивидуал тайёргарлигимга қунига албатта беш-олти соат вақт ажратардим. Мен ҳар доим юксак даражада бўлишим лозим, бу эса фақат соғлом ҳаёт тарзига боғлиқ эди. Шу билан бир қаторда, тан қўриқчисининг ҳаёт тарзида мени жуда кўп нарса ўзига мафтун қиларди. Масалан, бутун вужудингни қамраб олувчи хавфни ҳис қилиш. Бундан ташқари, тан қўриқчилари доимо ниҳоятда бой ва бадавлат зотлар, дунёнинг мўътабар зодагонлари аҳли ўрта-сида бўлардилар. Мижозлар ҳаётининг тўкин-сочинлиги, дабдабали уйларда яшаш, умуман олганда, зўр ҳаёт кечириш юқори табақадаги бойваччаларнинг қўлларида эди.

Яқин дўстларимдан бири Канадалик Жин Ломм бўлган. Дўстим новчадан келган, қадди-қомади келишган, сочлари қалин ва жингалак, доим жилмайиб турадиган йигит эди. Шунингдек, у ҳазил-мутойиба қилишни яхши кўрарди. Яқин ўтмишда у француз Чет эл легионидаги ўқув базаларида тайёргарликдан ўтган, сўнгги йилларда эса турли хавфсизлик хизматида агент бўлиб ишлаган. Кунларнинг бирида кечқурун мен дўстим Жин билан кечки овқатга йўл олдик. Биз билан бирга Бельгиядан келган Саша ва Ҳиндистондан Муҳаммадлар бор эди. Тамадди қилиб бўлгач, ҳеч нарсани ўйламай, мен уларнинг суҳбатига қулоқ тутдим. Йигитлар бир-бирларига ўз хўжайинлари ҳақида гапириб берар эдилар.

— Жуда омадим келган йигитман-да! — деб мақтанди Жин. — Уч ойдан бери Маврикидаги пляждаман. Одамга яна нима керак? Океан бўйида ҳашаматли уйим, яхтам, «ягуар» ёки хоҳласам «БМВ-7» машиналарим бор. Ишим зўр-да!

— Сен шунини иш деб ўтирибсанми? Буларнинг ҳаммаси сафсата! Сен ундан кўра иш ҳақида гапир, — деб гиж-гижлади Жинни Муҳаммад. — Яхта палу-

басида чўзилиб ётиб, қоринни силаш... мен зерикиб ўлардим! — кулимсираб деди у.

Жин хафа бўлгандай кўринди.

— Лекин зўр пайтлар. Менинг хўжайиним бизнес оламида кўпдан бери иш юритарди...

— Э-э-э, қўйсанг-чи... Гаров ўйнаб айтаманки, хўжайининг сенга қандайдир бўлмағур ишларни буюрган. Масалан, океанда сайр қилиш учун қайиқни сувга туширгин, деб айтган!

— Ҳа, қуролимни эҳтимол плавкамнинг ичида сақлагандирман-а? — Жин гўёки плавкасининг ичидан пистолетни олиб, хаёлдаги пистолетни Муҳаммадга қаратди. Муҳаммад эса қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Жаноб олийлари хавотир олмасинлар! Мен ҳамма нарсамни ўзим билан олиб юраман, — деб қўшиб қўйди ҳиндистонлик, кўкрак кармонини шаппатлаб қўяр экан. — Қоидага кўра, тан соқчиси ҳеч қачон ўз қуролидан ажралмайди.

— Тони, қулоқ солгин-да... Сен нимадан қўрқасан? — сўради Саша қолганларга кўз қисиб. — Наҳотки сен бу бечорани ташлаб, жиддий ишлар билан шуғуллангинг келмаяпти?

— У тўғри гапиряпти, — деди Муҳаммад. — Сен ўз вақтингни бекорга сарф қилмоқдасан. Сен бу бойвачча ёлғиз ледилар тўғрисида бир ўйлаб кўргин-да... Улар фақат ухлайдилар ва сендай ёшгина, келишган йигит уларни қўриқлаётганини кўрадилар, холос.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Албатта-да, балки мен ҳам сизлар каби, бундай бойвачча хоним учун мода бўлган қимматбаҳо аксессуарга айланмоқчидирман, — дедим мен кулимсираб.

Гап бирпасда, ўз тан соқчиларини бриллиантли тақинчоққа ёки мўйнали шубага ўхшатиб мақтаниб юрган хонимлар ҳақидаги латифаларга ўтиб кетди. Лекин ҳаммаси ҳам бу қадар осон эмасди. Агар ҳазил қилмай жиддий гапирадиган бўлсак, бу йигитлар

дунё миқёсидаги шахсларни ва тадбирларнинг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиши мумкин бўлган қўрқмас жасур эканликларини мен тушуниб турардим. Бу йигитларни чин кўнгилдан профессионал зодагонлар деб аташ мумкин, чунки улар таълим олганларидан кейин террористик хужум юз берган ҳолатда қасос олиш қуролига айланадилар. Улар дунёдаги машҳур зотларни, дипломатларни, қирол оиласи аъзоларини ва юқорида турган ҳукумат хизматчиларининг хавфсизлигини таъминлашда бутун жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Ҳа, алпқомат йигитлар ўзларини тўлиқ ишга бағишлашларини мен кўз олдимга келтиришим мумкин.

КФХФ менинг қўриқлаш тизимига ўтиш қароримни қўллаб-қувватлади ва малакали тан қўриқчиси учун зарур бўлган таълимни олишга ва барча тренингларга қатнашишга сарфланадиган пул маблағини ажратиб берди. Кўп ўқишга тўғри келди. Ўқотар қуроллар турлари системалари ҳақида мен ҳеч нарсани билмаслигим аниқ бўлди. Аммо тез орада турлича қуроллардан фойдаланишни ўрганиб олдим, қолаверса, мен юқори малакали мерганга айландим. Биз оптик нишонга олиш (снайперларга қарши операциялар учун) винтовкалардан, тезотар яримавтоматик карабинлардан (узоқ масофада нишонга текизиш учун), ўн иккинчи калибрли духовой дробовиклардан, шунингдек, турлича кўринишдаги қўл тўппончаларидан — пистолет ва револьверлардан фойдаланишни ўрганаддик. Шундай бўлса-да, ҳаммасидан ҳам мен қўл жангида ўзимни аввалгидай дадил ҳис этардим. Мен ҳар доим совуқ ўқотар қуролларни афзал кўрардим. Бу масалада инструкторим билан менинг қарашларим бир хил эди. Инструктор пичоқ ва бошқа совуқ қуроллардан, шу жумладан, санчиладиган ва кесадиган қуроллардан тўғри фойдаланишни бизга ўргатарди. Унинг келиб чиқиши Бирмадан, у ҳам мен сингари, шунга ўхшаш таълим-

ни ва тайёргарликни болалигидан бошлаган экан. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, кун-фу жанго-вар санъатининг маълум ва машҳур йўлбарс усули қадимий Бирмада пайдо бўлган. Шунинг учун бу инструктор кўпинча пичоқ ёки мачет ёрдамида йўлбарс хужумини ва блокни кўрсатишни менга буюрар эди. Албатта, бунинг ажабланадиган жойи йўқ, зеро мен ёшлигимдан йўлбарс усули бўйича жанг қилиб келаман ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришганман.

Айтиб ўтганларимдан ташқари, мен автомобилни хавфсиз бошқариш борасида ўқиш курсларини тамомлаганман, шунингдек, тревога сигнализацияси юзасидан хизмат кўрсатишни ва ташқаридан назорат қилишни, парамедицинани, халқаро жиний ҳуқуқларни, терроризм билан курашишни, портловчи моддалар билан ишлашни ва бошқа фан соҳаларини кунт билан ўргандим. Сабот ва матонат билан ўқишга тўғри келарди. Айниқса, ёзма ишлар кўп ўтказиларди. Буларнинг ҳаммасидан ташқари, биз чет тилларни астойдил ўрганардик. Мен барча қийинчиликлар олдида чекинмасдим, шунинг учун ҳам барча фанлардан юқори баҳолар олганман. Вақт яшиндай тез ўтиб кетди, мана мен тан қўриқчиси қасамёдини қабул қилишга тайёр бўлдим. Бизнинг шиоримиз — «Deum Solem Timidus» («Фақат Худодан қўрқамиз») — менинг кулгимни келтирди: ахир, мен ҳеч қандай Худодан қўрқмасдим, қолаверса, мен учун ичимдаги танҳо худодан ташқари, бошқа Худо мавжуд эмасди.

Менинг биринчи машғулоти Уинстон билан ишлаш бўлди. Чикагода таваллуд топган Уинстон моҳир тан қўриқчиси бўлган ва узоқ йиллар давомида узлуксиз бир хўжайин аёлда хизмат қилган. Диана хоним Швейцарияда яшовчи бой-бадавлат голландиялик аёл бўлган. Мен биринчи бор унинг баланд

тоғларда беркитиб қурилган катта резиденцияси-ни кўрганимда, оғзим очилиб қолган. Бундай бой-ликни ва ҳашамни мен умримда биринчи бор кўри-шим эди. Аслида, Диана хоним одамларга аралаш-май, алоҳида ҳаёт кечирарди. Аёл Грегорий исмли ўғли билан яшарди. Ўғил ёшига қараганда анчаги-на эсли-хушли болага ўхшарди. Уларнинг уйида хизматкорлар кўп эди. Диана хоним камдан- кам магазинларга борарди. Бундан ташқари, баъзида нодир санъат асарлари бозор-кўргазмаларига таш-риф буюрарди, холос. Бошқа ҳеч қаерга бормасди. Уинстон билан ишлаш менга ҳузур бағишларди. Мен ундан кўп нарсаларни ўргандим: хавфсизлик-ни ва ҳимояни таъминлашни, ташқаридан назорат қилишни ва жиддий вазиятларда улуғ зотларни бе-восита кўриқлашни. Диана хонимнинг реал шарт-шароитидан шу маълум бўлдики, асосий хавф-ха-тар бола тарбиясидан четлатилган отадан келиб чиқар экан. Мен буни дарровдан фаҳмлаб олдим. Суд қарорига биноан Грегорий онаси билан яшар-ди, бироқ Диана хонимнинг турмуш ўртоғи гангстер (Америка Қўшма Штатларида — сотқин амалдорлар ҳимоясидаги бандит) бўлган. Эр ўз ўлжасини осон-гина қўлдан бой бермаслиги ҳаммага аён. У ёки бу ҳаракат билан ота албатта болани уйдан ўтирлаб кетишидан ҳамма қўрқарди. То Уинстон уларнинг уйида хизмат қилар экан, бундай салбий ҳолат ҳеч қачон юз бермаган. Кун-фу Халқаро федерацияси раҳбариятининг ҳисоблашича, Диана хонимнинг ре-зиденциясида амалий машғулотларни ўтишим ме-нинг ўқув программга талаб этилган ўзига хос арзимас таваккал билан боғлиқ бўлган экан. Мен анчадан бери тўлиқ комплектланган гуруҳ билан ишлайдиган кунни интизорлик билан кутиб юрар-дим. Бутланган гуруҳ объект хавфсизлигини ташқи назорат қилишни бешта постдан таъминлаб тура-ди. Бундай вазиятларда гуруҳ бошлиғи бўлиш ҳам-

масидан ҳам хавфлироқдир, чунки айнан гуруҳ раҳбари кўпинча ёлланган қотилларнинг нишонига айланади ва асосий эътибор унга қаратилган бўлади.

Бир қанча вақт ўтгандан кейин Уинстонни бошқа объектга олиб ўтишди. Менинг бир ўзим қолдим. Кунларнинг бирида мен асосий дарвозалар қўриқчисидан рация орқали маълумот олдим.

— Тони, билиб қўйгин, бу ерда ҳўжаликка керак бўлган алланималарни олиб келишди.

— Олиб келишди? Нимани олиб келишди?

— Мен билмадим. Оқ фургон келди — кир ювиш хонасигами ёки шунга ўхшаш. Машинанинг олдида оқ халатда икки йигит ўтиришибди. Мен нималар ҳақида гапираётганимни ўзинг тушундинг-а...

— Йўқ. Улар кимлигини ва нима учун келганларини сўраб— суриштиргин.

Қўриқчига шундай буйруқ бериб, гарчанд бугунги кунга ҳеч нарса режалаштирилмаганлигини аниқ билсам-да, мен бу ҳафтага мўължалланган ишлар рўйхатини кўздан кечирдим.

— Тони, кечирим сўрайман, лекин мен уларни уйга киритиб юбордим.

— Аҳмоқ! Сенинг калланг қаерда? — Мен ниҳоятда ғазабландим. Диана хоним уйда йўқ, Григорий эса иккинчи қаватда ўзининг аи раиғ*иси, яъни энагаси билан бирга. Мен шу заҳотиёқ уларнинг ҳузурига югурдим.

— Шу ерда ўтиринглар, хонадан бир қадамга ҳам чиқманглар! — деб бақирдим мен кўрқиб кетган энаганинг бетига қараб. Сўнгра зина бўйлаб пастга югурдим. Қўлимдаги назарий тайёрлов қоғозларни ва

* Бу ерда — оилада бирга яшовчи (ёки келиб турувчи) чет эллик энага назарда тутилади. Энага уйда турлича юмушларга ёрдам бериш билан бир қаторда, болага қарайди ва унга ўз тилини ўргатади. Бунинг эвазига энагага озиқ-овқат ва турар жой берилади.

протолни отиб юбордим. Албатта, мен хонада бола билан қолиб, зудлик билан полицияни чақиртиришим керак эди. Бироқ мен ҳаммасидан ҳам жиноятчилар ҳақида ўйлардим.

Ҳовлига чиқиш эшигини очиб улгурмасимданоқ, менинг юзимга тиралган қўшоғиз духовой дробовик, яъни милтиқни кўриб қолдим.

— Биз болани олиб кетгани келдик, — деди француз тилида қурол кўтарган одам.

Мен эшикдан бошимни чиқаролмасдим ва унинг орқасида яна нечта қурол кўтарилиб турганини билолмасдим. Дарвозанинг олдида турган қўриқчининг айтишича, келган фургоннинг ичида оқ халат кийган икки киши бор эди. Мен рўпарамда турган бандитнинг кўзига тикилиб қарадим ва унинг шериги чап томонида турганига ишончим комил эди. Эҳтимол, қолган қароқчилар фургоннинг ичида беркиниб ўтиришган бўлсалар керак. Мен тезроқ буни фаҳмлашим керак эди.

Мен қўшоғиз милтиққа ўзимни ташладим, бу менга эшикдан отилиб чиқиш имкониятини берди. Менинг таваккал иш тутганим тўғри бўлиб чиқди: қаршимда турган бандит ўқ узишга улгурмади, бу эса ўз навбатида, бир зумда вазиятни баҳолашга ва бостириб келганларнинг сонини билиб олиш ва қандай иш тутишни ўйлаш имконини берди. Босқинчиларнинг биттаси чап тарафда, қолган учтаси — ўнг тарафда туришарди. Ўша лаҳзада менга аён бўлишича, улар қуролсиз эдилар, аммо иккинчи бандит — ўша чап томонда тургани, қўлида алланима ушлаб тургандай эди. Шиддатли зарба билан милтиқни ўзимдан итардим ва бир сонияда уни айлантириб, биринчи бандитнинг юзига тирадим. Иккинчи қотил мени нишонга олгунича, мен уни чап оёғим билан «от» усулида шундай тепдимки, унинг қуроли чапда турган учтасининг бошидан учиб ўтиб кетди, қотил эса ерга хушсиз йиқилди. Бу мен тамондан қи-

линган хато, нотўғри юриш бўлди. Энди улардан ҳар бири, қай бири қуролга чўзилиб етадиган бўлса, қўз очиб юмгунча мени отиб ўлдириши мумкин. Қўшоғиз милтиқнинг қўндоқи билан биринчи бандитнинг башарасига солдим, кейин қолган учтасига ташландим. Мен уларга товоним ва муштларим билан маймун усулида кетма-кет зарба берардим. Қолган учаласи ҳам ерга гупиллаб тушди. «Учовлон»ни ер билан яксон қилгач, мен биринчи бўлиб йиқитган жинойтчининг тебраниб, миқтиққа чўзилаётганини кўрдим. Ерда ётган учта бандитларнинг бирининг белига сакраб чиқдим ва ундан платформа сифатида фойдаланиб, бандитни гарданига «йўлбарснинг панжаси» усулида шиддат билан тепдим. Қолганлар оғриқдан ерда думалаб ётган бир пайтда, бу ҳам қулаб тушди.

Бу вақтга келиб бир нимани сезган қўриқчи ошхона ходимлари билан рация орқали боғланади. Ошпаз полицияга қўнғироқ қилади. Полициячилар етиб келганда инграётган босқинчилар уйга кирувчи зина-пояларда чўзилиб ётишарди. Мен уларни қўлимдаги ўлжага олинган қурол билан қўриқлаб турардим.

Мен ўзимдан фахрлана олмасдим. Мен васийликдаги болани ўзини қолдирдим ва айнан шу ҳаракатим билан тан қўриқчисининг биринчи қондасини буздим. Мен ҳали ёш бола эдим, ўзимга ҳаддан ташқари бино қўйдим ва жанг қилишга интилдим. Агар ҳаммаси бошқа сценарийга биноан кетганда эди, унда Грегорий ва барча хизматкорларга жуда катта хавф остида қолган бўлардилар. Бундай ҳолатларда инструкция бузиш ҳеч кимсага рухсат этилмайди. Бу мен учун жуда катта сабоқ бўлди ва мен бу сабоқни бутун умрга ўзлаштириб олдим.

Кейинги йиллар мобайнида мен хизмат поғоналаридан тезда қўтарила бошладим. Менинг мижозларимдан кўпчилиги ўғирланиш, қасос олиш ёки ўлдирилиш таҳдиди остида яшардилар. Бироқ мен

хар доим мураккаб вазиятлардан фахр билан чиқардим, шунинг учун ҳам мен КФХФ йирик мутахассисларининг бирига айландим. Дунёда энг обрўли одамларнинг махсус топшириқларига биноан ҳаракат қилардим.

Бир неча ой давомида мен америкалик Уильям Блэк билан хизмат қилдим. Блэк меҳнаткаш, тўғри фикр юрутувчи инсон эди. У ўз маблағларини Манхэттен марказидаги осмонўпар биноларни қурдиришга сарфлади. Мен унинг бош танқўриқчиси бўлдим. Уильям Блэк мени ўзининг «кўрсатувчиси» деб атарди. Эҳтимол, одатга кўра мен ким билан гаплашадиган бўлсам, ўшани бармоғим билан кўрсатганим сабабли менга шундай ном қўйиб олгандир.

Мен Уильям Блэк ҳақида ҳамма нарсани ипидан игнасигача билишим керак — у ёки бу учрашув бўлиб ўтадиган барча тафсилотлардан тортиб, то ўша куни у нонуштага бутерброд учун қайси нонни афзал кўришигача. Махсус қисм — бу аёллар. Уильям тузатиб бўлмас донжуан эди. Унинг аёлларга бўлган ўта «яқин» муносабати кўпинча менинг жаҳлимни чиқарарди, қолаверса, шу кунга режалаштириб қўйган кун ўзининг тартибини ўзи бузарди. Шунинг учун ҳам унинг инжиқликлари туфайли кун давомида мен бир неча бор маршрутни ўзгартиришимга тўғри келарди. Буларнинг ҳаммаси ташвишимиз ўзи камдай, бизни янада кўпроқ ташвишга соларди ва турган битгани бош оғриқ эди, нафақат мен учун, балки командамизнинг бошқа аъзолари учун ҳам. У қаерга ва қандай иш билан кетаётганлигига қараб, унинг танқўриқчиларининг сони ўзгарарди. Бу мен билан шеригим бўлиши мумкин, ёки бўлмаса, қўл остимдаги беш кишидан иборат бутун гуруҳ бўлиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, менинг мижозим Америка Қўшма Штатларидаги ишларини бажариши жараёнида хавф-хатардан анча йироқда бўлган. Бироқ самолёт

трапидан ўзга юрт ерига Уильям Блэк қадам қўйиши биланоқ, у ҳар қандай ҳолатга тушиб қолиши мумкин эди. Юқори мартабадаги бой-бадавлат бизнесмен учун оддий саёҳатга чиқиш ҳам баъзида ниҳоятда хатарли бўлади. Айниқса, агар у борган мамлакатнинг сиёсати очикдан-очик Америка сиёсатига қарши қаратилган бўлса, Блэkning бундай юртларда бўлиши янада хавфлироқдир.

Кунларнинг бирида мен Уильямнинг шахсий секретаридан хат олдим. Унинг одамлари Саудия Арабистонида унга хизмат юзасидан учрашув ташкил этишибди. Хатни ўқиб чиқиб, уни столнинг устига олдим.

— Нима гап? Нохуш хабар олдингми? — деб сўради менинг шеригим Генри.

— Бизни Саудия Арабистонига юборишмоқда. Тайёргарлик қилиш учун — бир ҳафта! — дедим мен жиғибийрон бўлиб. — Бу жуда ҳам кам. Нима, уларнинг каллалари ишламайдими?

Ўша куни кечки пайт мен ишда қолиб кетдим. Ярим кечагача бўлажак хавф-хатарни баҳолаб кўрдим. Қисқача қилиб айтганда, Уильям Блэк билан Саудия Арабистонида нималар юз бериши мумкинлигини тахмин қилдим.

Уильям Ар-Риёда ака-ука Фаҳалилар билан учрашиши кўзда тутилган. Бу ака-укалар жанжалкашликлари билан машҳур бўлганлар, қолаверса, улар сиёсат нуқтаи назаридан обрў-эътиборли инвесторлар ҳисобланардилар. Гап шундаки, бир неча ой олдин Уильямнинг ташкилоти ака-укаларга тегишли бўлган фирмалардан бирини тортиб олибди. Фаҳалилар бундан ниҳоятда ранжибдилар. Улар оилавий фирмани қайтариб олиш мақсадида Уильям Блэгни тўғридан-тўғри музокарага таклиф қилдилар. Менинг хўжайиним ўзи учун фойдали ҳисобланган ака-укалар билан тузилган шартномадан воз кечишни хоҳламасди. Аммо муаммо шунда эдики, тортиб олинган фирма

қайта сотувга қўйилган эди. Хуллас, қисқача қилиб айтганда, энди орқага йўл йўқ эди. Музокараларга киришиш вақти келди, Уильямнинг эса қўл-оёғи боғланган.

Менинг мижозимга жуда катта фойда келтираётган Фаҳали оилавий бизнесининг миси чиқиб қолди. Янги топширик, сўзсиз, жуда катта хавф келтиришини, айниқса, бу Яқин Шарқ мамлакатада, мен яхши тушунардим. Менинг назаримда, биз айтиб бўлмас душман муҳитига бораётгандаймиз. Ўз бошлиғимга ёзган ҳисобот хатимда урғуни шунга қаратдимки, Саудия Арабистонига режалаштирилган сафар менинг мижозим учун ниҳоятда хатарлидир. Аввалам бор, мен унинг шахсий хавфсизлигини таъминлашим даркор. Хулосамда келажақдаги мулоқотни, агар унда Уильямнинг қатнашиши шарт бўлса, нейтрал территорияда ўтказиш лозимлигини тавсия қилдим. Агарда учрашув жойини ўзгартиришнинг иложи бўлмаса, бу ҳолда менинг қўриқчилик командам Саудия Арабистонига менинг хўжайинимдан анча олдин бориб туриши керак. Қанчалик вақтли бўлса, шунчалик яхшироқ бўлади, чунки зарур бўлган текширувларга ва ишни юксак даражада ташкил қилиш учун кўп вақт керак бўлади.

Мен ўша куниёқ факс орқали жавоб олдим. Менинг ҳисоботимни Уильямнинг юридик бюросига жўнатишибди, аммо у ерда ҳисоботимни рад этибдилар. «Жаноб Блэк маслаҳатчиларининг ҳисоблашича, ака-ука Фаҳалиларга таъсир қилиш воситалари (уларнинг компаниясининг шахсий капитали ва қарз маблағи ўртасидаги нисбат) етарли даражада кучли ва ушбу корхона унчалик хавф туғдирмайди, — бу уларнинг жавоби. — Шундай қилиб, ҳеч бир тарзда кун-фу Халқаро федерацияси жаноб Блэк билан ўртада тузилган контрактни хавф-хатар остига қўймоқчи эмас. Шу сабабли, биз сиздан имкон қадар тезроқ тайёрланиб, мижозингизни

Саудия Арабистонига кузатиб боришингизни илтимос қиламиз».

Ўз-ўзидан маълумки, мен шу заҳотиёқ чин дилдан Швейцарияга, Сандра Зэплга факс жўнатдим. Бизнинг офис билан чет элга сафарга отланишнинг нозик томонларини муҳокама қилганимизда ва оператив тарзда назорат қилиш масалаларини ҳал қилганимизда, айнан Сандра орқали алоқа қилардим. Сўнгра мен тездагина телефон гўшагини олдим ва Генрига имкон қадар тезроқ менинг ҳузуримга етиб келишини айтдим.

— Ассалому алайкум, азизларим! — гўшакдан эшитилди Сандранинг овози.

Биз Генри билан бир-биримизга қараб жилмайдик. Иккаламиздан ҳеч биримиз Сандрани шахсан билмасдик, аммо унинг овози ҳар доим қувноқ ва шод жарангларди. Бизнинг ўртамызда қандай гаплар борлигини иккимиз биламиз — енгил ҳазил-мутойиба.

— Хайрли кун, Сандра, аҳволлар қалай? — дедим мен, кейин ҳазил оҳанг билан қўшиб қўйдим: — Ош зўр бўлиб пишибдими, ейиш иккаламыздан бўлади-да!

— Ҳа, азизим. Лекин бизга нима дейилган бўлса, биз ўшани бажаришга мажбурмиз. Клиентларимиз ақлдан озган бўлса, биз нима ҳам дердик?!

— Майли Сандра, бизнинг ишимиз жуда кўп, — дедим мен гапни ишга буриб. — Блэkning одамлари бутун гуруҳни олиб кетишга рухсат бермайдилар, шунинг учун Ар-Риёдга биз Генри ва Блэkning икки ҳамкасби билан борамиз.

— Улар, эҳтимол, нималарга дуч келишлари мумкинлиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар, — деди Генри кулимсираб. — Ўйлашимча, биз тез ва дадил ҳаракат қилишимиз керак. Вазият кескинлашиб кетиши мумкин, биз эса икки кишимиз, холос.

Генри жуда яхши дўст ва профессионал тан қўриқчиси. Келиб чиқиши непаллик бўлган инглиз,

гуркларда* асосий тайёргарликни ўтаган эди. У менга қараганда бўйи баландроқ ва мендан бақувватроқ эди, булардан ташқари, у катта тажрибага эга. Мен ўз ҳаётим давомида камдан-кам одамга ишонганман. Генри эса шундай ишончли одамлардан бири бўлган.

Биз Сандра билан келажакда қилинадиган ишларнинг икир-чикирларини муҳокама қилдик ва ҳар биримизнинг аниқ вазифаларимизни белгилаб олдик.

— Маҳаллий аҳоли ичида бизнинг агентимиз бор. Агент йигитнинг исми Абдулла Алькаф, — деб хабар берди Сандра. — Мен почта орқали унинг расмини сизга юбораман, аммо эътибор қилинг, — у бошқача кўриниш қабул қилишга устаси фаранг йигит. Кўринишидан бу йигит оддий дехқонга ўхшайди, бироқ у шундай ишбилармонки, сизга хоҳлаган нарсангизни олиб беришга қодир — дим-самдан** тортиб то бошқарувчи ракетагача.

— Эҳ-ҳа, Саудия Арабистонида дим-самни, албатта еб кўриш керак, — дедим мен.

— Абдулла алоқа воситалари билан сизларни таъминлайди ва маҳаллий ҳайдовчилардан топиб беради. У билан фақат мен орқали алоқа қиласизлар, — гапини давом эттирди Сандра. — Эртага шу вақтга сизнинг маршрутингизнинг аниқ режасини тузиб бераман ва ҳудуднинг харитасига объектни белгилайман.

Бизнинг ташрифимиз Саудия Арабистонига келганимиздан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак. Йўл оғир ва биз самолётда узоқ учдик: ўн икки соат-

* Гурклар — Непалнинг марказида ва жанубий-ғарбий ҳудудларида яшовчи халқларнинг шартли номланиши, шунингдек, Британия ва Ҳиндистон армиясида хизмат қилувчи бу халқларнинг вакиллари.

** Дим-сам — Хитой ошхонасининг таоми; чучварага ўхшайди.

дан кўпроқ, яна тагин Буюк Британия ва Бахрайнда қўшимча заправка қилдик. Биз учишгача бўлган ҳамма кунларимизни тайёргарлик билан ўтказганимиз сабабли, Генри иккимиз йўлда, яъни самолётда учиш жараёнида бирозгина ухлаб олишга вақт топганимиз учун хурсанд бўлдик.

Биз Ар-Риёдга учиб келиб қўнганимизда, юрагим янада тезроқ уриб кетди. Мен ниҳоятда хушёр бўлиб турардим. Албатта, бирозгина асабийлашардим — жуда ҳолдан тойган эдим. Шу билан бирга, ушбу топшириқ бошланишидан олдин мени нохуш ҳис-туйғулар қамраб олган эди.

6 боб

Абдулланинг ҳаракатлари туфайли, Уильямнинг шахсий реактив самолёти Ар-Риёд аэропортининг Президент қўниш майдонидаги ерга қўнди. Бизни иккита оқ «мерседес» кутиб олди, аммо машинага етиб боришдан олдин биз асосий терминал биносидан ўтишимиз керак эди. Ҳаммаёқ одамга лик тўла, шунинг учун олдимизда турган масала ниҳоятда жиддий эди. Яширин, аммо юзага чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарни ўтказиб юбормаслик учун, мен делегациянинг олдида борардим ва атрофдагилардан қўз узмасдим. Генри эса аръергарддаги (асосий кучлардан кейинда боровчи) икки ёрдамчи билан бир лаҳзага бўлса-да, Генрини эътибордан четда қолдирмасди. Шу тарзда биз оломон ичидан аста-секин юриб борардик. Оломон сийраклашмасди. Атрофимиздаги одамлар чақчақлашиб кулишарди. Кескин вазиятда йўлдан ўтишни тўсиб, улар ҳар дақиқада бизга халақит беришлари мумкин. Одамлар бир-бирини итариб, ўзларига тирсакларининг нуқиши билан йўл очардилар. Ҳаммолар аравачаларини етаклаганларича, тиқилинчда тинмай ўз ёрдамларини тавсия қилардилар. Мен диққат билан тикилдим. Хавф-хатарни ҳис қилиб, менинг асабларим ниҳоятда таранглашди. Бундай вазиятни назорат қилишнинг иложи йўқ эди, мен уни бошқаролмасдим. Бу эса менга асло ёқмасди.

— Бакшиш, бакшиш, — деб таъкидларди сассиқ кўзанга ўхшаган бир одам, менинг қўлимдаги сумкани тортиб олмоқчи бўлиб. Уни туртиб, нарироққа ўтказиб юборишга мажбур бўлдим.

— Секинроқ, секинроқ, — кулиб юборди Уильям. — Бунчалик қўполлик қилмагин. Бу ердаги одамларнинг ўзи шунақа.

Блэксиз ҳам буни мен яхши билардим. Ўтган ҳафта араб маданияти ҳақида нима топган бўлсам, ҳаммасини ўқиб чиқдим. «Бакшиш» дегани — бу чойчақа, пора, унча қиммат бўлмаган совға; шу тарзда бой-бадавлат одамлар камбағаллар билан ўзларига тегишли бўлган нарсаларни бўлишар эканлар. Хўп, бу гапларни қўйиб турайлик, ушбу вазиятда менинг ҳаёлимда умуман бошқа нарса. Биз кўзланган манзилга то етиб бормагунимизча, тинчлана олмаслигимни ўзим билиб турардим.

Биз Генри билан биринчи «мерседесдан», Уильямнинг ёнидан жой олдик. Биз ундан бир қадам ҳам жилмаслигимиз керак. Қолган иккита ёрдамчи шеригимиз иккинчи машинада орқадан келишарди. Шундай бўлса-да, мен тамомила хотиржам бўлолмасдим. Амалда КФХФнинг ҳар бир мамлакатда ўз алоқалари мавжуд эди, бироқ мен ҳеч қачон ва ҳеч кимга ишонмаганман. Имкон қадар мен ўзимнинг агентура тармоқларим хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилардим. Сандранинг қанчалик ишонтиришига қарамай, мен бу Абдулла деганларини шахсан танимасдим, шунинг учун ҳам ундан ва унинг одамларидан чўчиб турардим. Қолаверса, синалмаган ҳайдовчилар билан юрганда доимо ҳушёр бўлиш керак, уларнинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб туриш лозим.

Мармар тошлар билан қурилган «Меридиан» меҳмонхонаси тилладан жимжимадор нақшлар билан безатилган. Уильям учун ҳашаматли пентхаус брон билан банд қилиб қўйилган. Биринчи бўлиб ичкари-

га мен кирдим ва ҳаммаёқни, аввало, қўлда тайёрланган портловчи моддаларнинг бор-йўқлигини обдон текшириб чиқдим. Ҳаммаси жойида экан. Шундан кейингина мижозимга киришга рухсат бердим. Уильям дам олгани кириб кетди. Кечасига навбатчиликка Генри қолди, мен бўлса дам олгани ётиб ухлаб қолибман.

Кейинги кун эрталаб, ўрнимдан барвақт туришим биланок, мен биринчи навбатда меҳмонхонани айланиб чиқдим. Уильям ҳали ухлаб ётган эди. Ака-ука Фаҳалилар билан унинг учрашуви бугунга белгиланган. Мен меҳмонхонанинг ҳамма қаватларини кўздан кечирдим, лифтни, зинопояларни, вестибюль, ресторан ва ошхонани текширдим. Охирида икки «мерседес»ни синчиклаб қараб чиқим. Мен барибир кўплаб ҳар хил «қўнғизчалар»нинг бир уюмини (эшитувчи мосламалар ва яширинча кўриб туриш учун приборлар) топиб олишимга асло шубҳаланмасдим. Аммо акси бўлиб чиқди, мен ҳеч нарса топа олмаганимга ҳайрон бўлдим. Уильямни кутиб олганимда, у дам олганлигига қарамай, кўриниши худди олдингидай чарчаган ва ўзини ланж ҳис қилаётганлигини билдим. Самолётда узоқ учганлигимиз унинг тинкасини қуритибди. Уильямнинг сочларининг ранги оч, ўзи тўлачадан келган, паст бўйли одам эди. Бироқ у ўзига ишонган одамга ўхшарди, бировга сир бой бермасди ва ҳеч қачон руҳан тушқунликда юрмасди. Шубҳасиз, буни унинг бой-бадавлатлиги ва ҳукмронлиги билан боғлаш мумкин эди.

Музокараларга кетишдан олдин биз Генри билан, мижозимиз учун бугунги кунга режалаштирилган расмий протоколга кўз югуртириб чиқдик.

— Нима юз берган тақдирда ҳам, ҳар доим менинг кўз олдимда юринг, — деб огоҳлантирдим мен Уильямни.

Мени Блэкнинг шахсий маслаҳатчиси сифатида таништиришларини биз келишиб олдик, токи

Уильямнинг Генри исмли фақатгина битта танқўриқчиси бор экан, деб ўйласинлар. Чиқиш олдидан Генри «мерседеслар»ни яна бир текшириб чиқди ва биз учрашувга йўл олдик.

Ака-укаларга тегишли бўлган бино «Меридиан» меҳмонхонасига қараганда, янада кўпроқ олтин билан безатилган экан. Бизни бу ерда жуда илиқ ва самимий кутиб олдилар. Ўзаро салом-аликлар бошланиши биланоқ, мен хаёлан бинонинг планлаштирилишини кўз олдимга қелтирдим, шу жумладан, барча кириш-чиқишларни ва зинапояларни ҳам. Америкадалимдаёқ бинонинг планини синчиклаб ўрганиб чиққанман. Худога шукур, ишимизда керак бўладиган барча маълумотлар билан бизни Сандра таъминлаган. Шунинг учун ҳам вентиляциян шахталар қаердан ва қандай ўтганлиги ҳақида мен аниқ тасаввурга эгаман, мабодо кескин ҳолат юзага келадиган бўлса, биз улардан қўшимча чиқиб кетиш эшиги сифатида фойдаланишимиз мумкин.

— Сиз бу ерда хавф-хатардан йироқдасиз, — деди ака-укалардан бири Уильямга мурожаат қилиб. Генрига ишора қилиб, у гапини давом эттирди. — Нега сиз ўзингизнинг танқўриқчингизни меҳмонхонага дам олгани чиқариб юбормаяпсиз?

Режага биноан мен Генрига бош силкитдим ва Уильямни қўриқлаш мажбуриятидан уни озод этдим. Шундай қилгач, биз ака-укаларни Блэкнинг қўриқчиси фақат Генри эканлигига ишонтиришимиз осон бўлди. Унинг кўриниши меникига қараганда анчагина бақувватроқ эди. У ўз бўш вақтини бекордан-бекорга сафламаслигини мен билардим.

Пахлава ва ичимликлардан сўнг эркаклар орасида гап қизигандан-қизиб кетди. Ва ниҳоят, аста-секин улар асосий мавзуга ўтдилар. Ҳаммаси ниҳоятда тинчлик билан бошланди. Уильямнинг шерикларидан бири парокандалик ва фирманинг олти-сотди муаммолари ҳақида гап бошлади. У ҳали гапини

тугатмасиданок, ака-укалар гапни бўлишди. Музокаралар ҳеч қандай натижа бермай, давом этаётганлигини кўрган ака-ука Фаҳалиларнинг жаҳли чиқди. Уларнинг овозлари борган сари янада баландроқ ва серзарда бўлиб эшитиларди. Ака-укалардан бирининг тоқати тоқ бўлди ва у бақира кетди.

— Менинг оилам бу бизнесга бошқа янгалар, шоқоллар сингари, уни парча-парча қилиб ташлаши учун ўз вақтларини ва маблағини ўтказгани йўқ!

— Тинчлан! — деди ака уни тинчлантириб, кўринишидан буниси оғир ва вазминга ўхшайди.

Менда шундай тасаввур бор эдики, гўё буларнинг ҳаммаси яхши ва ёмон полициячиларнинг одатдаги психологик ўйини* бўлса керак, деб ўйладим.

— Нега? — аччиғи чиқиб бақирарди сержаҳл ука, столга муштлаб. — Бизнинг оиламизни таҳқирлагани учун кимдир жазога тортилиши керак-ку, ахир!

Эндиликда музокаралар иккала тарафдорлар томонидан ҳам бошқача, баланд оҳангда олиб борилаётгани учун, мен диққат билан ака-укани кузата бошладим. Вазият бирдан кескинлашди. Генри ўз жойида шай туришига мен умид қилардим. Уильям суҳбатни давом эттирмоқчи бўларди, аммо ака-ука барча ечимларни инкор қилишарди. Ўзини тажовузкорона тутган ука, бирдан ўрнидан сапчиб туриб кетди. Менинг қўлим одатга кўра, ички чўнтакка узатилди. Тажовузкор ука акага арабчалаб бир нима деди-да, мажлислар залидан чиқиб кетди. Бироз жимжитлик ҳукм сурди, сўнгра ака ўз эътирозини билдира бошлади.

— Биз бу ишни шундайлигича қолдирмаймиз ва ўз манфаатимизни ҳимоя қиламиз, — деди у жаҳл билан.

* Психологик манипуляция қилишнинг классик усули, ниҳоятда самарали усулдир. Шунинг учун ҳам кўпинча фақатгина полициячиларнинг фаолиятида ишлатибгина қолмасдан, балки бошқа ҳолатларда ҳам қўлланиши кенг тарқалган.

Энди ҳал қилувчи ҳаракатни мен бажаришим керак. Бир дақиқа ҳам йўқотмай, мен Уильямни залдан олиб чиқиб кетдим.

Генри «мерседес» олдида турганини кўриб, мен енгил нафас олдим. Бироқ ҳаммаси бизнинг фойдамизга ҳал бўлмаётган эди. Генрини қора кўзойнак тақиб, европача кастим кийиб олган, кўринишидан одамни чўчитадиغان олтига барзанги йўлтўсарлар ўраб туришарди. Генри менга тикилиб қаради. Биз «мерседеслар»га яқинлашганимизда, бизнинг орқамизда келаётган қандайдир одам турган олтига барзангига арабчалаб нималардир деди. Барзангилар биз томон кела бошлашди. Агар ўзим бўлганимда, бирпасда ҳаммасининг танобини тортиб, ер билан яксон қилардим. Лекин мен биринчи галда Уильямнинг хавфсизлигини ўйлашим даркор. Мен ундан бир қадамга ҳам нари кетмадим. Барзангилар бизга ҳеч қандай зарар етказмадилар, фақатгина бизни машинагача кузатиб қўйишди. Уларга, биз чиндан ҳам бинони тарк этиб, машинага ўтирганимизга ишонч ҳосил қилиш буюрилганга ўхшайди.

Биз «мерседес»га ўрнашиб ўтирганимизда, Уильямнинг пешонасидан тер қуйилиб оқарди.

— Уф-ф-ф! Жуда ғалати ҳолат... — деди у.

— Ҳа, қувонишга ўрин йўқ... — жавоб бердим мен, барзангиларнинг икки гуруҳга бўлинишганини кўргач. Уларнинг бир гуруҳи қора «БМВ» га ўтиришди, машина шиддат билан олдинга қараб учди. Қолган учта барзанги иккинчи «БМВ»га ўтиришди.

— Қани, кетдик! — деб буйруқ бердим ўзимизнинг одамимизга.

Кўринишидан у ҳам деҳқонга ўхшаган Омар исмли йигит ҳайдовчининг ёнида ўтирарди. Бу Абдулланнинг агенти эди, у бизни йўл кўрсатувчи сифатида бошқариб юрарди. Мен ҳам беихтиёр ундан хавфсираб турардим. Мен «мерседес»нинг орқа ўриндиғида ўтирган Уильямнинг ёнига жойлашдим. Генри эса

орқа ўриндиқнинг багажнигида сақланаётган ўқотар қуроли олиб, у билан шуғуллана бошлади.

Биз жойимиздан қўзғалаётганимизда, орқани кўрсатиб турадиган ойнадан иккинчи «БМВ»нинг кетимиздан изимизга тушганини кўриб қолдим.

— Бизда муаммолар юзага келди, — дедим мен.

Генри иккаламиз бир-биримизни бир қарашданоқ тушунамиз. Олдинда ўтирган одамларга мен ҳеч қачон ишонмаслигимни у биларди. Эндиликда менинг бир ўзим уларнинг ҳар бир ҳаракатини назорат қилиб турардим, Генри эса бошқа «БМВ»ни кузатарди.

— Иш чатоқ! — деди бирдан Генри.

Мен дарров орқага қарадим. Иккинчи «БМВ»даги босқинчилар Уильямнинг ходимлари ўтирган «мерседес»ни қувиб ўтиб, бизнинг изимизга тушиб олишди. Менинг жаҳлим чиқди. Агар бизни ўзимизнинг ҳайдовчиларимиз олиб юришганда эди, бундай ҳолат юз бермасди! Бизнинг одамларимиз машиналар орасидаги масофани ўттиз сантиметрдан оширмайдилар ва юқори тезликда ҳимояни таъминлаб беришга қодирлар. Қолаверса, улар ҳозир юз берганидек, бизнинг икки автомобилларимизнинг орасига бошқа машиналарни суқилиб кириб олишига йўл қўймаган бўлардилар. Қўлтиғимнинг остига беркитилган пистолетни олиб, олдимда ўтирган араб ҳайдовчисининг чаккасига тирадим. У қўрқиб кетганидан алланималар деб минғиллади ва Худога нола қила бошлади.

Тахмин қилганимдек, орамизга кириб олган «БМВ» тормоз берди ва иккинчи «мерседес»ни тўхташга мажбур қилди. «БМВ»дан икки барзанги чиқди. «Мерс»га яқинлашиб келгач, улар яримавтомат қуролидан машина кузовининг чап ойнасига ўқ уздилар.

Мен Уильямнинг устига ўзимни ташладим, ва олдинги ўриндиқлар тагига беркинишни унга буюрдим.

— Қани, ҳайда! — деб бақирдим мен ҳамон қалтираб минғирлаётган ҳайдовчига.

У газни босди ва тезликни оширди, аммо бироздан кейин машина тўхтаб қолди. Мен унга ташландим ва яна пистолетни унинг калласига тираганимча, тезроқ юришни бақириб буюрдим. Лекин ҳайдовчи машинадан учиб чиқди ва марҳамат қилишимизни ёлвориб сўраганича, ура қочди. Мен ўшанда ҳайдовчи операцияда қатнашганми ёки йўқми, тушунолмай қолдим. Бизни қопқонга илинтирдимми ёки ҳақиқатдан ҳам менинг дўқ-пўписаларимдан қўрқиб қочиб қолдимми? Бу одам ким томонда ҳаракат қилганини, унинг вазифаси нималардан иборатлигини биз билолмай қолдик.

Шунда, олди ўриндиқ суянчиғидан сакраб ўтиб, Генри рулга тирмашиб олди. Энди бизда қандайдир имкон пайдо бўлди. Генри КФХФ экстремал машина бошқариш бўйича усталардан бири эди. Биз чанг кўчалардан елдек учиб борардик, кўчалар борган сари тор бўлиб кетарди. Кўчаларда одамлар, савдо расталари ва турли ҳайвонлар изғиб юришарди. Шунинг учун ҳам бизнинг машинамиз гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа бурилиб, қаерга кетаётганимизни билмасдик. «БМВ» бизнинг изимиздан бостириб келарди. Бир сония ҳам вақтни йўқотмай, Генри моҳирона ва усталарча тор кўчалар бўйлаб машинани бошқариб борарди. Бизни қўрган одамлар ўзларини четга урардилар, оломон шу заҳотиёқ сийраклашиб қоларди. Биз имиллаётган транспорт ўртасидан юқори тезликда чап бериб ўтиб кетардик, орқамиздан чанг кўтариларди. Одамларни босиб кетмаслик мақсадида, машина илонизи қилиб юриб, баъзида эски араваларга урилиб кетарди.

— Эҳтиёт бўлинглар! — қичқирди Генри биз йўл чеккасида турган дўкончага урилганимизда.

Қўрқиб кетган араб сотувчи жуда вақтида дўконида сакраб чиқди, машинамизга ёмғирдай анжир ва хурмолар сочилди. Дўконнинг кўк матодан қилинган пардаси машинамизнинг олд ойнасига осилиб қол-

ди, шунинг учун ҳам Генри машинани кўр-кўрона бошқарарди. Бир неча сониялардан кейин шабода машина ойнасидан пардани йўлнинг четига учириб юборди.

Уильямга бошини чиқаришга рухсат бермай, харитадан биз қаерда кетаётганлигимизни ҳали ҳам аниқлай олмаган Омарнинг бошига пистолетни тирадим. Биз қаердалигимиздан ва қаерга бораётганимиздан беҳабар бўлган Омар, ўзини йўқотиб қўйди.

— Элчихонага олиб борадиган йўлни қидир! — бақирдим мен, — Буюк Британия элчихонасигами ёки Америка элчихонасигами, бизга барибир! Ҳой йигит, каллангни ишлат!

— Бу ёққа, энди бу ёққа, чапга... — деди шу заҳотиёқ йўл кўрсатувчи араб. Эҳтимол, жонидан айрилиб қолишдан кўрқди, шекилли.

Генри машинани тор кўчадан учириб кетди.

— Йўқ, йўқ, бу ёққа эмас! — бақирди овозини борица йўл кўрсатувчи. — Бу ёққа юриб кўр!

Генри катта йўлга чиқиб олди, бу йўл кенгроқ эди.

— Бу ерда машиналар тикилиб ётибди, тикилинч! — деб эътироз билдирди Генри.

Мен пистолетимни Омарнинг бошига қаттиқроқ тирадим. Наҳотки у ҳам сотилган бўлса? Генри «мерседес»ни тўқсон градусга бурди ва қоронғу кўчага олиб борувчи тор йўлакчадан юрди.

— Қани, дадил бўлинглар!

Машина ёнбошидаги ойналар деворга қирилиб синди, аммо Генри газни пасайтирмади. Сўнгра биз жуда юқори тезликда кундузги чироққа урилдик. Яна битта гавжум, тўполон кўча. Бу вақтга келиб кўрқувдан Омар дир-дир титрарди. Мен орқага қарадим. Биз «БМВ»дан қочиб қутулганга ўхшаймиз.

— Тормозни бос! — дедим мен Генрига.

«Мерседес» қоқилган қозикдай қотиб қолди.

— Тўр йўқол! Чик машинадан, тезроқ чик! — бақирдим мен араб йўл бошқарувчисига.

Қалтираганича, Омар эшикнинг тутқичини ушлади. Эшикни очиб ҳаёти учун хавфсираганича, лаънатлар айтиб сўқинди ва машинадан юмалаб тушди. Генри жойидан бирданига қўзғалди..

Ва ниҳоят биз шаҳарнинг қинғир-қийшиқ тор кўчаларидан катта, кенгрок йўлга чиқиб олдик. Атрофимиз куп-қуруқ чўлу биёбон. Шу тарзда биз икки соатча айланиб юрдик.

— «Мерсдан» қутулишимиз керак... — деди Генри. — Бизни излаб юришибди.

Бир неча дақиқага сукунат ҳукм сурди. Мен бирор бир жўяли режа тузиб кўрмоқчи бўлдим. Уильямни яширин равишда мамлакатдан олиб чиқиш керак. Иорданияда бизнинг бир консператив квартирамиз бор эди. Уй эгалари жуда яхши одамлар бўлиб, мен уларни шахсан танирдим ва бемалол уларга суянишим мумкин эди. Аммо улар ҳозирда биздан саккиз юз километр йироқда. Мен Абдуллага бўлган ҳар қандай ишончимни йўқотдим, унинг агентларидан эса ҳеч қандай фойда йўқ. Қувайт ва Баҳрайнда ҳам консператив квартиралар бор. Ҳозирда бизга Баҳрайн яқинроқ. Агарда Сандра билан бир амаллаб боғлана олсак, бизни чет элда қабул қилишлари учун у албатта керакли бўлган ҳужжатларни юбориши мумкин. Кутилмаганда, Генри менинг хаёлларимни бўлди:

— Бензин тугаб қолди. Тахминан яна уч километрга етиши мумкин.

— Нима, ҳазиллашяпсанми?

— Асло. Биз машинага ўтирганимизда, бензин баки яримдан пастроқда эди.

Мен бош чайқадим. Хавфсиз машина ҳайдашнинг биринчи қонуни бузилди — бақда ёнилғи ҳар доим тўла бўлиши шарт. Мен Уильямга қарадим. Ҳозирда у жим ўтирарди, аммо қалтираб, унинг қизарган юзларидан тер сув каби оқарди. Қизиқ, у қанча вақт пиёда юриши мумкин? Биз қаердамиз, қаёққа кетяпмиз ва энг яқин шаҳаргача неча километр борлигидан

мутлақо беҳабармиз. Ташқарида сентябрь оғи эди, аммо саҳрода — ҳақиқий жазирама. Мен ҳаммаси бўлиб қанча озиқ-овқатимиз борлигини текшириб чиқдим. Бизнинг ихтиёримизда тамадди қилиш учун бирозгина озиқ-овқатимиз ва ичишга тўрт шиша минерал сувимиз бор экан. Қўпга етмайди, айниқса бундай жазирама иссиқда. Уч киши учун камлик қилади.

Бошқа иложимиз йўқ. Энди менинг қўлимдан нима ҳам келарди!

— Мана, ҳаммаси тугади! — деди Генри машина таққа-тақ тўхтаганида рулга мушглаб. — Ёқилғи нол.

Уильям йўлнинг четига ўтириб олди. Галстугининг тугунини сал бўшатди ва бирозгина бўлса-да қуёшдан беркиниш учун, даструмолчасини бўйнига ёпиб олди. Биз Генри иккаламиз «мерседес»ни қандайдир бутазорлар ичига итариб юбордик. Аммо сувсизликдан қақраб ётган ўсимликлар билан машинани тамомила беркитишнинг иложи бўлмади.

Сўнгра биз енгилгина йўлга отландик. Йўлда ҳеч қандай ҳаракат йўқ эди, аммо йўл албатта бизни автомагистралга олиб чиқишига менинг ишончим комил эди.

— Менимча, бу йўл Харадга олиб борса керак, — деди Генри.

Бизнинг чап томонимизда — ўтлари қуриб, сарғайиб қолган ҳосилсиз ерлар; ўнг томонимизда эса — кўзларимизнинг илғашича — бепоён саҳро.

— Агар йўлдан адашмай тўғри юраётган бўлсак, кечга яқин манзилга етиб борамиз.

— Ишончинг комилми?

— Йўқ, ишончим комил эмас.

Мен ҳеч нарсани таклиф қилолмасдим, шунинг учун Генрининг инстинктига ишондим. Бир неча қадам қўйганимиздан кейин мен Уильямнинг қўлидан шишадаги сувни тортиб олдим. У шишадаги сувни нафас олмай ичарди, сув унинг иякларидан ва кўкрагидан ерга оқиб тушарди.

— Сувни тежаш керак, — дедим мен Блэка. — Худо билади, ҳали биз яна қанча юрамиз.

Шу йўсинда бир неча соат ҳам ўтди. Биз воҳага кириб келдик ва у ерда катта харсангтошлар соясида бирозгина дам олдик.

— Икки соатлардан кейин қоронғу тушади.

Мен учун кечаси бежавотирроқдир, аммо кечалари бу ерлар жуда салқин бўлади. Дақиқа ўтгани сари, менинг кўнглим ғаш бўлиб, ташвишли ўйлар босарди.

Ва ниҳоят биз қандайдир шаҳарчага етиб келдик.

— Эй дўстим, сента қойил қолдим! — дедим мен ва Генрининг елкасини қоқдим.

Бу Харад эди. Шу пайтга келиб қоронғу ҳам тушиб қолди ва Уильям ҳаво ҳароратининг кескин ўзгарганлигидан титрарди. Кўчалар жимжит. Баъзибир жойларда одамлар уч-тўрттадан бўлиб туришарди. Улар тинчгина, сигаретларини тутатиб, ўзаро суҳбатлашишарди. Аммо улар бизларни кўришлари биланок, дарровдангина ғойиб бўлишга шошиб қолишарди.

— Ёрдамларинг учун катта раҳмат, — деди Уильям захархандалик билан.

Юра-юра биз бензозаправкага ўхшаш қандайдир бинога етиб келдик. Биз ичкарига кирганимизда, ёшини аниқлаб бўлмас бир араб бизга оёғимиздан тортиб бошимизгача қараб чиқди. Сотувчининг юзлари шабодадан ёрилиб кетган, қуёшдан кўзларини қисавериб, кўзлари писка, кичкина тешикчага ўхшаб қолган. Генри ва Уильям овқат танлашга кетишди.

— Мен кўнғироқ қилишим керак, — дедим чала араб тилида инглиз тили билан аралаштириб.

Араб кар одамдай менга тикилиб турарди. Бироқ у мени эшитиб, гапимга тушунганига ишончим комил. Шу вақт катмонини очганича, Уильям келиб қолди. Кўк қоғозларнинг бир пачкасини кўрган араб-

нинг кўзлари ўйнаб кетди, у шошиб қолди. Араб муғомбирона тиржайди-да, прилавканинг тагидан телефон аппаратини олди ва менга узатди.

Юз берган шунча нохушликлардан сўнг Сандранинг қувноқ, ғайратли ва шодон овозини эшитишим биланоқ ўзимда қандайдир енгиллик сездим. Бу жойда ҳамманинг кўз олдида шу аҳволда туришимиз хавфли эканлигини ҳис этиб, мен Сандрага гап нимадалигини қисқача қилиб тушунтирдим.

— Сизлар ҳозирда Баҳраиндаги консператив квартирамиздан тахминан юз километрча узоқдасизлар, — деб хабар берди Сандра менга. — Шарққа қараб юринглар. Мен сизларга паспорт тўғрилаб бераман ва сизлар бемалол Арабистондан чиқиб кетасизлар.

Сандрадан манзил ва махфий учрашиш жойи ҳақида кодланган маълумотларни ҳали тўлиқ олиб бўлмасимдан, дераза олдида бизга таниш бўлган «БМВ» ни тўхтаганини кўрдим.

Генри Уильямни ёқасидан тортди-да, қандайдир хизмат хонасига итарди.

— Йўқ, йўқ! — деб бақирди прилавка олдида турган одам.

Мен унинг қўлига юз доллар қоғозни суқдим, аммо у ҳамон бизга ёрдам беришдан бош тортишини имо-ишора билан тушунтирарди. Генри ва Уильямнинг орқасидан ўзимни отдим ва уларга янада узоқроққа қочиб кетишларига буйруқ бердим. Ертўлада тор ва кичкина ўтиш жойи бор экан. Бахтимизга, у жой очик эди. Биз қочиб чиққан залдан бақириқ овозлари эшитиларди. Ертўла орқали биз катта кўчага чиқиб олдик. Уильям у ёқдан-бу ёққа сандироқлаб югурарди. Тез орада орқамиздан келаётган оёқ товушлари эшитилди. Ундан кейин ўқ отилди ва отилган ўқ девордан шиддат билан сакраб, бизнинг бошимиз узра визиллаб ўтди.

— Орқага қарамай югуринглар! — деб бақирди Генри, иккита қуролдан ўқ узар экан.

Мен халлослаб келаётган Уильямнинг енгидан тортдим. Биз йўлак бўйлаб қочардик.

— Бўлди... биз қўлга тушдик... — деди у.

— Ҳечам-да, бекорчи гап, — эътироз билдирдим мен. — Тўхтамай югураверинг!

Отишма яна қайтарилди. Биз ҳамма қонунқоидага биноан чекинардик. Таъқиб қилувчиларга ўқ узиб, Генри бизни ҳимоя қиларди. Бирдан ўқ овози эшитилди, ундан сўнг одамни ларзага келтирувчи қичқириқ. Мен югурганимча ортга қарадим. Генри йиқилди. Мен унга ёрдам беришни хоҳлардим, аммо менинг вазифам — Уильямни қутқариб қолиш. Биз кичкина тахта эшикларни итариб, қоронғу йўлаклардан қаергадир югуриб кетардик. Пастак деворларга суркалиб, боши берк кўчаларга кириб қолардик, ухлаб ётган шаҳар кўчаларида тентираб юрардик.

— Тўхта... бирпас тўхта... мен дам олишим керак... — такрорларди тинмай Уильям. — Ҳой йигит, мен бошқа юролмаيمان...

Мен тўхтадим. Генри бизни қувиб келаётган қотилларни чалғитди, энди биз таъқибдан қочиб қутулганга ўхшаймиз. Навбатдаги паст девордан сакраб ўтиб, биз тор йўлакчага чиқдик. Генри учун ўч олиш истагида, мен ақлдан озаётгандай эдим.

— Биз бу ерда хавф остидамиз... — дедим мен Уильямга, уни кимнингдир уйини ўраб олган қалин узум новдаларинг орқасига беркитар эканман.

— Қотиллар тутишолмаса, мен барибир инфаркдан ўлишим мумкин... — жавоб берди Уильям нафаси қисилиб.

Энди қандай йўл тутиш кераклигини ҳал қилиш лозим. Таъқиб қилувчилар эндиликда биз шу ерда, шаҳарда беркиниб олишимизни кутадилар. Агар сахрога қочсак-чи? Таваккал қилиб кўрсакмикан? У ерда қачонгача беркиниб ётишимиз мумкин? Лекин бошқа иложимиз йўқ! Бу ерда бизга ёрдам кўрсатишни хоҳловчи одамни топиш амри маҳол.

Кутилмаганда, очилган эшикнинг овози эшитилди. Уйнинг хўжайини чиқди — баланд бўйли араб. Эҳтимол, у бизнинг гапларимизни эшитиб тургандир. Араб ток новдаларини суриб уйдан чиқиши биланок, мен Уильямни гавдам билан беркитдим. Бизнинг нигоҳларимиз учрашди ва араб бирдан бақириб юборди. Мен имо-ишоралар орқали унинг бақирмаслигини илтимос қилдим, аммо у тинчланмасди. Менинг бошқа иложим йўқ эди. Унинг гарданига мушт тушириб, овозини ўчиришга мажбур бўлдим. Бу трахейанинг узилишини англатарди. Барзанги араб йиқилганда, мен таъқибчиларнинг бирини кўрдим. У менинг олдимга югуриб келди ва биринчи бўлиб мени зарба билан кутиб олди. Мен бу зарбани ўтказиб юбордим, чунки менинг қўлларим бўш бўлиши кераклигини тушунардим. Шу билан бирга мен унинг бошқа қўлидан кўзимни узмасдим. Қароқчи кўролини олиш учун чўнтагига қўлини солганда, мен пайт пойлаб туриб унинг бош бармоғидан ушладим ва бармоқни қайириб ташладим. Қаттиқ қичқирик билан у ерга йиқилиб тушди. Мен унинг пистолетини тортиб олдим ва калласига ўқ уздим.

Бирдан югуриб келган одамлардан атрофимизни оломон босди. Оломон ичидан биз томонга қараб келаётган қолган таъқибчиларга кўзим тушди. Мен Утльямни ушлаб олдим ва тепага қарата ўқ уздим. Одамлар ерга йиқилдилар.

Биз яна кичкина қоронғу кўчалардан қоча бошладик. То саҳрога етиб бормагунимизча, биз тўхтамадик.

— Бу ёққа! — дедим мен Уильямга.

Мен билан тортишиб ўтиришга унинг кучи ҳам, вақти ҳам йўқ эди. Шундай қилиб, биз нотаниш, қоронғу, лекин эркин маконга кириб келдик.

Қумларда қоқилиб-туртиниб, биз бир соатга яқин югурдик. Ҳамма жой қум. Қум оёқларимизга ёпишарди, кўзларимиз ва бурнимизга кирарди. Биз энди

югурмасдик, аранг оёғимизни кўтариб судралиб юардик.

— Тўхтаманг, чуқур-чуқур нафас олинг! — деб қўллаб-қувватлардим мен Уильямни. — Менинг режам қўл келди, шекилли. Эҳтимол, қотиллар ҳали ҳам шаҳарда бизни қидириб юришгандир. Аммо биз тўхтамаслигимиз керак.

— Баҳраингача ҳали узоқми?

— Бу тўғрида сўрамаганингиз маъқул.

Биз бошида олинган тезликни пасайтирмасликка ҳаракат қилиб, индамай кетардик. Биз барзанги қотиллардан имкон қадар узоқроқ масофага кетишимиз кераклигини мен тушунардим. Машинада улар бизни қува олмайдилар, чунки саҳрода ҳаттоки «БМВ» ҳам тиқилиб қолади. Эҳтимол, улар осонликча бизни тарк этишмаса керак. Нима бўлган тақдирда ҳам, тез орада биз қаерга йўл олганимизни улар билиб олсалар керак.

Тўсатдан бизнинг орқамизда қандайдир овозлар эшитилди. Биз тўхтадик ва қоронғуда орқага қарадик.

— Булар ўшалар, — дедим мен.

Уильям қўрқиб кетди, унинг ваҳимага тушгани юзидан билиниб турарди, аммо қўрқувга берилишга вақт йўқ. Бу вақтга келиб саҳронинг ўзига хос ландшафтига кўра, юриш янада қийинлашди. Оёқларимиз кумнинг ичига чуқур кирганича, биз сўнгги кучларимизни тўплаб юришни давом эттирардик. Мен бир нарсадан қўрқардим: ишқилиб кумли бўрон бошланиб қолмасин.

— У ерда нималар бор экан? — сўради Уильям биз навбатдаги бархан чўққисидан ўтганимизда.

Мен қоронғуликка қарадим. Чироқлар, палаткаларнинг ва жониворларнинг соялари.

— Бадавийлар.

Бу бизнинг ягона имкониятимиз эди. Уильям, ҳадемай баримиз таъқибчиларнинг тузоғига или-

намиз дегандай, ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиққан кўринади. Сўнгги кучларимизни тўплаб, биз барханнынг бошқа томонига — аҳоли яшайдиган томонга йўл олдик.

Қишлоққа етиб боргач, туяларнинг олдида ўрмалашиб юрган одамни кўрдик. Биз унинг олдига яқинлашганимизда, у бизга қараб жилмайди. Тасодифни қаранг-а! Вожабо! Бу ерларда дўстона чехрани учратишни сира ўйламанган эканман. Мен у билан арабча гаплашишга ҳаракат қилдим. Яна бир кутилмаган тасодиф. У инглизчада сўзлашишни билан экан.

— Жаноблар, нима бўлди? — сўради у бизга бошдан-оёқ тикилиб. У ҳамон жилмайиб турарди.

— Биз мусибатда қолдик... — дедим зўрға мен. Узоқ юрганимиздан менинг оёқларим титрарди. — Бизни таъқиб қилиб келишмоқда... улар бизни ўлдиришмоқчи.

— Сизлар нима қилган эдиларинг?

— Биз ҳеч қандай ёмон иш қилмадик... — деб гап бошладим мен.

Икир-чикир тафсилотларга берилишни истамасдим, аммо бизнинг бахтимизга дўстпарвар бадавий бўлди, «етарли» демоқчидай, қўлини силтади.

— Ҳа, бўпти... — деди у. — Кўринишингиздан яхши одамларга ўхшайсизлар. — У яна бизга қараб жилмайди ва бизни катта палаткалардан бирига бошлаб борди. — Бугун сизлар — менинг азиз меҳмонимсизлар. Енг, ичинг, биз билан бирга ҳордиқ чиқаринг.

Бизни ким ва қаерданлигимизнинг ипидан-игнасигача сўраб-суриштирмаганлигидан хурсанд бўлиб, мен Уильямга қарадим ва елка қисдим. Чарчаганидан Уильям оёғида зўрға турарди. Биз нотаниш одамнинг орқасидан индамай чодирга йўл олдик. Бу ерда бир нечта эркаклар чилим тортиб ўтиришган экан. Биз ичкарига кириб борганимизда, уларнинг ҳаммаси бизга бир қараб қўйишди, аммо ҳеч нарсая дейишмади. Бизнинг дўстимиз араб тилида алланималар деди

ва бир неча дақиқадан сўнг бизга хамиртирушсиз нон, пишлоқ билан асал ва чечевица (ёсмиқ)дан тайёрланган таом келтиришди.

Тамадди қилиб бўлишимиз биланоқ, Уильям наша ҳидидан шу заҳотиёқ қўй териларида ётганича, ухлаб қолди. Бизнинг янги дўстимиз ёнимга ўтирди ва ўзини Хашанни деб таништирди. Қолган эркаклар юзини тошдек бақрайтириб ўтирган бир пайтда, Хашанни тўлқинланиб гапирарди ва доим тиржаярди. Буни мен ўзим учун қайд қилдим. Инглиз тилида Хашанни яхши гапирарди, аммо бирозгина акцент билан. Унинг айтганларининг маъносини илғаб олиш учун, мен бутун диққат-эътиборимни Хашаннига қаратардим. Бироз вақтдан сўнг у гапини давом эттирди.

— Сизлар қандайдир кўнгилсиз воқеаларга дуч келганмиз, деб айтдиларинг. Сизлар бизникида уч кун қолишларингиз мумкин. Биз сизларни ҳимоя қиламиз ва бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмаймиз.

— Раҳмат сизга... — деб гап бошладим мен.

— Аммо уч кун ўтгандан кейин сизлар билан нима юз берганини очиқ-ойдин сўзлаб берасизлар, акс ҳолда бизни тарк этишларингизга тўғри келади. — У бирозгина жим турди. — Бўлмаса, биз сизларни ўлдираамиз. Бадавийларда шундай қилинади.

Гапларини айтиб бўлгач, Хашанни бизга қараб яна жилмайди, аммо у мутлақо жиддий гапираётганини мен тушундим. Мен унга таъзим қилдим.

— Меҳмондорчилигингиз ва меҳрибонлигингиз учун сиздан миннатдормиз.

Хашанни кулиб юборди ва хурсандчилигидан қарсак чалиб юборди.

Тинкам тамомила қуриганидан менинг тездагина кўзим кетиб қолибди ва маза қилиб тўйиб ухлабман.

Кейинги куни эрталабдан биз Хашаннидан бир қадам ҳам жилмадик. У қандай қилиб туяларни парваришлашини кузатдик. Кун-фу жанговар санъатини ўрганиш жараёнида мен кўплаб ҳайвон ва қуш-

ларнинг одат-қилиқларини ўрганиб чиққанман, фақатгина туянинг одатлари мен учун жумбоқлигича қолганди. Бирдан мен билмасдан ем бор қопга тегиб кетдим. Нима юз берганини англаб олгунимча, туя мен тарафга бўйинини чўзди. Кутилмаган ҳолатда туя хириллаб, менинг башарамга тупурди. Уни ҳайдаб юбориш мақсадида мен бақирдим, аммо туя тишларини кўрсатиб, мени тишлаб олмоқчи бўлди. Шунда ўрнимдан қўзғалдим—да, қоча кетдим. Аммо туя бўлса мени орқамдан қувди. Туядан қочиб, мен чодирлардан бирига югуриб кирдим ва беркиниб олишимга тўғри келди. Мен чодирда яширинганимча, энди нима бўлар экан, деб кутиб ўтирардим. Бироқ Уильямнинг, Хашаннининг, ҳаттоки бетини тошдай қотирган одамларнинг ҳам хоҳлаб кулишларидан бошқа ҳеч нарсa эшитмадим.

— Туя, бу одам менинг озиқамга шерик бўляпти, деб ўйлаган, — деб тушунтирди менга ёрдамга ташланган Хашанни. Шунда ҳам тиржайишидан унинг оғзи қулоғигача эди. Хашанни жаҳди чиққан туяни ўз жойига олиб бориб бойлади, шундан сўнг туя қопдаги емини индамай ейишга тушди. Биз Хашанни иккимиз бир-биримизга диққат билан қарадик.

— Бироздан кейин мен туяда юришни сизга ўргатаман, — деди у менга.

Олдинига Хашаннининг бу таклифи менга ёқмади, аммо кейин менинг миямга бир фикр келди: Уильям иккимиз бу саҳродан фақатгина мана шу «саҳро кемалари»да қочиб қутулишимиз мумкин.

— Қачонлардир биз шу кунларимизни яна эслаймиз, — кулди Уильям бизнинг туяларимиз қуёш нурларида қўшиқ айтиб кетаётган Хашаннининг ортидан «сузиб бораётганларида».

— Мени Лоренс деб чақира қолинг, — дедим унга.

Биз Уильям иккимиз байдавийлар ҳимоясида юрганимизга икки кун бўлди. Шу вақт ичида уларнинг

хаёт тарзи ҳақида мен кўп нарсаларни билиб олдим. Бу одамлар ўта жиддий, имон-эътиқодли одамлар эдилар; ҳақиқий мўмин-мусулмон сифатида улар бир кунда беш вақт намоз ўқишарди, тамадди қилишдан олдин албатта Худога ҳамду санолар айтишарди. Хашанни бизни бир чодирдан иккинчисига олиб ўтарди. У ерда эркаклар, аёллар ва болалар ажойиб гиламларни тўқиш ва бошқа нарсаларни тайёрлаш билан машғул эдилар. Улар тайёр маҳсулотларни яқин орадаги шаҳарда сотиб, ўз тирикчиликларини ўтказардилар. Биз бир нарсага ҳайрон қолардик, бадавийлар қандай қилиб ўз хунарлари туфайли ҳосилдорликсиз саҳрода ҳаёт учун зарур бўлган барча нарсаларни таъминлай олардилар.

Бизнинг хўжайинимиз ҳақиқатдан ҳам меҳмон келганига чин дилдан хурсанд бўларди. У бизга туяларда юришни ўргатди ва соатлаб Уильям билан унинг бизнесига оид бўлган масалалар ҳақида суҳбатлашиб ўтирди. Бироқ Хашаннининг огоҳлантириши менинг ёдимда. Учинчи куни эрталаб биз саҳрога йўл олдик. АҚШнинг бир неча юз долларига ҳар биримизни туя, сув ва озиқ-овқат билан таъминладилар. Буларнинг ҳаммаси Катарга етиб борғунимизгача етса керак. Катар шаҳрида катта ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган бир ишончли одамни қандай топишни Хашанни атрофлича бизга тушунтириб берди.

— Уйга кетиш қандай яхши... — деди Уильям биз шаҳарга яқинлашганимизда. Тўғриси айтганда, ҳали олдинда бизларни нималар кутаётганлигини ҳеч ким билмасди. Лекин менинг бир нарсага қатъий ишончим комил эди: то Уильямни ўз она юртига соғ ва саломат етказиб қўймағунимча, мен тинчланмайман.

— Қани марҳамат, ичкарига киринглар! — деди хушчақчақлик билан думалоқдан келган кимса. Дўсти бадавий сингари, у ҳам тинмай жилмайиб турар-

ди. Бу одам ҳам инглиз тилини мукаммал билиши бизни ҳайратда қолдирди.

— Икки сариқ чизиққа* қарамасдан биз туяларни боғлаб қўйганлигимизни унга айтмагин, — деб пичирлади Уильям биз кичкинагина эшикдан ўтиб дўкончага кирганимизда. Хонада бухур ва нашанинг ҳиди келарди. Кўринишидан, бу қандайдир туристик фирмага ўхшаган бино эди. Бу ерда биз Сандра билан боғланишга муяссар бўлдик. Хуллас, яна бир тутинган дўстимиз Катардан Баҳраинга боровчи кемага иккита билет тақдим этди.

— Бугун шу ерда тунаб қоласизлар, — деди у. — Рейс эртага эрталаб бўлади.

— Бу сенга «Меридиан» эмас... — деди Уильям каравотга чўзилиб. Дўстимиз бизни қолдирган хона ивирсиган бўлиб, иккита тор каравоти бор эди. Аммо ношукурчилик қилиш гуноҳ бўлади. Ювиниб олишимиз учун бадавий бизга сув берди. Биз енгилгина ювиндик, соқолларимизни олдик ва оппоқ чойшаблар солинган ўринга ётдик. Тоза ўринда ҳеч бир хавф-хатарсиз тўйиб ухлаш қандай маза!

Корабль тўлиб-тошган эди, палубаларда деҳқонлар ҳайвонлари билан бирга тикилишиб ўтиришарди. Рейс бир соатдан узоқроққа чўзилди, ва ниҳоят Баҳраинга етиб келгач, биз енгил нафас олдик. Бизни Юлиан исмли немис кутиб олди. Унинг ўзи бизни консператив квартирага олиб борди. У ердан биз паспортлар, зарур бўлган қоғозлар ва авиабилетлар билан чиқдик.

— Асосий маршрутларда, эҳтимол, сизларни қидиришаётган бўлсалар керак, шунинг учун у ерлар жуда хатарли, эҳтиёт бўлинглар, — деди Юлиан.

Мен билетларга қарадим. Болгария авиалиниялари. Америка Қўшма Штатларига бошқача, чалғита-

* Иккита сариқ чизик бу ерда тўхташ ва машиналарни қўйиш таъқиқланлигини англатади.

диган йўллар билан боришга тўғри келади. Буларнинг ҳаммасини Сандра бошқариб бораётганлигини мен билардим. Жуда ажойиб қиз—да. Эҳтимол, бу ортиқча ҳадиксирашдир, аммо таваккал иш тутишга унинг ҳаққи йўқ. Янги паспорт бўйича, энди мен Антонио Каррерас исмли итальян бизнесмени эдим, Уильям эса — Нидерландиялик Уолтер Шмидт.

Учинчи куни биз Нью-Йоркдаги Кеннеди халқаро аэропортида муваффақият билан ерга қўндик. Уильям қилган меҳнатим учун менга ҳиммат кўрсатиб, мукофотлади.

— Саудия Арабистонига энди қадам изи қилмайман, — дедим мен Уильямга кўз қисиб. Бироқ тақдир тақозосини қарангки, мен тез орада янги хизматга тайинландим, бу хизмат менга яна Арабистон юртини эслатди: мен Буюк Британия, Италия ва Кипрдаги Саудия Арабистонининг элчиси, жаноб Амин Файёднинг тан қўриқчиси вазифасини эгалладим.

7 боб

Энди Амин Файёдни қўриқлаш — менинг бош оғриғим бўлди. Вақти-вақти билан мен КФХФнинг арзимас топшириқларини бажариб юардим, лекин Файёд федерация учун «тилла балиқ» эди — бундай миждани улар кадрлардилар. Саудия Арабистони ҳукумати КФХФга унинг хавфсизлиги учун яхшигина пул тўларди. Файёдни қўриқлаш жуда қалтис иш эди, аммо барибир бу доимо ўзгариб турувчи сиёсат конъюктурасига ва уни қайси қитъага жўнатишига боғлиқ эди. Мени беш кишидан иборат команданинг бошлиғи қилиб тайинлашди ва мен хавфли ишни Лондон, Неапол ва Лимассоледаги ниҳоятда қимматбаҳо резиденцияларда узоқ дам олиш билан галма-гал олиб бориб, бутун дунёни айланиб чиқдим.

Амин гардкамчи одам эди. У қийинчиликлардан асло қўрқмасди, аксинча, у мушкулликларни ахтариб топарди ва ҳеч бир нарсадан ўзини қисмасди. Бу унинг қўлидан келарди, чунки у бой-бадавлат, ўзига ниҳоятда ишонган одам эди. Баъзида ундан қарздор бўлган одамларнинг қарзидан кечиб юборарди, аммо тоқати тоқ бўлиб сабри чидамаганда, бу ёруғ оламда ундан ёмон одам топилмасди. Одат тусига кириб қолган унинг бир фазилати бор эди: у ҳеч қачон ўз танқўриқчиларини камситмасди ва хўрламасди. Муддати ўтиб кетган қарзларни ундиришимиз учун Файёд бизнинг ҳар биримизга катта-

гина пул тўларди. Бироқ бизнинг орамизда хасис ва тамаъгирларга ўрин йўқ эди, қолаверса, биз биринчи навбатда, бизга яхшигина маош тўлайдиган кун-фу Халқаро федерацияси раҳбарларининг талабларини ва топшириқларини адо этардик.

Шу вақтга келиб мен КФХФнинг энг юқори ҳақ тўланадиган танқўриқчиларининг бирига айландим. Мен Паддингтонда* ҳашаматли уйни ижарага олдим. У ерда мен билан ота-онам яшашарди. Улар менинг қарамоғимда эдилар. Ва ниҳоят, онам қачонлардир тинмай ҳавас қилган ҳаётга эришганга ўхшайди.

1987 йилнинг ёзида мен бир неча ҳафтага отпусказга кетдим. Амин ўша вақтда тўлиқ беҳавотирликда эди, ҳар ҳолда у ўз уйи Саудия Арабистонида юргандай, ўзини хавф-хатардан анча йироқда деб ҳис қиларди. Шунинг учун мен Лондонга қайтдим. Отам менинг келишимдан жуда хурсанд бўлишини билардим. Сўнги пайтларда отам оғир бетоблиги туфайли ҳеч қаерга чиқмай уйнинг ичида ўтирарди. Мен унинг ёлғизлигини бир неча кунга бўлса ҳам билинтирмасликни хоҳлардим. Қолаверса, менда қадрдон дўстларим билан кўришиш ва кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашиш истаги бор эди.

Кунларнинг бирида мен хитой дўстим Жерри билан Гайд боғида учрашдим. Ажойиб ёз кунларининг эрта тонги эди. Жерри билан мен жаноб Чжон мактабида танишган эдим. У ҳам мен каби кун-фу жанговар санъатини ўрганарди. Биз қайиқни сувга тушуриб қирғоқ бўйидан сузиб кетдик. Жерри роҳат қилиб эшкак эшарди, мен эса кеманинг қуйруқ томонига ётиб олганимча, тонг қуёшидан ва қўл сатҳининг сокинлигидан баҳра олардим.

— Ҳой Тони, ўнг тарафинга бир қарагин-да!

* Паддингтон — Лондоннинг ғарбий қисмидаги район.

Мен қуёшдан кўзларимни тўсиб ўтирдим. Биздан сал нарироқда учта малласоч қиз ўтирган қайиқ турарди. Қизлар сувга эшкакларини тушириб юборибдилар. Улардан икkitаси эгилганича, эшкакни тутиб олмоқчи бўлишарди, аммо эшкак борган сари нарироққа силжиб кетарди. Қизлар қий-чув қилиб кулишарди. Уларнинг сувни чапиллатишларини, эшкакнинг тобора силжиб кетишини биз қизиқиш билан кузатардик.

— Ҳа-ҳа-ҳа, бунинг фойдаси йўқ! — хоҳоларди Жерри, сувга тушган бир эшкакни бошқа эшкак билан олмоқчи бўлган қизнинг беҳуда уринишини кўриб. Қайиқ тинмай чайқаларди, қиз эса хандон отиб куларди. Шундай қилиб, қиз иккинчи эшкакни ҳам сувга тушириб юборди. Ана энди қизлар кўлнинг ўртасида қаровсиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

— Жерри, тезроқ бўлақол! — дедим мен ғайратланиб. — Уларни қутқаришимиз керак.

— Мана жасур қаҳрамонлар ҳам етиб келишди! — деб кулиб юборди қизлардан бири биз яқин келганимизда.

Гарчанд қизлар биз билан инглиз тилида сўзлашсалар-да, улар бир-бирлари билан скандинав тилларининг бирида сўзлашаётганларига менинг ишончим комил эди. Биз сувдан қизларнинг эшкакларини олиб беришни хоҳламасдик: майли, қизлар бизнинг қайиғимизга ўтиб ўтиришсин. Улар ҳамон кулишганларича, бизнинг қайиғимизга ўтиришга рози бўлишди ва ўзларини опа-сингиллар Лия, Лина ва Айя деб таништиришди. Лия бизнинг қайиғимизга ўтаётганда, иккала қайиқ ҳам қаттиқ чайқалди. Бизнинг қайиғимизга ўтиб олгач, Лия қайрилиб, кўлини Айяга узатди, Айя бўлса эгилганича қайиқнинг чеккасидан иккала кўли билан маҳкам ушлаб олганди. Лина Айяни орқасидан тутиб турарди. Ва шундагина мен Айянинг кўзи ожизлигини тушундим. Қиз оёғини кўтарганда, иккала қайиқ ҳам ваҳимали

тарзда чайқалди, Айя сувга тушиб кетишидан мен ҳам қўрқиб кетдим. Лийя чинқирганча, кулгидан қотаётган Жеррининг устига йиқилди. Айянинг узатилган қўлини ушлаб, мен уни белидан қучиб олдим ва хотиржамлик билан ўзимизнинг қайиғимизга ўтказдим. Айнан шу лаҳзаларда мен билан нимадир юз берди. Айянинг белидан қучиб олганимда, бир неча дақиқага нафасим бўғзимга тиқилиб қолди. Қиз кўр бўлишига қарамай, жуда чиройли ва сирли эди. Уни ёнимга ўтиргизиб олиб, Линага қўлимни узатмоқчи эдим, аммо Жерри менга қараганда олғирроқ чиқиб қолди.

Биз қайиқ станциясига узоқ, айлана йўл билан қайтдик. Қизлар эса бизга миннатдорчилик билдириш мақсадида, кафега киришни таклиф қилишди. Биз тездагина рози бўлиб қўяқолдик. Жерри Лина ва Лийя билан қирғоққа сакраб ўтишди, мен эса Айяга ёрдам бериш учун ушланиб қолдим. Мен буни қандай амалга оширишни билмай ўйланиб қолдим, отамни кўтариб юргандай уни қўлларимга кўтариб олдим. Қизлар ҳиринглаб кулишарди.

— Эҳтиёт бўлинг! — деб огоҳлантирди мени Айя ва қўллари елкаларимга қўйди. Бўлди кетдик, дегандай елкаларимни туртди. Менинг орқамдан етакловчининг орқасидан юргандай, Айя қирғоққа дадил чиқиб олди. У қўлини елкамдан олмай, менга қайрилиб олди ва бошқа қўли билан юзимни силади. Мен жилмайганимча, қизнинг чиройли, мовийранг кўзларига қарадим. Айя қаршимда кўрмайдиган кўзларини катта-катта очганича турарди. Қиз менинг пешонамни силади, сўнгра нозик, лекин мустаҳкам қўли билан лабимни, юзларимни силади, ва ниҳоят, иягимни ушлаганича қотиб қолди.

— Сиз келишган йигит экансиз! — деди қиз шўхлик билан. Менга унинг тўғри сўзлиги ёқди.

— Сен менга ишқибоз бўлиб қолдингми? — кулиб юбордим мен.

Жавоб бериш ўрнига Айя мени қўлтиқлаб олди ва биз иккимиз дўстларимизнинг кетидан йўл олдик.

Кофе ва пишлоқли пудинг билан меҳмон бўлиб қанча вақт ўтирганимизни билмадиму, аммо Лина ва Лия Швециядан Айянинг олдига келганликларини ва унинг азият меҳмони бўлганликларини биз билиб олдик. Айя Лондонда юридик факультетнинг биринчи курс талабаси эканлигини эшитганимда, аввалига мен бу гапга ишонгим келмади. Айянинг ўзи эса аччиқланиб деди:

— Кўзим ожиз бўлгани билан, мен аҳмоқ эмасман.

Бироқ мен минг бор тавба-тазарру қилиб, тинмай ундан кечирим сўраганимдан кейин ва гуноҳимни албатта ювишга уринаётганимни билиб, қиз жилмайди.

Ўша куни кечқурун мен Айяни хитой кварталидаги яхши кўрган ресторанларимнинг бирига олиб бордим. Бир қанча вақтдан сўнг биз у билан жуда яқин, айрилмас дўст бўлиб қолдик. Бизнинг ўртамизда қандайдир тушуниб бўлмас ва сўз билан ифодалаб берилмайдиган алоқа юзага келди. Севгига хос бўлган ҳис-туйғу ва ошиқу мошиқларнинг алоқаларидан мен беҳабар эдим. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда табиийдай кўринарди. Бироқ Айя умуман бошқача. У менга бир қарашданоқ қандай эканлигимни билиб олди, вақти келганда мен нима хоҳлашимни ўзим ҳам тушунмасдим. Қалбимнинг туб-тубига кириб олишга у қандай журъат этди — буниси менга қоронғу. У тирикчилик ташвишларидан йироқ бўлган, яхши ва меҳрибон оиладан эканлиги кўриниб турибди. Кўзларининг ожизлигига қарамасдан, унинг юз тусилиши қизнинг қатъийлигидан ва дадиллигидан дарак бериб турарди. Шундай бўлса-да, юрагининг тўрида қиз ёлғизликдан азоб чекаётганлиги ва баъзи-

да умидсизликка тушаётганлиги сезилиб турарди. Ўзим билмаган ҳолатда, мен ҳам тушкунликка тушиб қолардим. Жасурлигим ҳам панд берарди. Бу эса мен хавфсираган севги ҳис-туйғуси эди. Айяга нисбатан бўлган туйғуларим туфайли мен ўзим учун кўплаб шодлик ҳаяжонини ҳис қилардим. Менинг юрагимда хаёлан жанг бўларди. Сўзсиз, мен Айяни ташлаб кетишим мумкин эди, аммо қандайдир кўринмас куч мени унга тортарди. Хуллас, менинг қалбимнинг ҳам қоронғу кўчалари бор, у ерга бошқа кишининг кириши у ёқда турсин, ўзим ҳам қарашга кўрқаман.

Таътилдан мени муддатидан олдин чақиртириб олишди. Айядан айрилишни мен хоҳламасдим. Яхшиямки, Аминга хизмат қиларканман, шу сабабдан Лондонга тез-тез келиб тураман. Умримда биринчи бор мен бахтли эдим.

Кейинги уч йил давомида биз Айя билан иложи борича учрашиб турдик. Мен ҳар йили ўз таътиллариمنى уларнинг Стокгольмдаги уйларида Айянинг оиласи билан ўтказардим. Ўша ерда мен биринчи бор полицияга тушиб қолдим. Кун-фу жанговар санъат усулларини қўллаш баъзи бир мамлакатларда қонун бўйича жазоланади. Мен буни ёдимдан чиқармаслигим керак эди, ахир, бу ҳақда жиноий ҳуқуқ дарсларини ўтганимизда бизга айтиб ўтишган. Кунларнинг бирида мен сигарета сотиб олгани кўчага чиқдим. Айянинг ота-онасининг уйидан унчалик узоқ бўлмаган боғда хотин кишининг бақирганини эшитдим. Энг яқин магазинга кирдим-да, полицияга қўнғироқ қилишни сотувчига айтдим. Дарахтларнинг орқасидан ҳамон қичқириқ эшитилиб турарди, эндиликда қаттиқ чинқириқ эмас, балки овоз сал пасайганди. Мен ўқдай боққа отилдим. Не кўз билан кўрайки, бир аёл қандайдир эркакнинг кучоғидан қутулиб чиқишга ҳаракат қилаётган экан. Эркакнинг шими ерга туширилган бўлиб, у ўз ўлжасини ваҳ-

шийларча урарди ва аёлнинг эғнидаги қўйлагини йиртиб ечарди. Мен ўйлаб ўтирмай йўлтўсарга ташландим ва кескин ҳаракат қилиб уни учуриб юбордим. Азоб чеккан аёл то ўзига келгунига қадар, мен эркакни оёқларим билан тепкиладим. Бирданига ерга ётиб қолганимни асло эслолмайман.

— Тўхтанг! Полиция!

Сержант менга қарши дзюдо усулини қўллади. Мен қаршилиқ кўрсатмай, икки бошқа полициячилар зўравонни қамоққа олиб кетишларини кузатиб турдим. Аёл бўлса дарахтнинг тагида ўтирганича ўксиниб йиғларди. У битта қўли билан кўз ёшларини артар, иккинчиси билан эса йиртилган қўйлак парчаси ёрдамида баданини беркитар эди. У кўринишидан жуда толиққанга ўхшайди. Мен уни юпатмоқчи бўлдим, аммо полициячи мени маҳкам тутиб турарди. Эҳтимол, у нима юз берганини ҳали англаб етмаганга ўхшайди. Ва ниҳоят у менинг қўлларимни қўйиб юборди, аммо бахтга қарши, шу заҳотиёқ қўлларимга кишан солди. Сўнгра ўша зўравон билан бирга мени маҳаллий полиция маҳкамасига олиб кетишди.

Мен иложи борида чала швед тилида нима юз берганини тушунтирмоқчи бўлдим, аммо бефойда. Маҳкамага Айя ва унинг отаси кириб келишганда мен сал тинчландим. Айянинг отаси ва полиция сержанти ўртасида қизгин баҳс кетарди. Гап нима ҳақида бо- раётганини мен тушунишга ҳаракат қилдим.

— Сиз сержантга ёқиб қолганингизни айтмоқда, — деди пичирлаб Айя, баҳслашувчиларнинг гапларини таржима қилишга шошар экан, — аммо сиз қонунни буздингиз. Шарқона яккама-якка кураш усуллари қўллаш бизнинг мамлакатимизда қатъиян манъ этилади.

Менинг ниҳоятда жаҳлим чиқди.

— Мен ёрдам бермаганимда бечора аёл нима қилган бўларди? — эътироз билдирдим мен.

— Айнан шу ҳақда отам сержант билан тортишмоқда. Сиз уни катта фалокатдан қутқариб қолибсиз.

— Сержант буни тушундими?

— Албатта! Аммо сержант ўзининг ҳақлигини тасдиқламоқда, қонун қонунлигича қолиши керак.

Пировардида, сержант олдимга келди. У секингина швед тилида гапирди. Аён бўлишича, бу расмий огоҳлантириш экан. Кейин у менга озод эканлигимни ва кетишим мумкинлигини айтди. Миннатдорчилик тариқасида Айянинг отаси сержантнинг қўлини сиқди.

— Қўлга тушиб қолишимизга сал қолди! — деди ота менга қараб уйга қайтаётганимизда. — Сизни камерада кечаси билан олиб қолишлари мумкин эди.

Айя ҳамма масалаларда мени қўллаб-қувватларди, бироқ менинг қилаётган ишим унга ёқмаслигини билардим. Профессинал хавф-хатар жуда кучли эканлигини мен ҳам тушунардим. Ҳар қадамда мени ўлдириб кетишлари мумкин. Аммо қизга нисбатан мен ўзимни қандай тутмоқдаман? Айя турмуш қуриш ҳақида гапира бошлади. Мен уни жуда севардим. Унинг ота-онаси ва сингиллари билан ўтказган вақтларимда ва шу йиллар мобайнида ҳаётда жуда кўп нарсаларни қўлдан бой берганим ҳақида ўйланиб қоламан. Мен оддий, бекаму кўст ҳаёт кечиришни хоҳлардим: яхши оилам бўлса, келажакда эса — болаларим бўлса. «Эҳтимол, ҳаёт тарзимни ўзгартириш вақти келмадимикан?» Бундай саволни мен кўп марта ўзимга берардим.

Тез орада КФХФ томонидан мен навбатдаги топшириқни олдим. Мен Аминни қўриқлаш учун Неаполга жўнадим. Неаполда квартирам бўлиб, бу квартирада профессионал баскетболистлар Уильям

ва Кевин билан бирга яшардим. Улар ҳам кун-фу Халқаро федерацияси томонидан маблағ билан таъминланардилар.

Телефон жиринглаб қолди, гўшакни Уильям кўтарди. Уильям баланд бўйли, Чикагодан келган қоратанли йигит эди. У доимо йигитларга хазил қилиб юрарди. Бу вақтда мен телевизор кўраётган эдим, у телефонда гаплашаётганини эшитдим. Аммо телевизорда намоиш қилинаётган кинога шунчалик берилиб кетган эканманки, унинг гаплашиш оҳангига эътибор ҳам қилмабман. Уильям телефонда гаплашиб бўлгач, телевизорни ўчирди ва рўпарамда қоқилган қозикдай қотиб қолди.

— Ҳой йигит, сен учун нохуш хабар бор. Фақатгина оғир бўлгин, Айя автофалокатга учрабди...

Унинг гапларидан маълум бўлишича, гўёки Айя Лондонда автоҳалокат туфайли ҳалок бўлибди. Қандайдир олифта ҳайдовчилар катта юк машинасини қувиб ўтишибди ва қарама-қарши томонда келаётган машинага катта тезликда урилибди. Ўша машинада Айя бошқа йўловчилар билан келаётган экан. Машинада кетаётган бошқа йўловчилар сингари Айя ҳам ўша заҳотиёқ ҳалок бўлибди.

Менинг барча ҳис-туйғуларимдан устун келувчи қаҳр-ғазабим қайнаб кетди.

— Нима?! Ким айтди? Нега сен мени чақирмадинг? Ўзи нималар деяпсан?

Мен нимани ўйлашни ҳам билмасдим. Уильямни жаҳл билан сўқдим ва кўкрагига тепдим. У полга қулаб тушди. Мен унинг гапларига асло ишонмасдим.

— Бу сенинг навбатдаги аҳмоқона хазилларингдан бирими? — деб бақирдим мен унга, дунёда мавжуд бўлган қарғиш ва лаънат сўзларини айтиб. Аммо иччимдан Уильям рост гапирганини англаб турардим. Қолаверса, Уильям бундай қалтис хазил қилмасди.

Бундай шумхабардан сўнг ичимда бир нима узилгандай бўлди. Вақти-вақти билан мен шунчалик қаттиқ

асабийлашар эдимки, ҳаттоки ўзимни қўлга ололмасдим. Бир куни кечқурун асабийлашган ҳолатда мотоциклимни миндим-да, бошим оққан томонга учуриб кетдим. Мен ён-атрофимга қарамай, қайси йўлдан қаёққа кетаётганимни билмай учиб кетардим. Мана, орқамдан икки полициячи мени қувиб келмоқда. Улар мени қувиб, йўлда ҳалокатга учрашларини ёки баланд тоғдан жарликка қулаб тушсалар ҳам, майли. Кейин мен билан нима бўлиши каминани асло қизиқтирмасди. Энди менга ҳаммаси барибир. Ҳаёт ёки ўлим — фарқи нима? Мен полициячилар билан пойга қилдим. Ва ниҳоят мен ўзимни босиб олиб, тўхтадим. Полициячилар дарғазаб бўлишди. Тишимни тишимга қўйиб, бир сўз ҳам айтмай мен уларга ўз дипломатик гувоҳномамни кўрсатдим. Узоқ қувишдан сўнг улар ҳали ҳам ўзларига келишгани йўқ. «Хўш, йигитлар, мени башарамга қараб туширинглар», — деб ўйладим. Қоним қайнардди. Агар улар мени урганларида, мен ўчимни улардан олган бўлармидим. Бироқ полициячилар бошқача йўл тутишди: улар менинг гувоҳномамни синчиклаб текширишди, индамасдан ўз мотоциклларига ўтирдилар ва жўнаб қолдилар. Полициячиларнинг бошқа иложи йўқ эди. Дипломатик хизмат ҳодимларига уларнинг қўл текизишга ҳам ҳақ-ҳуқуқлари йўқ.

Мени ичимдан ёндираётган ғазабни дўстларим қандай бартараф қилишни ва менга қандай ёрдам кўрсатишни билишмасди. Улар имкон қадар кўзимга кўринмасликка ҳаракат қилишарди. Чин дилдан кўнгил сўрашга улар журъат қилолмасдилар, чунки менинг кўнгил жароҳатларим ҳали битмаганди. Улар жуда дилкаш йигитлар. Бир куни кечқурун Уильям мен билан гаплашмоқчи бўлди, аммо гап уни яхшилаб дўппослашга берган менинг ваъдам билан якун топди.

Оғир мусибат туфайли кунларнинг бирида Неа-полнинг марказий кўчасида жойлашган яримқоронғу ресторанчалардан бирига кириб қолдим. Бир ўзим қолиб, энди қайғу ва дард-аламни қандай енгитим ва нима қилишим мумкинлигини ёлғиз ўтириб ўйлаб кўрмоқчи бўлдим. Ресторан барменининг олдига бориб, менга бир стакан сут беришини илтимос қилдим. Бармен хоҳолаб кулиб юборди, аммо кўзларим ёвузлашганини кўриб шу заҳотиёқ ерга қараб олди. Мен яна бир бор унга дедим:

— Бир стакат сут бер, мана пул, — унга пул узатдим.

— Биз сут сотмаймиз...

— Унда шарбат бер!

— Сиз тушунмаяпсизми? — сўради у бошининг тепасидаги эълонни кўрсатиб. — Пиво 5 000 лир ёки бир шиша шампан виноси 12 000 лир туради. Кейин хоҳласангиз, ўзингизга бирорта қиз буюришингиз мумкин.

— Қиз? Яна қандай қиз? Менга ҳеч қандай қиз керак эмас! Менга ичишга бирор нима берсанг, бас!

Бармен нималар ҳақида гапираётганини мен тушунмасдим, мен фақатгина шу ерда танҳо ўтиргим келди, холос.

— Пиво берайми ёки шампан виносими?

— Пиво бер қол бўлмаса! — деб бақирдим мен. Яна бир дақиқадан кейин, мен бу барменни турган жойида чакагини ўчириб қўйган бўлардим. Мен ичмоқчи бўлмаган пивони олдим ва бармен турадиган жойдан анча узоқдаги ўринга бориб ўтирдим. Бир неча дақиқадан сўнг ёнимга қандайдир қиз келиб ўтирди. У ҳали ўн саккизга ҳам кирмаганди, афти-башараси бўялган, ундан одамнинг кўнглини айнитадиган атир ҳиди келарди. Мен ҳеч нимани тушунмай, унга қараб ўтирардим. Бу қандай ҳодиса?

— Сенга нима керак? — сўрадим мен.

— Менга ичишга бирор нима олиб беринг... — жавоб берди қиз.

«Иштаҳанг карнай-ку!» — деб ўйладим. У билан айтишиб ўтиргим келмади ва сўраганини барменга олиб келишни буюрдим. Бармен столнинг устига битта шампан виносини олиб келиб қўйди ва менга 17 000 лир тўлашга қоғозча берди. Мен яна асабийлашдим.

— Хўп, нималар ҳақида суҳбатлашамиз? — деб сўради қиз сурбетларча. Унинг овози жуда ёқимли эди.

— Аслида, менинг сен билан умуман гаплашиш истагим йўқ.

Энди ўзини йўқотиш навбати қизга келди.

— Хўш, унда нима учун менга шампан виноси олиб бердингиз?

— Ахир ўзинг айтдинг-ку.

Ва ниҳоят, бу ерда нималар юз бераётганини билдим.

— Ичимлик учун ҳақ тўладингизми, энди мен билан гаплашиб ўтирасиз, — деди қиз ноз-карашма билан.

— Мен даҳшатга тушдим.

— Бу ерда тушунмовчилик юз бергандир. Мен бир ўзим ўтирмоқчиман, — дедим мен ўрнимдан турмоқчи бўлиб.

— Йўқ, сиздан илтимос қиламан, бундай қилманг! — Унинг овозида хафа бўлиш оҳанги бор эди. — Наҳотки сиз кечани мен билан ўтказмоқчи эмассиз?

— Йўқ!

Мен ўрнимдан тураётган эдим, қиз маҳкам қўлимни тутиб олди.

— Илтимос, ўтиним сўрайман... кетманг, шу ерда қолинг. Мен гаплашиб ўтиришга ҳам розиман.

Қиз қўрқибгина нигоҳини бармен турган тарафга қаратди. Мен нима қилишимни билмасдим. Мен ёлғиз ўтирмоқчи эдим, аммо бир тарафдан, қизга ҳам раҳмим келарди. Агар ҳозир ўрнимдан туриб кетадиган бўлсам, қаерга бораман? Бу ҳақда ўйлаб ўзимни-ўзим овора қилиб ўтиришим нимага керак? Хул-

лас, ўша ресторанда қиз билан бир-икки соат қолиб кетдим. Шу вақт мобайнида бармен биздан кўзини узмай тикилиб турди.

Кейинги куни мен яқин орада жойлашган қаҳвахонага кирдим. Не кўз билан қарайки, кечаги қиз эндиликда бу ерда экан. Мен ҳайрон бўлдим. Қиз ўтирган жойида тирноқларини тишлаб, гўёки ўзини журнал ўқиётганга соларди. Аслида, бир қарашдан уни танимадим. Кеча кечкурун ресторан қоронғироқ эди, аммо мен қизни фоҳишаларга хос қўпол кийинишидан, атир-упаларининг ҳидидан ва бўянишидан билиб олдим. Мен кўриши биланоқ у жилмайди, сўнгра уялгандай бўлди. Мен иккита қаҳва буюртирдим ва келиб қизнинг ёнидан жой олдим. Кеча кечкурун мен қизга ўз ҳаётимдан баъзи бир лавҳаларни, Айя ва у билан юз берган автомобил ҳалокати ҳақида сўзлаб бергандим. Сўзлаш навбати энди унга келди. Қизнинг сўзларига қараганда, унинг исми Розанна бўлиб, у Неаполга Руминиядан келган экан. Аслида у университетга ўқишга киришни хоҳлаган. Аммо тақдир тақозоси билан фоҳишалик билан шуғуллана бошлабди. Бундай ишни жуда ёмон кўрар экан, ҳаттоки уялар экан. Қиз ўтирганича, тинмай йиғларди, ўзини тўхтатишга кучи ва иродаси етмасди.

— Ўзинг хоҳламаган иш билан нима қиласан шуғулланиб? — сўрадим мен.

— Мени сотиб олишган, — жавоб берди Розанна. — Мен ўн олти ёшга тўлганимда, ота-онам мени боқа олмай сотиб юборишган. Улар озиқ-овқатга пул топиша олмаган.

— Нега сен хўжайинингдан қочиб кетмайсан? Тургин-да, бошинг оққанг тарафга қоч!

— Иложим йўқ деб айтяпман—ку мен сизга, мени сотиб олишган. Паспортим уларда, пулим йўқ.

— Одамлар нарсаларга ўхшатиб сотилмайди, сотиб олинмайди ҳам. Қочишингга мен ёрдам қиламан.

Айянинг ўлиmidан кейин биринчи марта фикрларим ўз муаммоларимга эмас, бошқа нарсага қаратилганди. Шунда менинг жияним Сюй Мин эсимга тушиб кетди. Ахир, уни ҳам ўғирлашиб, Шанхай фоҳишахоналарида ишлашга мажбур қилишган. Аёлларга нисбатан бундай муносабатда бўлган «ишбилармонлар» билан адибади айтишиб ўтиришга вақтим ҳам, истагим ҳам йўқ. Мен билан гаплашаётган Розанна ўрта бармоғидаги тилла узукни айлантириб ўтирарди. Мен унга ёрдам қилишни ваъда берганимда, Розанна узукни ечди ва уни олишимни илтимос қилди. Узук менинг жимжилоғимга тўғри келди. Сигарет пачкасининг устига Розанна ўз манзилини ёзди-да, ўрнидан туриб, кетди.

Ўша кунни кечкурун мен Розанна билан танишган рестораннинг орқа бурчагида жойлашган кўпхонали уйга ўз мотоциклимда етиб келдим. У мени кўчада кутиб турган эди. Қиз шунчалик ҳаяжонланиб кетган эдики, у ҳатто гапиролмай ҳам қолганди. Танг ҳолат пайти келди, аммо мен ҳаракат қилишга тайёр эдим. Биз тепага кўтарилдик ва икки томондан кўплаб эшиклари бор коридорга тушиб қолдик. Кўп эшиклар очиқ эди, хона ичида фоҳиша қизлар ўтиришарди. Бирлари ухларди, бошқалари каравотда ётганича журналлар ўқишарди. Биз ўтиб кетаётганимизда, улар бизга хуштак чалиб қийқиришарди. Рўпарамизда икки барзанги танқўриқчиси кўринди. Қўриқчилардан бири менинг олдимга келиб, бу ерда нима қиляпсан деб сўради. Шуниси аниққи, куннинг бундай вақтида фоҳиша қизлар мижозларни қабул қилмасдилар. Қўриқчининг гапириш оҳанги менинг жаҳлимни чиқарди. Бир оғиз сўз гапирмай, бир уриб мен танқўриқчилардан бирини йиқитдим ва полга тиззам билан қисдим. Унинг суякларининг қирсиллаши эшитилди. У инграшга ҳам улгурмади.

Кейин мен иккинчисини ҳам полга ёпиштирдим. Уни ҳам худди шундай қисмат кутарди. Розанна ўз

хонасидан нарсалари солинган сумкани олди ва мени биринчи қаватда жойлашган хўжайиннинг хонасига бошлаб кетди. Хўжайин кичкина, орриқдан келган, юз тузилиши сассиқ кўзанга ўхшаган одам эди. Хўжайиндан Розаннанинг паспортини беришини талаб қилдим. Мени ҳазиллашмай, жиддий оҳангда гапираётганимни кўрган хўжайин шу заҳотиёқ эгилиб олиб қоғозларини тита бошлади. Ва тездагина Розаннанинг паспортини топиб берди. Сассиқ кўзан менга қаршилиқ кўрсатмаган бўлса-да, мен унинг афти-башарасини компьютер мониториға тикдим. Қон менинг кийимларимға ҳам сачради. Мен хўжайиннинг хат очадиган пичоғини кўриб қолдим. Мен пичоқни олдим ва ярамас ваҳшийға санчиш учун ўқталдим. Шу вақт Розаннанинг менға қараб турган нигоҳини сездим. Мен иккиланиб турдим-да, пичоқни четға улоқтирдим. Тездагина қизнинг қўлидан тутдим ва биз бинони тарк этишға шошилдик. Ташқарига чиққач, Розаннани мотоциклимға ўтказдим ва менинг уйимға учиб кетдик.

Мен эшикни очаётиб Розаннаға қарасам, у ҳамон қалтирарди. Кўрқувдан юзлари оқарган, хўжайиннинг хонасида нима юз бериши мумкинлигидан ҳамон саросимада. Менинг уйимға келиш вақтида, яъни йўл-йўлакай қиз нималарни ўйлаб келганлиги менға маълум. Шунинг учун мен уни тинчлантиришға ҳаракат қилдим. Ахир, аслида мен бунчалик ёвуз ва ваҳший одам эмасман-ку! Шу билан бирға, сўнгги ҳафталар ичида менинг ҳаётимда нақадар мудҳиш воқеалар юз бергани ҳақида кўпроқ гапирдим. Аста-секин Розанна ўзига келди ва мен уни ётоқхонамға кузатиб қўйдим.

— Сиз менға қанчалар яхшилиқ қилдингиз! — деди Розанна. — Мен қарздор бўлиб қолишни истамайман.

Қиз иккала қўли билан бошимни ушлаб, мени ўзига тортди, лабларини менинг лабларимға теккизди.

— Йўқ!

— Менинг қўлимдан фақатгина шу нарса келади, холос. Сизга беришга менинг пулим йўқ.

Мен Розаннага унинг каравотини кўрсатдим, ўзим учун эса сандиқнинг устидаги кўрпалардан бири-ни олдим.

— Агар сенга бирор нима керак бўлиб қолса, чақиргин. Мен меҳмонхонада диванда ётаман, — дедим ва ётоқхонадан чиқиб кетдим.

Кейинги куни эрталаб мен Розаннани аэропортга олиб бордим ва уйга кетишига билет сотиб олдим. Унинг эғнида ўзига катта келадиган свитер бўлиб, қиз джинси шим кийиб олган эди. Юзида ҳеч қандай бўёқ йўқ. Розаннанинг нақадар гўзаллигини эндиgina сездим.

— Мен ҳеч қачон сизнинг меҳрибонлигингизни унутмайман. Аммо сизга қандай миннатдорчилик билдиришни билмайман! — деди Розанна маъюсgina.

Мен қизга конверт узатдим. Конверт ичида пул бор эди.

— Энди сен бемалол салобатли колледжга киришинг мумкин, — дедим мен Розаннага. Шу пайт мен ўзимни унинг отасидай сездим. Қизнинг кўзлари ёшга тўлди. У менинг юзимдан ўпди, худди болаларча, қизалоқ отасини ўпгандай. Ҳаммаси тугади. Мен аэропорт балконида узоқда Розаннанинг самолётга оҳиста кўтарилишини томоша қилиб турардим.

Шаҳарга кетаётиб мен йўл-йўлакай кечаги кун ҳодисаларини, айниқса, икки барзанги фоҳиша қўриқчилари билан ҳисоб-китоб қилганимни эсладим. Ёмон эмас, ҳаттоки яхши десам ҳам бўлади. Ўшанда одам аталмиш ўша маҳлуқларни аямасдан, ваҳшийларча тоза дабдаласини чиқазиб, қон таъмини сезмагунимча дўппослашни истагандим. Кундан-кун ғазабим аста-секин босилаётганини сезардим, аммо мен ҳам-

маёқда касргарлик қилишни ўзимни тўхтата олмай давом эттирардим. Бундай қонли шайтон васвасасидан чалғиш учун мен кўзларимни юмиб олдим, кўзларимни юмганимча, йўлда мотоциклимни эҳтиётсизлик билан учириб кетардим. Менга ноқулай эди, бироқ мени ўзгача туйғулар забт этганлигини ҳис қилардим. Бу туйғулар ёмон туйғу бўлиб, уларни на бошқариш, на назорат қилиш мумкин. Мен ҳақиқий телба эдим. Мотоциклимни бурдим, газни босиб тоққа қараб йўл олдим.

8 боб

Мен бир дақиқага ҳам ёлғиз қололмасдим. Қолаверса, бирон кимса билан суҳбатлашгим ҳам келмасди. Бўш вақтларимни хушчақчақ, доимо кулиб турган, ҳеч бир ташвишсиз одамларга қараб, бар ва ресторанларда ўтказардим. Ҳеч ким билан гаплашгим келмасдим. Кўнгил очадиган жойларга мен юрагимдаги ғашликни ва кўнгил жароҳатини сал бўлсада, унутиш учун борардим, чунки у ердаги шовқин-сурон, ўйин-кулги одамни турли нохушликлардан чалғитарди. Бундан ташқари, бундай жойларга боришимнинг яна бир даҳшатлироқ, қайғули сабаби мавжуд эди. Бу сабабни мен охиригача англаб етмасдим. Оғзимдаги қандайдир таъм ҳеч кетмасди. Бундай металл таъмни мен илк бор барделдаги хўжайинни ўларча қилиб урганимда ҳис қилганман. Мен уни эсимдан чиқаришга ҳаракат қилардим. Аммо у қайта-қайта кўз ўнгимда намоён бўларди. Бу менинг қаҳрли ғазабимнинг ваҳшийларча, қон таъмига бўлган жисмоний чанқоғим. Аччиқ ҳақиқат шундан иборат эдики, мен бирданига ўзгариб қолдим. Тинчлик-хотиржамлик, сабр-тоқат, тўғри йўлдан бориш истаги мени тарк этгандай эди. Эндиликда мен фақат курашишни истардим.

Бир куни КФХФ менга дам олиш учун бир неча кун ажратганда, Амин Файёднинг бирданига менга иши чиқиб қолибди. У тўғридан-тўғри мен билан теле-

фон орқали боғланиб, мен билан Кипрнинг пойтахти Никосида учрашсанг, деб илтимос қилди. Ростини айтаман, мени кўндиришга унчалик кўп вақт талаб қилинмади.

Бўш вақтимнинг биринчи куніёқ мен Никосининг тунги ҳаётига ғарқ бўлдим. «Afrikanas» барида одам гавжум, бироқ мен бир овлоқроқ бурчакдан жой топдим. Креслога ўтириб олиб, барга ташриф буюрувчиларни кузата бошладим. Бу ерда дат солдатларидан бир гуруҳи хурсандчилик қилиб ўтирарди. Мен уларга нафрат билан қарадим. Солдатлар бир-бири билан ким қадаҳни тез бўшатиш бўйича мусобақа ўтказишарди. Қолганлари қарсак чалиб, кўшиқ айтиб ўтиришарди. Улар асосан ўткир спиртли ичимликлар ичишарди. Бўйи икки метр келади-ган бир барзанги солдат дам олмай олтита ярим литрлик пивони ичиб юборди. Барча уни қарсак билан олқишлади. «Тентаклар, — деб ўйладим мен, — аслида, ҳаммангга одам ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатиб, танобларингни тортиб қўйганимда эди, нималарга қодирликларингни кейин томоша қилган бўлардим».

Вақт ўтиб борарди. Ичиб маст бўлган солдатлар ҳамманинг кўз ўнгиде шовқин-сурон қилиб, ўзларини ғоз тутта бошладилар. Ёнимиздаги парда билан ярим тўсилган қўшни хонада учта қиз қаҳва ичиб ўтиришарди. Ҳеч кимга халақит бермай, улар ўзаро суҳбатлашишарди. Қизлар Айя ва унинг опачаларини ёдимга солдилар. Бу ерда ўтирган учта қизлардан бирининг бадани ниҳоятда тиниқ, малласоч эди. Худди Айяники сингари. Қизлар ўзларича гаплашиб ўтирганларида, солдатлар уларга нисбатан бирдан қизиқиш уйғота бошладилар. Ўша Айяга ўхшаган қиз ўрнидан туриб бар столи томон йўл олганда, солдатлардан бири унга эргашди. Қиз аввалига яхши гапириб, сиполик билан ундан қутулмоқчи бўлди. Менинг қоним қайнай бошлади. Қиз берган буюр-

тмасини қанчалик узоқ кутган бўлса, бу дат солда-ти шунчалик қизга тегачоқлик қилаверди. Қиз унга тескари қараб олди, бироқ бу ҳам ёрдам бермади. Қизни тинч қўйишни йигит хоҳламасди. Креслонинг чеккасида ўтирганимча, мен улардан кўз узмасдим. Солдат қизнинг бошқа томонидан айланиб ўтиб, яна унинг қаршисига туриб олди. Малласоч қиз яна бир бор тескари қараб олди, аммо бу сафар солдат аҳмоқлиги билан бирга қўполлигини намоён қилди: у қизнинг елкасидан тутди ва шиддат билан ўзига қаратиб қучоқлаб олди. Шу пайт қизнинг кўзларида ваҳима ва кўрқув пайдо бўлганини сездим. Қиз барзангининг қучоғидан чиқиб кетишга ҳаракат қилди, бироқ йигит унга канадай ёпишиб олганди.

Менинг нафратим тўлиб-тошди. Ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан мен бар столи томон отилдим. Битта стаканни олиб синдирдим, стакан қолдиғини солдатнинг башарасига санчдим.

Ҳаммаёқ қий-чув, тўс-тўполон бўлиб кетди. Чамаси ўн икки — ўн тўрт дат солдатлари ўзларини бар столи томонга урдилар. Бироқ мен уларнинг орасидан илон сингари сирпалиб ўтиб олдим. Зиналардан сакраб тушиб, ёруғ кўчага чиқдим. Энди мен бемалол очикликда жанг қилишим мумкин. Солдатлар ўлгудай маст ҳолатда эдилар ва мен уларнинг ҳаммасини бирин-кетин осонликча енгитишимга ишончим комил эди. Тор ва қоронғу барнинг ичида ҳаракат қилиш қийин.

— Қани келақолинглар! Мен бу ердаман. Ҳаммангиз ўз насибангизни ҳозир оласизлар! — деб бақирдим мен.

Баданимнинг ҳар бир мушаги жанг қилишни истарди, қолаверса, қон томирларим адреналинга тўла эди. Маст-аласт солдатлар қоронғу бардан кўчага судралиб чиқа бошладилар. Мен уларни тўхтатиб, башарасига мушт туширардим, бирин-кетин чотига тепиб, қулатиб ташлардим. Лекин солдатлардан бит-

таси мени ҳам яхшилаб кўзимга мушт билан солди. Қаттиқ оғриқ кўз қорачиғимни ёндириб юборди, аммо бу аччиқ оловга ёғ қуйгандай бўлди. Барнинг ичидан уларни ҳайдаб чиқарганим камлик қилгандай, мен бу маст солдатларни уриб, дабдаласини чиқаргим келарди. Қонхўр махлуқ каби мен қутуриб кетгандим, ҳар бир солдатга қайта-қайта хужум қилиб, уларнинг бурнини синдирардим, қўлларини қайирардим, таниб бўлмас даражада башарасини майиб қилиб ташлардим.

Дарғазаб бўлганимдан, томирларимдаги қон борган сари шиддат билан қайнаганини сезардим. Шу билан бирга, етказилган ҳар бир зарба, мушт ва тепки билан мендаги ўч олиш важоҳати янада кучайиб бораверарди.

Бирдан қоронғуда полиция машиналарининг сигналлари чалиниб, бирпасда полиция етиб келди. Лекин мен аллақачон жуфтакни ростлаб қолган эдим.

— Эҳ-ҳа, кўринишингдан кеча бировгина трам-тарам қилганга ўхшайсан-а? — сўради мендан Амин. У жилмайганича, менга кўзини қисиб қўйди.

— Деярли ҳеч нарсa юз бергани йўқ, — дедим мен унга жавобан. Мен ўнг кўзим тагидаги кўм-кўк бўлиб кетган ғуррани силаб қўйдим. Аминнинг бу ҳодисадан хабар топганлиги жаҳлимни чиқарди. Қолаверса, унинг бу воқеадан хабар топмаганлиги мени ҳайрон қолдириши мумкин эди. У ниҳоятда айёр, тежамкор ва совуққон бўлган, шунингдек, у мен билан қандай муомала қилишни ҳам билади ва ўз ўрнига қўйди.

Амин мендаги ўзгаришни дарровдангина сезиб қолди. Унинг ўйлашича, мендаги ўзгариш унинг ишида жуда қўл келишига ўзи ишонган.

— Бугун кечқурун бир ўйнаймиз, — деб эълон қилди у ва кафтларини бир-бирига ишқади. Сейфни

очиb, у ердан белларига резинка ўралган бир қанча қалин пачка пулларни олди.

Казинода одам жуда кўп эди. Биз Амин иккимиз залдан ўтаётганимизда, казо-казо зотлар уни чуқур таъзим ва қаттиқ қўл қисиш билан қарши олдилар.

— Ҳа, жаноб Файёд, бугун бир омадингизни си-
наб кўришга келибсиз-да? — деб кутиб олди шахсан
казино бошлиғи ва бизни столгача кузатиб қўйди.
Даврадаги энг яхши жой махсус Амин учун ажра-
тилган бўлиб, жой бурчакда эди. Амин жилмайди.
Крупье карталарни тарқатишни бошлаганда, Ами-
ннинг юзида мағрурлик ва хасислик туйғулари на-
моён бўлди. Ўйин эндигина бошланиши керак эди,
бирдан Аминнинг ёнида қандайдир одам пайдо бўл-
ди ва у билан гаплаша бошлади. Нотаниш одам ни-
мадандир жуда хавотирланган ва безовта кўринарди.
Мен турган жойимдан хўжайинимни кузатиб турар-
дим: Амин борган сари асабийлашиб, диққати ошар-
ди. Мен сабрсизлик билан унинг сигналини кутар-
дим, кейин бўлса унинг олдига бориб туриб олдим.
Нотаниш кимса сал чўчигандай бўлди, аммо олдин-
гидай Аминдан нималарнидир илтимос қилиб, тез-
тез гапирарди. Мен бошқа сигнални кутиб ўтириш-
ни хоҳламадим. Безбет кимса Аминнинг қўлини уш-
лашга интилганда, мен уни четроққа судраб келдим
ва полга ағанатдим. Бошқа ҳеч нарса қилиш керак
бўлмади. У ўрнидан турди-да, чиқиш томонга қараб
югурди. Амин мамнунлик билан бош силкитди ва
ўйинни давом эттирди.

Кейинги куни босс мени ўзининг ҳашаматли уйига
чақиртирди. У менга нисбатан ниҳоятда илтифотли
эди. Ундан кейин нима бўлишини мен билардим.
Эндиликда мен ҳамма нарсага тайёр эдим.

Ўша куни кечқурун мен Аминдан катта миқдорда
пул қарз бўлиб қолган одамникига бордим. Бу ҳам-
мага маълум ва машҳур қуроол сотувчиси эди. Мен
унинг уйига қўққисдан бостириб бордим ва уни

гафлатда қолдирдим. Қўриқчилар йўқ, уйда унинг ўзи ўтирганди. Олдига кириб, у қарздорлигини ва мен жаноб Файёднинг пулини олиб кетгани келганлигимни айтдим. Қуrol сотувчи тиржайди. Унинг сохта, такаббур тиржайиши кўплаб бошқа бой-бадавлат мижозларнинг юз қарашларини эслатиб турарди. Кўнглим айниб кетди. Намунча бу одам ўзини кўрсатмоқчи?

— Бориб ўз хўжайининингга айтиб қўйгин, ҳозир менинг унга берадиган пулларим йўқ. Мен у билан ҳафтанинг охирида ҳисоб-китоб қиламан. — Шу сўзларни айтгач, у кўлини бигиз қилиб менга эшикни кўрсатди. Менинг жаҳлим чикди, аммо унчалик эмас. Чунки ундан ўч олишнинг вақти ҳали келмаганлигини мен билардим.

Аминга қуrol сотувчининг жавобни етказганимда, у хуноб бўлиб ерга тупурди.

— Орқанга қайтиб боргин, қарзини бугуноқ кеч-қурун қайтаришига мажбур қил, — деб буйруқ берди Амин. — Қарзини бергандан кейин, унинг дабдаласини чиқариб ташла!

Мен билан бундай тарзда гаплашишларига ўрганмаганман, бироқ мен барибир Аминга бениҳоят содиқ эдим. КФХФ менга унинг хавфсизлигини таъминлашим учун пул тўлайди, қолган масалалар эса мени қизиқтирмайди. Менинг зиммамда мижоз олдидаги мажбуриятларни бажариш масъулияти туради. Аминнинг буйруқларини бажариш КФХФ томонидан юклатилган менинг вазифаларим доирасига кирмайди. Аммо ҳамма гап шундаки, эндиликда менинг ўзим қонуний нарсаларни жиной ҳаракатлардан ажратиб турувчи чегарани босиб ўтишга интилардим. Менинг мижозимга нисбатан кимнингдир сурбетларча қилган муносабати тўғрисидаги фикрнинг ўзи жаҳлимни чиқарарди. Мен яна ўзимга таниш бўлган уйга қайтдим ва ҳаммасини Амин буюргандай бажардим.

Қилган ишимдан Амин ниҳоятда хурсанд бўлди ва миннатдорчилик тариқасида сахийлик билан мукофотлади. Ростини айтсам, менга Аминнинг берган совға-саломни эмас, балки ўша қурол сотувчи билан қилган «ҳисоб-китобим», яъни уни жазолашим бениҳоят ёқди. Қолаверса, мени тамомила ўз гирдобига ғарқ қилган ва ўч олишга бўлган интилишимни янада кучайтирган иштиёқ, борган сари зўрайиб кетаверарди.

Бир куни казинода Чадга қараб туриб ниҳоятда ғазабланиб кетдим. Чад — гигант бўйли африкалик ишбилармон бўлиб, пулларини бўлар-бўлмаста сарф қилаётган эди. У залда юрар экан, ким билан учрашгудек бўлса, албатта ўша одам учун шампан виносини буюртирарди. Даста-даста пулларни ярим яланғоч официантларнинг устиларидан сочишига нима дейиш мумкин... Тўғри, бундай пулларни кўргандан кейин официантлар ҳам унинг барча инжиқликларини, бемаъни ҳавасларини амалга оширишарди. Мен бу африкаликни жуда яхши биламан. У қачонлардир Аминдан катта миқдорда пул қарздор бўлиб қолган. Қисқача қилиб айтганда, бу менинг шаънимга, ор-номусимга тегди. Ўша куни кечқурун қарзни ундириш мақсадида африкаликнинг уйига йўл олдим.

Мен катта, данғиллама уйга келиб дарвозани тақиллатдим. Лекин африкаликнинг хизматкори мени уйга киритмади, шунда мен кучли зарба билан эшикни қулатдим. Ваҳимага тушган хизматкорни улоқтириб ташлаб, ўзим Чад ўтирган меҳмонхонага отилдим. Сўзсиз, мен унинг шахсий мулкига кўз олайтиришга ҳаққим йўқлигини айтиб, у қаршилиқ кўрсатди. Аммо мен гапини тугатишига йўл қўймадим. Африкаликни сочидан ушладим-да, то беркитган пулларини қаердалигини айтмагунича, тоза дўппосладим. У оғриққа чидамай, китоб стеллажи орқасига беркитилган катта сейфни кўрсатди. Мен

сейфдан Аминга тегишли бўлган пулларни олдим ва Чадни деворга тирадим. Сўнг синаётган суякларнинг қирсиллашидан ва қон ҳидидан роҳатланиб, уни майиб ва мажруҳ қилиб ташладим. Шу пайт меҳмонхонага «Ота, отажон!» деб қаттиқ қичқириб, Чаднинг икки фарзанди югуриб келди. Пировардида болаларнинг ноласи мени ҳушимга келтирди. Мен африкаликни қўйиб юбордим, у полга гупиллаб тушди. Мен болаларнинг ёнидан ўтиб, уйни тарк этдим.

Чадни жазолаганимдан кейин мен узоқ вақтгача ўзимга келолмай юрдим. Мен ўзимдан ўзим мотоцикл шиналарининг визиллашини эслатувчи тантанавор товушлар чиқариб қийқирардим. Менинг хаёлимда Чад болаларининг қўрқувдан олайган нигоҳлари пайдо бўларди, аммо мен ўзимни қўлга олиб, уларни унутишга ҳаракат қилардим. Мен фақатгина мени таъқиб қилувчи қон ҳидидан роҳатланардим.

Бунга ўхшаш драматик саҳналар кўп бўлган. Бунинг устига, ҳар сафар мен ўзимни янада ваҳшийларча тутардим. Мен Аминнинг ҳам ҳаммасига жавоб бериш вақти-соати албатта келишини тушунардим. Шубҳасиз, у ҳаммаси учун жазо олиши муқаррар. Қунларнинг бирида ёлланган қотил сўзсиз уни ахтариб топади ва ўзининг қора ишини амалга оширади. Шунингдек, агар КФХФ мен бўш вақтларимда нима билан шуғулланаётганимдан бохабар бўлса, мен билан ниҳоятда жиддий суҳбатлашишларига ишончим комил. Бунинг олдини олишнинг ягона усули — бу мен калтаклаган одамларни қўрқитиб қўйиш ёки мен тўғримда бирор нима айтолмасликлари учун чакагини ўчириб, уларни майиб ва мажруҳ қилиб қўйиш.

Менинг ота-онамга келсак, улар ҳар доимгидек ҳамма нарсадан бехабарлар, қолаверса, менинг шахсий ҳаётим уларни асло қизиқтирмасди. Уларнинг бирор марта бўлса ҳам Айяни эсламаганликлари мени

ниҳоятда ажаблантирарди. Гўёки у менинг ҳаётимда умуман бўлмагандай. Шундай бўлса-да, мен ҳар доим Лондонга иш билан келганимда, албатта бориб, уларни ҳолидан хабар олардим ва имкон қадар уларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга интилардим. Бир куни онам отамни даволатиш имкони туғилганини айтиб қолди. Даволаш курси жуда қиммат экан.

— Тўғри, бизнинг бундай катта пулимиз йўқ, — деди онам. — Швейцарияда операциядан олдин беморни теширишнинг ўзига ўттиз минг фунт керак бўлар экан. Биз отанг билан маслаҳатлашиб кўрдик, агар сен ёрдам қилсанг...

Мен отамга қарадим. Узоқ йиллар мобайнида мен биринчи бор отамнинг кўзларида умид учкунини кўрдим. Отам ийманибгина жилмайди. Менга яхшигина пул тўлашарди, аммо мен ҳаммасини ўзимга ишлатганман. Ҳозирги вақтда на банк ҳисобимда, на қўлимда нақд пул бор эди.

— Хўп, нима қилиш мумкинлигини кечқурун гаплашамиз, — дедим мен ота-онамга.

Кипрга келиб қўнганимдан кейин, мен биринчи навбатда бу масала бўйича — пул топиш йўли билан шуғулландим. Аминга мурожаат қилиб ундан пул олишим мумкин эди, аммо мен бировдан қарздор бўлишни истамайман. Ўша вақтга келиб мен одамларга нисбатан иззат-ҳурматни ва уларнинг шахсий мулкига бўлган ҳар қандай ишончни йўқотдим. Аминга хизмат қилар эканман, мен бераҳм солиқ йиғувчисига ва ҳақиқий талончига айландим-қолдим. Мен бутун диққат-эътиборимни пул топишга қаратдим. Отамни оёққа тургизиш учун албатта пул топишим керак. Буни амалга ошириш осон бўлмайди. Мен Никосида кўплаб бойваччаларни биламан, шунинг учун ҳам қурбонни топиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

Аммо барибир бир қарорга келиш даркор. Қандайдир маълум чегарани босиб ўтиш лозим. Мен бир

қарорга келдим. У ерда бир ярамас, ҳар томонлама ярамас бир йигит бор эди. У жазо олишга лойиқ. Бир куни кечқурун мен унинг дала ҳовлисига бордим. Қанча пул топган бўлсам, ҳаммасини олдим. Менга кимки тўсқинлик қилган бўлса, омон қолмади. Мен ваҳшийлик қилмоқчи эмасдим, аммо шундай қилишга мажбур этдилар. Муштлашиш, ўзим кабиларга озор бериш мен учун кўшимча мукофот сингари эди. Мен ғолиб келардим ва буни тасдиқлашга такрор–такрор ҳаракат қилардим. Мен саркаш бўлиб қолдим. Шаҳарга қайтгач, мен беш юлдузли меҳмонхоналардан бирига боришга қатъий қарор қилдим.

— Менга беш юз еттинчи хонанинг калитини беринг, — дедим каттазанглик билан деворда осилган калитларга қараб. Меҳмонхона хизматкори менга калитни узатди.

— Яхши дам олинг, жаноб.

Унга бир жилмайиб қўйиб, мен лифт томонга йўл олдим ва осонгина бешинчи қаватга кўтарилдим. «Ҳаммаси осон ва қулай», — деб ўйладим мен. Хонага киргач, мен яшиқларни тита бошладим ва излаган нарсамни тездагина топиб олдим. Меҳмонхонада яшовчи одамлар ким бўлишидан қатъий назар, уларнинг мақсади битта: пулларни кўкка совуриш. Мен барча пулларни ўзлаштириб олдим ва худди шундай тарзда бошқа меҳмонхонага йўл олдим. Хуллас, осонликча бойиб кетиш усулини ўйлаб топдим.

Тез орада мен бир қарашданоқ девордаги калитларнинг жойлашиш қаторини эслаб қолишни ўргандим, қолаверса, қандай калитлар ёнма-ён жойлашишига эътибор берардим. Кейин мен ўзимга керак бўлган хона калитини олардим. Бир хонани «супуриб бўлгач», мен болахона орқали иккинчи хонага ўтардим ва ёнма-ён турган хонадаги пул, қимматбаҳо нарсаларни осонликча ўмариб чиқардим. Албатта, ҳозирда хонада яшовчилар бор-йўқлигини ҳисобини

олардим. Мен болахонадаги катта ойнали эшикларни суриб, тинчгина хонага кириб борардим. Кунларнинг бирида қандайдир навбатдаги хонани ўмариб бўлгач, мен хушёр бўлиб турдим: коридорнинг сокинлигини кимнингдир овози ва қулфдаги калитнинг буралиши бузди. Парданинг орқасига беркиниб, мен нафасимни ютиб турдим. Ёшгина йигит билан бир қиз кириб келди. Мен шу ердалигимни улар билмадилар. Агар улар ойнага яқинлашсалар, мен нима қиламан? Оғзимда мен яна таниш бўлган металл таъмини сездим. Ҳеч қандай хавф-хатар сезмай, ёшлар айшу ишрат қилишарди. Уларнинг бор-будларини мен аллақачон ўмариб бўлганман, уларни майиб қилишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Мен секингина болахонага чиқдим. Ойнали эшикни ортимдан астагина ёпдим-да, пастки қаватнинг болахонасига тушдим. Бир кечанинг ўзида мен отамни операция қилиш учун анчагина пул тўплаб қўйдим.

Бир неча кун ўтгач, мен ота-онамни Никоси аэропортида кутиб олдим ва уларга зарур бўлган миқдордаги пулни ортиғи билан бердим. Ота-онам ҳайратдан қотиб қолишди: энди отам бемалол операциядан олдинги тайёргарлик қилиш муолажаларидан ўтиши мумкин. Улар менинг квартирамда бирозгина дам олишди ва имкон қадар тезроқ Лондонга учиб кетиш учун яна аэропортга жўнадилар.

Ота-онамни аэропортга кузатиб қўйгач, мен Лимассолга йўл олдим. У ерда икки дўстим билан учрашишни белгилаб қўйганмиз. Иссиқ кечалардан бири эди, шаҳар шод ва шодон курортчилар, ишбилармон кишиларга тўлган пайт. Улар ўз кўчмас мулкларини таймшер* шартларига биноан арендага топширардилар. Бир пиёла қаҳва устида суҳбат

* Таймшер — маълум вақт мобайнида кўчмас мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқи. Одатта кўра, бундай шартномалар бир йилда бир неча ҳафтага тузиларди.

қуриб ўтирар эканмиз, биз ўзимизнинг ишларимиз ҳақида гапирардик ва ён-атрофга қарардик. Бир неча вақтдан кейин бир гуруҳ инглизлар пайдо бўлишди. Улар биздан унча узоқ бўлмаган жойда ёғочдан ясалган хочни ўрнатиб қўйдилар.

— Э-э-э, фақат масиҳийлар эмас... — деб гапни чўзди Канададан келган дўстим Кевин.

Масиҳийлар гитаралар жўрлигида қўшиқлар куйлай бошладилар, Кевин бўлса уларни калака қилди.

— Масиҳий машшоқлар! Ишқибозлар — улар Африкада ҳам ишқибозликларича қоладилар.

Мен ҳам дўстларимга қўшилиб уларнинг устидан кулдим, аммо захархандалик билан эмас. Чунки мен ҳеч қачон масиҳийларга дуч келмаганман; қолаверса, уларнинг ҳам мен билан ишлари йўқ. Қўшиқ куйлаб бўлишгандан кейин, инглизлардан биттаси ваъз ўқий бошлади. Унинг овози жарангдор ва қатъий эди. Кулги, киноя ва калака қилишларга эътибор бермаган ҳолда, у кичкинагина гуруҳ бекорчиларига қарата гапини давом эттираверди. Қўлида бир шиша вино кўтарганича у бақирарди:

— Ким шу бир шиша винони олмоқчи? — Бундай одамлар топилмади. — Келинглар, бекордан-бекорга бериб юбораман, пул ололмайман. Ахир, бу жуда яхши вино-ку! Буни мен сизга совға сифатида бераман.

— Тентак! — деди Кевин.

— Қани хоҳловчилар борми? Менинг олдимга келинг, совғани қабул қилинг!

Воиз жуда ғалати, кулгули одам экан. Қандай вино — мен усиз ҳам бир пиёла қаҳва билан хурсанд бўлиб ўтирибман. Кевин ўзининг қандайдир дўстлари билан учрашиш учун клубга кетишга отланди. Ростини айтсам, мен Кевиннинг дўстларини асло ёқтирмасдим. Такаббур мақтанчоқлар, улар ўзларининг ишларидан ташқари бошқа ҳеч нарса ҳақида гаплашолмас эдилар.

— Дўстим, сен кетавер. Мен сал кейинроқ орқангдан бораман, — дедим мен Кевинга.

Воиз ҳали ҳам оломонга ўша бир шиша винони тавсия қиларди. Кўринишидан бу одамнинг ёши, чамаси, мен билан тенгга ўхшайди, сочлари узун, елкасигача тушган. Унинг эғнида футболка ва бермудлар бор эди. «Талаба бўлса керак...», — ўйладим мен. Ва ниҳоят, унинг олдига қўрқа-писа ўрта ёшдаги аёл чиқди.

— Мен оламан винони... — деди у.

Бекорчилар оғзиларини очиб қолдилар. Воиз совғани аёлга топширди.

— Марҳамат, марҳамат олинг! Ҳеч қандай шартсиз! Ахир бу совға... — такрорлади йигит. — Қани келинг, ўртага чиқинг ва совғани қабул қилиб олинг.

Жасур аёл ўртага чиқиб совғани қабул қилди ва яна оломон орасидан ўз жойини эгаллади. Воиз эса ўз ваъзининг асл моҳиятига етиб келди.

— Худди шундай тарзда Исо Масиҳ ҳам нажот инъом этади, — деди воиз. — Исо ҳаммани севади, Унинг нажот инъом қилиши биз учун ҳеч нарсага арзимайди. Биз учун энг муҳими — унинг инъомини қабул қилишимиз. Худо бизни бирор нима қилишга мажбур этмайди. У Ўз инъомини тавсия қилади, ўртага чиқиб совғани олиш ёки олмасликни биз ўзимиз ҳал этишимиз керак.

Шу пайт мен мактабдаги ўқитувчим Сайзерни ва унинг «нажот» сўзининг талқинини эсладим. Унинг айтишича, нажот бериш ёки қутқариш — бу кечириш ва ҳаммасини бошидан бошлаш дегани, яъни Худо олдида покланиш деганидир. «Мени У энг қаттиқ чўтка билан қиришига тўғри келади», ўйладим ғамгинлик билан.

Одамлар тарқала бошлаганларида, масиҳийлар ҳам ўз ашқал-дашқолларини йиғиштира бошладилар. Қайсидир лаҳзада воизнинг кўзлари меники билан тўқнашди ва у менинг ёнимга келди.

— Мумкинми? — сўради у.

— Албатта.

У тузуккина йигитга ўхшади, менда қандай иши бор эканлигини билишга ошиқдим. У ўзини Мартин деб таништирди. Биз иккимиз узоқ суҳбатлашдик, асосан, унинг гуруҳи нималар билан шуғулланиши ҳақида. Уларнинг Лимассолга келишганига бир неча ҳафта бўлибди. Улар маҳаллий масиҳий жамоатида икки ойча ишлашни режалаштирган эканлар. Бу ҳудуд менга яхши таниш бўлгани учун мен Мартинга бир нечта фойдали маслаҳатлар бердим ва тез орада бошимга тушган савдолар, бу ерларга қандай келиб қолганлигим, ҳозирда Кипрда нима қилаётганим ҳақида қисқача сўзлаб бердим.

— Сиз Майкл Райт билан танишишингиз керак, — деди Мартин. — У ажойиб йигит. Майкл Шимолий Ирландиядан келган, ҳозирда шу ерда истиқомат қилади. Иккаларинг учрашсангизлар, жуда яхши бўларди.

Бу Мартинда қандайдир ўзгача, ажойиб ҳислат бор эди... У сўзсиз, меҳрибон ва жуда эътиборли. У ўзи, жамоат ва Худо ҳақида гапирарди. Аммо мен унинг ҳаракатлари маъносини тушунмасдим. Аслида у мендан ҳеч нарсани беркитмасди, гаплари самимий эди. Масиҳий сифатида ҳар бир кимса Исо ҳақида тушунчага эга бўлишини, У одамларни севишини ҳамма билишини Майк хоҳлашини гапирди. Унинг диний дунёқараши мени асло қизиқтиргани йўқ, аммо Мартиннинг ўзи инсон сифатида олийжаноб эди. Эҳтимол, у одамларга ёрдам беришга интилар. Бундайларни бошқа одамлар билан янглиштириб бўлмайди. Унинг дўстлари ўрниларидан туришаётганда, Мартин улар билан кетишга тараддуд кўрди. Уларнинг компаниясида мен яхши ўтирдим ва хайрлашиш мақсадида мен унга қўл узатдим. Мартин бирозгина иккиланиб турди ва деди:

— Биласизми, биз квартирамизга кетмоқчи эдик. Сиз биз билан борсангиз, яхши бўларди. Ҳозир кечки овқат ҳам тайёр бўлиб қолгандир...

Тўғриси айтганда, мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Мени жуда камчилик меҳмонга таклиф қиларди. Нима қилсам керак экан, деб тоза бош қотирдим, аммо барибир Мартиннинг таклифини рад этмай қабул қилдим. Мендан нима кетди, бир бориб кўрайчи, мабодо менга бирор нима ёқмаса улар ўзларидан кўришсин.

Масиҳийлар гуруҳи ижара олган квартира кўплаб меҳнат таътилидагиларнинг ижарага олаётган квартирасидан ҳеч фарқ қилмасди. Лимассолга бундай ижарачилар йилда сувдай оқиб келишарди. Мартин ўз дўстларига мени таништирди. Бу ёш йигит-қизлар ниҳоятда очиқ кўнгилли меҳмондўст эканлар. Уларнинг ҳадеб мендан алланималарни сўраб, ортиқча саволлар бермасликлари менга жуда ёқди. Биз кечки овқатга ўтирдик, кейин турлича мавзуларда дилдан суҳбатлашдик. Улардаги одамни ўзига тортувчи хислатлари мени ром қилди ва қизиқтирди. Йигитлардан баъзи бирлари суҳбат жараёнида бир неча бор ўша йигит — Майкл Райтнинг исмини тилга олдилар.

— Сиз бизнинг жамоатимизга келинг, — деб таклиф қилишди улар мени. — Сиз у ерда Майкл билан танишиб оласиз.

Мен албатта ўйлаб кўришни ваъда бердим. Уларни тарк этар эканман, оғзим қулоғимда эди. Кўтаринки кайфиятда қачонлардир албатта мен бу ерга қайтиб келишим мумкинлиги ҳақида ўйладим. Энди эса тезроқ Кевиннинг олдига шошилишим керак. Клубда мени муҳим ишлар кутарди.

Лекин барибир мен уларнинг жамоатига боролмадим. Бир неча кундан кейин кўчада кетаётганимда, бирдан менинг олдимда полиция машинаси тўхтади. Машинадан икки офицер тушиб келди. Улар менга ўз жетонларини кўрсатдилар.

— Машинага ўтир! — деб буйруқ берди полициячилардан бири.

Мен уни буралатиб сўқдим.

— Ҳеч кимнинг менга қўл теккизишга ҳаққи йўқ, — дедим мен унга ўз дипломатик гувоҳномамни кўрсатиб.

Шунда офицер наганини чиқарди. Мен унга қарадим ва кулиб юбордим. Ҳеч нарсага ярамайдиган ўйинчоқ билан мени қўрқитмоқчи бўлди, шекилли.

— Хўп, агарда сизларга бу спектакль ёқадиган бўлса, — дедим мен киноя билан. — Мени маҳкамангизга олиб боринг, у ерда мени қандай қилиб чиқариб юборишларига ўзларингиз гувоҳ бўласизлар.

Мен асло улардан қўрқиб кетмадим, аксинча, уларни аврамоқчи бўлдим. Шу куни кечқурун мен бўш эдим. Биз полиция маҳкамасига етиб келганимизда, менинг дипломатик дахлсизлигимга тупурдилар: ортиқча гапириб ўтирмай мени ертўладаги камерага ташлашди. Британия элчихонасидан бирор кимса билан учрашув уюштиришлари тўғрисидаги қилган илтимосларим эътиборсиз қолди. Мен зах камерада кечқурунгача бир ўзим ўтирдим. Кечқурун соат ўнларда менинг камерамга форма кийган бир гуруҳ полициячилар отилиб киришди. Улар менинг қўлларимга кишан солдилар ва сўроқ қилишга олиб кетдилар.

«Ана энди қўнгилсизликлар юз бериши мумкин, — ўйладим мен. — Менга айб қўйиб, гаровга қўйиб юборишади, кейин эса мамлакатдан чиқариб юборишади». Бу вақтга келиб менга бирор жиддий айблов қўймасликларини ўйлаб, безовталаниб қолдим: дастлабки сўроқ камерасида мени жуда қўп олиб ўтиришди.

Столнинг устида қоғозларга тўла бир нечта папкалар ётарди. Навбатчи офицер биринчи делони очди ва сўроқ қилишга киришди. Папкаларда қачонлардир кимлардир томонидан ўмарилган меҳмонхона

номерлари бўйича материаллар йиғилган эди. Мен ўз бўйнимга баъзи бир хоналарнинг ўғирланганлиги ҳақидаги айбловларни олдим, ахир, бошқа ўмарилган хоналар ҳақида мен ҳеч нима билмасдим. Бошқа хоналарнинг ўғирланишига нисбатан мен ўз дахлсизлигимни исботлай бошлаганимда, полициячининг жуда жаҳди чиқиб кетди. У мени ҳамма ўғирликларни бирданига тан олишимни хоҳларди. Аммо мен қилмаган жиноятларни бўйнимга олишни асло ўйламадим ҳам. Офицер мени тинч қўймасди. То у ўзига керакли бўлган жавобларни олмагунча, мени саволларга тутиб, азоб бераверишини тушундим. Зўр бериб сўроқ қилганидан, офицернинг пешонасидан қошларига тер оқа бошлади, қошларидан тер томчилари тўзиб ётган соқолларига томарди. Вазият ниҳоятда кескинлашди. Полициячи мени тилимдан илинтиришга ҳаракат қилаётганини тушундим. Аммо мен ўзимни қўлга олишим ва тинчланишим керак.

— Мен элчихона билан боғланмагунимча, бир сўз ҳам айтмайман, — дедим мен унга.

У кулимсираб қўйди ва йўғон бўйнидаги терни артди.

— Мен Британия элчихонаси вакили билан учрашувни талаб қиламан!

Гапимни охиригача гапириб бўлмасимдан, офицер қулочкашлаб туриб юзимга туширди.

— Мендан ҳеч нарсаси талаб қилма. Сенинг элчихонанг сенга ўхшаган бўлмағур одам билан учрашишни истамайди. Бу ерда сен менинг мамлакатимдасан, қолаверса, сени катта кўнгилсизликлар кутмоқда. — Офицер менга яқинлашди ва юзимга тупурди.

Менинг ғазабим қайнаб кетди.

— Ҳа-а, сен аблаҳ! — деб бақирдим мен ёрилган лабимдан оқаётган қонни артар эканман. Мен ҳеч қачон бундай чорасиз аҳволда қолмагандим. Мен оёқларим билан унинг бошига тепиб, хонанинг бошқа бур-

чагига улоқтирганимда, оёқларимдаги кишанлар теримни тешиб кетган эди. Бошқа полициячилар мени зудлик билан ўраб олдилар ва мени тепиб, ура кетдилар. Руҳан ўзимни қўлга олдим ва ҳамма зарбаларни қабул қилардим.

Яна камерамга қайтиб келгач, мен тушиб қолган ҳолат ҳақида ўйландим. Чиндан ҳам мен тузоққа илинганга ўхшайман. Қизиқ, агар мени бу ерга тушиб қолганимдан Амин хабар топгудек бўлса, мени бу ердан олиб чиқишга ҳаракат қилармикан? Кейинги куни соат ўнгача мени ҳеч ким сўроққа олиб чиқмади. Соат ундан кейин яна ўша полициячилар келишди. Бу сафар улар менинг қўлларимга қўшиб оёқларимга ҳам кишан солишди. Мен ўтган сафаргидек гапиришдан бош тортдим ва яна ваҳшийларча калтакландим.

Калтаклаб азоб бериш бир неча кун давом этди, мени борган сари қутуриб, қаҳр-ғазаб билан калтаклашарди. Менга азоб бериш полициячилар учун ҳар кунги қонли спорт машғулотларини бажариш одатига айланди-қолди. Полициячиларнинг сони кундан-кунга ошиб бораётганга ўхшарди. Улар фақатгина мени эмас, балки бошқа маҳбусларни ҳам ваҳшийларча дўппослашарди. Қўшни камерадаги жосусларнинг гаплари кўпинча эшитилиб турарди. Баъзи бечораларга ниҳоятда азоб беришар экан. Ҳар куни кечқурун терговни ўша семиз офицер олиб борарди, у мен қилмаган жиноятларнинг ҳаммасини бир неча бор бўйнимга осмоқчи бўлди. Бир куни офицер ўз малайларига мен учун янгича азоб бериш усулларига тайёргарлик кўришларини буюрди. Оёқ кийимимни ечиб, улар менинг оёқларимни стул суянчиғининг тешигига тикдилар. Соқчилардан бири оёқларимга ўтирганда, офицер ичқоралик билан жилмайди ва бор кучи билан менинг товонларимга резинка тўқмоқ билан урди. Шу заҳотиёқ чидаб бўлмас аччиқ оғриқ танамни тешиб ўтди ва тўлқинланиб

оёқларимдан белларимга ўтди. Жаноб Чжон мактабида бундай қийноқ ҳақида бизга айтишганди. Женева конвенцияси томонидан «bastinado» деб номланмиш бу жазо усули манъ этилган эди. Аммо бу ваҳшийлар учун манъ этилган нарсанинг ўзи йўқ. Мен тишларимни ғижирлатдим. Семиз тўнка яна қулочкашлади. Мен бўшалишга ҳаракат қилдим, аммо товонларимга яна олдинидай куч билан зарба тушди. «Ҳали сенлар шошмай турларинг, — ўйладим мен, — шунақанги адабларингни берайки, сичқоннинг ини минг танга бўлсин». Мени хушумдан кетгунча дўппослашди. Кейин оёқларим тиқилган стулни суғуриб олишди. Оғриқдан ёнаётган оёқларим бетон полга урилиб, оғриқ янада кучайди. Пировардида қийноқ изларини йўқотиш учун полициячилар менинг оёқларимни челақдаги муздай сувга солдилар. Кечасидаги бир нечта қийноқлардан бир ҳафта ўтгач, мен умуман юролмай қолдим.

Бундай вазиятларда қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Менинг қўл-оёқларимга кишан солинганича саккизта забардаст эркаклар кўз олдида қийнардилар. Агар полициячиларнинг кучи етса улар томошабин бўладилар, акс ҳолда эса қийноқларнинг иштирокчисига айланадилар. Хўш, қамоқхона хизматчилари яна нималарни ўйлаб топишар экан? Автомобиль пойгачисининг шлемини менинг бошимга кийгиздилар, кейин девор тешувчи қурол сингари мени кўтариб, металл шкафларига ура бошладилар. Ҳар зарбада кўзларимдан тинмай ўтлар чакнардиги, бир неча бор ўзимдан кетиб қолдим. Жаллодлар қийноқ тутагач, мени полга ташлаганларида, мен уларни лаънатлардим ва сўкардим. Елкамга ётишим биланоқ шу заҳоти чотимга тўқмоқ билан урардилар. Бутун баданим қийноқлардан титрарди.

Қандайдир дақиқаларда менга ҳаммаси барибир бўларди: ўламанми ёки яшайманми — фарқи йўқ. Мени биратўла бир ёқли қилишлари учун мен атай-

лаб уларнинг жаҳлини чиқарардим. Кунларнинг бирида улардан биттаси менинг ёнимга металл блендерни кўтариб келди.

— Қўлингни узат, — деб буйруқ берди у.

Катта тезликда айланаётган блендернинг пичоғи эндиликда икки кўзимнинг ўртасида айланарди.

— Қўлимни нима қиласан? Пешонамдан дарча очиб қўя қолгин, — деб бақирдим мен ва унинг юзига тупурдим.

Жаллодлар ғазаб отига миндилар.

— Энтони, ҳозир сени парча-парча қилиб йиртиб ташлайман! — деб бақирди қутуриб кетган навбатчи офицер.

Шундай деб, у чўнтагидан алмисоқдан қолган нагани учун патрон чиқарди.

— Қара, бу совғани мен сен учун сақлаб қўйгандим. — У патронни юзимдан юргизди, кейин қуруқ наганнинг ичига солди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Менга эса мутлақо барибир.

— Хўп, қани отиб кўр-чи! Бўлақол, ёки қўлинг қалтироқ бўлиб қолдими... — деб нуқидим мен семизни.

Мен ўлишга нафақат рози, балки хурсанд эдим. Айянинг фожеали ўлиmidан сўнг менинг ҳаётим маъносиз гирдобга айланди, мен умидсизликка тушган эдим. Ва ниҳоят, ҳозир эски нагандан отилган ўқ менинг ғам-ғуссаларимга якун ясайди. Менинг кўрқувдан қалтираётганлигим семиз офицерга роҳат бағишламаслиги учун мен ундан кўзимни узмасдим. Офицерни қизиқтириш учун мен рус рулеткаси ўйинида унга атайлаб бой берган бўлардим, ахир, менинг иродам кучли эди. Полиция офицери мени авф этишини сўраб, ялиниб-ёлворишимни кутарди ва атайдан вақтни чўзарди. Атроф сув қуйгандай жим-жит. Унинг пешонасидан тер сув бўлиб оқарди, ғазабини бирозгина босиш ва ўзини қўлга олиш мақсадида офицер наганни иккала қўли билан ушлаб олганди.

Наган барабанидаги ягона ўқ қаердалигини мен аниқ билардим.

— Қўрқоқ, отмайсанми? Қани бўлақол, грек разили! Мен сен билан ўйнашга тайёрман, — деб жангга даъват қилдим мен.

Икки ва уч қават сўкинишдан сўнг офицер нагanning стволини оғзимга тиқиб томоғимгача тиради. Енгил ва пахтавон отиш овози эшитилди. Мен ҳаттоки чўчимадим ҳам. Офицер наганни ерга отиб, хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Ниҳоятда мушкул ҳолатдан нимадир қилиб чиқиб кетиш керак. Эрталабки смена нонушта тарқатгунига қадар, мен билакларимдаги теримни занжирлар билан шунақанги шилиб ташладимки, роса қон оқди. Ҳаттоки навбатчи офицер ҳам жуда кўрқиб кетди.

— Улар мени ўлгунча урмоқдалар, деб айтяпманку сизга. Менга тиббий ёрдам керак, — деб ялиндим мен.

Кундузги навбатчи тунги қонхўрларга ўхшамасди. Муомаласидан, кўринишидан тузуккина одам экан. Мени қамоқхона шифохонасига жўнатишларига кундузги навбатчини кўндиришим керак. Бир соат ўтгандан сўнг икки полициячи қоровуллигида мени шифохонага олиб кетишарди.

Шифохонада менинг қўл-оёқларимдан кишанларни ечиб олдилар, жароҳатларимни ювиб тозаладилар, боғлашга ҳозирладилар. Эндиликда билакларим шундай қилиб боғланган эдики, уларга бошқа ҳеч қандай кишанлар ва занжирларни солиб бўлмасди. Ҳаммаси режага биноан борарди. Мени қўлимдан ушлаб олиб кетаётган бу икки полициячига жуда раҳмим келди. Кутилмаганда орқага қилинган бир думбалоқ — ва мен озодликдаман.

— Тўхта! Ҳозир отаман!

Полициячилар ўзларининг пушкаларини топиб ўқлагунарлича, мен алдамчи кобра усулини қўлладим

ва илон юриш қилиб кўчани кесиб ўтдим. Шундай қилиб, улар отишга ҳам улгурмадилар.

Тез орада жимжитликни полиция машиналарининг қийқириқ сиреналари бузди. Лимассолнинг бу районида сокинлик, кўчада одамлар кам эди. Ҳар қандай хавф-хатарга тайёр турган ҳолда, мен баланд бино томида ётиб олдим ва қоронғу тушишини кутардим. Пастда полициячилар мунтазам равишда бир кварталдан иккинчисига ўтиб изғиб юрибдилар. Мен ҳамон пана жойимда беркиниб ётавердим. Томда ётганимча, мен сўнгги ойларда юз берган воқеалар ҳақида ўйладим. Мен умидсизликка тушдим, ўзимнинг ҳолатимга ўзим ачиниб кетдим. Мен ким бўлдим? Нималар қиялман ўзи? Бутун вужудимни қандайдир англаб бўлмас туйғу қамраб олди, аммо қалбимнинг бир четида ҳамон қаҳр ва ғазаб, вайрон қилиш истаги ва зулм ўтказиш ҳисси мавжуд эди. Ёмон ҳаёллардан қутулиш мақсадида мен кўзларимни ишқаладим ва тез орада енгилгина уйқуга кетдим.

Эрта тонггача мен яширинча ўз квартирамга кириб бордим.

Телефон гўшакни қулоғимга босганимча ва нафасимни ичимга ютганимча, мен автоматик звонок овозини эшитиб турардим. Ва ниҳоят, мен таниш бўлган сигнал чалинди.

— Гўшакни кўтаринглар, бўла қолинглар!

Лондонда соат эрталабки саккиз эди. Ота-онам эрталабки нонуштадан олдин одатда ҳеч қаерга чиқишмасди. Соат чиқиллаб, аста-секин дақиқа кетидан дақиқалар ўтарди. Гўшакни жойига қўйдим-да, стулга ўтирдим. Қўлларимга бошимни тираб, чуқур ўйга толдим. Полициячиларнинг қўлига тушганимга унчалик кўп вақт бўлмади. Мен ота-онам билан гаплашишим керак. Улар қаерда экан? Нимага телефон гўшагини кўтаришмаяпти?

Икки соатча улар билан боғланишга ҳаракат қилдим, аммо бефойда, гўшакни ҳеч ким кўтармади.

— Даунинг хоним, бу мен, Тони Энтони бўламан, ассалому алайкум! Сизни безовта қилганим учун узр сўрайман.

Бироз паузадан сўнг ота-онамнинг қўшниси ким билан гаплашаётганлигини тушунди:

— Эҳ-ҳа, Тони ўғлим, қалайсан? Сен Кипрдами-сан? Ишларинг яхшими?

— Мен яхшиман. Ота-онам билан боғланишга ҳаракат қилиyman, аммо улар гўшакни кўтаришмаяпти. Улар қаердалигини сиз биласизми?

Яна ўртада узоқ пауза бўлди.

— Даунинг хоним?

— Тони, ота-онанг жўнаб кетишди.

— Жўнаб кетишди?

— Бир неча кун олдин улар кўчиб кетишди. Сен билсанг керак, деб ўйлабмиз. Менда квартираларингизнинг қўшимча калити бор. Улар сенга баъзи бир нарсаларни қолдиришибди, бошқа қўлга илингидай ҳеч нарса йўқ, ҳаммасини ўзлари билан олиб кетишган, — деб жавоб берди Даунинг хоним.

Мени худди қуёш ургандай, нафасим тикилиб бошим айланиб кетди.

— Улар қаерга кетишди? — сўрадим мен салгина ўзимга келиб.

— Минг афсус Тони, билмадик...

— Улар сизга ҳаттоки адресни ҳам беришмадими? Улар қаерга ва нимага кетаётганликлари тўғрисида бирор хат қолдиришлари керак эди!

— Ҳеч қандай хат-хабар қолдиришмади. Улар биз билан ҳаттоки хайрлашишмади ҳам. Қандайдир оқ катта машина келди ва улар нарсаларини юклаб кетишди.

Мен гўшакни телефон аппаратида қўйдим ва томоғимда тикилиб қолган бир нарсани ютиб юборишга ҳаракат қилдим. Мени ғазаб ўти ёндирадди,

ўзимни қўлга олиш учун тахминан уч марта деворни муштладим. Мен уларни деб ўзимни ўққа-чўққа уриб юрсаму, улар нега индамай-нетмай кетиб қолишди?

Кейинги бир неча соат мобайнида мен ўзимни катта океанда танҳоликда ғарқ бўлаётган кемага ўхшатдим. Ота-онам яна бир бор мени ёлғизлатиб кетишди. Гўёки эндигина битаётган эски жароҳатларим яна тирналди ва барча азоб-уқубатларим поёнсиз океан сувининг бетига қалқиб чиқди. Сўнгги йиллар ичида мен Айяга бўлган соғинчни ўзимдан беркитиб келдим. Юрагимдаги дилхаста ҳис-туйғулар қалқиди ва ич-ичимдан мени бўға бошлади. Мен ичимга чуқур-чуқур тортиб, бирин-кетин сигареталарни тутатардим ва ақлдан озаётганимни сезардим. Қаҳр-ғазабдан уйдаги мебелларни тепиб синдирардим, ота-онамни ва ўз ҳаётимни лаънатлардим.

Кутилмаганда эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

9 боб

Ҳеч нарсани ўйламай, мен эшикни очдим. Ре-
вольвернинг оғзи менинг юзимга тиралди.

— Жойингдан қимирламай тур!

Мен дарровдангина ўзимга келдим ва қаршимда
турган меҳрибон полициячини таниб қолдим. Бир
кун илгари шу полициячи мени шифохонага тиббий
ёрддам кўрсатишлари учун юборганди.

— Тони, нима қилиб қўйдинг? Нега қочиб кет-
динг? — деб сўради полициячи.

Эшик олдида унинг ўзи турарди. Менимча, поли-
ция маҳкамасида мени уйга қайтиб келишим мум-
кинлигини ўйлашмаган. Яна бир бор қочиб кетиш-
нинг ҳеч қандай қийинчилик жойи йўқ. Аммо мен
хоҳламадим, жуда чарчагандим.

— Сабабини мен сизга тушунтирдим—ку. Қамоқ-
хонада мени аёвсиз калтаклашяпти.

— Мен сени ҳибсга олишим кераклигини тушуна-
сан-а?

Полициячининг овозида қандайдир юмшоқлик ва
меҳрибонлик ҳисси бордай эди. Кишанларни ҳам у
тушуниб бўлмас тарзда, иккиланиб узатди.

— Агар қочишга ҳаракат қилсанг, отаман, — деди у
хотиржамлик билан.

Мен қўлларимни узатдим ва полициячи билакла-
римга яна кишан солди.

— Фақат сиздан илтимос қиламан, қамоқхонада мени калтаклашни тўхтатишсин ва элчихонадан бирорта вакилни таклиф қилинг...

— Нима қилиш мумкинлигини ўйлаб кўрамиз, — деб ваъда берди у мени автомобилга кузатиб борар экан.

Полициячи ўз ваъдасининг устидан чиқганлигини мен кейин билдим. Шундан кейин семиз офицернинг малайларидан айримлари ўз ишидан бўшатилади. Аммо бу ҳодисалар дарровдангина юз бермади, шунинг учун ҳам қайтиб келган куним кечасиёқ менинг танамда ўн соатлик жанг олиб бориш машқлари ўтказилди. Ҳаммаси семиз офицернинг кириб келиши билан ва хонада шошмасдан у ёқдан—бу ёққа юриши билан бошланди.

— Шундай қилиб, жаноб Энтони, сиз менинг қанотларим паноҳига қайтибсиз-да. Илтимос қиламан, асло ҳаяжонланманг. Бу сафар сизга «хизмат қилиш учун» жуда яхши тайёргарлик кўриб қўйганмиз, хуш келибсиз «хурматали меҳмон». — Шундай кинояли сўзларни айтгач, у қулочкашлаб туриб юзимга бир шапалоқ қўйди. — Умид қилишимча, сиз энди суҳбатлашгани тайёрдирсиз?

Мен полга тикилганимча, жим турардим. Калтаклашлар, дўппослашлар яна бошланди. Товонларимга энди уришмасди, аммо қўл остига нима илингу-дек бўлса, шулар билан баданимнинг тўғри келган жойига урдилар, сўнг сочимдан ушлаб полда судрадилар. Қиймаланган танамни кўтариб стулга ташлашди ва сигарета чекишни таклиф қилишди. Мен тескари қарадим.

— Ноз қилишни бас қил! Эшитдингми, бас қил деяпман?! Мен соғлом фикр юритадиган одамман, мен билан келишиб олсанг бўлади, — деди навбатчи офицер юнон тилида атайлаб сўзларни чўзиб. Сигаретани тутатиб, у сигаретани менинг оғзимга тикди. Мен шу заҳотиёқ уни тупуриб ташладим. Бирин-кетин яна зарбалар келиб тушди.

Ва ниҳоят мен у билан ҳамкорлик қилишга рози бўлдим. Гап менга етказилаётган қийноқларда ҳам эмасди. Мен жуда чарчадим, ва ҳаммаси менга энди барибир эди. Мен ҳозирда ҳеч нарса ва ҳеч ким ҳақида ўйламасдим, ота-онамдан ташқари. Нима сабабдан ота-онам мени шу аҳволга солиб қўйишди? Мен уларни эндиликда олдингидан ҳам янада баттарроқ ёмон кўриб кетдим.

Мен юз берган барча ўғирликларни, шу жумладан, ўзим қилмаган ўғирликларни ҳам бўйнимга олдим.

Бир неча кун ўтгач, Британия элчихонасидан ҳузуримга бир вакил келди. Бу оқ кастим — шим кийиб, кўзойнак тақиб олган ниҳоятда одобли инглиз эди.

— Сизни толқон еб, сувга жўнатиш керак экан-да? Намунча келишингиз чўзилиб кетди? — Шундай киноя билан мен элчихона вакилини кутиб олдим.

Вакил менга бир пачка «Мальборо» сигаретасини узатди.

— Бизгача етиб борган гапларга қараганда, сиз биз билан учрашишни хоҳламаган экансиз.

Мен битта сигаретани олдим; қўлларим юз ёшли чолнинг қўллари каби қалтирарди.

— Сиз нималар деяпсиз? Мени ҳибсга олганларидан бери мен ҳар куни сизлар билан учрашишни талаб қилдим.

— Сизнинг қамоққа тушганингизни биз биламиз, аммо бизга сиз ёрдамга муҳтож эмаслигингизни айтишди, — гапини такрорлади инглиз. — Шунинг учун биз сизга ёрдамга келмадик.

Унинг гапларига ишониш қийин эди.

— Бахтга қарши, биз ҳозиргина, — деб гапини давом эттирарди Британия элчихонасининг вакили, — сиз ёрдамимизни қабул қилишга рози эканлигингиз тўғрисидаги расмий хабарни маҳаллий одамларнинг биридан олдик.

Биринма-кетин бу ерда бўлиб ўтган воқеаларни элчихонадан келган вакилга батафсил сўзлаб бер-

гунимга қадар, йигит бир неча бор ўз галстугини тўғрилади ва стулда ўтирганича тинмай типирчиларди.

— Сиз учун қўлимиздан келган ёрдамни кўрсатишга ҳаракат қиламиз, — деб ваъда берди вакил, — аммо сиз кўплаб жинойтларни амалга оширибсиз. Юнонлар бизни тўғри тушунмасалар керак, ҳар ҳолда улар бизга хайрихоҳлик қилмасалар керак.

Биз узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирдик.

—Элчихона сизга адвокат юбориши мумкин, аммо сизни оқлаб қўйиб юборишларига кафолат йўқ. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, — деди у. — Тахмин қилишимизча, суд жараёни шу уч кун ичида бўлиб ўтади.

Бу учрашувдан сўнг мени камерага қайтариб олиб кетишди.

— Хайрли кун, дўстим! — Офицер мени ичкарига киргизиб эшикни зинжилаб қўйгандан кейин, мени шундай сўзлар билан илиқ кутиб олди камерадошим. Саводли инглиз тилидаги нутқни эшитиб, мен ниҳоятда таажжубландим. Ўрта ёшдаги нигериялик китоб ўқиб ётган жойидан туриб мени қарши олди ва қўлимни қаттиқ сиқди. Аввалига бу меҳрибон одамнинг шу ердалиги мени асло хурсанд қилмади, аммо кечани шундай меҳрибон одам билан ўтказишим бирозгина кайфиятимни кўтарди. Сўзсиз, унинг ҳазилларига ва кўп гапиришига чидашимга тўғри келди. Вақт ўтарди, бу одамга нисбатан менда қандайдир қизиқиш уйғонди. Сиртдан бир қарашда, бу одамни қамоқхонага хатолик билан ўтказишганга ўхшайди, чунки қотиллик қилиш унинг қўлидан келмайди. Бечора нигерияликнинг визасини адаштириб қўйишибди, то аниқлангунларича уни қамоқхонага ташлашибди. Менга ўхшаш жинойтчи билан бир камерада ўтиришдан у кўрқса-чи, деб ўйладим мен. Гарчанд менга у ниҳоятда хотиржам кўринса ҳам, чиндан ҳам аслида у беайбга ўхшарди.

— Биродар, биласанми, ушбу китобни сен ўқиб чиқишинг керак, — деди камерадошим менга ўзининг кичкинагина китобини кўрсатиб. Мен китобнинг сарлавҳасини ўқидим: «Шон-шухрат чўққиси томон».

— Бу ерда нималар ҳақида ёзилган? — сўрадим мен ҳеч қандай қизиқишсиз.

— Сен бу ерда Раббимиз Исонинг ажойиб севгисига гувоҳликлар топасан, — жавоб берди у.

У гапирар экан, мен ҳурмат юзасидан китобни варақлаб чиқдим. Шу дақиқаларда менинг ёдимга Лимассол кўчаларида қачонлардир учратиб, мен танишиб қолган воиз Мартин ва унинг талаба дўстлари тушди.

Бир неча соатдан сўнг менинг биродарим олдига қамоқхона хизматчилари келишди. Озодлик!

— Йўқолиб кетмагин, — жилмайди нигериялик. — Лагосга, менинг уйимга албатта меҳмонга келгин.

Китобнинг орқа томонига у ўзининг исмини ва манзилини ёзди, китобни менга совға қилиб, хайрлашиш учун қўлини узатди.

— Тони Энтони, Раббимиз сени марҳаматласин, — деди дўстим ва камерадан чиқиб кетди.

У кетиши биланоқ камера хувиллаб қолди. Нигерияликнинг гаплари мени анчагина чалғитиб турарди, қоронғу тушиши биланоқ мени яна ваҳима боса бошлади. Менинг юрагим тош бўлиб, ҳамон ота-онамнинг ғойиб бўлишганига борган сари қаттиқ жаҳдим чиқарди. Аммо мен олдингидай уларни излаб топмоқчи эдим. Менга эркинлик керак. Қаҳр-ғазаб ваҳшийликка айлана боргани сари, тепамдаги том янада пастроққа тушиб, ҳар томондан деворлар мени бўғаётгандай туюларди. Дикқатим ошиб, мени ваҳима босди. Мен ўзимни идора қила олмасдим. Оғир нафас олиб, мен бўғила бошлаганимни ҳис қилардим. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олгим келарди. Бу қандайдир азоб эди, менинг тасаввуримда, мени ўзимнинг танам бўғаётгандай эди. Мен

ўзимни эшикка урдим, мени эркинликка чиқариб юборишларини талаб қилиб қўлларим билан эшикни тақиллатдим ва оёқларим билан тепа бошладим. Аммо бефойда. Шунда мен ўзимни у девордан бу деворга ота бошладим. Бундай ҳолат, мен то полга ҳолсизланиб йиқилиб тушмагунимча, давом этаверди.

Пол чанг бўлгани сабабли мендан оқиб тушаётган тер полда катта-катта томчига айланарди. Тўсатдан ёғоч скамейка тагида қопқоғи қийшайиб ётган консерва банкисига кўзим тушди. Мени қалтироқ босди. Қалтираганимча банканинг металл қопқоғини қайириб олдим ва шиддат билан билакларимдаги қон томирларимни кеса бошладим. Овозим борича сўкиниб, бу дунёни қарғаб, баданимдаги терларимни шилардим. Қанийди тезроқ ўлиб, бу дунёнинг азоб-уқубатларидан қутулсам! Лекин банка қопқоғи ҳам чидаш бермай ярми теримнинг ичида синиб қолди. Қолган ярим парча қопқоқ билан мен асосий қон томирларимни кесишга ҳаракат қилдим, аммо ҳаммаси беҳуда. Ўзимни ўлдириш қўлимдан келмади. Кесилган жойларимдан қон сизиб оқарди, бироқ мени ҳалокатга олиб келувчи жароҳатни мен ўзимга ҳеч етказа олмадим. Хуллас, кўплаб уринишлардан сўнг мен тиззаларимни кўкрагимга тираганимча, ухлаб қолдим.

Суд залида шипга осилган катта вентилятор залдаги димиққан ҳавони аранг хайдарди. Иш юзасидан элчихона мен учун қандайдир ҳужжатларни тайёрлаб олиб келибди. Гарчи мен юнонларнинг тез гапирган нутқини тушунишга ҳаракат қилсам-да, кўп нарсаларга ақдим етмади. Суд жараёни таржимонларсиз ўтарди. Мен ўзимни ҳимоясиз ва чорасиз эканлигимни тушундим. Айянинг вафотидан кейин менинг қалбимни ғазаб ичимдан кемириб битирди. Мени уч йилга ҳукм этишди, аммо менга энди барибир эди:

мен ўшанда ўзимни хаста ва толиққан ҳис этардим. Суд тугагандан сўнг, тахминан бир соатларча ўтгач мени Никосидаги *fylaki*, менга кейин маълум бўлишича, Марказий қамоқхонага олиб кетишди. Буларнинг ҳаммаси 1989 йили Рождество ва крещение байрамларининг арафасида, яъни сочельник арафасида бўлиб ўтди.

Шипдаги ягона лампочка оҳакланган деворларга оч яшил тусни бериб, хира ёритиб турарди. Лабига кулгили тарзда сигарета ёпиштириб олган икки офицер мени қамоқхона регистрациясидан ўтказишди. Мени тинтув қилишди, учта кўринишда расмга туширишди, қўл изларимни олишди, кейин эса элчихонадан берилган майда-чуйда нарсаларимни олиб қўйишди. Олиб қўйилган нарсаларнинг ўрнига менга қичитадиган адёл, бир ўрам туалет қоғоз ва хавф туғдирмайдиган лезвиелардан бир пачка беришди. Кейин эса мени зулматга бурканган қамоқхона ичкарисига олиб кетишди. Қамоқхона қадимда қурилган бўлиб, деворлари ва шиплари тулаб ётарди. Паст томнинг у ер-бу ердаги тешикларидан куёш нурлари тушиб турибди. Биз тор ва тошли зиналардан пастга тушаётганимизда, бурнимга ниҳоятда сассиқ, қўланса ҳид урилди. Қалбимнинг туб-тубини яна ваҳима босди. Қўлларимни мушт қилиб олдим, ўсиб чала синган тирноқларим кафтларимга кирди. Мен ўзимни қўлга олишни ўзимга буюрдим. Қамоқхона хизматчилари бир-бирлари билан ўзаро алланималарни пичирлашиб, заҳархандалик билан кулиб кетишарди. Зиналар икки томонида камералар жойлашган жуда узун коридорга олиб тушарди. Коридорнинг охирида, деворнинг тахмонида оғир, икки тавақали темир эшик кўриниб турарди. Тошли деворлар ва металл панжараларнинг ёпиқ маконида акс-садо берадиган қийқириқлар ва оҳ-нолалар, шунингдек, жинниларча кулгилар навбатма-навбат эшитилиб турарди. Хизматчилар бирозгина кори-

дордан юриб тўхташди ва камералардан бирининг эшигини катта темир занжирли калит билан очдилар. Пастдаги жойни кўрсатиб, улар қамоқхонанинг қандайдир қонун-қоидаларини юнон тилида тушунарсиз қилиб айтиб ўтишди.

Камерадан қотиб кетган тер ва сийдик ҳиди келарди. Камерада еттита икки қаватли темир каравотлар бўлиб, улар полга оғир занжирлар ёрдамида қотирилган. Бу ерда одамзод деб аталмиш мавжудотларнинг бузуқлигини, нақадар турли-туман тубанликка тушганлигини учратиш мумкин! Тепадаги бир кишилиқ ўриндиқда икки эркак ёввойи ҳайвонлар сингари ириллаб, пишиллаб бир-бирини кучоқлаб ётишарди. Уларнинг тагидаги ўриндиқда суяклари кўриниб турган, тиррайган бир йигит қалтираганича билагидаги томирга эски нинани тикарди. Унинг юзидаги ва баданидаги чандиқ ва ямоқларга ақли расо одам хотиржам асло қараб туролмас эди. Яна бир маҳбус гипнотик трансда тебраниб ўтирарди ва гўё бу дунёда танҳо ўзи қолгандай бақириб қўшиқ айтарди. Яна биттаси яланғоч ҳолича, лезвие билан бутун баданига чизар, кўлдай сийдикни ичида ўтириб олганича, алланималарни мингилларди.

Буларнинг ҳаммаси бадбашара одам деб аталмиш маҳлуқларнинг беор шоусига ўхшарди.

Мен ниҳоятда кўрқиб кетдим. Ўз ўрнимга отилдим, каравотнинг устидаги бурга ва кана босган сассиқ матрацни олдим-да, қамоқхона хизматчиларининг юзига отдим. Камерада тасаввур қилиб бўлмас хаос кўтарилди. Менинг кўлимга нима илинган бўлса, ёки кўзимга нима кўринган бўлса, мен ҳаммасини уриб-синдира бошладим. Камерада яшовчилар кўрқиб кетганларидан ҳар тарафга тумтарақай бўлишди. Хизматчи офицерлардан бири белига қотирилган резинка тўқмоқни чиқаришга ҳаракат қилганини кўриб, мен тўқмоқни унинг кўлидан тортиб олдим

ва сим тортилган кичкинагина дарчага улоқтирдим. Тўқмоқ эсанкираб турган маҳбусларнинг бирига шунақанги қаттиқ тегдики, оқибатда унинг бурнидан деворларга қон сачради. Мен бўкирганимча, ўзимни бир темир каравотдан иккинчисига отардим. Ҳамма жойим қонталаш, момоталоқ бўлиб кетди, кўзларим олайди, лабларим кўкариб увишди. Худди шу вақтда ҳукм қилинганлар даҳшатдан бақиришарди ва бурчак-бурчакка беркинишга ҳаракат қилишарди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас камерага бизнинг кетимиздан бир нечта полициячи наган ва резинка тўқмоқ кўтариб кириб келишди. Мени уриб йиқитишди, чаккамга қурол тираб, бақиришди:

— Хой, *fylakismenos*, бўлди қил, бўлди! Тўхта!

Мен туришга ҳаракат қилдим, аммо қамоқхона хизматчилари буйруққа биноан ҳаммаси биргаликда тўқмоқ билан менга ташланишди. Зарбалар биринкетин тушарди. Ва ниҳоят улар қўлларимни бураб, орқамга қайириб олишга муяссар бўлдилар. Икки хизматчи қўлларимни йўғон чарим тасма билан боғлади. Бироқ мен энди оёқларим билан ҳаракат қилишга ўтдим; улар мени то бошимга оғир занжир билан уриб, нокдаунга жўнатгунларига қадар мен полициячиларни тўғри келган жойига тепавердим.

Бир неча вақтдан кейин ўзимга келиб қарасам, мени қамоқхона ҳовлисининг тош йўлакларидан судраб юришибди. Мен ҳаво тоза, софлигини англадим. Биз диққинафас камералардан ташқарида эдик. Барча азоб-уқубатлардан сўнг азойи баданим оғриқдан ёнарди, бошим гаранг, қулоқларим тинмай шанғилларди. Қуёш ярқираб турарди ва мен ногаҳон кўзларимни юмдим. Тўсатдан бошим айланиб кетди, мен яна ҳушимни йўқотдим.

Ўзимга келгач, мен бирор деразасиз бетон карцерда эканлигимни кўрдим. Бу камера ниҳоятда совуқ, қоронғу ва жирканчли экан. Шипнинг тагида ўрна-

тилган хира ва чанг босган лампочкадан зўрғагина ёруғ тушиб турарди. Бундай қоронғуда инсон нажасини ҳам, у ёқдан бу ёққа югуриб юрган каламиш ва суваракларни ҳам асло англаб бўлмасди. Мен торгина ёгоч каравотда ўз вақтимни ўтказардим. Эҳтимол, бу ифлос камерадаги каравотда мен каби бахтиқаролардан бир нечтаси ётиб кетгандир. Мен эҳтиёткорлик билан қўл-оёқларимни пайпаслаб чиқдим, аммо ҳеч қандай бир жиддий жароҳат олганимни сезмадим. Бироқ бутун баданим увишиб, бошим жуда қаттиқ оғрирди. Мен совуқ терга ботиб кетгандим. Ҳаммаёқда сукунат. Ёпишувчан кўрқув бутун вужудимни эгаллаб олганди, мен қафасга қамалган йиртқич ҳайвон сингари эдим.

— Тони, ўзингни қўлга ол! Бардам бўл! — деб буйруқ бердим ўзимга ўзим. Мен ци қувватини олиш мақсадида тақлид қила бошладим, аммо мен ҳушимга келишим учун бир неча миллион қуёш йилига ортда қолиб кетгандим. Мен хотиржамликка эришмоқчи эдим, тинчлик-хотиржамлик қаердадир ёнимда тургандай, қўл узатсам олишим мумкиндай эди, аммо хотиржамлик — мен учун эришиб бўлмайдиган орзу. Афсус, кўз ўнгимда энди фақат ўлик, ваҳиманинг қоп-қора жаҳаннами очилди.

Эсимни йўқотиб қўймаслик учун, мен хаёлан ўзимга таниш бўлган образларда диққатимни жамлашга уриндим — мен қалин ўрмон билан қопланган Синцзян тоғининг ён-бағрларини, қачонлардир ўрмонда оқ йўлбарсни излаб юрганимни; Касси ва Османтуснинг гуллаб-яшнаган бутазорларини, атрофга таралиб одамни маст қилувчи гулларнинг хушбўй ҳидини (ёзда бундай ҳид бизнинг қишлоғимизгача етиб борарди); лижаларда мен сайр қилиб юрган Швейцария Альпаларини; мотоциклда кўчаларида учиб юрган Монакони ва менинг офтобдан қорайган юзларимга шамолнинг уришини; Найд паркидаги кўлда қайиқда қилган саёҳатларимни —

хамма-хаммасини бирин-кетин кўз олдимга келтирдим...

Жўшиб келаётган хотиралар мени эгаллаб оларди, аммо бахтга қарши, улардан кейин аччиқ ҳақиқат юзага қалқиб чиқарди: бобомнинг менга азоб беришлари, ота-онамнинг қилган хиёнати, Айянинг фожеали ўлими...

Вақт ўтар, бу ҳолатда мен тез орада жинни бўлиб қолишимни ҳис этардим. Томи тешик ва деворлари кулаб тушай деб турган сассиқ қамоқхона биноси кутурган йирқич сингари, мени ютиб юборишга тайёр эди. Мен соат неча бўлганини ва бу ерда қачондан бери юрганимни билолмасдим. Қўрқув, даҳшат ва совуқдан менинг танам дир-дир титради.

Тўсатдан қандайдир гумбирлашдан мен чўчиб тушдим. Маълум бўлишича, бундай гумбирлаган овоз овқат тарқатиш учун мўлжалланган ғилдиروқли металл столдан келаётган экан.

Қамоқхона назоратчиси менга жилмайди, бундай илиқ жилмайишдан кейин менинг юрагимдаги муз қисқа муддатга эригандай бўлди. У юнонча гапирарди. Гарчи мен унинг гапларини яхши тушунмасам-да, бироқ мен унинг келганидан ниҳоятда хурсанд бўлдим ва бошим осмонга етди.

— *Lamarina*, — деди у менга металл тарелкага қуйилган чой ва ичига қайнатилган тухум, помидор ва нон тўғралган таомни узатиб. Мен бу ғалати бўтқага қараб, жим тулардим.

— Ол, емоқ керак... бу жуда фойдали... яхши... — деб ишонтирарди у мени. — Тана мустаҳкамланади...

Бўтқани ейишдан ўзга чорам йўқ эди. Мен бир тарелка таомни чайнамай аранг ютиб олдим ва қамоқхона хизматчисига миннатдорчилик билдириш тариқасида таъзим қилдим.

Кунлар кетидан кунлар ўтарди, мен аста-секин бизнинг блокни қўриқловчи қамоқхона хизматчилари (*varianos* деб номланмиш — туркча қўриқлов-

чилар)ни юзига қараб таний бошладим. Улар кўри-нишдан анчагина дуруст одамларга ўхшардилар. Хизматчиларнинг гапларига қараганда, бир киши-лик кўшни карцерда ҳам бир яхудий маҳбус бор экан. Маҳбусни унинг шахсий беҳавотирлиги учун карцер-га ташлашган экан. Вақт ўтгани сари Никосининг Марказий қамоқхонаси — бўйсунмас сиёсий душ-манларнинг ва мен каби ақлдан озганларнинг ўчоғи эканлигини келажакда мен тушуниб олишим ке-рак эди. Фаластинликлар ва араблар бир неча бор яхудийга суиқасд қилишди. Баъзида қоронғу совуқ кечаларда унинг кўшиқларининг овози менгача ҳам етиб келарди.

Мен каравотда думалаб, шипга қараганимча вақт ўтказардим, ёки баъзида тай-чи системаси машғу-лотлари билан шуғуланардим: мен ўзимни фор-мада сақлашим керак эди. Бир ҳафтадан кейин ме-ни совуқ карцердан олиб чиқишди ва яна қамоқ-хонанинг ички тошли ҳовлисида олиб ўтишди ва қарама-қарши томонда — қамоқхонанинг асосий корпусида жойлашган қоронғу конторага бош-лашди. Эски ёзув машинкаси олдида қандайдир кў-римсиз одам ўтирарди. Столнинг устида бир қанча папкалар ётарди. Мени *varianosлар* унинг хузури-га олиб келганларида, у фақатгина кўзларини кў-тарди.

— Антонио Энтони, — деди *varianosлардан* бири машинкада ёзиб ўтирган одамга мурожаат қилиб. У чуқур нафас олди ва қоғозларни тита бошлади. Мен учун яна нима ўйлаб топдилар экан, деб тахмин қилганимча, мен индамай турардим. Шу вақт орасида *varianosларнинг* иккиси ҳам катта столга ўтириб олиб, сигарет тутатдилар. Худди мен йўқдай, улар ўзаро пичирлашиб, тинмай кулишарди. Орадан бирозгина вақт ўтди. Тўсатдан эшик очилди ва *varianosлар* дик этиб ўрниларидан сакраб туришди, қоровулликда-ги соқчилардай қомадларини ростлашди.

Хонага офицер формасини кийган новчагина одам кириб келди ва баланд овозда қандайдир буйруқ берди. *Varianosлар* тездагина сигареталарини ўчиришди ва тик турдилар. Офицердан кейин изма-из, кўринишидан туркка ўхшаган қандайдир одам кирди. У биринчи навбатда ўзини стол тарафга олди ва зудлик билан стул олиб офицерга қўйиб берди. Сўнгра чўнтагидан катта сигара ва бир қути гугурт олди. Куллуқ қилиб уларни офицернинг олдига — столнинг устига қўйди ва шу заҳотиёқ хонанинг бурчагига бориб турди. Ўша бурчакда у қўрқиб қалтираётган куёни эслатиб турарди.

Офицер кийимини кийган одам ўзини жуда каттазанг тутарди, гўёки бу ердагиларнинг ҳаммаси унинг ҳукми остидагидай. Офицер мундирининг қўлида учта чизиқ бор бўлиб, чизиқлар у қамоқхона хизматчиларининг катта офицерларидан бири эканлигини англатарди. Кейин менга айтишларича, у *chowishi* бўлиб, катта қамоқхонанинг бошлиқларидан бири ҳисобланар экан.

Аммо *chowishi* ўзига тайёрлаб қўйилган стулга ўтирмади. Бунинг ўрнига у катта-катта қадам ташлаб хонада юрди, менинг атрофимни бир неча бор айланиб ўтди ва ниҳоят бирдан рўпарамда қоққан қоziқдай қотиб қолди. Унинг оғзидан чеснок ва спирт ҳиди анқиб келарди. У совуққонлик билан менга қаради. Унинг кўзлари чуқур жойлашган қўйкўз эди, қараши ёввойи қирғийнинг қарашига ўхшарди. У «қўрқиб қалтираб турган куёнга» бир нима деди, қўрқоқ хизматчи эса ўз навбатида чаккасига ўнг қўлини тираб клерк қўлидан ҳужжатларни олди ва ўзининг бошлиғига етказди. Бошлиқ истаб-истамай ҳужжатларни варақлаб, кўз югуртириб чиқди.

— Эҳ-ҳа, жаноб Энтони. Мен сен ҳақингга жуда кўп эшитганман... — деди у бузуқ инглиз тилида.

Мен жавоб беришим керакми ёки йўқми билмадим, шунинг учун индамай туравердим.

— Ҳа-ҳа... Энди сен сал ўзингни босиб олгандирсан-а?

Мен бошимни силкидим.

— Сени Б блокига ўтказамиз. Агар яна тўполон қиладиган бўлсанг, карцерга қайтиб борасан. Тушундингми?

«Ҳа» дегандай, мен яна бошимни қимирлатдим. Мана гап нимада экан. Катта офицер *varianos* белгисини ишора қилди ва мени олиб кетишди.

Б блокени мен яхши билардим: айнан ўша ерга мени биринчи куни олиб киришганди. Иккала томондан темир панжаралар билан ўралган худди ўша узун коридор ва камералар, камералар, камералар... Бу сафар мени бир кишилик камерага қамаб қўйишди. Биринчи учрашувимда ўн икки маҳбуснинг таъзирини берганимнинг гувоҳи бўлган қамокхона раҳбарияти хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида шундай қарорга келибди. Мени камерага эмас, ҳақиқий ифлос ахлатхонага ташлашди. Шунисига ҳам шукур, ахлатхона бўлса ҳам унда бир ўзим яшайман.

Кундузлари камера эшикларини хизматчилар қулфлаб қўйишмасди, шунинг учун ҳам маҳбуслар бемалол коридорда юришлари мумкин эди. Баъзи бирлар бу ерда ҳунармандчилик билан шуғулланишарди. Уларга хомашёни маълум нархда *varianosлар* етказиб беришарди. Бу ерда ҳамма нарсанинг ўз баҳоси борлигини мен тездагина тушуниб олдим. Маҳбуслар ва назоратчилар шубҳали бўлган сигареталарни, наркотикларни ва ҳоказоларни сотиб, ўзлари учун кичкинагина бизнес очганлар. Қамокхонага тушганларнинг кўпчилиги юнонлар ва араблар эди, маҳбусларнинг орасида яҳудийлар, немислар, италияликлар, французлар, Шри-Ланкадан келган бир маҳбус ва Галифакслик Энди исмли Британия армиясининг оддий бир аскарлари ҳам бор эди. Бошида мен ҳеч ким билан танишишни хоҳ-

ламадим, аммо кундан-кун мен қамоқхонадаги ҳаёт-га ўрганиб қолдим, қолаверса, Эндининг дўстона маслаҳатлари менинг кўнглимга тўғри келди. Никосияда банк чеклари билан қилган қаллоблиги учун унга икки йил беришибди. Чет элликлар кўпинча қилган жиноятлари учун бениҳоят қаттиқ жазо олардилар. Хушчақчақ Энди доимо ўзини яхши формада тутишга ҳаракат қиларди. Ҳа айтгандай, у менинг қўшнилариمنىнг ҳаммасини ажойиб қилиб менга тасвирлаб берди.

— Қотил, ўғри, террорчи, бачабоз, террорчи, ўғри, ўт кўючи... — деб бирма-бир санаб чиқди Энди менга қўшни камерадаги маҳбусларни. — Аммо улардан кўрқмасанг ҳам бўлади, — деб огоҳлантирди у мени ноҳосдан, — жиннилардан эса ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак, хушёр бўлиб юр!

— Жиннилардан?

— Ҳа-ҳа, биродар. Руҳий касал қотиллардан. Уларнинг калласи жойида эмас, нима хоҳласалар, шуни қиладилар. Ўзинг тушунасан... — деб қўшиб қўйди Энди бир кўрсаткич бармоғи билан чаккасини айлантириб. — Жиннилар кутилмаганда ҳаракат қилишади. Улар қачон сени бритва билан сўйиб ташлашларини ўзинг олдиндан била олмайсан.

Эндининг огоҳлантиришларини мен эшитиб эшитмасликка олдим. Қолганларни билмадим, аммо мен ўзимни ўзим бемалол ҳимоя қила оламан. Мени таажжублантирган нарса — бу баъзи бир маҳбусларнинг ташқи кўриниши эди. Кимлардир қамоқхонанинг қаттиқ шарт-шароитида соғлом ақл ва тана мустаҳкамлигини сақлашга ҳаракат қилишарди. Бироқ бу ердагиларнинг кўпчилиги сассиқ табак ҳиди келган ва қуруқ суяклардан иборат тиррайган жасадни ўзларида намоён қилардилар. Яқиндагина бўлиб ўтган ҳодисалар менинг ёдимга тушди. Ўшанда мени икки қаватли темир каравотлари бор камерага ташлашган эди.

Энди менга яғири чиқиб кетган сигарета қолдиғи-ни чекишга узатди. Мен олдиниға индамай турдим, сўнгра барибир олдим. Ўзим яхши кўрган «Gitanes» сигаретасини чекиб хуморимдан чиқишни жуда-жуда хоҳлагандим, аммо йўқдан кўра бориға шукур қилиб бировлардан қолган сигаретани тутатдим. Энди Б блокадаги маҳбуслар ҳақида ўз ҳикоясини давом эттирди.

— Дўстим, бу Ҳазрати олиялари қамоқхонаси эмас, — деди у. — Мен нималар деяётганимни яхши биламан! Хоҳ ишон, хоҳ ишонма. Бу ерда ҳамма баробар. Сен ким ва қандай эканлигинг — кичкина ўғримисан, террорчимисан ёки ашаддий қотилмисан — ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бу ерда ҳамма ўзинг учун ўл етим. Энтони, шуни доимо ёдингда тутгин! Шунинг учун ҳам доимо қулоғингни динг қилиб, огоҳ бўлиб юргин.

— Биродар, мен ҳақимда қайғурмай қўя қолгин, менда ҳеч қандай муаммо бўлмайди, — деб ишонтирдим мен уни.

— Албатта, агарда сен маълум қонун-қоидаларга амал қиладиган бўлсанг.

Мен ўшанда Энди қандай қонун-қоидалар ҳақида гапираётгани ва бундай қонун-қоидалар кимлар томонидан ўрнатилгани тўғрисида қизиқиб сўрамабман, аммо нимадандир кўнглим ғаш эди. Мен албатта бунинг тагига етишим керак.

Ҳар блокнинг ўз криминал авторитети бўлган, соддароқ қилиб айтганда *Rapas* (бошқача номи — *Matas*, кимга қанақа ёқса). Блокка келганимга икки кун бўлмасдан, мен меҳмонларни қабул қила бошладим. *Rapas* бу ерда маҳбусларнинг энг каттаси, яъни бошлиғи ҳисобланар экан, қолган маҳбуслар унга сўзсиз итоат этиб, у ўрнатган «қонун-қоидалар» асосида кун кўришарди. Агар рухий касалларни ҳисобга олинмаса, блокдаги барча маҳбуслар унинг «қули» эканлар. Бинобарин, маҳбусларнинг барча

нарсалари, топган-тутганлари, ҳаттоки ўзлари ҳам *Rapasga* тегишли эдилар. *Varianoslar* ҳам *Rapasga* тоқат қилардилар ва ҳаттоки қайсидир маънода уни ҳурматлаб эъзозлашар экан. *Rapas* назоратчиларга блокдаги маълум тартибни сақлашга ёрдам берарди, қолган нарсалар эса қамоқхона хизматчиларини қизиқтирмасди. Кейин менга маълум бўлишича, Б блокидаги *Rapas* ёмон отлиқ ҳисобланиб, Никоси Марказий қамоқхонасининг энг ёвуз авторитети бўлган экан.

— Салом, бобик! — деди у менга камерамга таклиф қилинмасдан кириб келар экан. *Rapashning* орқасида тўрт-бешта малайлари бор эди. Камерам кичкина бўлганлиги сабабли, малайлар эшик олдида туришарди. Мен каравотимдан пастга тушдим. *Rapas* юнон эди. Товоқдай юзларидаги соқол ва мўйловлари қирилган, кўзлари ичига кирган, ўзи эса кўрқинчли бульдок итига ўхшарди.

— Менинг уйимга хуш келибсан, — деди у соф инглиз тилида менинг елкамдан қоқар экан. У нима хоҳлаётганини мен англадим. — Сен — Жон Буль*, мен эса инглиз қизларининг ишқибозиман — барча инглизча нарсаларни яхши кўраман, — деди у. — Менинг дугонам бўласан. — Шу сўзларни айтиб, у менинг белимнинг пастини силади.

Шу заҳотиёқ тирсагим билан қилган зарбам «азиз меҳмоним»нинг томоғига бориб урилди. *Rapas* бетон полга қулаб тушди. Малайлар шамол учиргандай, ғойиб бўлишди. Ҳар тарафдан *varianoslar* югуриб келишди. *Rapas* полда балиқ каби оғзини очиб, оғзидан нафас олганича чўзилиб ётарди. Уни шу заҳотиёқ изоляторга олиб кетишди. Афтидан, мен унинг нафас олиш томоқ томирини узиб юборганга ўхшайман. Блокда бошқа уни ҳеч ким учратмади.

* Жон Буль — инглизларнинг лақаби

Қоронғу тушгунча мени камерага қамаб қўйишди. Бу билан ҳали иш тугамаганлигига ишончим комил эди. Бироқ вақт ўтарди, ҳеч қандай ўзгаришлар содир бўлмасди. Менга маълум бўлишича, Б блокидаги «отахон»ни йўқ қилган янги йигит ҳақидаги шов-шувлар тезлик билан бутун қамоқхонага тарқалибди. Бу қилган ишим билан ўзим билмаган ҳолда, биринчидан, маҳбусларнинг ҳурматини қозонибман; иккинчидан, ўзимга тинч ҳаётни таъминлаб қўйибман.

Кўпчилик маҳбуслар учун ҳар куни тирик қолиш — аёвсиз жанг қилишни англатади. Менга бирор кимса қўл кўтаришга журъат этолмасди, фақатгина руҳий касал жиноятчиларни ҳисобга олмаганда, улар учун ҳеч қандай қонун-қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам мен доимо қулоқларимни динг қилиб, эҳтиёт бўлиб юрардим. Блокдаги жиннилардан ҳамма кўрқарди, айниқса уларнинг орасида ёмон отлиқ Акалиас исмли тентак ва «Алькапони» лақабли яна бир анчагина эси паст телба бор эди. Одамхўрга ўхшаган дев Алькапони маҳбусларга ташланиб, уларни зўрларди, сўярди ёки бўлмаса, қониқиш хосил қилиш учун уларга турлича жароҳатларни етказарди. Акалиас эса Алькапонига ўхшаган махлук бўлса-да, у билан солиштирилганда сал юмшоқроқ эди. Жиноят қилиш Акалиаснинг қон-қонига сингиб кетганди. Қолаверса, Акалиас ҳамма нарсани ўз фойдасига ҳал қилишга ақли етар эди. У жуда айёр ва маккор эди, бировларни алдаб фойда чиқаришга устаси фаранг эди. *Varianosларга* у шундай йўл топар эдики, доим кўзлаган мақсадига эришарди. Унга асло ишонмаслик кераклигини блокда ҳамма маҳбуслар билишарди. Бу ёвуз, ичиқора, ҳасадчи одам эди.

— У тўғрида нималар маълум? — сўради кунларнинг бирида Энди.

— Турлича гап сўзларга қараганда, у хотинини ўйнаши билан ўз уйида тутиб олибди, — жавоб берди у.

— Бунақанги ҳодисалар баъзида юз бериб туради.

— Тўғри, лекин ҳамма ҳам ўз хотинини унинг ўйнашига қўшиб парча-парча қилиб қиймалаб ташламайди. Айтишларича, чопилган тана бўлакларини у узоқ ойлар мобайнида музхонада сақлаган экан.

— Даҳшат!

— Биродар, ҳеч қачон унинг йўлига ғов бўлма!

Алькапонидан фарқли ўлароқ, Акалиас вақти-вақти билан туппа-тузук одамга айланиб қоларди. Масалан, Акалиас шахмат ўйинини яхши кўрарди. У бошқа маҳбусларни шахмат ўйнашга зўрларди ва ўз ғалабаларидан фахрланарди. Ҳеч ким уни мағлубиятга учратишга журъат этолмасди. Бобом мен кичкиналигимда шахмат ўйнашни мукамал ўргатган, ўспиринлик вақтимда эса мен ҳақиқий шахмат устаси ҳисобланмиш отам билан соатлаб шахмат ўйинига берилиб кетардим. Акалиас муносиб рақиб эди, шунинг учун мен мамнуният билан шахмат ўйнашга рози бўлардим. Партия бориши жараёнида баъзида Акалиаснинг мағлуб бўлишини мен олдиндан билардим. Мен диққат билан олдин унинг кайфиятини ўрганиб чиқардим, шундан кейингина у билан пул ўйнашни ёки ўйнамасликни ҳал қилардим. Ҳикоя қилишларича, кунларнинг бирида Акалиас бир америкаликнинг юзига доғ бўлиб турган ёғни қуйиб юборибди, чунки америкалик қачонлардир уни нимадир сабаб бўлиб урган экан.

Ҳафталаб ўтиб, менга қамоқхонадаги маҳбусларга *Lamarina*да, ғилдиракли темир аравадада овқат тарқатишни ишониб топширишди. Хусусан, мен қамоқхона хизматчилари назоратида тиббиёт блокидагиларни ва бир кишилик блок камерадгиларни овқат билан таъминлардим. Шу тарзда мен ўзим учун сигарета олишга бирозгина пул топа бошладим ва қисқа вақтга бўлса-да, ўз камерамдан ҳовлига чиқиб айланишга рухсат беришди. Кунларнинг бирида *Lamarinани* етаклаб бир кишилик камералар

блокига яқинлашганимда кимларнингдир овозини ва хоҳолашини эшитиб қолдим. *Varianoslar*, бу ёғига ўзинг кетавер деган маънода камераларни кўрсатиб, менга ишора қилишди. Камерага қарасам, у ерда уч киши ўтирганини экан: икки қорачадан келган фаластинликни ва бир малла маҳбусни кўрдим.

— *Lamarina*, — дедим мен. — Тушлик қилиш вақти келди.

— Ҳой, инглиз, сенмисан? — деб сўради малласоч ва дик этиб ўрнидан турди.

— Ҳа менман, — илжайганимча жавоб қилдим мен ва унинг талаффузига эътибор бердим. Жорди* акцентига ўхшайди.

— Иэн Дэвидсон, — деди йигит ўзини таништириб ва панжарадан қўлини узатди.

— Тони, — жавоб бердим мен.

Дэвидсоннинг мени илиқ кутиб олиши ўзимга жуда ёқди. Иэн Дэвидсон? Бу исм менда қандайдир тасаввурларни уйғонишига ва хушёр туришимга сабаб бўлди. Бунни пайқаган Иэн кўшиб қўйди:

— Ҳа, мен *худди ўша* Дэвидсонман. Узоқ йиллар мобайнида менинг исмим ҳиёбон матбуотида тез-тез кўриниб турарди.

— ФОТ?*

— Худди шундай, биродар. Булар менинг қуролдош дўстларим — Илайес ва Маҳмуд.

Фаластинликлар бош эгиб, мен билан салом-алик қилдилар.

— Сизлар қандайдир яҳудийларни отиб ўлдирган-сизлар, шундайми? — сўрадим мен.

— Шундай, — жилмайди Иэн. — Фақат матбуотда ёзилганларнинг ҳаммасига ҳам ишонавериш ярамай-

* Жорди — Нортумберленд (George исмининг шимолий инглизча талаффузи) графлиги яшовчисининг ёки нортумберлендликнинг лақаби.

** Фаластин озодлик ташкилоти.

ди. Матбуотда қурбон бўлганлар саёҳатчилар сифатида кўрсатилган, аммо биз узоқ йиллардан бери уларнинг изига тушгандик. Уларнинг ҳаммаси Моссад* агентлари бўлишган. Аёл киши эса автомобилларни портлатиш бўйича мутахассис эди.

Шунда шов-шув бўлган воқеа менинг ёдимга тушди. Иэн Саут-Шилдсда туғилган. Британия газеталари ўшанда Дэвидсон ҳақида шов-шув уюштириб, бениҳоят муваффақиятга эришганлар. Газеталар биринчи бўлиб бутун дунёга Дэвидсонни яҳудийлар билан курашиш мақсадида Фаластин озодлик ташкилотига қўшилган қуроолланган телба деб танитган. Иэнн ва унинг дўстларини муҳим аҳамиятга эга бўлган бир ҳодисадан кейин 1985 йили қамоққа олишган. Дэвидсоннинг гуруҳи Ларнакдаги кема пристанига икки исроиллик эркак ва аёлни барта раф қилиш учун юборилганди. Ҳаракатлар жараёнида улар Кипр полицияси томонидан қамалга тушиб қолдилар. Иэн ва унинг қуроолдош дўстлари ҳибсдан қочиб қутула олмасликларини тушундилар. Агар Иэн ва унинг дўстлари исроилликлардан жазо олсалар, гарчанд уларни қамоққа олишса ҳам, улар қаҳрамонга айланадилар. Хуллас, Иэн ва унинг дўстлари худди шундай йўл тутдилар ва умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилдилар.

Бу одамларни, уларнинг хавфсизлигини ўйлаб, бир кишилиқ камераларга жойлаштиришди, қолаверса, *varianosлар* уларга нисбатан ниҳоятда мурувват кўрсатар эдилар. Уларга бир-бирлари билан мулоқот қилишга, турли ўйинларни ўйнашга, биргаликда китоблар ўқишга ва барча имтиёзлардан фойдаланишга рухсат берилди. Қамоқхона хизматчилари Дэвидсон ва унинг дўстларига ҳатто қандайдир уруғлар олиб келиб беришди, маҳбуслар блокнинг орқасида ўзларига ажратилган қамоқхона ҳовлисида

* Моссад — Исроил махфий разведка хизмати.

жўяклар олиб гуллар ўтказишди ва ўз соғликларини ўйлаб гулзорда майда-чуйда ишларни қилишарди ва ўша ерда ўралашиб юришарди. Бундай эрмак дунёнинг бир чеккасидаги Кипр турмасида ниҳоятда ноёб ҳодиса.

Иэн, аслида, ақлли одам эди. Ўтган асрнинг 70-йилларида Америка бўйлаб қилган саёҳат пайтида Фаластин ҳаракатига қўшилиб қолган. Мен Иэн ва унинг дўстларига қойил қолардим. Улар доно, олижаноб одам эдилар. Улар ўзларининг чуқур билимлари ва ақл-идроклари туфайли ўз ишларига содиқ қолдилар, шу ишлари учун улар ўз ҳаётларидан ҳам воз кечишга тайёр бўлдилар. Шунингдек, хушчақчақ Иэн жуда ҳам ҳазилкаш эди. Ҳар куни *Lamarina* билан менинг келишимни интизорлик билан кутиб ўтиришарди. Уларга хизмат қилишимга йигирма дақиқалик танаффус берилган. Кўпинча улар билан узоқ вақт қолиб кетганимда, бундай ҳолатга *varianos*лар кўз юмиб менга индашмас эдилар.

— Айтишларича, ҳадемай бизларни бир кишилик камералардан умумий камераларга ўтказишармиш, — деди янгиликни суюнчилаб Иэн. — Менимча, бошлиқлар сиёсий кескинлик бирозгина пасайган деб ўйлаяпти, шекилли, шунинг учун бизни асосий блокка ўтказишни лозим топгандир.

— Бу хавфли эмасми, нима деб ўйлайсан? Сувдан қутулиб ўтга тугилмаймизми?

— Бундай бахтсизликлар менинг бошимга ёмғирдай ёғиларди, ошна. Бундан нима чиқишини, ростини айтсам, билмайман. Эҳтимол, Моссаднинг бу ерда ҳам ўз агентлари борлигини эсдан чиқармаслик керак. Улар биздан ўч олишлари мумкин. Буни ҳам ҳисобга олиб қўйиш даркор.

— Ҳа, балки бу иш ақлини еганларнинг қўлидан келса керак, — деб кулиб юбордим мен.

— Ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин. Аммо қамоқхонада бизнинг бир қанча биродарларимиз

бор. Нима, қанақа — улар биздан яхши билсалар керак.

Бир неча кундан кейин мен Иэнини Б блокига ўтказилгани тўғрисидаги хабарни катта хурсандчилик билан қабул қилдим. Орадан ойлар ўтди, биз Иэн иккимиз жуда қалин дўст бўлиб қолдик. Иэн озодликка чиққандан кейин ҳам, гарчанд унинг яшаш жойини ҳаммадан сир тутсалар-да, мен узоқ йиллар давомида у билан тез-тез пинҳона боғланиб турдим. Аммо Иэн ва бошқа террорчилар билан бўлган менинг дўстлигим қачонлардир мушкул аҳволда қолишимга сабабчи бўлишини мен ўшанда асло тасаввур ҳам қилолмаганман.

16 боб

Биринчи кунларданоқ мен қамоқхонада дўст ту-
тиниб қолган маҳбуслардан бири Никос Самсон эди.
У инглизча жуда яхши сўзлашарди ва ўқимишли
одам сифатида у доимо ўзини шунга муносиб тутар-
ди. Дэвидсон сингари, у кўплаб бошқа *fylakismenos*лар
орасида ажралиб турарди. Ва мен у билан бирга суҳ-
батлашишдан лаззатланардим. Ўз навбатида Никос
Самсон ҳам менга нисбатан шундай илиқ ва дўстона
муносабатда бўлган. Биз у билан теппа-тенг сиёсат
ва бўлиб ўтаётган ҳодисалар ҳақида мулоҳаза қилар-
дик, бундан ташқари, Никос Самсон мен яхши кўр-
ган ўйин — *Tavli* (нарда) ўйинини берилиб ўйнарди.
Самсон олдин ҳарбий-сиёсий ташкилот — ЭОКА*

* ЭОКА (ЕОКА, Ethnike Organosis Kypriou Agoniston, юнон-
чадан қисқартириб олинган) — Кипр грекларининг ҳарбий-си-
ёсий ташкилоти, Кипр Грецияга зудлик билан қўшилсин, деб
чиқдилар. 1951 Кипрда инглизларнинг ҳукмронлигига қарши
ташкил топган. Аслида ЭОКАни ташкил қилган майда курулли
гуруҳлар нафақат Кипрдаги инглиз ҳарбийларига қарши тер-
рористик ҳаракатлар олиб борганлар, балки илғор меҳнаткаш
халқ партияси фаолларига, демократик ташкилотларга ҳам
қарши кураш олиб борганлар. Кипр Республикаси эълон
қилингандан кейин ЭОКА (ЭОКА-2) гуруҳи 1974 йил 15 июлда
ҳукуматга қарши исёнда иштирок этдилар. Бунинг натижаси-
да Кипрга Туркия қўшинлари туширилди, грек-кипрликлар ва
турк-кипрликлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашди, Кипр
Республикасининг давлат мустақиллиги сусайди.

аъзоси, ташкилотнинг фаол курашчиси бўлган, у Кипр Грецияга зудлик билан қўшилсин, деб чиққан. 1974 йили Кипрдаги ғалаёндан сўнг у ЭОКАнинг кўзга кўринган лидери сифатида қисқа вақтга бўлса ҳам диктаторга айланди. Кўплаб маҳбуслар ва *varianos*лар олдингидай унга «саккиз кунлик экс-президент» сифатида салют берадилар. Кипрда ўтган асрнинг 50–60-йилларида бу кўрқмас ва бераҳм террорчи Британия ҳарбий хизматчиларига ва маҳаллий полициячиларга жуда катта хавф-хатар туғдирган. Саксон ёшни қоралаб қолган ва Францияда узоқ йиллар мобайнида сургунда бўлган Самсон ўзининг сеvimли она юртига қайтишни хоҳлабди. У Ларнакда ҳали самолёт трапидан тушмасиданоқ, ҳибсга олинибди.

Оддий грек халқи Самсонни уйга қайтган уруш қаҳрамони сифатида кутиб олдилар. Ҳаттоки қамоқхонада ҳам у ҳеч нарсаса мухтож бўлмади. Мен унинг дўсти бўлганим учун унинг камерасида ўтирганимча, асосий блокнинг зах ва қоронғу деворларини унутиб, узоқ вақт қолиб кетардим ва бошқаларга қараганда камерадаги нисбатан ҳашаматдан роҳатланардим. Камера ажойиб суратлар билан безатилганди, бу ерда телевизор, радиола ва дам олиш учун иккита юмшоқ кресло бор эди. Мен буларни кўриб, кўзларимга ишонмасдим. Буларнинг ҳаммаси ғайритабиий кўринарди, Самсоннинг камерасидан икки қадам нарида жойлашган менинг бир кишилик камерамга асло ўхшамасди! Бу ерда ҳар доим шоколад ва мевалар бўларди; баъзида эса маълум бир муносабатлар шарафига меҳмонлар билан бир шиша бренди ҳам ичиларди. Мен француз сигареталарини яхши кўришимни билган Самсон, шахсан ўзи менга «Gitanes» сигареталарини мунтазам равишда узлуксиз етказиб беришни йўлга қўйди.

Нима бўлган тақдирда ҳам, мен доимо сергак бўлиб юрардим. Қамоқхона шароитида ҳар қандай одам осонликча у ёки бу авторитетнинг «қармоғига

илиниб қолиши» мумкин эди. Ўзимнинг сигареталарим учун ҳақни ўзим чизган эскиз ва расмларим билан ҳисоб-китоб қилардим. Шу тарзда мен «кун кечириш учун» маблағ «ишлаб топардим»: фото-портретлардан адабий копиялар олардим ва хушхат орқали тахтачаларда исм ва фамилияларни ёзардим. Самсоннинг ҳиммати туфайли менга керакли бўлган материаллар жуда кўп эди. Аммо мен унинг миллатчилиқ сиёсатидан чўчиб турардим. Шубҳасиз, мен Британия граждани эканлигимни, лекин инглизларни ёмон кўришимни ҳеч қачон яширмаганлигимни Самсон биларди.

— Сен баданимга бир қарагин! — деди у қўйлагини кўтариб. Унинг баданида кўплаб чандиқ ва жароҳат қолдиқларини кўриш мумкин эди. — Буларнинг ҳаммаси инглизларнинг иши. Ҳазрати олийларига катта раҳмат! Мен Британия махфий хизматини назарда тутмоқдаман. Уларнинг ҳаммаси жинни.

— Сизни улар шунчалик қийнашганми?

— Бўлмасам-чи, сенингча, бу чандиқлар менинг баданимга ўзидан ўзи келиб қолганми? Аммо мен уларга лом-лим демадим. Уларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмади! — деб жавоб берди Самсон айёрларча жилмайиб.

Самсоннинг гапларидан асло шубҳаланмадим. Бироқ бу одамнинг қандайлиги ҳақидаги шов-шувлар менгача етиб келди. Ва тез орада бизнинг муносабатларимизга чек қўйилди.

Маҳбусларнинг айтишларига қараганда, кечқурунлари Самсоннинг камераси ён-атрофида ўралашиб юрмаслик маъқул. Бу ёзилмаган қонунга айланиб қолган, ҳаттоки қамоқхона назоратчилари ҳам бу қонунга амал қилар эканлар. Бундай вақтларда Самсоннинг камерасига кириш имтиёзи фақатгина маълум доирадаги шахсларга берилган.

Қаҳратон қишнинг совуқ кунларидан бирида, кечқурун биз ҳаммамиз печка атрофида ўчиб бора-

ётган кўмир учқунларига қўлимизни чўзганимизча, исиниб ўтирардик. Мана, вақт бўлиб *varianosлар* бизни музлаб ётган камераларимизга ҳайдаб юборишди. Совуқ — қамоқхонанинг асосий ва табиий жазо усуллари дан бири эди. Ҳар куни эрталаб мен совуқдан дир-дир қалтираб турардим, оғзимдан пар чиқарди. Кун бўйи қандай исиниш мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Эртадан кечгача ҳаракат қилинса ҳам, қўл ва оёқлар барибир исимасди. Ҳали олдинда узоқ ва совуқ кеча борлигини ўйласак, ақлимиз хиралашиб, танамиз увишарди.

Мен Панайотосни учратиб қолдим, безгак тутгандай қалтираб, уни ўзим томонга чорладим. Бу ёшгина ва келишган, истараси иссиқ грек йигити эди. Майдачуйда ўғирлик қилгани учун ҳукм этилган. Қамоқхонада қийналарди, у бу ердаги қонун-қоидаларга асло кўника олмасди. Шунинг учун мен Панайотосга кўзқулоқ бўлиб, унинг ҳолидан хабар олиб турардим. Тўғри, мени ҳам жуда раҳмдил деб атаб бўлмайди, бироқ мен баъзи бир маҳбусларга бўлар-бўлмаснинг гапига ишониб, ёмон аҳволга тушиб қолишларини хоҳламасдим, ўйлаб иш тутишларини маслаҳат берардим. Панайотос оёқларини аранг судраганича, Никос Самсоннинг камераси томонидан юриб келарди ва шу заҳотиёқ бошқа маҳбусларнинг синчков қарашлари ва пичирлаб гаплашишлари объектига айланди.

— Кел, бизга қўшилгин, — қайтардим мен. — Олов ўчиб бормоқда, аммо йўқдан кўра шу ҳам яхшироқ.

Ҳеч кимга эътибор бермай, Панайотос табуреткани олди-да, қўлларини мушт қилганича ёнимизга ўтирди. У дир-дир қалтирарди, унинг қалтираши фақатгина совуқдан эмаслигини мен тушундим.

— Панайотос, нима бўлди? — сўрадим мен юнон тилида. Аммо йигит ўчиб бораётган олов шуласига тикилганича ўтирарди.

Кейинчалик ҳар сафар Панайотос билан учрашганимда ва унинг сўлиган юзини, ҳаммадан юз ўги-

риб, яккаю ёлғиз юришини кўрганимда, кўнглим бузилиб кетарди. Кўп йиғлаганидан доимо кўзлари қизариб шишиб юрарди. Мен у билан очикчасига гаплашмоқчи бўлганимда, у менинг кўзларимга қарамасликка ҳаракат қиларди. Маълум бир вақтдан бери у Самсоннинг камерасига ҳар куни кечкурун белгиланган соатда борадиган бўлиб қолди. У Самсоннинг қулига айланиб қолди. Бу ҳақда турлича миш-мишлар тарқалди. *Varianosларнинг* айтишларига қараганда, Самсоннинг камерасидан кўпинча ишлатилган презервативлар топилармиш. Одатга кўра, қамоқхонада юрган турлича миш-мишлардан мен ўзимни олиб қочардим, қолаверса, Самсон менга нисбатан ўзини доимо одобли тутган. Шунинг учун маълум вақт мен бундай маълумотларга ишонқирамай юрдим. Ҳадемай, Самсоннинг озодликка чиқиши кўзда тутилганди ва у ўзининг ёшгина дўстига озодликда «иш» ахтариб юргани ҳақида маҳбуслар гапиришарди.

Ҳар гал Панайотоснинг ваҳимага тушган ва сўлиган юзига қараганимда, қалбим жунбушга келарди. Баъзида қаҳр-ғазабим ошиб, қоним қайнаб кетарди, ундан қаттиқ нафратланардим. Бироқ Самсонни қуруқ қўл билан енгиб бўлмасди. У осонликча мағлуб бўлмайди. Буни ҳаттоки мен ҳам тушунардим.

Инглиз тилига мансуб бўлган маҳбуслар билан ўрнатилган дўстлик ришталарига ва биродарлик муносабатларига қарамасдан, қамоқхона барибир мени тажовузкор бўлишга мажбур қиларди. Қиш фасли қаттиқ келди, аммо узоққа чўзилмади. Эрта кириб келган баҳор ёзнинг иссиқ бўлишидан дарак берарди. Қамоқхона биносидаги жазирама иссиқ қишнинг совуқ кечалари сингари, маҳбусларнинг силласини қуришиб юборарди. Агар совуқдан маҳбуслар бўшашиб уйқуга кетсалар, жазирама иссиқ уларни дўзах оловига ташларди. Тушунмовчилик, зўравонлик ва зиддиятлар ниҳоятда кучайиб борарди, жанжал ёки урушсиз бирор кун ўтмасди.

Баъзибир муштлашишлар арзимаган нарсадан келиб чиқарди ва яшин тезлигидай оммавий жангга айланиб кетарди, ана шунда ҳамма ҳаммага қарши курашарди. Кимдир ўзининг жойи қолиб бошқа жойга ўтириб қолди дейлик, ёки бирорта одам ўзига тўғри келмайдиган гапни айтганидан, ёки қўполлик қилганидан жанжал бошланарди. Греklar ва араблар ўртасидаги тўқнашувлар кўпинча сиёсий сабабларга кўра юз берарди, бундай хусусиятга эга бўлган урушга кейинроқ бошқалар ҳам жалб қилинарди. Бир қарашдан бундай зиддиятлар менга ёқарди. Чунки ўйлашимча, бундай муштлашишлар тез-тез юз бериб турмаса, мен формамни йўқотиб қўйишим ҳам мумкин эди. Кунларнинг бирида Б блокидаги вазият эрта саҳарданоқ ниҳоятда кескинлашди. Тушликка яқин одат тусига айланиб қолган ади-бади айтишиш ва ирқчиликка оид можаролар икки тараф томонидан ҳам ҳақорат ва болахонодор сўкинишга айланиб кетди. Сўнгга арабларнинг шайка бошлиғи греkлардан бирини урди. Жанг бошланиб кетди. Қамокхонанинг ички ҳовлисида ур-йиқитдан чан-тўзон кўтарилди, ер қонга буланди. Олдиниға томошабин сифатида бир четда қараб турдим, кейин эса менинг ҳам қоним қайнаб кетди.

Тўғри, араб ва греkларнинг ўртасидаги жанжалга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ, аммо муштлашиш — менинг жони дилим эди. Кимни дўппослашни фарқи йўқ: менга муштлашиш жараёнининг ўзи ёқарди. Битта тентак бошимни нишонга олиб, орқадан учиб келди. Бурилиб қарагандим, мен уни кўриб қолдим: менинг тепамда турганича, у қаттиқ зарба бермоқчи бўлди. Зарбанинг олдини олиб, мен унинг бурнига мушт билан туширдим, кейин қон оқаётган башарасини деворга ишқадим. Жиннининг қони юзларимга сачради. Ўзиям у жуда баҳайбат, тентак ва ёвуз эди. Бор кучини йиғиб, у яна менга ташланди. Қорнимга тушаётган зарбага дош бериш учун мен мушакла-

римни таранглаштирдим ва йўлбарс усулини қўлаб, қўзларига чанг солдим. Қонли олишув яна бошқатдан давом этди. Қамокхонада совуқ қуроолларнинг барча турлари барпасда қаёқдан пайдо бўлиб қолгани номаълум: лезвиялар, пичоқлар, дубинкалар. Тўсатдан отишма бошланиб кетди. Армия қўшини етиб келди. Бизни қуршаб олишди, яраланган ва майиб бўлганларни қамокхонанинг тиббий марказига олиб кетишди, қолганларни эса камераларга қамаб қўйишди.

Бир куни, юқорида юз берган муштлашишдан анча кейин, эрталабки нонушта пайтида менинг олдимга Энди келиб қўшилди. Бир кишилик камера тоза асабимга тегаётган эди, чунки менинг камерамга ҳеч ким келмасди ёки киришга журъат этмасди. Эҳтимол, Энди буни билиб қолди, шекилли.

— Тони, нега сенинг олдинга ҳеч ким келмайди?

Мен тамадди қилаётгандим, бошимни кўтардим ва Эндига тикилдим.

— Ҳеч ким келмайди дейсанми, дўстим? Чунки менинг ҳеч кимим йўқ, — жилмайганимча жавоб бердим мен. — Сен менга бирор нима демоқчисан, шекилли.

— Майкл Райт исмли бир йигит бор...

— Майкл Райт? — Эндининг гапини бўлдим мен. — Бу исм менга таниш. У ирландияликми?

— Ҳа-да, Белфастдан. У бу ерга қайсидир жамоат билан келган. Қандайдир беғараз ёрдам ташкилоти, тушуняпсанми? — Мен «ҳа» дегандай бош чайқадим, Энди гапини давом қилди: — Тони, агар сенинг олдинга ҳеч ким келмаса, сен Майл билан учрашиб кўришни хоҳлайсанми?

Бироз вақт биз иккимиз ҳам жим ўтирдик.

— Мен сенга Майк ҳақида сўзлаб бераман, — деди Энди. — Майкнинг ёзишича, у сен билан учрашмоқчи экан.

Мен ўйланиб қолдим. Қизик, нима сабабдан у мен билан учрашмоқчи экан!?

— Йўқ, — дедим мен қатъий, — мен ҳеч ким билан учрашмоқчи эмасман. Дўстим, меҳрибонлигинг учун ташаккур.

Биз гапни бошқа мавзуга бурдик.

Бир неча кун ўтгач, мен хат олдим. Шу вақтга қадар қамоқхонага менга ҳеч ким хат йўлламаганди. Олдинига мен жуда хурсанд бўлиб кетдим, кейин конверт устидаги ёзув ота-онамники эмас, нотаниш одамники эканлигини тушундим. Қизиққанимдан мен зудлик билан конвертни очдим. Бу хат Майкл Райт исмли йигитдан экан. Бу дўстона, меҳрибон ва ақлли нома эди. Мен хатнинг ҳар бир сўзини бир эмас, бир неча бор ўқиб чиқдим, чунки бир кишилик камерада бирор кимса билан мулоқот қилишдан мен маҳрум эдим. Мактубнинг маъноси содда ва тушунарли. Майкл асл мақсадини очиқ ва равон баён этган. Унинг ёзишича, Майкл мен билан учрашишни, Исога бўлган севгиси ҳурмати мени дўст сифатида кўргиси келганини айтади. Менинг кулгим қистади. Бу қандай сафсата! Аммо барибир у мени қизиқтириб қўйди. Унинг таклифининг ёмон жойи йўқ эди. Агар шу сассиқ қамоқхонага келишдан у ирканмаса, ҳар ҳолда мен уни бирор марта қабул қилиб кўришим керак. Ҳаттоки бу учрашувдан бирор дуруст натижа чиқмасадда, ҳеч бўлмаганда қамоқхонанинг кундалик ҳаётидан ярим соатга чалғиш имконияти туғилади, қолаверса, у мени кўргани келганда, меҳмонлар ошхонасидан менга ширинлик ва бирор шарбат олиб беради.

Хуллас, мен Майкл билан учрашувга розилик билдирдим. Пайшанба куни *variano* мени учрашувлар учун белгиланган хонага олиб борди. Учрашув бўлиб ўтадиган хона ҳам қамоқхона камералари сингари сасиб ётарди. Бир нарса одамни қувонтирарди: катта эшик очилганида, тоза ҳаво оқими хонага оқиб кирарди, шунингдек, ойналарга қуёш тушиб турарди. Ким биландир учрашишим мумкинлигидан мен қандайдир хис-ҳаяжонга берилдим ва бундан безовталанганим-

га ўзим ҳайрон қолдим. *Variano* ишора билан менга узун ва тор ёғоч стол атрофига ўтиришни буюрди. Маҳбуслар столнинг бир тарафига, келувчилар эса столнинг бошқа тарафига ўтиришарди. Майкл Райт ҳали келмаганди. Учрашув хонаси сершовқин грекларга ва уларни кўргани келувчиларга тўла: хотинлар, болалар, дўстлар ва ота-оналар. Эс-хуши жойида одамларни яна кўриб туриш жуда ғалати туюлди менга. Уларнинг муҳитида мен ўзимни тубанлашган одам ҳисоблардим — менга уларнинг орасида ўрин йўқ эди.

Бирданига мен ўзимни полиздаги кўриқчига ўхшатдим. Менинг кўринишим қилган жиноятларимдан яққол гувоҳлик бериб турарди. Бу художўй инсонга мендан нима керак бўлиб қолди экан? Мен янада кўпроқ ўйланиб, ўзимдан жуда нафратланиб кетдим. Эндигина ўрнимдан туриб, ўзимнинг сассиқ катагимга жўнамоқчи бўлганимда, эшик очилиб инландиялик кириб келганига кўзим тушди: бўйлари баланд, соқол қўйган одам тўғридан-тўғри менга қараб келарди. «Бу қандай аҳмоқ бўлди!» — деб ўйладим мен, унинг тиржайганини кўриб. Унинг эғнида енглари калта, аммо шимнинг устига туширилган ва дазмол босилмаган ғижим қўйлак эди.

— Тони! — деди у шимолий Ирландия акценти билан. Майк олдингидай тиржайганича, менга қўлини узатди. — Сиз билан танишганимдан бениҳоят хурсандман. Мен билан учрашишга рози бўлганингиз учун ташаккур. Сиз ҳақингизда яхши гапларни мен жуда кўп эшитганман.

Мен ҳайрон бўлганимча, унга қўл узатдим. У қўлимни маҳкам қисди ва елкамни қоқди. Илиқ даражадаги салом-алик мени янада ҳушёр туришга мажбур қилди. Менда одатдаги ғазаб ёниб келаётганини ҳис қилдим.

Майкл илжайганича, менинг қаршимга ўтирди. Менинг машаққатли ҳолатимни гўёки у тушунгандай эди.

— Тони, мен бу ерда дўст сифатидаман, — деди у. — Мен сизга ҳозир ваъз ўқимоқчи эмасман... — Мен унга нафрат билан қарадим. — Мени бу ерга Исо Масиҳнинг севгиси етаклаб келди, — гапини давом эттирди Майкл. — Бизнинг жамоатимизда ҳамма сизни қўллаб-қувватлаш мақсадида, сиз учун ибодат қилмоқда.

Ҳозирги вақтга қадар бирор зот мен билан бу мавзуда суҳбатлашмаганди. Мен унга нима дейишни билмасдим, аммо унга ишона олмаслигимни ҳис қилардим. Қаҳр-ғазаб ичимни ёндира бошлади. Биз бирмунча вақт жим ўтирдик, хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетди. Бу йигит ўзини қаерга уряпти? Унга мендан нима керак экан?

Ёнимизда ўтирган ёшгина грек маҳбус ота-онаси билан хайрлашарди. Унинг онаси ҳўнграб йиғлаганча ўғлини бағрига босди, сўнг кўз ёшларини артиб, чиқиш томон йўл олди. Менинг ота-онам икки дунёда мени кўриш учун бу сассиқ ахлатхонага келмаган бўлишарди! Ҳа айтганчалик, ҳозирда мен қамоқхонада эканлигимдан улар хабардормикан? Шунда менинг хаёлимга ақл бовар қилмайдиган фикрлар жўшиб келди, мен Майкл нималар деяётганини асло тушунмасдим. Ҳар ҳолда бу одам мени кўриш учун дунёнинг чеккасига келишдан эринмабди. Эҳтимол, унга озгина ён бериш керакмикан? Агар у менинг аччиғимни чиқарадиган бўлса, уни сочидан ушлайман-да, бошини столга ураман.

Мен Майклнинг тинмай гапиришини эшитиб турардим, унинг саволларига жавоб бермасдим, ҳаттоки унинг бетига ҳам қарашни истамасдим.

— Тони, мен сизнинг ёнингизга яна бир бор келмоқчиман. Балки кейинги ҳафтада келарман? Сиз нима дейсиз? — Мен нима дейишни билмай, ижобий жавоб тариқасида бошимни силкитдим. — Тони, Раббий сизни марҳаматласин. Тез орада сиз билан яна бир бор дийдор кўришишга умид қилиб қоламан.

Ўрнимдан турганимча, унинг кетидан қараб қолдим.

«Тентак», — дедим яна мен ўйланганимча, ичимда ўз ҳаётимни қарғадим.

Бироқ кейинги пайшанба куни Майклни қабул қилишга яна розилик билдирдим. Учинчи ва тўртинчи ҳафталарнинг пайшанба кунда мен унинг девона жилмайишини интизорлик билан кутаётганимни бирданига тушундим. У мен учун ташқи дунёнинг ойнаси эди. Майкл мен билан турлича нарсалар ҳақида гаплашарди: кечки салқинда ўтириб олиб, тарвуз ейиш нақадар лаззатли эканлиги тўғрисида, Никосида очилган биринчи «Дэйри куин»^{*} ҳақида ва ҳоказолар...

— Эҳ-ҳа, гамбургерлар, гамбургерлар! Буларнинг бўлиб ўтгани қачон эди-ку... — жилмайдим мен.

— Мен бу ерда грекларнинг кофесига ҳеч ўргана олаяпман, — кулиб юборди Майкл. — Мен бундай кофедан жинни бўлиб қоламан! Бироқ менга қишлоқнинг кичкинагина кафелари жуда ёқади — уларни бу ерда «*kafeneions*» деб аташади, шундайми? — Унинг грекча сўзларни зўрға қийналиб гапиришига кулимсираб, мен бошимни силкитдим. — Маҳаллий қариялар ниҳоятда хушмуомала. Мен уларга «Эзгу уруғ» календарини тарқатиб бердим. — Шундай сўзлар билан у чўнтагидан календарлардан бирини олди. — Қаранг, ҳар кунига қандай ажойиб суръатлар ва Инжилдан олинган оятлар. — Майкл менга бир жуфт оятни ўқиб берди.

Мен янгиликларни ва Майклнинг ҳикояларини тинглар эканман, озодликда бўлиш қандай яхши-

^{*} «Дэйри куин» — тездагина тамадди қилиш тармоқлари, шу жумладан, АҚШ, Канада ва бошқа мамлакатларда 6 мингга яқин биноларни ўз ичига олган. Гамбургерлар ва десертлар сотишга мўлжалланган.

лигини ўйлай бошладим. Майкл «озодлик» сўзини жуда кўп қайтарарди, аммо унинг «озодлиги»нинг қамоқхоналарга ва камераларга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. У «Масихдаги озодлик» ҳақида гапирарди. Мен бу тўғрида сўрамасдим, у эса ўз навбатида ваъз ўқимаслиги ҳақидаги ваъдасида турарди. Сухбат жараёнида у табиий ҳолда, гапга Раббий унинг ўтган ҳафтадаги ҳаётида нималар қилганини силлиқлаб қўшиб юборарди. Унинг жамоатида қандай воқеалар рўй берганини сўзлар экан, у шунингдек, Троодос тоғларида ташкил этилган ёшларнинг лагерлари ҳақида катта қизиқиш билан ҳикоя қиларди. Унинг жамоатидаги кундалик ишлар тўғрисидаги Майклнинг узундан-узоқ вайсашларини чидаб, тинглаб ўтиришга мажбур эдим. Аслини олганда, бошқа одамларнинг қандай яшаётганлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш менга ёқарди. Айнан шу тарзда реал ҳаёт билан менинг алоқаларимни узилмаслигига ва албатта бундай ҳаётга мен ҳам қачонлардир қайтишим мумкинлигига ишонишимга Майкл ёрдам берарди.

Майкл мени нафақат ўз ташрифлари билан қўллаб-қувватларди. Ҳафтада бир марта менга унинг ўзи хат ёзарди, шунингдек, ўз имондошларининг мактубларини ҳам йўлларди. Мен хатларни диққат билан ўқиб чиқардим. Кейинроқ Майкл менга ҳар хил китоблар жўната бошлади. Авваллари китоблар нималар ҳақидалиги мени асло қизиқтирмасди, мен фақат ўқиш билан кифояланардим. Қамоқхонада маҳбуслар ўқийдиган кўплаб китоблар ва журналлар порнографияга бағишланган бўларди. Мен эса жиддий, бирор бошқача китобларни ўқигим келарди.

Сўнгги олти ой давомида баъзи бир кунларни инобатга олмаганда, Майкл мени ҳар пайшанба келиб кўрарди. Мен билан хайрлашишдан олдин у ҳар сафар ибодат қиларди. «Ғирт тентак, ҳа-ҳа, тентакнинг ўзгинаси, — ўйладим мен, — аҳмоққа ўхшаб кўзларини

юмиб олганча, кимгадир алланималарни гапирмоқда, гўёки Худо чиндан ҳам уни эшитаётгандай».

Башарти Майкл пайшанба куни учрашувга кела олмаса, унда албатта ўзининг ўрнига бирор бошқа одамни юборарди. Бир куни меҳрибон бувижон Валери келибди. Мен унинг жасурлигига қойил қолдим. Шундай сассиқ аҳлатхонага жирканмай келиш — бунга ҳамма ҳам журъат этавермайди! Аммо Валери бувини ҳам Майклни етаклаган Масиҳ севгиси бошқариб келарди. Кампирнинг мулойим, оналик панд-насихатлари менга катта хузур-ҳаловат бахш этди. Кейинги сафар Майкл ўзининг ўрнига Ричард Ноксни юборибди. Ричард билан мен олдинроқ хат орқали танишгандим. У кўнгли очик, меҳрибон инсон. У узоқ йиллар мобайнида Ливаннинг пойтахти Бейрутда миссионерлик вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам биз Яқин Шарқ ходисалари ҳақида суҳбатлашганимизда, бизнинг тушунчаларимиз, умуман олганда, мос келмасди. Унинг ҳикоя қилганлари, мен Ливанда танқўриқчиси бўлиб ишлаганимда эслаб қолганларимга асло ўхшамасди. Мен унинг жасурлигини ҳурмат қилардим, ахир, Яқин Шарқда европаликнинг яшаши осон эмас, айниқса хотин ва бола-чақалари билан. Аммо Ричард Майкл сингари ҳеч нарсага эътибор қилмасдан одамларга ёрдам беришга интиларди, иккаласининг айтишича, Худонинг севгиси туфайли.

Авваллари мен бунинг нималигини тушунмасдим, бироқ у ёки бу тарзда Майкл ва унинг дўстларининг гапларига қулоқ тута бошладим. Улар мен олдинлари ошна-оғайни тутишган одамларга асло ўхшамасдилар. Улар чиндан ҳам мен билан қизиқиб қолишди, лекин нима учунлигини мен тушунмасдим. Умуман сенга нотаниш одамлар сенга нисбатан қандай қилиб меҳрибонлик қилишлари ва дўст тутинишлари мумкин, айниқса сен уларнинг диққат-эътиборига арзимас одам бўлсанг. Мен чиндан ҳам улар билан учра-

шувни ва улардан келадиган хатларни интизорлик билан кутардим.

Бироқ *fylakida* ўтказилган олти ой менинг онгимда намоён бўлмай қолмади. Олдинги ҳаётим менга ҳеч кимга ишонмасликни ва доимо огоҳ бўлишни ўргатди. Мана ҳозирда ҳам мен янги дўстларимга қарам бўлишни хоҳламасдим. Мен булар ҳақида қанчалик кўп ўйласам, шунчалик кўп улардан гумонсирардим. Пайшанба кунларидан бирида эрталаб, 3 май 1990 йили, мен ўрнимда ётганимча, Майкл ҳақида ўйлардим. Мен унга нисбатан ёмон ҳаёллар билан уйғондим. У мендан нима хоҳлайди? Аслида унинг мақсади нима? Майкл жўнатган китоблар полда тахланиб ётибди. Яқиндагина у менга Муқаддас Китобни совға қилди, аммо мен китобни қўлимга ҳам олиб кўрганим йўқ. Икки-уч қаторини ўқиб кўрган эдим, менга ёқмади. Майкл менинг онгимни заҳарламоқчи. Шу билан ҳаммаси тамом. Қолаверса, у мени ўзининг ғалати сектасига аъзо қилиб олмоқчи. Айёрлик билан мени бошқа йўлга солишга унинг нима ҳаққи бор?! Мен билан озодлик ҳақида суҳбатлашишга ва эркин ҳаёт тўғрисидаги ҳикоялар билан мени калака қилишга ким унга ижозат берди? Шунда мен қамоқхонага тушишимдан бир ҳафта олдин бирдан унинг исми янграганини эсладим. Энди эса қамоқхонада у менинг устимдан кулмоқда. Ким бўлди ўзи у? Учрашувларга чек қўйиш лозим. Мени калака қилишлари жонимга теги. Бўлди, бас!

Эрта саҳардан шундай ўй-фикрлар билан менинг бошим қотди. Бугун мен Майкл билан яхшилаб гаплашиб олишим керак. Агарда у бутуноқ аслида мендан нима хоҳлашини очик-ойдин айтмаса, мен уни ўз ўрнига ўтирғизиб қўйишимга тўғри келади.

Тушлик тугагач, мен учрашув хонасига бордим. Шу вақтга келиб ғазабдан бўғила бошладим. Мен стол ёнида ўтирганимча, Майклнинг келишини кутардим. Ғазабдан ичим ёниб, қоним қайнарди. Маҳбус-

грекларни кўргани келган қариндош-уруғларининг говур-гувури одатдагидек қулоқларимга ёқмасди. Аммо бугун мен барча диққат-эътиборимни Майклга нисбатан жўшиб турган қаҳр-ғазабга қаратдим. У қаерда қолди экан? Нега кеч қолмоқда? Ҳаттоки ҳозир ҳам у мени калака қилмоқда, шундайми?

Мана эшиклар очилди ва учрашув хонасига Майкл кириб келди. Унинг юзида яна тентакона табассум, оғзи қулоқларида. Мен ўзимни ўз ўлжасини кутиб, буралиб ётган заҳарли илондай ҳис қилардим. Ҳа, мана менинг ўлжам етиб келди, илон ўз ўлжасини яшин тезлигидай нишонга олгани сингари, мен ҳам ўз ўлжамни мағлубиятга учратаман. Мен ичимда уни қарғай бошладим. Майкл ўтириш учун стулни ўзи томон тортар экан, менинг кайфиятим ёмонлигини дарровдангина сизди. Унинг юзидаги табассумдан аломат ҳам қолмади, у ниҳоятда жиддийлашди. Кўзлари кўзимга тушди.

— Тони, нима бўлди? Нима юз берди, Тони? — сўради у қалтироқ овозда.

— Майкл, сен нега бу ерга келяпсан? — душманларча сўрадим мен. — Сизларга мендан нима керак?

Стулнинг ўриндиғига суянганича, Майкл хотиржамгина менга қараб турарди. Шу дақиқада мен уни чиндан ҳам тумшуғига тушургим келди.

— Тони, мен бу ерга Исони деб келяпман, — деди у ва жим бўлиб қолди. Қўлимни чўзиб ҳиқилдоғидан ушласам-да, яхшилаб башарасини столга ишқасам. — Тони, Исо сени яхши кўради.

Мен ўзимга лаънат ўқидим, Майкл қўрқоқлардан эмас экан.

— Ўйлашимча, мен орқали Худо сенга мурожаат қилишни хоҳлайди.

«Етиб келдик, — ўйладим мен. — Мана шу онгни заҳарлаш деб аталадими».

— Мен сенинг хузурингга Унинг одамларга бўлган севгисини кўрсатиш учун келяпман. — Майкл

тўғридан-тўғри менинг кўзларимга қараб турарди. — Сен ҳозирда жазо ўтаётган қамоқхонадан Исо сени чиқаришга қодир, — деди у.

Айнан мана шу менинг юрагимни эзарди! Мен қамоқхонада ўтирган бир вақтда, у қандай қилиб менинг озодлигим ҳақида гапира олади? Майклга гапириш осон; у хоҳлаган пайтда ўрнидан туради-да, қамоқхонадан бемалол чиқиб кетаверади.

— И-и, шундайми? Майкл, бўлақол! — ўкирдим мен. — Мени бу ердан Исо қандай қилиб олиб чиқиши тўғрисида менга сўзла. Сенингча, У қандай қилиб мени озодликка чиқаради? Аслида мавжуд бўлмаган Худо ҳақида сен қандай гапира оласан? Сенинг ўзинг бирор марта бўлса ҳам Исони учратганмисан ёки кўрганмисан?

Мен Майклга кўпол ва нафрат билан гапириб, уни саволларга кўмиб ташладим, аммо Майкл пинагини ҳам бузмади. У ҳеч нимадан кўркмасди. Нега у туриб кетмаяпти? Нега мендан юз ўтирмаяпти? У ҳаттоки мендан кўркмайди ҳам! Мен осонликча уни ўлдириб қўйишимни Майкл билади—ку. У бирин-кетин менинг саволларимга жавоб бера бошлади. Ва мен унга қўл кўтаришга журъат этолмадим.

— Йўқ, Тони, — деди у ишонч билан. — Сен ноҳақсан, мен Исони учратганман.

Мен унинг гапларига ишонқирамай Майклга тикилиб турардим, аммо у вазминлик билан яна гапира бошлади.

— Тони, Исо Масиҳ ҳақидаги ҳақиқатни менга болалигимда ота-онам сўзлаб беришган, — деди у. — Мен жамоат қошидаги ёшлар клубига боришни бошлаганимда бу Одам — Худонинг Ўғли Исо ҳақида янада кўп нарсаларни билиб олдим, — гапини давом эттирди Майкл. — Муқаддас Китобда айтилишича, агар сен дилинг ва тилинг билан Исо Масиҳни Раббий сифатида тан олиб тавба қилсанг, чин юракдан Худо Уни ўликлар орасидан тирилтирганига ишонсанг,

албатта нажот топасан. Айнан шу билан мен ҳозирда шуғулланмоқдаман. Исо мен учун Ўз жонини берган, деб ҳисоблайман.

— Қандай қилиб? — Майклнинг гапини бўлдим мен.

— Мен гуноҳкор эдим. Шунинг учун мен ўлишим керак эди. Бироқ Исо Масиҳ менинг ўрнимга Ўзи хочда ўлишни раво кўрди ва Ўзининг қони эвазига менинг гуноҳларимни ювди. Зеро мен Худонинг севгисини билиб, нажот топишим учун У Ўзини қурбон қилди.

Мен Майклни калака қилиб, унинг устидан хохолаб кулиб юбордим:

— Нималар деяпсан ўзи? Сен ахир, ёш бола эдинг-ку! Ўлишинг кераклиги ҳақида қандай қилиб ўйлашинг мумкин? Гаров ўйнаб айтаманки, ўшанда сен ҳеч қандай ёмон иш қилмагансан ва гуноҳга ботмагансан.

Майкл жиддийлашди:

— Муқаддас Китобда айтилишича, биз ҳаммамиз гуноҳқормиз ва Парвардигорнинг шон-шуҳратидан маҳрум этилганмиз. Ҳа-ҳа, Тони, ҳаммамиз гуноҳқормиз, шу жумладан, мен ва сен ҳам гуноҳқормиз. Аммо бизда яхшилик ёки ёмонликни танлаш имкониятимиз бор. Биз бола бўлсак ҳам Худонинг иродасини бажармаймиз. Сен ёмонлик қилаётганингни ва гуноҳга ботаётганингни ўзинг жуда ҳам яхши тушунасан. Мен ҳам ёмонлик қилиб, гуноҳга ботаётганимни жуда яхши биламан...

— Хўп, шундай экан, нима бўлибди? Бўлақол, Майкл, айтгин-чи! — дедим мен кўполлик билан.

Майкл мен томон энгашди:

— Тони, Худо бизни яратган. У бутун борлиқни ва ундаги барча нарсаларни яратди. У — бизнинг ҳақиқий Отамиз. Бироқ У — муқаддас ва мукаммал, У бизга, гуноҳга ва ёвузликка ботган бандаларга хотиржам қараб туролмайди. Мана, нима учун У биздан йироқда.

Менинг жаҳлим чиққанича Майклга қараб турардим, аммо бу уни асло чўчитмасди.

— Мен болалигимданоқ Худо аввалгидай бизни яхши кўришини тушундим, ахир, У бизнинг Отамиз-ку. Бизнинг қилган ёмонликларимизга ва ноҳақлигимизга қарамасдан, У биз билан мулоқот қилишни хоҳлайди. Мана нима учун у ерга Ўз Ўғлини юборган. Ўғил биз билан яшаши лозим ва бизнинг ўрнимизга ҳалок бўлиши керак. Исо Худо бўлган, сўнгра У одамга айланган.

Бизни Севувчи Ота ҳақидаги Майклнинг сафсаталари янада менинг жаҳлимни чиқарди. Бу ҳолат менга ўз ота-онамни эслатди. Ахир, улар мени ташлаб кетганлар-ку. Майкл гўёки менинг ўй-фикрларимни уққандай эди.

— Тони, одамлар ҳар доим панд беришлари мумкин. Сенинг ота-онанг. Сенинг дўстларинг ва дугоналаринг. Мен ҳам сенга панд беришим мумкин. Тасаввур қилгин-а, гарчи сен мени интизорлик билан кутсанг-да, мен пайшанба куни учрашувга келмасам. Бунда мен айбдор бўлмайман. Нима учунлигини биласанми? Масалан, айтайлик, йўлни ёпиб қўйишди ва мен учрашувга келолмадим. Аммо сен барибир мени айбдор деб биласан, чунки мен сенга панд бердим.

— Хўп, ундан кейин-чи?

— Худо эса ҳеч қачон бундай қилмайди, яъни сени алдамайди, ёки сенга панд бермайди. У сени жуда яхши кўради. Муқаддас Китобда Худонинг Ўзи бизни ҳеч қачон ташлаб кетмаслигини ва бизни тарк этмаслигини айтади.

Бу менинг овозимни ўчиришга мажбур қилди. Лом-лим дея олмай қолдим. Мен бақириб юбормаслик учун лабимни тишлаб олдим. Яна мен ғазабдан қалтирадим.

— Хўп, Майкл... Агар У чиндан ҳам мавжуд бўлса ва мени шунчалик яхши кўрса, ҳозир У қаерда? Мен

бу сассиқ қамоқхонада чириб ётган бир пайтда, нега У менга ёрдамга келмайди?

— Тони, Худо кўпдан бери сени қидириб юрибди... мен орқали, сингил Валери орқали, Ричард орқали, қолаверса, сен танишган бошқа биродар ва сингиллар орқали. Сен Уни тан олишингни, У сенга айтишни ва сенга етказишни хоҳлайди. Муқаддас Китобда, Юҳанно баён этган Хушхабарнинг учинчи боб, ўн олтинчи оятида нималар дейилганига қулоқ тут: «Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин». — Майкл жим бўлиб қолди.

— Абадий ҳаёт? Майкл, бу абадий ҳаётни бошимга ураманми? Мен ўз ҳаётимни кўргани кўзим йўқ.

— Сен ўз ҳаётингни ёмон кўрасан, чунки сен маҳбуссан, сен эркинликда эмассан, — жавоб берди Майкл.

Оббо, у яна эркинлик ва озодлик ҳақида гап бошлады. Бироқ унга тан бериш керак: у менга қўл силтаб кетмади.

— Майкл, сен менинг саволимга жавоб бермадинг, — дўқ урдим мен. — Агар сенинг мукаммал Худоинг мени шунчалик яхши кўрса, нега У менинг хузуримга келмайди? Нега У сенда, Ричардда, буви Валерида беркиниб ўтирибди? Нима, У қўрқоқми?

Мен ўзимча, жуда ақлли савол бердим, деб ўйладим. Майкл стулнинг суянчиғига ўзини ташлады ва бирмунча вақт хаёл суриб ўтирди.

— Эҳ-ҳа! Мен сени тушундим! — Сўнгра Майкл хотиржам ва қатъий гапира бошлады: — Тони, агар Худо бу хонада ҳозир бўлса, сен шу заҳотиёқ ерга мук тушиб ётган бўласан. Сен ниҳоятда кўрқиб кетасан ва Унга қарашга журъат этолмайсан. Чунки айнан У Исони юборган, токи сен У орқали Худога кела оласан ва Унинг севгисидан баҳраманд бўласан, — гапини тутатди Майкл.

У менга айтганларини мен ҳазм қилишга ҳам ҳаракат қилмадим. Мен ҳамон уни гап билан узиб олмоқчи эдим.

— Мен бутун ҳаётим давомида сенинг Худоингсиз ҳам ёмон яшамадим. Энди менга У нимага керак, сен нима деб ўйлайсан? Қани Майкл, шу саволимга жавоб бергин-чи!

Мен бор кучим билан столга муштладим. *Variano* шу заҳотиёқ ўрнидан дик этиб турди. Аммо Майкл уни тинчлантириш мақсадида қўлини кўтарди. Лекин қамоқхона хизматчиси энди мендан кўзини узмасди.

— Бутун ҳаётинг давомида сен қалбингда вакуумни ҳис қилгансан. Сен бу вакуумни турлича тўлдиришга урингансан, керакли бўлган нарса билан тўлдирмагансан, — деб гапини маъқуллади Майкл. — Сен бу вакуумни кун-фу жанговар санъати, буддизм, профессионал танқўриқчисининг шон-шуҳрати, секс, наркотиклар, қаҳр-ғазаб, нафрат билан тўлдирмоқчи бўлдинг... Буларнинг бирортаси сенга керак бўлган қониқиш келтирмади. Сен синаб кўрмаган бир нарса қолди: Исо Масих. — Энди Майкл столга муштлади. У жўшиб ва тўлқинланиб гапирарди. Унинг қўлида бир бойлам калитлар бор эди. — Тони, бу калитлар сенинг камерангнинг калитлари деб фараз қилгин. Тасаввур қилгин, мен бу калитларни сенга бердим ва бутун кечаси қамоқхона хизматчилари ухлаб қолишганида сен қочишинг мумкин.

У нималар деяпти ўзи?

Майкл гапини давом эттирди:

— Тасаввур қилгин-а, сен қамоқхона деворларидан тирмашиб чиқдинг ва Туркия томонга ўтиб олдинг, кейин эса оролдан қочиб қолдинг. — Майкл менга диққат билан қаради. — Сен ўзингни мустақил, эркин одам деб ҳисоблайсанми? — сўради у.

— Бу қанақанги тентакона савол? — эътироз билдирдим мен. — Шубҳасиз, ахир, мен озодликка чиққан бўламан. Сен шуни билмоқчимидинг?

— Йўқ, Тони, сен озодликка чиққан эркин одам бўла олмайсан. — Майкл яна жилмайди. — Сен озодликка чиққан эркин одам бўла олмайсан, чунки сен ўша ўша Тонилигингча қоласан. Сен ўзингни сочингни, кийимингни, банкдаги пулларингнинг жаъмини ва яшаш жойингни ўзгартиришинг мумкин. Сен ўзингдаги кўплаб нарсаларни ўзгартиришинг мумкин, аммо сен ҳар доим ўша Тонилигингча қолаверасан. Сен аввалгидай ҳозирги кунга қадар қандай хатоларга йўл қўйган бўлсанг, умринг давомида худди шундай хатоларга йўл қўяверасан. Сен ўтмишингдан воз кеча олмайсан, барча қилган гуноҳларингни ювиб ташлай олмайсан. Сен ҳар доим баджаҳл ва ёвузлигингча қолаверасан. Сен бирозгина тинчланишинг мумкин, бироқ агар мен сенинг бирозгина жаҳдингни чиқаргудек бўлсам, сен аввалгидек бирданига қутуриб кетасан. Нима сабабдан, биласанми? Йўқ, билмайсан. Сабаби шундаки, сен ўз юрагингга Исони киритмагансан. Сен ўз ҳаётингдан норозисан. То Худога юз тутмагунингча, ҳар доим шундай бахтсиз, ёлғиз бўлиб қолаверасан.

Мен Майклга қандайдир маъносиз савол бериб унинг гапини бўлмоқчи бўлдим, аммо у берган саволимга эътибор қилмай, гапини давом эттираверди:

— Сен қамоқхонадан чиқиб кетиб, бир қанча пул ишлаб топишинг, катта қаср қуришинг мумкин. Уйингга олтиндан унитаз ўрнатишинг, замонавий қимматбаҳо автомобиль сотиб олишинг, ҳаттоки оила қуришинг ҳам мумкин, аммо сени ишонтириб айтманки, сен ўша Тонилигингча қолаверасан. Бойлик, шон-шуҳрат сен ҳақиқатдан истаган нарсангни икки дунёда сенга бермайди. Агар шу кечасиёқ сенинг жонингни олсалар-чи? Сенинг пулларинг сенга ёрдам бера оладими? Асло! Сенга ҳеч ким ва ҳеч нарса ёрдам беролмайди — на оиланг, на дўстларинг, на бойлигинг, ҳаётинг давомида орттирган шон-шуҳратинг ҳам бир пул бўлиб қолади. Ҳеч нарса сени ҳалос қила

олмайди. — Майклнинг пешонасида дона-дона тер пайдо бўлди. У гапини давом эттирди: — Бу нарсаларнинг ҳаммаси наркотикларни эслатади, улар сенга вақтинчалик ҳузур-ҳаловатни бахш этиши мумкин, ёки улар туфайли сен қисқа муддатга хурсандчиликни хис қилишинг мумкин, аммо ҳеч нарса сени қутқара олмайди, ҳеч нарса сенга ҳақиқий қониқишни олиб келмайди. Тони, менга кулоқ тут. — Майкл чуқур нафас олиш учун гапини бир дақиқага тўхтатди. — Муқаддас Китобда қуйидагилар ёзилган: «Шундай қилиб, агар Ўғил сизни қутқарса, сиз чиндан ҳам ҳалок бўлмайсиз, абадий ҳаётга эга бўласиз».

Мен бир умрга — «Шундай қилиб, агар Ўғил сизни қутқарса, сиз чиндан ҳам ҳалок бўлмайсиз, абадий ҳаётга эга бўласиз» — деган иборани эслаб қолдим. Шу дақиқада, менинг қўлларим қандай қилиб «товуқ эти» билан қопланганини сездим.

Қўнғироқ чалинди. Бундай қўнғироқ беш дақиқадан сўнг учрашув вақтининг тугашини англатиб, огоҳлантирарди. Майкл томонидан айтилган гапларни менинг тушунишимни у хоҳларди. Бироқ ҳамон аччиғим чиқиб турганини мен унга кўрсатишга уринардим. Мен ҳали ҳам қайсарлик қилганимча, унинг тасаввурларини барбод этувчи далил-исбот топишим мумкинлигига ишонардим. Аммо у мен томонга энгашди ва кўзларимга тикилганича шундай деди:

— Тони, Унга ишонган ҳар бир киши... Мени эшитяпсанми?! Унга ишонган ҳар бир киши... Сенинг биринчи навбатда қиладиган ягона ишинг — Унга ишониш. Исо сен учун барча ишларни бажариб қўйди. У сенга йўл очиб берди, шунинг учун ҳам сен ўз гуноҳларингга тавба қилишинг мумкин, Худо эса албатта сени кечиради ва қутқаради. Мен ҳозир диний урф-одатлар ёки риёкор художўйлик ҳақида гапираётганим йўқ. Мен Худонинг қутқаришига бўлган ишонч ҳақида сўз юритяпман. Сен амалга ошири-

шинг керак бўлган нарса — бу Парвардигорнинг инъомига ишониш ва уни қабул қилиш.

Бирдан Лимассолда бўлиб ўтган оқшом менинг ёдимга тушди. Ўшанда ёшгина воиз қўлида бир шиша вино кўтарганича, одамларга уни совға тариқасида текин бермоқчи бўлганди.

— Тони, сен менга энг аввало онгнинг равшанланиши — кун-фу жанговар санъати йўли ҳақида гапиргансан, лекин Исо Масих нималар деганига эътиборингни қаратгин: «Мен ҳақиқат, ҳаёт Йўлидирман; ҳамма Отамга Мен орқали боради». Агар онгнинг равшанлиги — йўллардан *бири* бўлса, бу ҳолда У — *ягона* йўлдир. Тони, сен буни оддий далил сифатида қабул қилгин.

У менинг тилимда гапириб, роса нишонга тегди. Уялганимдан, кўзларимни ерга қаратдим. Мен жуда ювош бўлиб қолдим.

— Майкл, мен нақадар разил одам эканлигимни сен билмайсан. Мен оғир гуноҳлар ботқоғидаман. Наҳотки мени кечиришнинг имкони бўлса? — сўрадим мен. Қалбимда, юрагимда қандайдир ҳис-туйғулар юз берарди.

Майкл яна бир бор Муқаддас Китобга мурожаат қилди:

— Ҳаворий Павлуснинг Римликларга мактубида, саккизинчи бобнинг биринчи ва иккинчи оятларида шундай дейилган: «Шундай қилиб, Исо Масих уммати бўлганларга қарши энди ҳеч бир маҳкумлик йўқдир. Исо Масих умматига ҳаёт берувчи Рухнинг Қонуни мени гуноҳ ва ўлимни ҳосил қилувчи Қонундан озод қилди».

Мен Майклга қарадим. Эшитганларимни имкон қадар тушунишга ҳаракат қилаётганимни у кўрди.

— Тони, ҳеч бир маҳкумлик йўқдир. Худди ҳеч нарса юз бермагандай, ҳеч нарса ёзилмаган, ҳеч ким бузмаган оппоқ варақ каби. Тушуняпсанми?! Сен ҳаммасини бошидан бошлайсан. Исо Масих бар-

ча гуноҳларингни Ўз зиммасига олади ва уни йўқ қилиб ташлайди. Ҳаворий Павлус мана шулар ҳақида айтмоқчи бўлади. Павлус ашаддий қотил бўлган, у масиҳийларни таъқиб қилган, — деб тушунтириб давом эттирди Майкл. — Аммо Худо ҳаммани севади, Тони. Мен сенга мана нималар ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Жуда катта гуноҳга ботган Павлус Раббий Исони учратади ва тамомила ўзгаради. Кейин эса у юзлаб ва минглаб бошқа гуноҳкорларни нажотга олиб келди. Исо Павлуснинг олдинги даҳшатли ишларига ва ҳозирда ҳам унда мавжуд бўлган нуқсонларга қарамасдан, унинг юрагида ишлайди. Тушуняпсанми, Тони, бизнинг Худомиз одамни ноумид қолдирмайди, У ҳар доим яна бир имкон беради.

Майкл менинг нозик жойимдан тутди. Сўнгги ойларда ҳаётим аслида сариқ чақага арзимаслиги ҳақида, қилган гуноҳимга яраша жазо олиб қамоқхонага тушганим ва энди менга ҳеч ким ёрдам беролмаслиги ҳақида ўйлай бошладим. Мен энди асло ўзгармаслигимни ўйлардим, аммо Майкл менга Худо томонидан ўзгарган Муқаддас Китоб қаҳрамонлари тўғрисида ҳикоя қилишни давом эттирарди.

— Суҳбатимизнинг бошида мен, ҳар қандай одам янглишади, ҳар қандай одам гуноҳ қилади, деб айтгандим, эсингдами? — сўради у. — Шунга мувофиқ, ҳар бир кимса кечирилишга лойиқ. Исо орқали бу кечирилиш Парвардигорнинг инъоми сифатида, бекордан-бекорга берилади. Фақат сендан талаб қилинадиган нарса — бу Худога мурожаат этиш. — Муқаддас Ёзувни кўрсатиб, Майкл янада тезроқ гапирди: — Римликларга мактуб, учинчи боб йигирма биринчи бобдан: «Энди эса, қонунга алоқасиз равишда Худо талаб қилган солиҳликка эришиш йўли аниқ-равшан кўринмоқда, бунга Таврот ва пайғамбарлар ҳам гувоҳлик берадилар. Худо талаб қилган солиҳлик — Исо Масиҳдан ишонишга иборатдир. Шу имонга эга бўлган ҳаммани Худо оқлайди. Чунки одамлар ораси-

да ҳеч бир фарқ йўқ. Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир. Лекин Худо инояти билан, исо Масиҳнинг қони эвазига гуноҳкорлар текин оқланадилар...»

Мен яна Майклининг сўзларини куткиламоқчи бўлдим. «Шундай қилиб, агар Ўғил сизни қутқарса, сиз чиндан ҳам ҳалок бўлмайсиз, абадий ҳаётга эга бўласиз» — бу сўзлар менинг калламдан чиқмасди. Мен ниҳоятда ҳаяжондаман. Майкл мен тарафга янада кўпроқ энгашди, столнинг устига кўкраги билан ётиб олгандай бўлди.

— Тони, сен қачон хоҳласанг, ўшанда ўз юрагингга Исони киритишинг мумкин, — деди Майкл. — Бироқ доимо ёдингда бўлсин, сенинг жонингни қайси кечада олиб қўйишлари мумкинлигини сен билмайсан. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Мана, ҳозир қулай вақт, мана, ҳозир нажот топиш куни», — шунинг учун буни орқага судрашнинг кераги йўқ.

Мен ундан кўзимни олиб қочдим.

— Исони қандай қилиб юрагимга киритишим мумкин? — сўрадим мен ийманибгина.

— Сен Худога ибодат қилиб, Ундан кечирим сўрашинг керак. Сен Исони ўз Қутқарувчинг сифатида тан олишни исташингни Унга айтгин. Сен Унга ишонишни хоҳлашингни ва гарчанд Уни кўрмасанг-да, ўзингнинг ғам-ташвишларингни Унга беришингни Унга етказгин. Сен Парвардигорнинг севгисига эга бўлишинг учун Исо сенинг ўрнинга Ўзини қурбонликка келтирди, яъни хочда ҳалок бўлди, шунинг учун Исога шукроналар қилгин.

Учрашувнинг тугаганини билдирувчи қўнғироқ чалинди.

— Ҳаммаси шуми? — деб сўрадим мен сурбетларча.

— Сенга шунинг ўзи кифоя, Тони. Бироқ сенинг ибодатинг чин дилдан бўлиши керак. Сен аслида нимани ҳис қилсанг, айнан шуни Худога айтишинг лозим. Сен олдинги ҳаёт тарзингни тарк этишинг

даркор, ёлгон гапиришни бас қил. Тўғри, бу осон иш эмас, аммо Исо сенга ёрдам беради.

Учрашувга ажратилган вақт тугади. Учрашув хонасида одамлар камайди. Майкл кўзларини юмди ва ибодат қилди.

— Раббимиз Исо, Сен бизни ушбу қамоқхонада ёлғизлатиб қўймаганинг учун Сенга шукроналар айтамиз. Тони учун қилган барча ҳаракатларингга чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Тонини севганинг учун катта раҳмат. Азиз Отажоним, Сендан илтижо қиламан, Тони Сенинг севгингни қабул қилишга шошилсин. Омин.

Мен столдан кўзларимни уза олмадим.

— Биродар, мен сени кўргани яна бир ҳафтадан кейин келаман, — деди Майкл.

Кўлларимни қаттиқ мушт қилганимча, мен индамай туравердим.

11 боб

Секингина ўз блокимга қайтар эканман, менинг хаёлларим алғов-далғов бўлиб кетганлигини ҳис қилдим. Мен Майкл айтган гапларни эслар эканман, унинг сўзлари менинг бошимдан ҳақиқий бўрондай ўтарди. Чидаб бўлмас жазирама, сассиқ ҳид ва инсоний азоб-уқубатлар бу ваҳимали жойда мени аввалгидан ҳам баттарроқ юрагимни эзарди. Деворлар гўёки қўпорилиб тушиб, мени мажақлаб ташламоқчидай. Мен қафасга қамаб қўйилган ва даҳшат солаётган ёвуз ёввойи ҳайвон сингари эдим. Менинг камерам олдида ўз тентакона хаёлларига чўмиб, бир маньяк юарди. У сигаретани чуқур ичига тортиб, бурнидан паровоз каби тутун чиқарарди. Мен маҳбуснинг ёнидан ўтиб кетаётганимда, у сигаретасини менинг билагимга босди. Ўнг қўлимда шу заҳотиёқ кичкинагина жой куйиб, пўрсиллоқ бўлди. Мен билан ҳазиллашиш учун маньяк жуда ноқулай вақт танлабди-да. Ич-ичимдан жўшиб келаётган шиддатли ғазаб бир зумда унга ёпирилди. Ҳазилкашни сочларидан ушладим ва ғадир-будир деворга иккаламиз ҳам то қора қонга белангунимизча бошини уравердим. Қонга чанқоғим босилганда, уни туққан онаси ҳам таний олмаслигига амин бўлдим. Бунинг устига маньякнинг бурни йўқ эди, бечоранинг башарасида буруннинг ўрнига бир тишлам қизил алланима осилиб турганди.

Мен ўз камерамга қайтиб келгач, роса бўкира бошладим. Бу ноаниқлик олдидagi қийналган қалбнинг ҳайқириғи эди.

Модомики, Майклнинг сўзлари эътирозга ўрин қолдирмаган экан, мен улардан халос бўлишга уриндим. Шундай пайтларда мен даҳшатдан кўзларимни юмиб, қулоқларимни беркитиб олардим. Майклнинг сўзлари қайта-қайта менинг онгимда қалқиб чиқарди, бундай ҳолатлар бир неча бор қайтариларди. Майклнинг жилмайиши ва унинг ўткир қараши мени ҳамиша таъқиб қилиб келарди. Нима сабабдан у менга ёпишиб олди? Мен олдин ким эдим, эндиликда ким бўлиб қолдим, деб ногаҳон ўйланадиган бўлиб қолдим. Бутун умрим давомида мен ҳеч кимга асло эҳтиёж сезмаганман. Мен ўз куч-қудратимга таянардим, ҳар қандай ишда муваффақият қозонишимга ишонардим, ўзимни ўзим бошқариб юардим. Аммо Майкл «тўкин-сочин ҳаёт» ва «буюк хурсандчилик» тўғрисида қайта-қайта такрорларди. Қамокхонада ўтаётган ҳаётимнинг сўнгги ойлари мобайнида у айтган ҳолатлар, маълумки, юз бергани йўқ. Мен кун-фу жанговар санъатида тутган ўрним ҳақида, мусабақаларга эришган ютуқларим ва танқўриқчиси бўлиб фаолият кўрсатганларим ҳақида ўйлардим. Эҳтимол, Майкл ҳақдир. Мен пулларни кўкка совуришни яхши кўрардим, қонга ва адреналинга тўла шиддатли ҳаёт каминага жуда ёқарди, шундай бўлсада, бироқ менга буларнинг ҳаммаси камлик қиларди. Менга янада яхшироқ ҳаёт ва бундан ҳам кўпроқ пул керак эди. Эндиликда буларнинг ҳаммасидан мени маҳрум қилдилар, қолаверса, жисмоний кўринишим ҳам юксак ва мукаммал даражада эмасди. Ҳаттоки ҳаётимнинг энг жўшқин пайтларида, кундалик режамда ҳар бир дақиқа ўз ўрнида турган пайтларда ҳам, мен кундалик жисмоний машғулотларимга камида беш соат вақт ажратардим. Ҳозирда эса вақтим жуда кўп эди, аммо жисмоний машқлар би-

лан шуғулланишга хоҳиш ҳам йўқ, вазият ҳам буни талаб этмайди. Буларнинг ҳаммасига тупурдим, ҳеч бири билан ишим бўлмай қолди, шу жумладан кунфу билан ҳам — қизиқиш ўз-ўзидан йўқолди-қолди. Медитация ва онгни ривожлантиришга келсак, энг аввало, бу учун қалб тинч ва хотиржам бўлиши зарур, зеро фақат интизомли ва соғлом фикргина ҳақиқатни мушоҳада қила олади. Мени эса зўрлик, жабр-зулм занжирбанд этган, ҳозир менинг фикру хаёлим — фақат тирик қолишда. Қамоқхонада мен аста-секин атрофдаги маҳбуслар сингари, ваҳший ҳайвонга айландим. Мен наркотиклар истеъмол этиб кўнгилхушлик қилардим, қандай қилиб бўлса ҳам вақт ўтказиш мақсадида бўлар-бўлмас бемаъни жанжалларга қўшилиб, муштлашишларда фаол иштирок этардим. «Тўкин-сочин ҳаёт»... бу нимани англатиши мумкин? Эҳтимол, бу Айя билан биргаликда бўлган ва бахтли кунларга тўлган вақтдаги ҳаётга ўхшаганмикан... Аммо ҳозирда Айя йўқ-ку, қолаверса, бундай бахтли онлар фақатгина бир марта бўлади.

Мен жуда қалтис йўлга қадам қўйдим. Сўнгги бир неча ой давомида мен онгли равишда Айя ҳақидаги хаёлларни қувдим. Ҳозирда эса унинг ажойиб, соддадил образини эслаб, титраб кетдим. Ҳа, айнан Айя менга ҳақиқий севги қандай бўлишини кўрсатди, аммо энди у йўқ. Мен кўзларимни юмиб, у қандайдир нафислик билан мени «кўриш» истагида юзларимни силаганини эсладим. Тўсатдан кўз олдимга тентак маҳбуснинг образи, унинг аҳмоқона қилиғи ва қонга беланган афти-башараси келди. Сўнгра яна Айяни тасаввур қилдим: у синган суякларни ва парча-парча бўлиб йиртилиб кетган этимни «кўряпти» ва илиқ ёпишқоқ қонни бармоқлари билан сезяпти. Унинг секингина йиғлагани менга эшитилгандай бўлди. Айя қачонлардир мени севганди, агар ҳозирда қандай ваҳший бўлиб кетганлигимни у билганда, қиз мени олдингидай севиб қолармидийкан? Асло! Мен бир

дарди бедаво маҳбусни ўларча қилиб уриб, бутун умрга майиб қилиб қўйган бўлсам, Айя мени қандай қилиб севсин?!

Шайтон васвасасидан қочиб қутулиш учун мен матраснинг тагига кирдим ва қулоқларимни ёстик билан беркитдим. Менинг тиррайиб кетган танамни даҳшат кемирарди.

«Тони, Худо сени севади».

Бунни Майкл айтди. Юқорида айтилган сўзлар менинг бошимда айланиб юрарди, мен улардан қутула олмасдим. Мен бу сўзларни ўзимдан нари қувардим, аммо вақт ўтарди. Бора-бора бу сўзлар мени ювош қилиб қўйди. Майкл менга айтган оятни эслашга ҳаракат қилдим. Оят менинг хотирамда намоён бўлди ва мен уни сўзма-сўз тикладим: «Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди...» Баъзибир нарсалар ойдинлаша бошлади. Худо Ўз Ўғлини берди. Исо Гўлгўтада хочга тортилди, олдинги ҳаётимда нималар қилган бўлсам ҳам, ва келажакда нималар қилишга уринмайин, барибир, эндиликда бу ҳолатни ҳеч нарса ўзгартира олмайди! Мен қайта-қайта коридордаги ақли заиф маҳбусни эсладим. Шубҳасиз, менинг қилган ишимга Худо кўзини юмиб ўтирмаса керак, демак, мен, қилган ишимга яраша жазо олишим керакми? «...Токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин». Мен бутун оятни ҳаёлимда тиклаш мақсадида ҳар бир сўзни қайтардим. Ва шунда бу сўзлар менинг хотирамга сингиб борарди, гўёки камерада бу сўзларни менга айтиб турган ва маъносини менга изоҳлаб бермоқчи бўлган кимдир бордай туюларди. «Токи Унга ишонган ҳар бир киши... ишонган ҳар бир киши...». Ҳар бир сўзнинг асл маъносини англаб эканман, мен учун ғаройиб бўлган бир тушунчага дуч келдим. Энди тарозунинг оғир палласи мен тарафда эди. Шунга биноан, Майкл Исо ҳақида айтган бошқа гапларга ҳам мен ишонишим лозим.

Нимадан бошлаш керак? Яна калтакланган маҳбуснинг образи мени мудом таъқиб қилиб келарди. Бунга бошқа чидолмай, мен илтижо қила бошладим:

— Мени кечир, Парвардигор, кечир!

Бу тўғоннинг отилишига ўхшарди.

Кутилмаганда менинг кўз олдимдан кино сингари шахсий ҳаётимнинг аллақачон эсдан чиқиб кетган болалик образларининг тасвири елдай учиб ўтди. Мен гўёки азоб-уқубатлар ва дард-аламларга тўла уммонда оқаётгандай эдим. Хаёлларим саросималик билан ҳар томонга қочмоқда, ички ҳис-туйғуларим қаршисида бирин-кетин мен ўлдирган одамлар гавдаланарди, мен уларнинг калтакланган ва мажақланган таналарини ва ўзим етказган ҳар бир жароҳатни кўриб турардим.

— Илтижо қиламан, Парвардигор, агар Сен чиндан ҳам бўлсанг, менинг гуноҳларимни кечиргин! — деб бақирдим мен.

Кино яна ҳам тез айлана бошланади. Мен ҳаммасини эслаш учун имкон қадар уни секинлаштиришга ҳаракат қилдим, қийналиб эслай олмаганларим учун Худодан кечирим сўрадим. Мен шунақанги бўкириб йиғладимки, ҳаттоки бўғила бошладим. Менинг ҳайқириқларим шунақанги қаттиқ ва шиддатли эдики, бошқа маҳбуслар мени эшитмасликлари учун бошимни ёстикқа буркаганимча, қайта-қайта Худо олдида қалбимдагиларни тўкиб солдим. Шу тарзда бир неча соат вақт ўтди, шекилли.

Ва ниҳоят, мен тинчланиб, ўрнимдан турганимда камера қоп-қоронғу эди. Камера эшиги қулфланган, қамоқхонада — сукунат. Панжара ўрнатилган кичкинагина дарчадан ой кўриниб турарди. Мен панжарадан тушиб турган ой нурларига қараб турардим, мен темир панжараларнинг соясини эмас, балки Исо тортилган Гўлгўта хочини кўргандай эдим. Энди

Майклнинг айтган сўзларини эслашга уринмасдим. Сўзларнинг ўзи оқиб келарди. Ўз ибодатимда мен Исодан кечирим сўрардим, менинг бўш қалбимни У тўлдиришини, олдинги ҳаётимни қолдириб, У билан бирга янги ҳаётни бошлашимни илтижо қилиб айтдим. Мен тун бўйи Исо билан суҳбатлашиб чиқдим, тонгга яқин ухлаб қолибман.

Кейинги кун иртаси менга жуда бошқача бўлиб туюлди. Кайфиятим умуман бошқача эди. Эсимни танибманки, мен ҳар доим баджаҳл эдим, ҳеч кимга асло раҳмим келмасди. Бугун эрта тонгдан алам ва жаҳл ҳисси қаергадир йўқолганлигини, ғойиб бўлганлигини тушундим. Қалбим тинч, қандайдир ўзгача осойишталикни ҳис қилардим. Бу ўзгача ҳис-туйғу эди. Камерада қаравотимда ўтирганимча, темирпанжара ўрнатилган ойнадан тушаётган ёқимли қуёш нурларига қарардим. Ташқари булутсиз, қуёш чарақлаб турибди. Сўнгги кунларда мен умуман деразага қарамаганлигим ёдимга тушди. Нималарни бой берганлигим ҳақида асло ўйлагим келмаяпти. Мен қандайдир ўзгача илиқликни ҳис қилдим, бунинг устига ташқаридаги ёқимли қуёш ҳали қамоқхона блокнинг қалин деворларини иситгани ҳам йўқ эди. Кечаги кунни ва тунда Исо билан сўзлашганимни эслаб, мен жилмайдим ва пичирлаб дедим: «Исо, раҳмат». Мен билан нима юз берганини ҳали тушунганим йўқ, аммо менда катта ўзгариш юз берганини аниқ билиб турардим. Елкаларимдан катта тоғ ағанагандай туюларди. Ниҳоятда Майкл билан суҳбатлашгим келди ва мен унга хат ёзишга қарор қилдим. Ўз мактубимда Худога илтижо қилганимни, Исо мени қутқарганига ишонишимни битмоқчи бўлдим. Майкл бениҳоят хурсанд бўлишини мен билардим.

Очилаётган темир эшикнинг ғичиллашини эшитиб, мен ҳаттоки чўчиб тушдим ҳам. Қамоқхонада янги кун бошланди, очик эшикдан коридорни тўлдирган маҳбусларнинг бақир-чақирлари эши-

тилди. Шу вақт ниҳоятда қорним очганини сездим. Олдинлари қамоқхонанинг бўтқаларидан кўнглим айнирди, ҳозир эса ўзимга тегишли бўлган бир коса сули ёрмасидан пиширилган шовлани интиқиб кутардим. Каравотимдан туриб сигарета қолдиқларига кўзиб тушиб қолди. Мана, уйқудан турганимга икки соат бўлибдики, менда эса сигарета тутатишга хоҳиш йўқ. Одатда учта ёки тўртта сигаретани тутатмаганимча, мен ўрнимдан турмасдим. Бундай ўзгаришдан ўзим ҳам ажабландим-да, бир пачка сигаретани олиб ёғимладим ва кўздан нарироққа — каравотнинг тагига отдим.

Менинг эшигим ёнида малласоч бир маҳбус турганди. У маньяклардан бири эди. Мен кеча кечқурун калтаклаган бошқа маньякни эсладим. Камерамнинг полларида ҳали ҳам қон излари кўриниб турарди. Яқиндагина бўлиб ўтган воқеаларни эслаб менинг этим жунжикиб кетди. Мен малласоч гигант маҳбус ёнидан индамай ўтиб кетишга ҳаракат қилдим. У мен томонга қайрилди, бир сўкиниб сигаретасини менинг чап билагимга босди. Мен унинг кўзларига тикилиб қарадим, билагимдаги кулни қоқиб, индамай кетавердим. Ошхонага етиб боргач, мен сигарета босилган жойга қарадим ва кўзларимга ишонмадим. Куйган жой йўқ! Турлича жанжаллар натижасида кўплаб олган жароҳатларимдан чандиқлар қолган, кеча сигарета босилган жой ҳали ҳам оғриб турибди. Бироқ бутун босилган сигаретанинг ўрни йўқ.

Бир неча кун ўтгач, мен Майклга иккинчи хатни йўллаш учун кутубхонага кирдим. Унга берадиган кўплаб саволлар пайдо бўлди ва мен у билан учрашишни интизорлик билан кутардим. Кутубхонада мактуб ёзаётганимда, менинг ёнимда Шри-Ланкалик ёш йигит Шейн расм чизиб ўтирарди. Ўтирган жойимизни кутубхона деб аташ жуда қийин эди. Оддий қамоқхона камерасига катта эски ёғоч столлар қўйилган бўлиб, уларнинг устида варақлари йиртил-

ган бир нечта китоблар турарди. Ана шу бизнинг кутубхонамиз эди. Бироқ бу ер жуда тинч жой, сўнгги кунларда асосий блокдаги турли уруш-жанжаллардан йироқда — кутубхонада мен жуда кўп вақтимни ўтказардим. Мен хат ёзардим ва менинг қалбим хурсандчиликка тўлиб-тошганди. Атроф-муҳитнинг ғариблигига қарамасдан, мен қувонч билан тантана қилардим. Наҳотки ҳозиргига қараганда, қачонлардир мен ўзимни бундан-да бахтиёр сезаман?

Қандайдир сабаб бўлиб, Шейнга бир фляжка иссиқ сув ва бирозгина қуруқ кофе тегибди. Шейн менга ҳам кофе дамлади ва қалайидан қилинган бир кружка кофени менга узатди.

— Тони, сенга нима бўлди? — сўради у. — Жуда кайфиятинг яхши, лабларингда табассум! Агар қўйиб берса, ҳозир камерада рақсга тушиб кетсанг керак.

Мен қаттиқ кулиб юбордим.

— Ҳой йигит, ростини айт! Наша чекяпсанми ёки қорадори қабул қияпсанми? Менга ҳам озгина бер, — деди Шри-Ланкалик Шейн.

— Мен наша чекканим йўқ, қорадори ҳам қабул қилганим йўқ, Шейн, — жавоб бердим мен жилмайганимча.

Шейн менга ўгирилиб қаради ва диққат билан кўзларимга тикилди. Бир вақтлар у наркотиклар сотиш билан машғул бўлган ва одамнинг кўзларига қараб, у наркотик қабул қилган ёки қилмаганлигини осонликча аниқлай олган.

— Йўқ, дўстим, сен бирор нима қабул қилгансан, бўлмаса нима сабабдан кайф қилиб, сархуш бўлиб юрибсан? — сўради у мендан шубҳаланиб.

Албатта, четдан қараганда мен ширакайф, сархуш бўлиб юргандай эдим. Аммо менинг бундай ҳолатим спиртли ичимликларга ёки наркотикларга асло боғлиқ эмасди.

— Шейн, мен Исо Масиҳга имон келтирдим, шунинг учун ҳам бахтиёрман.

Хуллас, мен унга ростини айтдим.

— Нима-а-а? «Исо-о-о»... Бу қандайдир янги тури бўлса керак-да. Олдин мен бундай наркотик тури ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман. Сен уни қаердан олдинг? — сўради Шейн.

— Шейн, мен жиддий гапиряпман. Бу кеча мен Худога мурожаат қилдим ва тамомила бошқача одамга айландим қолдим. Мен нақадар бахтлиман!

Шейн кулиб юборди. Кўриниб турибдики, у менинг гапларимга ишонмади. Лекин мен Майкл Райт, у билан бўлиб ўтган учрашувларим ва суҳбатларим, унинг Исо Масих ҳақидаги ҳикоялари тўғрисида ҳаммасини Шейнга сўзлаб бердим.

— Шейн, бундай хунсандчиликни ҳис қилишим учун менга ҳеч қандай наркотиклар керак эмас. Мен сенга бир гапни айтай, қулоқ сол. Сен ҳар сафар наркотикларни қабул қилганингда ўзингни сархуш ҳис қилиб, роҳатланасан. Аммо ўзингни янада яхшироқ ҳис қилишинг учун кейинги сафар янада кўпроқ наркотик қабул қиласан, яъни наркотик миқдорини оширасан. Шейн, бахтиёрлик шундан иборатми? Бу касаллик, тобелик, мутелик. Буни хоҳлаганингча номлайвер, аммо наркотиклар ботқоқ каби сени ўз гирдобига тортаверади. Охир—оқибатда сени жар ёқасига етаклаб, жарликка йиқитмагунча, шу аҳвол давом этаверади. Сенинг фақатгина битта йўлинг қолади — бу ҳам бўлса тўғридан—тўғри жаҳаннамга жўнаш.

Шейн бошини қуйи тушириб ўтирарди, шундай бўлишини ўзи ҳам жуда яхши биларди.

Шейнга мен қилган ибодатим ва қаҳр-ғазабдан қутулганим ҳақида сўзлаб бердим. Шунингдек, мен унга сигареталардан куйган жойларим тўғрисида ва ўз ҳаётимни Исо Масихга топширганимдан кейин рўй берган ажойиб ҳодисалар ҳақида гапириб бердим.

— Мен сендаги ўзгаришни дарров сездим, — деди Шейн ажабланиб. — Фақат бу сафар сен яхшигина

наркотикларни қўлга киритиб, маза қилиб истеъмол қилгансан, деб ўйлабман мен.

Шейн ҳайрон бўлганча, бошини сарак-сарак қиларди. Юҳанно баён этган Хушхабардаги сўзларни эслаб, мен унга дедим:

— Сен фақатгина ишонч билан ибодат қилсанг, бас, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Шейн диққат билан гапларимга кулоқ соларди. Мен рост гапираётганимни у тушунди. Қачонлардир мен Майкл билан тортишмай, саволлар берганим сингари, у менга ҳар хил саволлар билан мурожаат қиларди.

— Лекин барибир мен бир нарсага тушунмадим: нима учун Исонинг ўлиши керак бўлди? Нега Худо бундай қилди? — сўради у.

Мен бирозгина ўйланиб қолдим. Мен учун ҳам буларнинг ҳаммаси янгилик бўлган. Аммо ҳозир мен имон келтирдим. Мен Худо билан учрашдим ва Унинг кечиримини ўзимда ҳис қилдим. Бироқ ўз тажрибамни бировга тушунтириш, айниқса, ўша одам инглиз тилини билмаса, жуда қийин.

— Шейн, Худо — муқаддас ва мукаммал, — деб гап бошладим мен. — Биз эса мукаммалликдан анча йироқдамиз. Биз ҳаммамиз гуноҳқормиз. Ҳаттоки дунёдаги энг юқори мартабали инсон ҳам Худонинг мезонларига мол келмайди. Бу тўғрида Муқаддас Китобда айтилган. Бу — Худо бизни яхши кўрмайди, дегани эмас. Тўғриси айтидиган бўлсак, биз Худо билан бўлишимизни У хоҳлайди. У Ўз Ўғли Исони маълум бир вақтга инсонга айланиш учун ҳам ерга юборган. Инсонга айлангач, ҳақиқатдан ерда яшаш қандайлигини ва биз каби азоб тортиш нақадар машаққатли эканлигини тушунганини У бизга кўрсатди.

— Буларни тушундим, яна нима? — деди Шейн бетоқатлик билан.

— Исо хочга тортилиб ҳалок бўлганда, У бизнинг ўрнимизга ҳалок бўлди. Биз кечиримга муяссар бў-

либ, Худо олдида Унинг Масиҳи муқаддаслигига эга бўлган ҳолатда намоён бўлишимиз учун, У бизнинг барча гуноҳларимизни Ўзига олди. Мана нима учун Исо мукамал қурбонликка айланди. У бизнинг ўрни-мизга ҳалок бўлди, яъни аслида қилган барча гуноҳларимиз учун биз ҳалок бўлишимиз керак эди, аммо У бизга абадий ҳаётни инъом этиш учун Ўз жонини қурбон қилди. Яъни, биз абадий ҳаётни ёки ўлимни — иккисидан бирини танлашимиз керак бўлган.

— Демак, биз ҳаммамиз қилган гуноҳларимиз учун жазо олишимиз лозим эди, лекин Худо бизни бундай жазодан ҳалос этдими?

— Ҳа, шунга ўхшаш. Худо фақат бизни жазодан ҳалос этмади. Гуноҳларимиз учун жазо шундайлигича қолаверади. Фақат бу жазони биз эмас, Исо олади.

Мен бирозгина ўйланиб турдим ва бу ҳақиқатни Шейнга соддароқ қилиб, ҳаётий мисолда тушунтиришга қарор қилдим.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир уйда икки болача бор экан. Улар бирга катта бўлишибди, катта бўлгач, улар яқин ва иноқ дўстга айланишибди. Йиллар ўтибди, уларнинг иккиси ҳам ўз йўлларини танлаб кетишибди. Улардан биттаси судья бўлиб, жуда катта обрў-эътибор қозонибди. Бошқаси эса енгил пул топиш йўлидан бориб, ёмон компанияга қўшилибди ва ўғри-кисовурга айланибди. Кунларнинг бирида судья не кўз билан қарасинки, жинойтчи курсисида унинг болалиқдаги яхши кўрган дўсти ўтирган экан. Унинг олдида катта муаммо турарди: нима қилмоқ керак? Судья сифатида у дўстини қонунга биноан жазолаши керак, яъни ўғрига катта миқдорда жарима тўлатиши лозим. Бироқ судья шуни ҳам билардики, унинг ўғри дўсти бундай жаримани тўлолмасди. Агар дўсти жаримани тўлолмаса, уни қамаб қўйишлари турган гап.

— Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлди? — сўради Шейн.

— Судья ўз вазифасини бажарди ва тегишли ҳукмни ўқиди. Аммо ҳукмни ўқиб бўлгач, у ўз ўрнидан турди, судьяларнинг паригини ва мантиясини ечди. Суд залида ўтирганларни ҳайрон қолдириб, жиноятчи курсисида ўтирган дўстининг олдига борди, чўнтагидан чек дафтарчасини олди ва яхши кўрган дўсти учун жарима тўлади. Энди унинг дўсти озод. Ҳеч қандай ҳукм ҳам, қарз ҳам, жарима ҳам йўқ. Мутлақо ҳеч нарса.

— Демак, судья — бу Исо, шундайми?

— Ҳа-да, у Худони намоён қилади. Бир нарсани уқиб олгин: судья қонунни ифодалайди, шунинг учун у қонун билан чамбарчас боғланган. У дўстининг қилган ўғирлигига енгил-елпи қарамади. Судья дўстининг жаримасини ўзи тўлашни лозим топди. Судья сифатида у олди-берди қилолмасди. Шунинг учун у вақтинчага, ҳа, айнан вақтинчага судья паригини ҳамда мантиясини ечди ва ўғри жазоланувчининг курсиси ёнидан жой олди.

— Ана энди мен тушундим. Менга ўша оятни яна бир қайтаргин. Ишонч ва абадий ҳаёт ҳақидаги оятни.

— Бу ҳаворий Юҳанно баён этган Хушхабар, учинчи боб ўн олтинчи оят: «Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин».

Мен оятни ёддан айтаётганимда, Шейннинг юзларидан ёшлар оқарди.

— Шейн, сен ҳам Худога ишониб, абадий ҳаётга эга бўлишни хоҳлайсанми? — ундадим мен уни. — Сен ҳам мен сингари кечиримга эга бўлиб, Худо билан тинчликка ва хурсандчиликка эришишни хоҳлайсанми?

— Ҳа, — деди қатъий равишда Шейн. — Лекин мен нима дейишни билмайман. Мен қандай ибодат қилишни ҳам билмайман.

— Шейн, мен ҳам олдин ҳеч ибодат қилмагандим, кеча кечқурун биринчи бор ибодат қилдим, — деб эс-

латдим унга. — Агар хоҳласанг, биз иккаламиз ибодат қиламиз.

Олдин мен гапирдим, кейин у менинг кетимдан қайтарди. У Худодан кечирим сўради, ўзининг олдинги ҳаётидан воз кечиш истагида эканлиги ва юрагини Исо учун поклаши ҳақида гапирди. Шундай қилиб, мен умримда биринчи бор ким биландир, қолаверса, ким учундир биргаликда ибодат қилдим. Бу ниҳоятда ажойиб эди. Шейннинг юзларидан кўз ёшлари оқарди. У менинг қўлимни ушлади ва унинг ўзи, ўз она тилида ибодат қилди. Мен бирорта сўзни ҳам тушунмадим, аммо унинг тили орқали юракдан айтилаётган илтижо чиқаётганлигига мен қатъий ишонардим.

Шейнга мен Майкл билан учрашув уюштирдим ва Майкл Муқаддас Китобни ўрганиш қўлланмалари билан бизни таъминлади. Шейн инглизчада яхши гапирарди, аммо биз Майкл иккимиз унга Шри-Ланка Муқаддас Китобини излаб топишни ниҳоятда истардик. Бироқ қамоқхонада менинг қўлимдан нима ҳам келиши мумкин? Фақат ибодат қилиш! Майкл бўлса вақтини бекор ўтказмасди: у ўз жамоатидаги имондошлардан Шри-Ланка Муқаддас Китобини бор-йўқлигини суриштирди. Мўъжиза юз берди, имонли бир аёлнинг уйида Шри-Ланка Муқаддас Китоби бор экан. Шейн бениҳоят хурсанд бўлиб кетди. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган наркоман Шейн бир неча ҳафтадан сўнг наркотикларга тобеъликдан ҳалос бўлди.

Бирозгина вақт ўтгач, Майкл эндиликда немис тилидаги Муқаддас Китобни изларди. Зигги — тўлиқ исми Зигфрид фон Гребер, бошида ўзини таништириши бўйича — қирқ ёшларга кирган бесўнақай одам, ашаддий чекувчи, Берлинда туғилган. Бу ишбилармон ўз даврида фонд биржасида ҳийлагарлик йўли билан катта бойлик орттирган. Ҳозирда эса узун оқарган сочлари, тикка-тикка ўсган майлови ва

футболкадан чиқиб турган катта қорни уни моҳир ишбилармонлигидан эмас, балки байкерга ўхшаганлигидан далолат бериб турарди. У безбет ва такаббур кимса эди. Зигги ҳеч қандай сабаб ва мақсадсиз доим раҳбариятга қарши, бунинг устига ҳар қандай раҳбарларга қарши чиқарди, ишқилиб ғалаён қўтарса бўлгани. Шунингдек, у кўпинча ошхонадагилар билан тил топишиб, қўшимча озиқ-овқат олишга муяссар бўларди. Бу жанжалкаш контробанда учун қамалган бўлиб, ўзи ҳақида алланималарни тўқиб ташарди. Зигги рост деб айтган гапларининг биттасига ҳам мен ишонмасдим. Мени Зигги билан маълум бир қизиқишларимиз бор эди, шунинг учун ҳам қамоқхонага келишим биланоқ у билан тил топишиб олганман. Зигги ижодий инсон сифатида, оддий гугурт доналаридан денгиз кемаларининг мураккаб моделларини яшаш билан кўп вақтини ўтказарди. Биз кўпинча кутубхонада бирга ўтириб қолардик: мен расм чизардим, у эса — модел йиғиш билан банд бўларди. Бизнинг «асарларимиз»га талаб жуда зўр эди, шунинг учун ҳам бизнинг «меҳмонхонамиз» шартшароитида сигарета ва бошқа қўшимча нарсаларга эҳтиёж сезмасдик. Иккимиз ҳам ўзимизни ўзимиз керакли нарсалар билан таъминлаб турардик.

Мен биринчи Зиггига Исо билан бўлиб ўтган учрашувим ҳақида сўзлаганимда, у мени калака қилиб устимдан кулди, ўша кундан бошлаб менга «воиз» деб ном қўйиб олди. У мени ҳурмат қиларди, аммо барча бошқа одамлар сингари бу дунё уни тўғри йўлдан адаштирди, шунинг учун ҳам эътиқодга ҳеч қандай қизиқиши йўқ эди. Бир ёки икки ҳафтада ундан келиб хабар оладиган ҳеч қандай таниши ёки қариндошуруғи йўқ. Шундай қилиб, Майкл Райт билан учрашиб кўришишга мен уни кўндирдим. Майкл билан учрашув унга ёқаётганга ўхшарди, аммо Зигги биродарим Майклни орқасидан ёмонлагани кўриб, учрашувлар кетида яна бир бор Зиггининг ҳийла-найран-

глари турганлигига амин бўлдим. Учрашувлар Зигги учун келувчилар ошхонасидан бепул бир шиша лимонад ёки плитка шоколад олишнинг яна бир усулига айланганини тушундим.

Бир куни мен Зиггининг камерасида у билан тортишиб қолдим. Бу бемаъни баҳс эди. У бирданига Майклни сўқди ва ақл бовар қилмайдиган сўзлар билан Худони таҳқирлади. Бу эса менинг тинчлигимни бузди: менинг Зиггидан ниҳоятда жаҳлим чиқди.

— Ҳой воиз, қани менга айт-чи! — деб бақира бошлади Зигги оғзидан кўпигини оқизиб, — бу камеранинг, бу сассиқ чўчқaxonанинг қаерида Исо турибди?

Мен Зиггига яқинлашдим ва тишларимни гижирлатганимча, унга дедим:

— Исо сенга Майкл орқали келади.

— Ҳа! Майкл деганинг — бу жилмайиб турган тентак, эътиқод ҳақида тинмай жаврайди, мавжуд бўлмаган Исо тўғрисида қоғозларми-ей, китобларми-ей кўтариб юради. Иложини топиб, Майклни бу ерга олиб кирсам, аслида бу ерда нималар бўлаётганини у ўз кўзлари билан кўрарди.

Мен жисмимнинг ич-ичидан, қалбимнинг қаъридан аста-секин қайнаб келаётган олдинги ғазабимни хис қилдим. Қаҳр-ғазабни бошқа бошқара олмасдим. Мен Зиггини кўйлагининг ёқасидан ушладим.

— Майкл тўғрисида яна бирор нима дейдиган бўлсанг, ҳамма тишингни қоқиб оламан.

— Ие-ие, ҳавоиз, қани кўрайлик-чи, кўлингдан нима келар экан, — деди Зигги ва мени масҳара қилгандай, кекиртагини чўзди. У ўз насибасини олди. Ёмон сўзлар чиққан Зиггининг оғзига мен яхшилаб туширдим. Зарба тишларига тушди, гарчанд зарба бутун куч билан берилмаган бўлса-да, у столнинг устига чўзилиб ётиб қолди. Сўнгги ҳафта давомида Зигги расмга қараб катта бир яхта моделини ясаётганди. Яхтанинг расмини испаниялик Чико исмли бир маҳбус берган эди. Сувда сузишга шай бўлган янги, чиройли қилиб

безатилган яхта столнинг устида чирой сочиб турарди. Зигги столнинг устига йиқилганда, модель ерга тушди ва парча-парча бўлиб кетди.

Қутуриб кетган Зигги ҳеч нимани ўйламай менга ташланди. Бу сафар мен уни бир усул билан полга ётқизиб қўйдим. У сўкинди ва менинг қўлимдан чиқиб кетиш мақсадида қаршилик кўрсатди. Мен эса унга бақирардим:

— Зигги, Зигги, бас қилгин! Сен менинг дўстим бўлганинг учун буларни сенга айтяпман. Исо сени яхши кўради, шунинг учун сени қутқариб ёрдам бермоқчи!

У қаршилик кўрсатарди, мен эса то у тинчимагунича, панд-насиҳат қилавердим.

Зигги бир неча дақиқага тинчиб қолди, сўнгра менга у бақира кетди:

— Менинг ишонгим келяпти, жуда-жуда ишонгим келяпти, аммо қамоқхонада бунинг иложи йўқ! Мен бошқа чидай олмайман!

Унинг баҳайбат танаси дир-дир титрарди: ў ўзини бошқа тутиб туролмасди. Менинг юрагим сиқилди. Бу қамоқхона. Ҳар куни қамоқхона кучли ва ботир йигитларни синдираётганининг мен гувоҳи бўлаётгандай эдим. Чорасизликдан, умидсизликка тушишдан ва ёлғизликдан одамлар ўзларини ўзлари ўлдирардилар ёки ақлдан озардилар. Буларнинг ҳаммаси бизнинг кўз ўнгимизда рўй берарди. Зигги иккимиз йиғлаб юбордик.

— Зигги, кел ибодат қиламиз, — деб таклиф қилдим мен. — Шу ерда ва ҳозирнинг ўзида. Мен сен учун яна нима қилишимни ва нима дейишимни билмайман. Сен мен билан ибодат қиласанми?

Зигги «ҳа» дегандай бош силкиди, тез орада Худонинг ҳозир бўлиши тор камеранинг қашшоқлигига ва қуруқлигига нур сочди.

Кейинги ҳафталар давомида қамоқхонадаги энг ашаддий ва бағритош маҳбуслар ҳамма нарсага қо-

дир Худо олдида тиз чўқдилар. Гуноҳларни тан олиш жуда осон кечарди. Маҳбуслар қилган қотилликларига кўра ашаддий гуноҳкор эканликларини ҳеч бир қаршиликсиз тан олардилар ва тавба қилардилар. Улар ўзларининг гуноҳкор эканликларини чуқур ҳис қилдилар. Баъзи бир маҳбуслар Исо уларни кечиргани, Парвардигорнинг марҳамати ила қамоқхонада бўлсалар-да, нажот топганликлари учун ёш болалар сингари қаттиқ йиғладилар.

Майкл Райтнинг олдингига қараганда, ҳозирда ниҳоятда ишлари кўпайган. Мен эса қамоқхонадаги маҳбусларни қўллаб-қувватлардим ва Майкл билан учрашишга уларни даъват этардим. Майкл бир йўла ўнга яқин маҳбусни кўргани келган вақтлари ҳам ҳам жуда кўп бўлган, шу билан бирга менга панд-насиҳатлар қилишни, Муқаддас Ёзувларни тўғри тушунтиришни ҳам у эсдан асло чиқармасди. Унинг жамоати биз учун ибодат қиларди. Учрашувлардан бирида Валери, Худо йўлидан юрувчи одамларнинг кўпайишига ибодат қилаётганликларини тан олди. Ушбу қамоқхонага қанчалик кўп масиҳийлар тушадиган бўлса, бизнинг кичкинагина имонлилар гуруҳимиз сони янада кўпайишини ва биз бир-биримизни янада қўллаб-қувватлашимиз мумкинлигини у айтди. Аммо бундай хабардан мен кўрқиб кетдим.

— Йўқ! — эътироз билдирдим мен. — Бу тўғрида ибодат қилманглар. Фақатгина қамоқхонадаги маҳбуслар, бахтсиз қалблар Исони тан олишлари ва Ўнга имон келтиришлари учун ибодат қилинглар.

Мусулмон Муҳаммад билан рўй бергани сингари. У катта одам бўлган, шунинг учун ҳам муаммолари ҳам жуда катта бўлган. У таксист грекни ўлдиргани учун қамалган. Унинг хотини Таммам ва укаси Аҳмад ҳам қамоқхонада ўтиришганди. Аёллар блокада ўтирган Таммам ҳомиладор эди. Муҳаммад имом билан биргаликда ҳар куни бир неча мартадан намоз ўқирди. Баъзи бир мусулмонлар анъанавий тоат-

ибодат қилаётган пайтларда шу қадар берилиб кетишардики, эгилишганда ҳаттоки пешоналари ёрилиб кетарди. Кунларнинг бирида Муҳаммад қўлтиғининг тагига жойнамозни беркитганча, камерага қайтиб келаётган экан. Мен уни чақирдим.

— Муҳаммад, кел гаплашиб олайлик, — дедим мен унга жилмайиб.

Муҳаммад қамоқхонада яккаланиб қолган эди. Греklar уни ёмон кўришарди. У греklarнинг қайсидир қабиладошини ўлдиргани учун, қамоқхонадаги маҳбуслар, шунингдек, *varianosлар* ҳам яхшилаб дўшпослаб унга кун бермасдилар. Қолаверса, Муҳаммад мусулмонлар ичида ҳам бегона эди, чунки мусулмонларнинг ҳисоблашларича, у хотини ва укаси билан тил бириктириб қотилликка қўл урди ва бутун авлод-аждодига иснод келтирди. Қамоқхонада у асламанода тирик қолишга ҳаракат қиларди, чунки ҳар қадамда уни хавф-ҳатар кутиб турарди. Муҳаммад ҳаммадан хавфсираб юрарди. Ҳар сафар мен Муҳаммадга яқинлашганимда, у кўзларини қисганча, менга кўрқиб қараб турарди. Аммо кейинчалик менинг қилган ҳаракатларим зое кетмади. Хуллас, иккимизнинг ўртамизда дўстлик ришталари пайдо бўлди. Албатта, у дўстларга муҳтож бўлган. Мен унга керак бўлганда сигареталар, расм чизиш қуроллари бериб турардим. Муҳаммад аста-секинлик билан эриб, мен билан турли масалаларда очиқчасига гаплашадиган бўлиб қолди.

Ушбу муборак кунда Муҳаммад худди бутун дунё ташвишларини ўз елкасига ағдариб олгандай эди. Никотиндан сарғайиб кетган бармоқлари у сигарета тутатаётганда қалтирарди.

— Тони, Оллоҳ мендан юз ўтирди, — деди у. Кўзларига ёш келди. — Энди нима қилишимни ҳам билмайман.

— Нима бўлганини менга батафсилроқ сўзлаб бер, — дедим мен секингина Худога ибодат қилиб.

Муҳаммад ҳам пичирлаб гапирди:

— Тони, менгача етиб келган гап-сўзларга қараганда, аёллар блокада аҳвол жуда ёмон эмиш. Мен Таммамдан хавотирланяпман.

— Сен нимани назарда тутяпсан?

— Эшитишимча, қамоқхона назоратчилари аёлларга зўравонлик қилиб, уларни калтаклашяпти экан. — Муҳаммад қийинчилик билан томоғида тиқилган алланимани ютди, бошини сарак-сарак қилди ва сигаретани ичига чуқур тортди. — Ҳадемай бизнинг фарзандимиз дунёга келиши керак. Эҳтимол, мен ҳеч қачон уни кўролмасам керак.

— Шундай кун келадики, сен албатта бу ердан чиқиб кетасан. Умрингнинг охиригача қамаднинг дегани — бу бутун ҳаётинг давомида қамоқхонада ўтирасан, деган маънони англатмайди*.

— Мен бу ердан чиққан тақдиримда ҳам менинг ҳаётим сариқ чақага ҳам арзимайди. Таммамнинг қариндош-уруғлари шу заҳотиёқ уни мен билан ажралишга мажбур қиладилар. Мен унга нима дейишни ҳам билмайман.

— Сен Таммам билан кўриша оласанми?

— Агар *chowishi* рухсат берса, кейинги ҳафтада учрашув бўлиб ўтиши керак. Учрашув ўттиз дақиқа бўлади. Билмадим, унинг кўзларига тик қарашга журъат эта оламанмикан.

— Муҳаммад, мен сен учун ибодат қиламан.

— Тони, сен ўз Худоингга ибодат қилгин, токи ҳаммаси жойида бўлсин. — Муҳаммад жойнамозини тепди. — Ҳаттоки менинг қариндош-уруғларим

* Умрбод қамоқхонада ўтириш жазоси оғир қотиллик ёки қилинган қотилларнинг йиғиндисига қараб суд томонидан белгиланади. Бундай жазо ўлим жазосининг муқобили сифатида қўлланилади. Бироқ маълум муддат жазони ўтаган маҳбуснинг намунали хулқи ва феъл-атвори ҳисобга олинади ва шартли равишда муддатидан олдин озодликка чиқишига асос бўла олади.

ҳам мендан юз ўғирдилар. Тўғри, мен катта гуноҳ қилганимни тан оламан, аммо мен ўшанда жуда оғир аҳволда қолгандим. Грекни ўлдириш учун менга катта пул ваъда қилишди. Бу пулга мен катта оиламни бир йил мобайнида боқдим. Иорданияда бўлганимда ота-онам, ака-укаларим ва опа-сингилларим ва жиянларим очликдан ўлмаслик учун ҳар куни эрталабдан кечгача сарсон-саргардон бўлиб юришларини кўрардим. Уларни мен боқдим, ҳозирда мен уларга жуда керакман. Уларнинг аҳволи қандай экан... менсиз қандай кун кечиришаётганини билмайман.

Муҳаммад кўз ёшларини кўрсатмаслик учун қўллари билан юзини ёпиб олди, биз бирқанча вақт гаплашмасдан индамай ўтирдик.

Бир неча кундай кейин Майкл Райтни кузатаётиб учрашув хонасида бир мусулмон аёлни кўриб қолдим. У ҳомиладор эди. Мусулмон аёлни кузатиб келган *variano*-аёл ошхонада кофе тайёрлаётган эди. Мусулмон аёл кўринишидан Таммамга ўхшарди. Воқеа иссиқ ёз кунларининг бирида юз бераётганлиги сабабли ҳамма жазирама иссиқдан ўзини қўйгани жой тополмасди, шу жумладан, *varianosлар* ҳам ланж ва уйқусираган кўринардилар. Мен тезлик билан Таммамнинг ёнига бордим. У инглиз тилида зўрға гапирарди, аммо биз бир-биримизни тушундик.

— Мен сизнинг турмуш ўртоғингизнинг дўстиман, — дедим мен ва жилмайганимча ўнг қўлим билан кўкрагимни шаппатладим. — Муҳаммад — яхши дўст, меҳрибон инсон.

Таммам ҳаяжонланиб ўз кўрикчисига қараганича жилмайди. Мен унга Майклнинг координаталари ёзилган бир парча қоғозни яширинча узатдим.

— Сизни келиб кўришини ундан илтимос қилинг. Майкл албатта сизларга ёрдам беради, — дедим мен.

Аёл мени юз фоизга тушунганлигига ишончим комил эмас, аммо на чора, яна нима қилишим мумкин эди? Шу вақт *variano* бизни кўриб қолди ва зудлик

билан менинг кетишимни талаб қилиб бақирди. Беш кун ўтгач, мен Майклдан хат олдим. Мактубда айтилишича, Таммам у билан учрашишга рози бўлибди. Мен тасаввур қилганимдек, Майкл дарровдангина ишга киришиб кетди: шахсан Таммамни бориб кўрди ва уни қўллаб-қувватлаш мақсадида жамоат сингиллари билан учрашув уюштирди.

Бир неча кундан кейин Муҳаммад ҳаяжонланганича камерамга отилиб кирди. Унинг юзларидан тер сув бўлиб оқарди.

— Мен Таммамдан хат олдим, — деди шошиб у.

Вожабо! Шу кунга қадар қамоқхонадаги маҳбус эркаклар ва аёллар бир-бирларига ҳеч нарса бермаганлар. Баъзида биз қамоқхонанинг ички ҳовлисида эканлигимизда, дарвозадан чиқиб кетаётган судланган аёлларга дуч келиб қолардик ва бир-биримизга қарардик. Баъзи бир *varianoslar* бунга панжа орасидан қарашарди, эҳтимол, шунинг учун маҳбуслар бир-бирларига бирор нималарни беришга муяссар бўлардилар.

— Таммамнинг ёзишича, сенинг Исо Масихингга у имон келтирибди, — деб айтди Муҳаммад ғамли оҳангда. — Сен бирор нимани тушуняпсанми? Бу қандай қилиқ? Агар менинг укам эшитиб қолгудек бўлса, бундан нафақат қариндош уруғларим, балки бутун қишлоқ хабар топади. Таммам қамоқхонадан озод бўлиб чиққанда, уни ўлдириб кетишади.

Ўша куни Муҳаммад билан гаплашиш жуда оғир кечди. У ўзини қўйгани жой тополмасди, шу вақт мобайнида унинг қалбида қандайдир ўзгаришлар рўй бераётганининг мен гувоҳи бўлдим. Мен Муҳаммадни ҳам Майкл билан таништиришга эришдим. Орадан икки-уч кун ўтар ўтмас, Муҳаммад яна камерамга отилиб кирди. Ўшанда унинг чеҳраси очиқлигини, жилмайиб туришини биринчи марта кўрдим. Унинг барча муаммолари ҳал бўлди. Мен каби у ҳам ўз Нажоткорига, ўз Қутқарувчисига эга бўлди.

Эндиликда эса барча қийинчиликларга қарамай, унинг ҳаётида маъно ва янги орзу-умидлар пайдо бўлди. Энди у Худога ишониши ва ўз хотинини Унинг ҳимоясига бериши мумкин эди. Ўшандан бошлаб биз ибодатда яқдил бўлдик.

Қамоқхонада расмий эътиқод сифатида грекларнинг православ дини тан олинган эди. Бошқа динларга ҳам йўл қўйиб берилган. Маҳбуслар орасида мусулмонлар кўп эди. Бироқ Исо Масиҳ орқали «юқоридан туғилиш» ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимотини ваъз қилиш ҳукумат томонидан бидъат ҳисобланарди. Мен бундан хижолат тортмасдим. Қолаверса, мен ҳаммасидан ҳам Хушхабарни барчага, шу жумладан, *varianosлар* билан ўртоқлашгим келарди ва Раббий менинг ҳаётимда нималар қилганини ҳаммага сўзлаб беришга ошиқардим. Модомики, жамоат йиғилишларимизга биз, шубҳасиз, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз керак. Шу вақтга келиб бизнинг блокимизда бир гуруҳ янги имонга кирган масиҳийлар бор эди, албатта, биз ҳаммамиз биргаликда Худога ибодат қилишни ва доимо мулоқотда бўлишни хоҳлардик. Менинг бир кишилиқ камерам йиғилишларни ўтказиш учун торлик қиларди, аммо биз ўзимизни Исо Масиҳнинг шогирдлари деб ҳис қилардик. Исо Масиҳнинг шогирдлари У хочга тортилиб, яна қайтадан тирилгандан сўнг ҳукуматдан яширинча учрашиб туришарди. Биз илк Жамоат тарихини ўргандик, қадимги масиҳийларнинг ҳаёт тарзини ўзлаштирдик ва Янги Аҳд таълимотидан имкон қадар бордик. Биз ҳар гал Раббимиз Исо Масиҳ номи билан йиғилиш ўтказганимизда, катта ҳаяжон ва эҳтиром билан нон синдириш амрини адо этардик. Қамоқхона шароитида бунга эришиш осон эмасди, лекин Худо ҳақиқатдан бизнинг ҳаракатларимизни марҳаматларди. Нон синдириш амрини адо этиш учун ҳар доим нарсa топиларди. Гуруҳимизнинг ҳар бир аъзоси кундалик нонидан бирозгинаси ва баъзи-

да тушликка бериладиган узумдан эҳтиётлаб олиб қўярдик. Бериладиган узумни барибир еб бўлмасди, шунинг учун биз узумни тоза пайпоқлар ёрдамида сиқиб оламиз ва чиққан узум шарбатини ачиштишга қўямиз. Маълум вақт ўтгандан кейин шарбат ажойиб мусалласга айланарди. Уни тайёрлашда Исо Масиҳнинг ўзи иштирок этган бўлиши мумкин.

Мен камерамга назар солдим. Бир нечта биродарлар менинг каравотимда ўрнашишган, бошқалари эса чўнқайганларича, полда ўтиришарди. Зигги ва Муҳаммад бир-бирларига кўз қисиб, ҳазил қилишарди. Британиялик журналист, нимжон Мартин баҳайбат Зиггининг ёнида ўрнашиб ўтириб олишга уринарди ва унинг ёнида янада қилтиллаб кўринарди. Мартин визаларни қалбакилаштиргани учун ҳукм этилган бўлиб, қамоқхона муҳитига асло ўргана олмасди. Қамоқхонада биринчи кунданоқ ҳимоя топиш мақсадида у менга ёпишиб олди ва тез орада Хушхабарга қизиқиб кетди. Бу ерда Ливанда наркотиклар сотган Ҳасан, билмасдан одам ўлтириб қўйганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм этилган грек культуристи Андреас ва бошқалар бор эди.

— Шейн қани? — сўрадим мен. — Ҳа, айтгандай, Симоне-чи?

Ҳали сўраб улгурмасимданоқ, хонага Симоне учиб кирди. У асабийлашган ва ҳаяжонда эди.

— Алькапони Шейнни зўрлабди, — деб гап бошлади Симоне. У ховлиққанча, блокда бўлиб ўтган ноҳуш воқеани биродарларига етказмоқчи бўлди.

Мен шу захотиёқ камерамдан чиқдим ва коридор бўйлаб Шейннинг олдига югурдим. *Varianoslar* уни санитария замбилида олиб кетишяётган экан. Атрофда маҳбуслар тиқилишарди, мен дўстимга яқинлашиш учун, уларни итариб ўтдим. Шейн шок ҳолатида эди, тинмай титрарди. Унинг хуши жойида эмас эди. Йиртиб ташланган шим парчалари унинг тўпиқларида осилиб турарди, эгнидаги кўйлагига қип-

қизил қонга беланган, кўйлақдан полга қон оқиб, бир-пасда қизил кўлмак ҳосил бўлди. Қўллари ва оёқлари қонталаш, моматалоқ бўлиб кетган, кўкрагидаги кесилган жойлардан қон сизиб оқарди (шубҳасиз, лезвие билан кесилган). Унинг юзи эса...

— Ё Раббий, вой Худойим-эй, унинг юзи... — мен ғазабдан қутуриб кетдим. Ҳозирда замбилда ётган одамни, қачонлардир мен билган ёшгина йигит, ёқимли Шейн деб бўлмасди. Унинг юзини таниб бўлмас даражада расвоси чиқарилган.

Қаҳр-ғазаб бутун танамни ёндирди.

Бундай ҳолатга узоқ ойлардан бери тушмагандим, мен яна аввалги Тонига — қаҳри қаттиқ ва қутурган Тонига айландим. Менга энди ҳаммаси барибир эди. *Varianosлар* менинг дўстимни олиб кетишларига қараб турар эканман, мен албатта Алькапонини парча-парча қилиб ташлашга ўшанда онт ичдим. Қайтадан мен яна ўзимга жуда таниш бўлиб қолган металл таъмини сездим. Мен Алькапонининг қонини ичишга ташна эдим.

12 боб

Мен аччигимга чидамай деворни муштладим. Муштим деворнинг ичига кириб кетгандай бўлди. Деворнинг куруқ сувоғи тирсиллаб ёрилди ва полга тўкилиб тушди. Мен ўз камерам томон бурилганимда, мени ўраб турган маҳбуслар худди команда берилгандай, ҳаммаси четга чиқиб йўл берди. Мен ибодат қилолмасдим, чунки жуда баджаҳл эдим. Мен соатлаб коридорнинг у четидан-бу четига юравердим. Ва ниҳоят ўз камерамга кирдим ва ваҳшийларча калтакланган дўстимни — Масихдаги биродаримни ўйлаганимча, ҳолсизланиб полга йиқилдим. Мен бир неча кун Худо билан курашдим. Муқаддас Китобни ўқишни давом эттирдим, аммо ғазаб менинг кўзимни кўр қилиб қўйганди. Мен Худодан Шейн учун ўч олиш имконини тинмай сўрадим. Мен Алькапонини ўлдирishни хоҳлардим ва мен буни Худога очиқ-ойдин, дангал айтдим. Мен Алькапонини асло кечиролмайман... ҳеч қачон. Уни қутурган ит сингари ўлдирмаганимча, асло тинчимайман. Шейнга келсак, у энди ҳеч қачон ўзини тиклаб ололмаса керак, деб чўчирдим.

3май1990йилиўзҳаётимниИсогабағишлаганимда, мен ниҳоят эркин ва озод бўлдим. Аввалгидай қамоқхонада бўлсам ҳам, мен янги, рухий озодликка эга бўлдим. Бу озодлик, сўзсиз, жисмоний озодликка қараганда баланд эди. Бироқ, Алькапонига қарши

жанг қилишим шахсан мен учун бир нечта ниҳоятда муҳим сабоқ олишимга сабаб бўлиши мумкин. Тез орада мен яна, бу сафар қўрқиб ва титраб, ҳамма жойда ҳозир у нозир, мени ўзимдан яхши билгувчи қодир Худо олдида тиз чўкишим керак.

Мен Алькапонини пойлаб юрганимни ўзи биларди. Мен ва Алькапони ҳам иккимизни ўлимга олиб борувчи ўртамиздаги жангни қачон бўлиб ўтишини интизорлик билан кутардик. Ва бу тўқнашув қамоқхонанинг бўм-бўш ва қоронғу коридорида икки ҳафтадан сўнг юз берди.

Никосия Марказий қамоқхонасининг асосий биноси катта-катта тошлардан қад кўтарган эди. Бу қамоқхона усмонли турклар томонидан қурилган бўлиб, ўша вақтда уларни қамоқхонада жазо ўтаётган маҳбусларнинг соғлиги, хавфсизлиги ва умумий ҳаёт тарзи аслида ҳеч қизиқтирмаган. Бу ерда ҳеч ким яшамайдиган, ташландиқ ва хароба хоналар, хилват йўлаклар ва беркитиб ташланган эски ўтиш жойлари жуда кўп эди. Ҳозирда менинг қалбимни занжирбанд этган зулмат мени айнан шу ерга тортарди. Шундай ташландиқ жойларнинг қоронғулигига ва разолатига беркинганимча, мен ғазабим билан ўзим курашардим. Васвасани енгишга куч тополмай, мен жазо олиш режасини тузардим ва Алькапонини янчиб ташлашга ёрдам берувчи усулларни машқ қилардим. Тузилган режамда Худога ўрин йўқ эди. Мени қийноқ азобига солувчи жинлар билан ўзим яккама-якка қолдим.

Қабиҳ, уятсиз ҳақоратли сўзлар ва бақириқ бирдан кимсасиз коридорда акс садо билан жаранглади. Бундай ҳайқириқни эшитган ҳар қандай одамнинг юраги нақ ёрилиб кетарди. Зимзиё қоронғуликда Алькапонининг гавдаси кўринди. Аммо у менинг бу ердалигимни қаердан билиб олди экан? Ҳали ўйлаб улгурмасимданоқ, душман мени деворга ёпишти-

риб қўйди. Мен унинг кўзларига тикилиб қарадим ва ўч олиш имконияти пайдо бўлганидан ниҳоятда роҳатландим. Бундай имкониятни мен қачонлардан бери кутиб юардим. Мана Алькапонидан ўч олиш фурсати келди! Энди мен Шейн учун ўч оламан. Ҳозир мен бу ифлос, жирканч ҳайвонни парча-парча қиламан, унинг танасини тош деворга ишқайман. Оғзимда мен таниш бўлган металл таъми пайдо бўлди, мен унинг куйдирувчи заҳридан роҳатланардим. Ци қувватини тўплаб, мен шу заҳотиёқ вазиятни тўғри баҳолашга ҳаракат қилдим: кун-фу жанговар санъати усулига биноан мен рақибимнинг вазнини ва гавдасининг ҳолатини, унинг ҳаракатларининг эркинлигини ва координаталарининг барча имкон қадар ўзгаришини ҳисоблаб чиқдим. Ҳисобим тўппа-тўғри бўлиб чиқди. Алькапони менинг томоғимга бритвани тиради, аммо бу энди ҳеч нимани англатмасди. Ўлим ёки ҳаёт — мен учун энди барибир эди. Бироқ биринчи бўлиб ўлимни Алькапони қабул қилиши керак. Масала бошқа нарсада эди: Алькапонининг ўлимидан олдин унга қандай қилиб узоқроқ ва кўпроқ азоб-уқубат етказишим мумкин?!

Мен ниҳоятда унинг қонининг таъмини ҳис этгим келарди. Алькапонининг башарасига зарба беришга тайёр эдим: бурнини уриб қонатсам, кўзларини ўйиб олсам, тишларини битта қолдирмай қоқиб ташласам, қулоқларини тишлаб узиб олсам. Ҳа, Алькапонининг ўнг қулоғи оғзимга жуда яқин турибди-да...

Исо унга: — Дўстим, нима учун келдинг? — дейиши биланок, одамлар келиб, Исога қўллари билан ёпишганча Уни ушлаб олишди. Шунда Исо билан бирга бўлганлардан бири қиличини қинидан суғуриб, қулочкашлаб олий руҳонийнинг қаролига даст солди-да, қулоғини узиб ташлади. Лекин Исо унга: — Қиличингни жойига қайтариб қўй! Қилич кўтарган

бари қиличдан ҳалок бўлур. Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илтижо қилолмайманми? У Менга ҳозироқ ўн икки тумандан кўпроқ фаришталарни юбориши мумкин.

Матто 26:50–53

Яқиндагина, бугун эрталаб Гетсемания боғида Исонинг қўлга олиниши ҳақидаги Муқаддас Китоб ҳикоясини ўқиган эдим. Ҳозир аччиқ устида шу тарихни бирдан эсладим. Мен кун-фу жанговар санъати усулларига амал қилган ҳолда ци қувватини тўпладим, бироқ шу пайт Исонинг сўзлари миямда жангланганди. Унинг сўзлари шунақанги аниқ ва равшан эдики, гўёки Исо менга мурожаат қилаётгандай эди. «Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман... Мен йўлдирман... Мен йўлдирман... Мен йўлдирман...»

Алькапонининг девга ўхшаш башараси менинг қаршимда пайдо бўлиб кўзларимга тикилганда, мендаги қаҳр-ғазаб ҳамон қайнаб турган эди. Мен ундан келаётган шўрлашган тер ҳидини ҳис қилдим.

«Мен йўлдирман... Мен йўлдирман...» — ҳамон жангларди менинг миямда.

«Тони, ўйлаб қўйган ниятингни ҳозироқ амалга ошир! Мана унинг қулоғи, уни тишлаб узиб олгин! Башарасини дабдала қилиб ташла!» — деб таъкидларди менга тинмай инстинкт овози.

«Қилич кўтарган бари қиличдан ҳалок бўлур...»

«Шейннинг ўчини олгин... Нега ўйланиб тўхтаб қолдинг... Шейннинг ўрнига буни амалга ошир...»

«...Мен ҳақиқат ва ҳаётдирман...»

Тўсатдан, ўзим билмаган ҳолда мен гапириб юбордим. Мен ўзимни худди четдан эшитаётгандай эдим. Қаҳр-ғазаб ва қақшатқич ўч олиш ҳисси қаергадир йўқолди–қолди. Мен гапириб юборганимдан кейин Алькапони қонининг таъмини англаш истаги ғойиб бўлди. Бирдан мен ўзимни хотиржам сездим. Ҳайрон қоладиган нарсаси шуки, менга ҳамла қилмоқчи бўлган

душманим мени сиқиб олганича, оғзимдан чиқаётган сўзларнинг кучидан дол қолди:

— Раббий Исо Масих номи билан сенга амр қиламан — мени тинч қўйгин!

Кейинги лаҳзаларда мени сиқиб турган катта-катта қўллар беҳосдан кучсиз бўлиб мени қўйиб юборди, мен секингина тош девордан сирпаниб тушиб, чўккалаб ўтирдим. Тирсакларим билан тиззаларимга суянганимча, иккала кафтим билан бошимни қаттиқ сиқиб олдим. Алькапони менинг ёнимдан жимгина узоқлашиб кетди. Мен унинг қайтиб келишини кутиб ўтирардим. Аммо дақиқалар кетидан дақиқалар ўтди, у ортга қайтмади. Мен ҳайрон бўлдим ва таажжубландим. Аста-секин мен ўзимга кела бошладим. Раббий ажойиб тарзда менга намоён бўлди. Гарчанд мен Унга илтижо қилмаган бўлсам ҳам, У менинг жонимни ва соғлиғимни омон сақлаб қолди. Мен ўшанда Ундан ҳеч қандай ёрдам сўрамагандим, аммо Раббий мен айтган сўзларни дилимга жо қилди. Нималар юз берганини тушуниш учун мен ҳаммани жамламоқчи бўлдим. Мен ўз ҳаётимни Худога топширдим ва Унинг ўғли бўлдим. Ёрдам беришга менинг илтижо қилишимни У кутиб ўтирмади: Унинг Ўзи ўртага тушиб, хоҳлаш ёки хоҳламаслигимга қарамай, мени қутқарди.

Мен юз берган ҳодисадан ниҳоятда ҳайратландим. Худо Ўғлининг кучи ва қудратини шахсан кўриб, ҳаворийлар бунга амин бўлганлар. Ҳаворийлар Фаолияти Китобининг биринчи бобида ҳикоя қилинишича, Исонинг шогирдлари Унинг амрига биноан Қуддусда қолганлар ва ваъда қилинган Муқаддас Рух куч-қудратини кутганлар. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...Исо уларнинг кўз олдида осмонга кўтарилди. Уни булут қоплаб, кўздан ғойиб бўлди. Исо кўтарилаётиб, ҳаворийлар осмонга тикилиб турган пайтда, оқ кийим кийган икки зот уларнинг ёнида пайдо бўлди...» Кимсасиз қоронғу коридорда, ме-

нинг тепамда Худо пайдо бўлди, ҳар тарафдан мени қўлтиқлаб, тепага кўтараётган фаришталарни кўргандай бўлдим.

Буюк ва муқаддас Худо кучи бошчилигида бўлиб, мен астагина асосий блокка кириб бордим. Худонинг бу кучи сезиларли даражада салмоқли эди. Бўлиб ўтган воқеадан мен қойил қолдим. Алькапони билан инглизча гаплашганимни аниқ эслайман, модомики у она тили бўлмиш грек тилида бу ваҳший зўрға гапирарди, инглиз тилида бўлса Алькапони олдинлари бирорта сўз ҳам айта олмасди! Ўз камерамга кириб келганимдан кейин нигоҳимни деразадаги хоч каби турган панжарага қаратдим. «Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман...». Мен ушбу сўзларни қайта-қайта такрорладим. На ци қуввати ва на кун-фу жанговар санъат усуллари менинг ҳаётимни сақлаб қолмаганлигини тушунардим. Исо Масих ва Худо менга берган ишонч мени хавф-ҳатардан омон сақлаб қолди. Шундай қилиб, Раббий менга илк бор ишонч сабоғини берди. Бу сабоқ шу қадар яққол эдики, мен уни бир умрга эсда сақлаб қолдим. Кун-фу жанговар санъати орқали шон-шуҳратга эришиш йўлига чек қўйиб, Худонинг раҳнамолигига тўлиқ ўзимни бағишлашим кераклигини мен энди тушундим.

Узоқ йиллар давомида мен бу ҳолатни ҳаётимдаги бурилиш нуқтаси сифатида эслаб юрдим. Кўпинча одамларнинг шундай деганини эшитиб қолиш мумкин: «Ибодат ёрдам беради», аммо мен бунга қаршиман. Ибодат эмас, Худо ёрдам беради. Марк баён этган Муқаддас Хушхабарнинг ўн биринчи бобида Исо ҳақиқий ибодатнинг ва Худога бўлган ишончнинг сирини қуйидагича тарзда изоҳлаб беради: «Худога ишончингиз бўлсин. Сизларга гапим шуки, агар ким бу тоққа: «Қўпорилиб, денгизга отил», — деса-ю, ўз қалбида шубҳаланмай, айтгани бажо келишига қаттиқ ишонса, айтгани бўлади. Бинобарин, сизларга айтаман: сиз ибодатда нимаики сўрасан-

гиз, олишингизга ишонинглар ва эришасизлар». Алькапони билан жангда мен фақат ўзимга ишонганман. Ва мен уни ўзим ўрганган усуллар ва кўникмалар ёрдамида мағлуб қилишим мумкин эди, аммо Худо Ўзининг кетидан боришга мен аҳд қилганимни инобатга олди. Зиддиятли ҳолатда, яъни мен ёвуз душман билан яккама-якка жангга отланганимда, У менга ўзимнинг заифлигимни тан олишим учун куч ато қилди ва фақатгина Унга ишонишимга даъват этди.

Хитойдаги қариндош-уруғларимга Масих орқасидан боришга аҳд қилганимни албатта айтиш вақти келганлигини мен ўшанда тушундим. Қабул қилган қарорим ниҳоятда жиддий эканлигини мен тўлиқ тушунган ҳолда, Лоусига хат йўлладим. Кун-фу жанговар санъатини инкор этиб, мен бобом билан тузган аҳдни буздим, ота-боболаримнинг меросидан ва кун-фу санъатининг қадимий йўлини асраб-авайлашга берган ваъдамдан воз кечдим. Лоуси мендан ҳеч қандай тушунтириш талаб қилмасдан, ўзимнинг янги, мени қутқарувчи ишонч ҳақида унга айтишим биланоқ, мени тўғри тушунади деган умидда эдим. Бироқ қалбимнинг тубида шундан кейин нима-лар юз бериши мумкинлигини яхши тушунардим. Менинг бошим учун, ўйлашимча, мукофот белгиласалар керак ва мени, то ушлаб танамдан бошимни жудо қилмагунларича, таъқиб қилиб юрсалар керак. Мен буни олдин ҳам билганман. Қадимий анъаналар руҳида тарбияланган ва шу йўлдан юриб шон-шуҳрат поғонасига кўтарилган, охир-оқибатда қадимий урф-одатлардан воз кечиб, олдинги мақсадидан қайтган кун-фу жанговар санъатининг ҳар қандай жангчиси, шубҳасиз, жавобгарликка тортилади ва жазо олади. Менинг қабиладоларим катта оилавий кенгашга тўпланишиб, албатта мени бундай йўлдан қайтаришга уринишларини, менинг янги эътиқодимдан воз кечтириб, улардан кечирим сўрашга мажбур қилишларини ҳам билардим. Сўнгра улар менга спарринг-рақиб

танлайдилар, токи жангда мен яна бир бор кун-фу жанговар санъатида эришган ютуқларимни ва салоҳиятимни тасдиқлашим лозим. Мабодо мен жанг қилишдан воз кечадиган бўлсам, мени албатта ахтариб топадилар ва эҳтимол, ҳаттоки ҳаётим эвазига уларга бўйсунишга мажбур қиладилар.

Лоусидан хатимга жавобни бир неча ҳафта кутишимга тўғри келди. Бу хат жияним Си Куон томонидан ёзилганди. Унинг хат ёзиш усули бениҳоят совуқ ва шиддатли эди. Си Куоннинг ёзишича, бизнинг бобомиз вафот этибди. Лоуси тўқсон беш ёшга кирган экан. Жиянимнинг хатига кўра, мен бобомнинг дафн маросимига келмаганим ва ўз авлод-аждодларимнинг хотирасини ёд этмаганим туфайли, қадимий Су сулоласи аъзоларига иснод келтирибман. Хатда айтилишича, у оила аъзолари номидан янги масиҳий эътиқодидан воз кечишимни ва ота-боболаримнинг муқаддас меросига қайтишимни талаб қилади. Ахир, мен бундан буён Чжон Лин Су авлодининг ягона давомчисиман ва оила шаънини мен ҳимоя қилишим керак экан. Юқорида айтиб ўтганимдек, агар мен уларнинг шартларига рози бўлмасам, мендан албатта ўч олишлари ҳақида мактубнинг сўнгида ёзилган.

Бобом Лоусининг ўлими ҳақидаги хабар мени ганиб қўйди. Мен нималарни ўйлашни ҳам билмасдим. Ҳаётимнинг узоқ йиллари мобайнида мен бобомни жуда ёмон кўргандим, шундай бўлса-да, у менинг қалбимда улкан из қолдирди. Айнан бобом менда мустақилликни тарбиялади. Унинг ўлими билан биргаликда нимадир мендан абадий кетганлигини мен эндигина тушундим. Қолаверса, хитой қариндош-уруғларим томонидан қўйилган талабларни инкор этгудек бўлсам, мен улар билан алоқамни абадий узишимга тўғри келади. Бу нимани англатиши мумкин? Мен доимо кўрқиб-писиб яшашим керак бўладими? Мендан ўч олиш мақсадида қариндош-уруғларим эҳтимол, «Триада»дан қотилларни ёллашлари мум-

кин. Бу — биринчидан. Иккинчидан, менинг янги ҳаётим, менинг ишончим ва Худованднинг ҳимояси бобом Лоусининг ҳамма ўргатганлари олдида реал ва салмоқли эди. Ҳаммаси орқада қолди, йўллар ёпилди, энди ортга қайтиб бўлмайди! Хаёлан мен бобомнинг очиқ юзини тасаввур қилишга ва у билан биргаликда ўтказган ажойиб лаҳзаларни — сўнгги йилларда унга бўлган иззат-ҳурматимни эслашга уриниб кўрдим. Аммо менинг қалбимда бирор нарса миқ этмади.

Алькапонининг мендан қочиб кетганлиги ҳақидаги шов-шувлар, шунингдек, мен кун-фу жанговар санъатидан воз кечганлигим ҳақидаги гаплар ҳам бизнинг блокимизга зудлик билан тарқалибди. Манъяклардан баъзи бирлари юз берган воқеалардан фойдаланишга ҳаракат қилиб кўрдилар, аммо Худо сўзсиз мени ажойиб тарзда ҳар гал ҳимоя қиларди. Шу билан бир вақтда, ўйлашимча, мен кўплаб ақли расо маҳбусларнинг ҳурмати қозониб, уларнинг ишончини оқлагандай эдим. Менинг хулқ-атворимдаги ўзгаришлар, бир тарафдан, нафақат яққол намоён бўларди, балки иккинчи тарафдан, катта қизиқиш уйғотаётгандай эди.

Бир неча йил олдин Чикаго газеталари бир ўспирин югурдак бола ҳақидаги ҳикояни эълон қилган эдилар. Хитой ресторанида ишловчи югурдак бола-ни беш юз долларни майдалаш учун банкка юборадилар. Ресторанга икки юз эллик долларли чақа ва яна шунча миқдордаги бир долларлик қоғозлар зарур бўлиб қолди. Кассир аёл бир қанча юз долларлик қоғозларни олди ва болага янглишиб икки юз эллик долларлик тангаларни ва йигирма беш минг доллар қоғоз пулни бериб юборади.

Шубҳасиз, ўспирин кассир аёлнинг янглишганини дарровдангина сизди, аммо ғойибона пайдо бўлган даромад ҳақида ҳеч кимга лом-лим демади. Катта пулга эга бўлган бола банкдан чиқди ва пулларни бир

қариндошининг уйига беркитиб қўйди. Сўнгра ҳеч нарса юз бермагандай икки юз эллик долларли чақани ва шунча пулни олиб ресторанга қайтиб келди.

Камомадни сезган кассир аёл икки юз эллик долларли пулларни бериб юборган одамнинг ташқи кўринишини ҳеч эслай олмади. Бироқ ўша йигитдан нималарнинг ҳиди узоқдан келиб турганлигини кассир эслай бошлади! Бола хитой ресторанида ишлашини аёл ундан келаётган хиддан сезди. Кассир нафақат ўша ҳидни сезди, балки болани айнан хитой ресторанида ишлашини аниқлади. Полицияга мурожаат қилган аёл югурдак боланинг иш жойини ва ўзини топди. Болани шу заҳотиёқ ишдан бўшатишди, пуллар ўз эгасига қайтарилди.

Муқаддас Китобни ўқий турганимда мен шу воқеани эсладим. Исо Масих кетидан бориш нимани англатади? Ҳаворий Павлус шундай ёзади: «Биз халос бўладиганларнинг ҳам, ҳалок бўладиганларнинг ҳам орасида Худо шаънига таралаётган Масихнинг хуш хидимиз...» (2 Кор. 2:15). Ҳаворий гапираётган хуш хидни бурун билан сезиб бўлмайди. Бу шундай туйғуки, у билан барча одамлар кун бўйи у ёки бу тарзда дуч келишлари мумкин.

Аслида, ҳид — фаолиятнинг қўшимча маҳсулотидир. Кун-фу жанговар санъати асосларини эгаллаш мақсадида машқлар қилиш жараёнида доимо мenden тер ҳиди келиб турарди. Саримсоқ пиёзни ейишни яхши кўрган одамдан саримсоқ пиёз ҳиди келиб туради. Агар сиз атир сепишни ёқтирсангиз, атрофингиздаги одамларга сиздан атир ҳиди таралиб туради. Худди шу сингари, агар сиз Исога хизмат қилсангиз ва буни севги ҳамда итоат руҳида амалга оширсангиз, сиздан Исо Масихнинг хуш ҳиди таралиб туради.

Хар куни мен янгидан-янги маҳбуслар билан мулоқотга киришардим ва шу жумладан, ҳаттоки баъзи бир *varianos*лар билан ҳам. Кўпчилик менинг ҳузуримга ўз муаммолари ва дардлари билан келарди.

Кимдир қоқилиб, ҳаёт деб аталмиш катта араванинг гилдираги тагига тушиб наркоман бўлиб кетса, яна кимлардир оиладаги муаммолар туфайли боши берк кўчага кириб қолиб, ҳақиқат йўлидан чиқиб кетарди. Шундай одамларга ёрдам бериш мақсадида мен донишмандликни ўрганардим. Бу эса ўз-ўзидан мўъжиза эди. Биз кўпчилик бўлиб Муқаддас Китобни биргаликда ўқирдик. Мен уларга Муқаддас Ёзув орқали бизларнинг ҳар биримиз билан Худо яккама-якка гаплашаётганини тушунтириб берардим. Бизнинг жамоатимизга қўшилган ҳар бир янги маҳбусни мен Майкл Райт билан учрашишга маслаҳат берардим, ахир, у қачонлардир менга ҳам ёрдам берган, шу сингари, албатта барчага ёрдам қўлини чўзишга менинг ишончим комил эди.

Кунларнинг бирида мен Майкл Райтдан мактуб олдим. Ушбу хат менга шум хабарни келтирди. Мактубда айтилишича, бундан буён Майклнинг маҳбуслар билан учрашиши қамокхона раҳбарияти томонидан чиқарилган қарорга биноан таъқиқлаб қўйилибди. Ўша пайтга келиб Майкл мунтазам равишда эркаклар блокадаги ўнта *fylakismenosлар* билан учрашиб турганди, унинг жамоатининг бошқа аъзолари эса тез-тез келиб, аёллар блокадаги маҳбусларнинг ҳолидан хабар олардилар. Майкл — раҳнамо, бизнинг ҳаёт йўлимизга айланиб қолган эди. Хатнинг мазмунига қараганда, у бизни сабр қилишга даъват этаётган бўлса-да, хафа бўлгани яққол билиниб турарди. «Ибодат қилишни канда этманглар, — деб ёзарди Майкл, — Худо маълум вазиятлар орқали нимага эришмоқчи бўлаётганингизни англаб етишга ҳаракат қилинглар. Унинг иродаси туфайли менга сизлар билан яна ишлаш учун ижозат беришлари учун ибодат қилинглар». Майкл бизларга ёрдам берар экан, бундай ишга ўзини тўлиқ ва батамом бағишларди. Ҳар гал бирор бир кимса билан учрашиш учун у отланганда, иссиқ жазирамада икки соат йўл юришнинг ўзи Майклага

жуда оғирлик қиларди. Кўпинча орқага қайтиб кетаётган Майкл чарчаганидан йўлнинг четида тўхтарди, машинадан тушиб очиқ ҳавода бирозгина ўтирарди. Ҳар бир учрашувдан сўнг маҳбусларнинг оғир ҳаётига, уларнинг ғам-ғуссасига шерик бўлган Майкл икки букилиб кетарди. Шундай бўлса-да, Худога бўлган ишончдан қувват олаётган Майкл ҳеч қачон ўзгаларга хизмат қилишдан бўйин товламаган.

Ўз ҳаётим учун мен Майклдан ниҳоятда қарздорман. Агар у билан учрашмаганимда эди, мен ҳеч қачон Исо Масиҳнинг Хушхабари ҳақида эшитмаган бўлардим. Майклнинг мактубини ўқиб бўлгач, мен бир гуруҳ масиҳийларни тўпладим. Биз оқшом зиёфатини ўтказдик, келтирган қурбонлиги учун Исо Масиҳга шукроналар айтдик. Сўнгра ҳаммамиз мук тушдик ва Майкл бизнинг қамоқхонамизга хизмат қилишга қайтишини Худодан илтижо қилиб сўрадик.

Ўша кунги ибодатдан икки кун ўтгач ва *chowishi* билан кўришиш мақсадида қамоқхона раҳбариятига қилган мурожатимдан сўнг, мени Майкл билан учрашиш масаласида чақиртиришди.

— Тони, менга сен тўғрингда фақат яхши гапларни етказишмоқда, — деди *chowishi*. — Ҳамма *varianosлар* Тони Энтони нақадар ўзгариб кетганлигини менга таъкидламоқдалар.

— Ҳа, мен энди масиҳийман.

— Яъни «юқоридан туғилгансан» — сизларда шундай деб айтиладими? — *Chowishi* қўллари билан алланималарни кўрсатди ва жилмайди.

— Худди шундай, — жавоб бердим мен.

Мен унга кўп нарсаларни сўзлаб бермоқчи эдим, аммо у мен билан сичқон-мушук ўйнарди. У мени тўрга илинтирмоқчи эканлигини мен жуда яхши тушуниб турардим.

— Жаноб бошлик, — деб гап бошладим мен грек тилида, — Майкл Райт билан бўлиб ўтаётган учрашувлар жуда кўплаб маҳбусларга ёрдам бермоқда.

Chowishi даструмолчаси билан пешонасидаги терни артди ва гапни давом эттиришимга ишора қилди.

— Менинг ишончим комилки, *varianosлар* Б блокида тинчлик-хотиржамлик ўрнатилганини сизга етказганлар. Маҳбуслар сизларга бошқа ҳеч қандай зиён етказмаяптилар. Камераларда зўрлаш ёки муштлашиш ҳолатлари бошқа юз бермаяпти.

— Ҳа Тони, худди шундай. Бу тўғрида менга мунтазам равишда ахборот бериб турибдилар...

— Унда сиздан илтимос қиламан, Майклга маҳбуслар билан учрашиб туришга ижозат беринг, — дедим мен. Ичимда *chowishining* юрагини юмшашишни Худодан илтижо қилдим.

Икки ҳафта ўтгач, *fylakiga* киришга Майкл яна рухсат олди. Бизнинг илтижоларимизга ижобий жавоб келганлиги учун биз Худога шукроналар айтдик. Қолаверса, маҳбуслар билан учрашиб туришга рухсат олган Майклга қамоқхона кутубхонасига кириб, у ерда маҳбусларга Муқаддас Китобдан машғулотлар ўтказишга ижозат берилди. Бундай машғулотларда Ричард Нокс ҳам ўз чолғу трубаси билан иштирок этарди. Биз унинг жўрлигида турлича гимн ва саноларни куйлардик. Мен ҳеч қачон бўлиб ўтган ўша учрашувларни эсимдан чиқармайман.

Бироқ шуни ҳам тан олиш керакки, бундай учрашувлар жуда қимматга тушарди. Менга белгиланган уч йиллик қамоқ жазосининг икки ярим йили ўтди. Мени амнистияга биноан муддатидан олдин озод қилишлари мумкинлигини ҳамма ўйлаб юрарди. Шундай қилиб, мен яна *chowishi* хузуридаман.

Унинг юзида менга таниш бўлган айёр, муғомбир жилмайиш.

— Тони, менга ҳалигача сен тўғрингда жуда яхши хабарларни етказишмоқда. Маҳбуслар сизларнинг Майкл Райтларинг билан учрашишлари мумкин.

— Ҳа, жаноб бошлиқ, сиздан миннатдорман. — Қизиқ, нега бошлиқ мени озод қилиш ҳақида эмас,

балки Майкл Райт тўғрисида гапирмоқда? — Жаноб бошлиқ, — деб гапни бошқа мавзуга бурдим мен, — айтинг-чи, мени амнистия қилиш тўғрисидаги қарор қачон чиқиши мумкин? Мен буни анчадан бери кутиб юрибман. Наҳотки мен амнистия қилинганлар рўйхатида йўқман?

Chowishi заҳархандалик билан тиржайди.

— Менинг сенга нисбатан муносабатларим жуда яхшилигини ўзинг биласан. Мана, воиз Майкл Райт билан бемалол учрашишларингга ижозат бердим, бироқ... — Шу ерда *chowishi* жим бўлиб қолди. Балки у мендан миннатдорчилик билдиришимни кутгандир. Мен эса индамай унга қараб туравердим. — Ўзингдан қолар гап йўқ, ҳукуматнинг сенга нисбатан ўзгача муносабатини яхши биласан.

— Жаноб бошлиқ?

— Сенинг Муқаддас Китобдан бераётган сабоқларинг... Сен бидъатни тарқатиб юрибсан, шунинг учун ҳам амнистияга тушмадинг. Уч йиллик муддатни соатидан соатигача қамоқхонада ўтайдиган бўлдинг.

Албатта, мен хафа бўлдим, бироқ бунинг ажабланидиган жойи йўқ эди. Грек православ жамоати томонидан менга нисбатан билдирилаётган таҳдид ҳақида Майкл аллақачон мени огоҳлантирган эди. Православ жамоатнинг *fylakida* нуқтаи назари етарли даражада мустаҳкам эди. Аммо мен аччиғланмаслигим керак — бу масиҳийга хос хислат эмас. Қамоқхона — «ҳосили мўл бўлган жой», бу ҳақда Раббий айтган. Худога хизмат қилиш бу ерда мўл-кўл, шунинг учун Майклга ҳам бу ерга киришни исталган пайтда таъқиқлаб қўйишлари мумкин эди.

Ҳар куни эрта тонгдаги сокинликда мен Худо билан сўзлашардим. Кўплаб маҳбуслар учун ибодат қилардим, қолаверса, мен уларнинг номларини имкон қадар бирма-бир айтиб чиқардим. Баъзи бир ибодатларга Раббий жуда секинлик билан жавоб беради, аммо менинг қалбим кундан-кунга янада кўп-

роқ Уни кўмсарди. Юзлаб, минглаб маҳбуслар нажот истардилар. Вақти-вақти билан азоб-уқубатлар ва дилдаги хасталиклар ҳақида ўйлар эканман, мен худди юрак ўйноғидан олдин кўкракни сиқиб турувчи оғриқни ҳис қилардим. Айнан азоб-уқубатлар оддий одамларни қотилларга, маньякларга ва зўравонларга айлантирарди. Бу ерда, Никосининг Марказий қамоқхонасида разолат, ифлослик, пасткашлик, фисқи-фужур, инсоний бузуқлик орасида умидсизликка тушган, чиндан ҳам гуноҳга ботган ва қийналган одамлар сақланарди.

Қамоқхонанинг ичида дурадгорлик устахонаси ва типография цехи бор эди. У ерда ниҳоятда қобилиятли ва юқори малакали маҳбуслардан бир гуруҳи ишларди. Орамизда ишёқмаслар йўқ эди, ҳаммамизга ўз қобилиятимизга яраша иш топиларди. Менга йиғиштир-териштир ишларини ва овқат тарқатишни юклатишган. Орамизда жуда ювош, мўмин-қобил Газанта исмли бир араб бор эди. У дурадгорлик хонасида устачилик қиларди.

— Ҳа, Тони, биродарим! Келавер! Мана бу ерга ўтир, — деб кутиб олди у мени ўтиришга жой кўрсатар экан. Хурсандлигидан оғзи қулоғида эди. — Одатдагидай соқолингни олиб қўяйми?

— Ҳа дўстим, бугун мен ботирман, аммо барибир бритвангга эҳтиёт бўлгин.

— Ахир ўзинг биласан—ку, бутун Никосида мендан зўр сартарош уста топа олмайсан.

Биз кулиб суҳбатлашардик, бу орада Газанта ўз ишига киришди. Олдимда осилган кичкинагина дарс кетган ойнадан орқада юмалоқ арра билан ишлаётган маҳбуслар кўриниб турарди. Устахона жуда шовқин эди: дастгоҳлар ишлаб турарди, одамлар бир-бирлари билан гаплашардилар, қўшиқ қуйлардилар. Менинг диққатимни кичкинагина бир йигитча — Кириакос исмли грек ўзига тортди. У циркулятор арранинг айланишини томоша қиларди. Бироз

вақт мен уни кузатиб турдим. У айланаётган аррага тикилганича, қотиб қолганди. Ҳамма ўз иши билан машғул бўлиб, ҳеч нимани кўришмасди. Газанта тинмай гапирарди, бироқ мен безовталана бошладим. Мен Кириакосдан кўзимни узолмасдим. Не кўз билан қарайки, у секингина қўлини катта тезликда айланиб турган аррага яқинлаштирди. Ўткир тишли арра шу заҳотиёқ бирин-кетин унинг бармоқларини чўрт этиб кесиб ташлади. Бармоқлар қонга бўялиб полга тушди. Кириакос ҳеч бир овоз чиқармади, енгилгина сесканди, холос. Мен шиддат билан креслодан турдим ва унинг олдига учиб бордим.

Менинг безовталанган ҳаракатимни кўриб, қолган ишчилар ҳам ўз ишларини тўхтатдилар. Нима юз берганлигини кўрган кўплаб араблар ва греклар дод-вой солиб бақира кетишди ва эгниларидаги кийимларини йирта бошладилар. Кириакос панжасиз қўлини тепага қўтарганича, қимирламай, ҳушини йўқотгандай турарди. Циркуляр арра ҳаммани қонга белаб, тинмай чийиллаб айланарди. Тўс-тўполон. Қий-чув. Тартибсизлик. Ваҳима. Нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмасди. Кириакоснинг кўзларидан ёшлар оқди, у инграб юборди, оёқларининг мадори қуриб тош ерга секин чўка бошлади. Дурадгорлик устахонасида навбатчилик қилаётган *chowishi* эпчиллик қилиб уни тутиб қолди ва зудлик билан ёрдам чақирди. Тўс-тўполонда Кириакоснинг бармоқларини топиш мақсадида, мен қонга беланган қипиқларни тита бошладим.

Шуни айтиш керакки, жуда нохуш ҳодиса юз берди. *Fylaki* ҳар қандай одамни ақлдан оздириши ҳеч гап эмас. Кириакосга, сенинг хотининг ўзга эркак билан хиёнат қилди, деб айтишибди. Бундан ташқари, уни яқиндагина баъзи бир имтиёзлардан маҳрум қилибдилар: ундан бўёқ ва қоғозларни тортиб олишди. Буларнинг ҳаммаси уни руҳан эзибди ва Кириакос қийинчиликларга бошқа бардош бера олмади. Шунга

ўхшаш ваҳимали ҳодисалар — маҳбуслар ўзларини ўзлари майиб-мажруҳ қилиш ҳолатлари қамоқхонада тез-тез юз бериб туради.

Аслида қамоқхонада зўрлик қилиш — оддий ҳол бўлиб қолган. Аммо мен қон тўкилишлардан ва олдинлари ҳеч қандай эътибор қаратмаган даҳшатли манзаралардан тўйганман. *Fylaki* — бу эмоционал рухий ҳис-туйғуларга ва портловчи моддага тўла ўчоқдир. Оддий хафагарчилик мудҳиш воқеаларнинг сабабчиси бўлиб қоларди. Нима юз берганлигини ҳали тушуниб етмасингиздан, блокда гумбирлаб портлаш юз берарди — шиддат билан уруш-жанжал муштлашишга айланиб кетарди. Шундай пайтларда мен индамай камерамга кириб кетардим ва беркиниб ўтирардим. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, аччиғимни чиқарган маҳбусларни мен эзиб, тилка-пора қилиб ташлаганман. Ҳамма маҳбуслар шундай қилардилар. Улар учун муштлашиш — кескин вазиятни юмшатиш усулига айланиб қолган. Шунга ўхшаш тўқнашувлар қон тўкилиш билан якун топарди. Шунинг учун мен қандай йўл тутишни яхши билардим, хусусан, турли жанжал ва муштлашишларга мен асло қўшилмасдим.

1992 йилнинг ёзи ниҳоятда иссиқ, жазирама келди. Бу эса ўз навбатида ҳолдан тойган маҳбусларнинг кайфиятини янада оғирлаштирди. Одамлар бўлар-бўлмасга асабийлашиб, арзимаган нарсадан катта тўс-тўполон кўтарардилар. Баъзи бир маҳбуслар атайлаб жанг қилиш учун бир-бирларини менсимай, дарровдангина муштлашиб кетардилар, жумладан, фаластинликлар ва греклар ўртасида тез-тез тўқнашувлар юз бериб турарди. Шундай тўқнашувлардан бирида кўплаб қурбонлар бўлди. Шундан кейин жанг қилувчи фракциялар одатга кўра бир-биридан ажратиб қўйилди. Кунларнинг бирида бир кишилик камерада ўтирган фаластин дўстларимга озиқ-

овқат олиб бордим ва баҳонада улар билан суҳбатлашдим.

— Тергов ишлари бошланди, — деб пичирлади менга Иэн Дэвидсон унинг олдига *Lamarinani* етаклаб келганимда.

Ўша кuni қамоқхонада «тўғри» назоратчилар навбатчилиқ қилишарди. Улар бизни яхши билганлари учун бўлар-бўлмасга безовта қилмадилар.

— Нима юз берди? — сўрадим мен.

— Греклардан кимнидир ўлдириб қўйишларига сал қолибди. Айтишларига қараганда, жароҳати оғир экан, тирик қолмайди дейишмоқда.

— Ҳа, шундайми?! Олдинлари ҳам шундай тўқнашувлар юз бериб турарди-ку, нега бундай тўс-тўполон кўтаришяпти?

— Пичоқланган йигит жуда катта одам эмиш. Ўйлашимизча, қандайдир сиёсатчи экан.

Мен Иэнга ҳиди бошқачароқ пиширилган тухум ва бир тарелка эскирган помидорларни узатдим.

— Бундай ачиган ва эскирган озиқ-овқатни қачонгача еймиз, Тони? — деб жилмайди Иэн.

— Сиз хоҳлаган паштет ва пивога буюртма бериб қўйдим, эҳтимол, эртага олиб қолсангиз керак, — дедим мен ҳам ҳазиллашиб.

— Бу ерда иккита репортёр юрганини эшитдингми?

— Ҳўш, кейин-чи?

— Улар ўзларини қандайдир мансабдор шахс қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар, аммо ҳеч ким ишонмади.

— Йўғ-э... Озодликдагилар ҳали ҳам бизнинг ҳаётимиз билан қизиқаётганликлари ёмонми?

— Умуман олганда — яхши, лекин конкрет ҳолатда — йўқ. Бизни умуман эсдан чиқариб юборсалар яхши бўларди. Исм-шарифимизни газеталарда босиб чиқаришлари ҳеч керак эмас-да.

— Уларга интервью берувчилар топилмади-ку?

— Шов-шувларга қараганда бир сотқин чиқибди-ку. Кимлигини билсак яхши бўларди-да...

Variano биз тарафга қараб юрди.

— Ошна, вақт тугади, — дедим мен *Lamarinани* буриб. — Биродар, яхши қолгин.

— Жон Смитнинг паштети ва пивоси энг зўрлигини эсингдан чиқармагин, Тони! — деди менга Иэн кўз қисиб.

Бир неча кун ўтгач, мен Иэннинг издоши Адлига тушлик олиб бордим ва у билан пичирлаб гаплашдим. У фаластинликларнинг бошлиқларидан бири. Адли ўз вақтида Ясир Арофатнинг тан кўриқчиларидан бири бўлган ва Фаластинни озод қилиш Ташкилотининг кўзга кўринган ва ҳурматга сазовор аъзоси эди. Бундай одам билан сирлашиш жуда хавфли бўлса-да, мен у билан ниҳоятда яқин эдим. Мен унга тушлик овқатини бергунимча, Адли бир парча қоғозга нималарнидир ёзди. Сўнг хатни эшик тирқишидан узатди ва менга тикилиб қаради.

— Тони, мана шу, — деди у атрофга олазarak бўлиб.

— Нима?

— Сотқин. Яна фаластинликмиш, — тупурди Адли.

— Қанақасига фаластинлик?

— Мана шунақа... — Адли менга пичирлаб гапирди. — Фақат сотқин бизнинг командамиздан эмас. — У бармоғи билан чаккасини айлантирди ва Никосидаги Марказий қамоқхонада ётган сотқин жинни эканлигини, бундай одам Фаластинни озод қилиш Ташкилоти аъзоси бўлмаслигини айтди.

— Бу вайсақини ҳамма ёмон кўради, Тони. Биз уни гумдон қилишимиз керак, тушунаясанми.

— Адли, сен жуда яхши биласан, ахир, мен...

— Жим бўл, Тони, — гапимни бўлди Адли. — Биз ахир дўстмиз-ку. Бу ерда ўтирар эканмиз, ҳаммамизнинг қўл-оёқларимиз бир-бирига боғланган! Сотқиннинг эса бир адабини бериб қўйишимиз лозим...

Бахтимга *varianos*лар овқатни тарқатишни тезлаштиришни буюрдилар. Хатни дарров чўнтагимга беркитдим ва Адлига қарамасдан *Lamartinani* ошхона томонга етакладим. Мен хатдаги исмга қарамадим. Бу хатни тўғридан-тўғри ёқиб юбордим.

Сотқиндан ўч олишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Аммо кўпчилик айнан ўч олиш истагида эканлигини мен билишим керак эди.

Бир неча кун ўтгач, мен қамоқхонанинг ички ҳовлисида айланиб юргандим. Бирозгина салқин тушган. Икки ойча жазирамадан кейин ҳавонинг салқин томонга ўзгариши одамга ҳузур бағишларди. Менинг ёнимдан икки фаластинлик — Ҳусайн ва Юсуф ўтиб кетишди. Мен уларга эътибор бермадим. Улар менга салом бердилар. Мен алик олиб жилмайдим ва ўз йўлимдан кетавердим. Қайтаётиб мен яна Юсуф ва Ҳусайнга дуч келдим ва турган жойимда қозикдай қотиб қолдим. У нима қияпти? Маҳбуслардан ёшроғи ўзининг камерадошини сочидан чангаллаб, суянчиғи бор темир курсига кўтариб отди. Кейин тагига босиб олиб, юзига ёпишди. Унинг қўлида бритва борлигини кўриб, юрагим орқамга тортиб кетди. Бир лаҳзага мен данг қотиб қолдим. Шу вақт Ҳусайн, ҳа-ҳа, айнан Ҳусайн пичоқ билан пишлоқни тишлам-тишлам қилиб кесгандай, бечора Юсуфнинг юзини бритва билан ваҳшийларча кеса бошлади. Юсуф бўлса бақириб, ёрдамга чақирарди ва тинмай типирчиларди. Қон фаввора каби иккисини ҳам қизил рангга бўяди.

— Тўхта! Бас қил! — деб бақирдим мен ва улар томонга ўзимни отдим. Мен уларнинг олдига борганимда, Ҳусайннинг қораси ҳам йўқ эди. Юсуф хушсиз, курсида қонга беланганча, чўзилиб ётарди. Унинг юзи қизил ранг бўёқдан бир челақ қуйиб юборгандай эди. Мен Юсуфни кўтариб, секингина полга ётқиздим. Кўйлагим билан сал қонларни артиб қарасам, нафас олмаяпти. Шу заҳоти биринчи тиббий ёрдам кўрса-

тиш машғулотилари эсимга тушди. Юсуфнинг юзи шунчалик бадбашара қилиб ташланган эдики, аранг оғзини ахтариб топдим. Бошини орқага қилиб бурнини сиқдим, тинмай ибодат қилганимча, оғзига нафас юбора бошладим:

— Эй Худойим, илтижо қиламан, уни тирилтир!

Қамоқхона назоратчилари воқеа содир бўлган жойга югуриб келишлари эшитилиб турарди. Юсуф бир сесканди-да, менга қарата қон қусиб юборди.

— Тўхтанглар, — дедим мен ёрдамга ошиққан *varianoslarpa*. Ўз қусиғига ўзи тикилиб қолмаслиги учун фаластинлик Хусайнни ёнбошига ётқиздим.

Бир неча дақиқадан сўнг санитарлар етиб келишди. Ана шундан кейин мени қалтироқ босди. Наҳотки мен одамни қутқариб қолган бўлсам... Бечора Юсуф, шундай шафқатсизликлардан сўнг оёққа туриб кетармикан?!

Шунга ўхшаш ваҳшийлик ва шафқатсизлик дунёсида, Худо янги имонга кирганларни қандай қилиб жонини сақлаб қолаётганлигини мен энди аниқ тушуна бошладим. Юсуф сингари ҳар биримизни осонликча ҳар дақиқада бритва билан осонгина чавақлаб ташлашлари ҳеч гап эмас; эсини еган жинни маҳбуслар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ осонликча қизиб турган ёғни ағдариб юборишлари ёки қайнаб турган човгумни бошингиздан қуйишлари мумкин. Худога *fylakida* тегишли бўлиш жуда осон! Унинг ҳимоясига ва нажот беришига шубҳаланишимизга ҳеч қандай асос йўқ.

Шу орада менинг озодликка чиқиш куним ҳам яқинлашиб қолаётганди. Белгиланган жазо муддатини сўнгги соат ва охирги кунигача қамоқхонада ўтириб, Раббий менга айнан шундай йўл тайёрлаб қўйганини тушундим. Тони Энтонига нисбатан Унинг Ўз режаси бор эди. Мен ўзимнинг олдинги ҳаётимдан тамомила воз кечишимни қалбимнинг туб-тубидан билардим. Худо менинг барча ғам-ташвишларим-

ни Унга юклашимни амр қилди, токи мен олдинги алоқаларимдан воз кечиб, тўлиқ Унга боғлиқ бўлган янги ҳаётга кириб борайин.

Тез орада Худо менга Ўз меҳрибонлигини кўрсатди: тўсатдан пайдо бўлган кўплаб тўсиқларни мен Унинг бошчилигида енгиб ўтдим. Паспортимнинг муддати тугаганлиги сабабли унинг муддатини узайтириш учун менга пул зарур бўлди. Кўплаб маҳбуслар жазо муддати тугагандан кейин ҳам олдингидай *fylakida* қолаверадилар, чунки ўз мамлакатларига қайтиб бориш учун уларнинг етарли даражада пул маблағлари йўқ.

Майкл Райт ва Ричард Нокс Никосия Марказий қамоқхонасига мени кўриш учун сўнгги бор келишди.

— Кейинги сафар биз сен билан сим ичида эмас, овозликда учрашамиз, Тони, — жилмайди Майкл.

— Биз Британия элчихонаси билан боғланиб сенга янги паспорт буюриб қўйдик, — деди Ричард. — Бундан ташқари, сенинг номингга олинган авиабилетни қамоқхона канцеляриясида қолдирдим. Чоршанба куни сенга иккала ҳужжатни беришади.

Мен унга қандай миннатдорчилик билдиришни билмасдим. Биз бироз сукут сақлаб ўтирдик. Майкл ҳар доимгидай жилмайиб турарди, бунинг устига — қувончдан кўзлари ёнарди.

— Тони, Худо сенга ғамхўрлик қилади, — деди у.

Келажақда мени нималар кутаётганлигини ўзим билмасам-да, мен рози бўлгандай бошимни қимирлатдим.

— Мен бу ерда дўстим Кора Брэйнс билан боғландим, — деди Ричард. — Биз иккимиз бир вақтлар Ливанда миссионерлик билан шуғулланганмиз.

Мен олдин ҳам Ричарддан бу голландиялик биродар ва унинг оиласи ҳақида эшитганман.

— Англияга қайтганингда, Кора Брэйнснинг қизи Кэролайн сени қабул қилишга тайёрлигини айтди.

Ричард чўнтагидан кичкинагина конвертни олди. Конвертнинг ичида Брёйнс оила аъзоларининг расми бор эди. Расмда уларнинг ҳаммалари кулиб туришганди.

— Мана бу Кэролайн эри билан, турмуш ўртоғининг исми Жон, — кўрсатди Ричард. — Булар эса уларнинг фарзандлари: икки ёшли Анна ва кичкинтой Жошуа.

Бу одамларнинг самимий ва иноқлигини кўриб менинг кўнглим бузилиб кетди; бирдан мен ўзимни ёлғиз ҳис этдим. Ричард Брэнслар ҳақидаги гапларини давом эттирди:

— Улар Нью-Молденда яшайдилар, маҳаллий баптистлар жамоатига борадилар...

— Улар менинг кимлигимни ва нималар қилганимни биладиларми? — деб Ричарднинг гапини бўлдим мен ҳавотирланиб. Ричард чин дилдан жилмайди.

— Тони, ёдингда тут: «...Исо Масихда тана бўйича эмас, руҳ бўйича яшаётганларни энди ҳукм қилиш мумкин эмас...», — деди у Муқаддас Ёзувдан цитата келтириб. — Брёнслар — ажойиб масиҳий оила. Улар сени ҳеч қачон ҳукм қилмайдилар. Сен Никосия қамоқхонасидан чиқаётганингни улар биладилар. Шунинг учун ҳам улар сени аэропортда кутиб олиб, ўз уйларига олиб кетишмоқчи.

Ричард яна конвертни очди ва унинг ичидан қисқача ёзилган хат олди. Бу хат Кэролайн ва Жондан эди. Маълум бўлишича, улар бизнинг учрашувимизни интизорлик билан кутишаётган экан. Уларнинг уйлари кичкина бўлса-да, шинамгина ва меҳмондўст эканлигини айтиб, менга албатта ёқиб қолишини умид қилишарди. Менга нотаниш бўлган бу одамларнинг олийжаноблиги ўзимга ажойиб туюлди, шу билан бирга мени ҳайратда қолдирди.

13 боб

1992 йилнинг 11 ноябр куни. Менинг озодликка чиқадиган куним. Шу куни мен тонг отар-отмас ўрнимдан турдим ва биринчи қилган ишим — кундалик ибодат қилиш қўлланмасини очдим. Камерани аранг ёритиб турган хира чироқ шуласида мен ўзимга керак бўлган саҳифани очдим ва ўқидим. Ё алҳазар! Мен ҳайратдаман! Бугун мен ўқишим керак бўлган дарс қуйидагича номланарди: «Ҳақиқий эркинлик». Юҳанно баён этган муқаддас Хушхабарда (8:36) шундай дейилган: «Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан эркин бўласизлар». Оятдаги ҳар бир сўзни том маънода ўзимга сингдирар эканман, мен бениҳоят ҳузур қилардим. Бу менинг оятим эди. Раббимиз Худованд менинг ҳаётимдаги ҳар бир қадамимни — бошидан охиригача кузатиб юрганини мен билардим. Эндиликда мен ўз келажагимни Унга ишониб топширишим даркор.

Ўша куни эрталаб мен ҳамма блокларни айланиб чиқдим. Маҳбуслар билан гаплашар эканман, ўз ҳаётларини Исо Масихга ишониб топширишларига мен уларни даъват қилардим. Ҳаммасидан ҳам дўстларим билан хайрлашишим жуда оғир бўлди. Ахир, биз улар билан қайғу ва хурсандчиликни, алам ва дардни, умид ва ишончни бирга баҳам кўриб, шунча вақтни бирга ўтказдик. Зигги, Симоне, Иэн, Мартин, Андреас, Хасан... Муҳаммаднинг кўзларида меҳр кўз ёшлари...

— Шу вақтга қадар сен Худога содиқ бўлдинг. Ўз эътиқодингдан ҳеч қачон воз кечма. Сўз бераман, асло афсусланмайсан. Биродар, биз ишонишга ва умид қилишга мажбурмиз, — дедим мен Муҳаммадга. — Ахир, биз ҳақиқий эркин одамлармиз. — Мен унинг қўлини сиқдим ва бағримга босиб хайрлашдим.

Сўнгги бор мен блока назар ташладим-да, қайрилиб катта олам томон шахдам қадам қўйдим.

Chowishi ўтирган кабинетда менга шахсий нарсаларим солинган халтачани бердилар. Гарчанд сўнгги уч йил давомида судраб юрган шиппакдан кейин оғир ва қаттиқ туюлса-да, яхши, мустаҳкам туфлини кийиш жуда ёқимли. Бу ерга мен учун джинси шим ва катта ёқали қора свитер ҳам олиб келишди. Бир неча дақиқа учта қизил ёзув дафтарчани варақлаб турдим. Хуллас, дафтарчаларда олдинги иш жойларим билан боғлиқ бўлган кўплаб исмлар, рақамлар ва адреслар ёзилганди. Худога берган ваъдамни эслаб, мен барча ёзув дафтарчаларни ахлат челака ташладим. Уларнинг ўрнига халтага Ёзувни ўрганиш бўйича қўлланмаларни, Муқаддас Китобни ва Майкл менга қамоқхонага келтириб берган баъзи бир китобларни солдим. Шу нашрдаги кўплаб китобларни мен қамоқхонадаги ўз биродарларимга тарқатиб бердим. Китобларнинг ичида яна бир китоб бор эдики, мен бу китобдан ҳеч қачон айрилмайман. Китобнинг номи — *«Шон-шуҳрат чўққиси томон»*. Қандайдир нигериялик билан бир камерада ажойиб кечани ўтказганимни эслаб, мен жилмайдим. Мен у тўғрида жуда кўп ўйлардим. Аслида у ким бўлган? Раббийнинг элчиси эмасмикан? Эҳтимол, Унинг фариштасидир? Ўшанда нигериялик ўз исмини ва Лагосдаги манзилгоҳини шу китобнинг орқа муқовасигами, ёки бирор бир саҳифасига ёзганлигига ишончим комил эди. Айнан шу ёзувни мен ўша куни ўз кўзларим билан кўрганлигим рост. Аммо кейинроқ ёзув сирли равишда ғойиб бўлган. Китобнинг барча варақлари

жойида эди, бироқ нигериялик қўли билан ёзилган дастхат бирорта саҳифада йўқ! Ҳозиргача ёзувнинг ғойиб бўлиш сири мени ҳайратда қолдирмоқда.

Chowishi менинг номимга ёзилган янги паспорт ва авиабилет солинган конвертни менга узатди. Бир лаҳзага мен ўзимнинг танқўриқчиси бўлиб ишлаганимни эсладим. Швейцария банкларининг бирида турлича исмлар билан ёзилган ва турлича мамлакатлар томонидан берилган менинг бир даста қалбаки паспортларим сақланган, эҳтимол, ҳозиргача сақланаётгандир. Ўша вақтда ҳақиқий ҳужжатларни олиш ниҳоятда осон эди — керакли одамлар билан бўлган алоқалар ҳаммасини бирпасда ҳал қиларди. Ҳозирда мен Британия элчихонаси томонидан менга ёзилган янги паспортни қўлимда ушлаб турардим. Паспорт янгиликка янги эди, аммо сифати жуда ёмон, ниҳоятда сифатсиз. Паспортнинг ичида Ричард ёзган хат бор эди: «Бу ҳужжат учун элчихонадаги бир аёлдан жуда миннатдормиз. Англияга қайтганингда, сен паспортни қайта расмийлаштирасан, лекин унинг бир нарсаси яхши — у сенга уйингга йўл очиб беради». Қамоқхонада туширилган расмга асло қарагим келмасди. Мен ҳаттоки сесканиб тушдим. Паспортни Лондоннинг Хитроу аэропортигача бўлган билет билан бирга орқа чўнтакка солдим.

— Қани, кетдик, — дедим мен *varisnosga*.

Ларнаки аэропортигача мени бешта полициячи кузатиб борди. Кипр ҳукумати томонидан мен келгусидаги беш йилга қора рўйхатга киритилгандим. Шунинг учун мен чиндан ҳам уларнинг мамлакатларини тарк этганлигимга улар ишонч ҳосил қилишлари керак эди. Автомобилнинг орқа ўриндиғида ўтирар эканман, атрофдаги оламнинг гўзаллигидан баҳра олардим. Мовий осмон, тоғлар, дарахтлар, аёллар, болалар, кўм-кўк дарёнинг хиди. Мен қачонлардир буларни кўргандим. Машаққатли уч йил давомида мен қамоқхонада ўтирганимча, кўпинча шу тас-

вирларни хотирамда намоён этишга ҳаракат қилардим. Энди бўлса мен улардан яна завқланардим. Уч йил мобайнида бундай гўзалликни кўрмадим, энди эса, менинг ҳис-туйғуларим зўрайган пайтда, атрофдаги ҳамма нарса менга янгилик бўлиб кўринарди.

Самолётга ўтиргунимча мени аэропортнинг полиция маҳкамасида ушлаб туришди. Бирдан менга жуда таниш бўлган овоз қалбимни жунбушга келтирди. Бу Майкл Райт эди. Райт ва унинг куёви мен билан хайрлашиш учун аэропортга келишган экан. Улар менга иссиқ пальто олиб келишибди.

— Буларни Элизбет бериб юборди, — жилмайди Майкл. — Англияда ҳозир совуқ тушганлигини у менга эслатди.

Майкл Муқаддас Китобни очди. Мени қўллаб-қувватловчи ва ишончимни мустаҳкамловчи бир нечта ажойиб оятларни кўрсатди. Четдан қараганда у — менинг отамдай, мен эса — унинг ўғлидай эдим. Ва бугун у мени бошқа дунёга кузатиб қўймоқда. Бизнинг хайрлашувимиз ниҳоятда таъсирчан ўтди. У мен учун жуда катта ишларни амалга оширди. Майкл ўз жамоатини қолдириб, фалокатга учраган ва нажот топишни истаётган қалбларни излашга отланди. Ўз халқи орасидаги тинч-тотув, хотиржам ҳаётдан воз кечиб, Худонинг даъватига биноан у ўзга юртга келди. Бу ерда тил тўсиғини, маданий тафовутларни ва ирқий зиддиятларни енгиб ўтиб, Майкл руҳий жангга киришди. Никосиянинг Марказий қамоқхонаси — разил ва тубанликка ботган ваҳшийларнинг ўрасидир. Бу ер Майкл сингари олийжаноб инсонлар учун мос жой эмас. Бироқ, у ҳеч нарсага қарамасдан юриштуришда, иш тутишда Худога содиқлигича қолди. Гуноҳ қилиб қурбон бўлаётганларни Майкл Исо Масиҳнинг севгиси билан севди, разолат ва қабиҳлик ҳукм сураётган зулматга у ҳаёт ва нажот олиб келди. Менинг англашимча, Исо бизни нималарга даъват қилаётган бўлса, Майкл айнан шуларни бажарди. У

ўзининг хоҳиш-истакларини қондиришни бир чет-га суриб қўйди ва менга ўхшаган одамларга Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни етказишга интилди. Майкл қандайдир ўзгача бир стандартни ўрнатди, келажакда Буюк Британия имонлиларини баҳолашда мен айнан шу стандартга асосланиб фаолият юритдим. Бу эса мендаги хом ҳаёлларнинг ва қаттиқ умидсизликнинг барҳам топишига олиб келди.

Ҳаётим давомида самолётда қанчалар қўп учганлигимга қарамай, ўша куни барибир қўрқув ва ҳаяжон ила пастдаги учишга сигнал берувчи чироқларни диққат билан кузатдим. Ва ниҳоят самолёт булутлар узра тепага кўтарила бошлади. Бу нақадар гўзал! Қолаверса, ҳаётнинг ўзи гўзал эди. Мен кўзларимни юмдим ва моторларнинг бир текис гувиллаши остида сўнгги уч йил давомида ўтган ҳаётимни эслай бошладим. Мен бениҳоят хурсанд эдим ва ҳаммаси учун Худога шукроналар айтдим.

Самолёт қўниш учун пасайганда, менинг қўлоёқларим қўрқувдан ва ҳаяжондан титрарди. Тинчланиш учун мен ичимда Забурнинг йигирма иккинчи саносини ўқидим:

Худованд — Чўпоним менинг,
Мен муҳтожлик кўрмайман асло.
У мени ям-яшил яйловларда ётқизар,
Оромбахш сувлар бўйлаб етаклаб борар.
Жонимга У тетиклик киритар,
Ўз номи учун мени тўғри йўлга бошлар.

Ўлим водийси зулматидан юрсам ҳам,
Даҳшатлардан мен кўрқмайман.
Чунки Сен менга хамроҳдирсан,
Ўз ҳассангу хивичинг менга тасалли берар.
Ёвнинг кўз ўнгида менга дастурхон тузагансан,
Хушбўй мой ила мойлагансан бошимни,
Лим-лим тўлдиргансан косамни.

Умрим бўйи хайру иноят изимдан юрар,
Бор кунларим Худованднинг уйида ўтар.

Хитроу аэропортидаги кутиб олувчилар орасидан Жон ва Кэролайнни уларнинг фарзандлари билан осонгина таниб олдим. Менинг кўтаринки кайфиятим бирозгина ўзгарди. Бу табаррук зотларга ўзимни қандай таништираман?! Эҳтимол, улар менинг ўтмишимдан хабардордирлар. Уч йил озодликдан маҳрум этилган ўғри, қотилни қандай кутиб оладилар?! Уларга мен нима дейман?! Уларга яқинлашгач, мен исмимни айтдим. Кўзларига қарашга журъат этолмадим... Ё Раббий, Сенга ҳамду санолар бўлсинки, улар мени очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Ўз оила аъзосини узоқ вақтдан бери кўрмай, жуда қаттиқ соғингани каби, мени бағриларига босишди. Мен нима дейишни билмасдим. Ҳис-ҳаяжондан кўнглим тўлиб кетди... Кўзларимга ёш келди... Ўзимни меҳрга зор бўлган мурғак боладай ҳис қилдим. Қамоқхонанинг қоронғу ва тор камерасида уч йил ўтириб чиққанымдан кейин, атрофдаги ҳамма нарса менга баҳайбат ва кўрқинчли бўлиб кўринарди. Автомобилда кетаётганимизда, мен ўзимни чайқалгандай нохуш сездим, аммо мен бу оиладан жуда миннатдор эдим. Бу соддадил одамлар мени хурсанд қилиш учун турли қизиқ воқеаларни сўзлаб беришар, биргаликда кулиб, менинг кўнглимни кўтаришга ҳаракат қилишарди. Жоннинг уйида ҳамон мен ўзимни нохуш ҳис қилардим. Менинг бошим айланарди. Табаррук уй иссиқ, қулай ва шинам эди, уйда ширин ва лаззатли таомнинг ҳиди келиб турарди. Бу ерда кўплаб оилавий фотосуратлар, қулай креслолар бор бўлиб, полда болалар ўйинчоқлари ёйилиб ётарди. Бу ҳолат ҳар бир оила учун оддий ҳол бўлиб кўринса-да, бироқ менга нотабиий ва ғалати туюларди.

Жон мени уйи билан таништириб чиқди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган меҳмонхонага таклиф қилди.

Ошхонадан Кэролайннинг овози эшитилди. У ўн беш дақиқадан сўнг тушликни тайёр қилиб, столнинг устига қўйишини айтди. Жуда очқаганимни энди билдим. Мен учун тайёрлаб қўйилган каравотда ўтирар эканман, юмшоқ, оппоқ чойшабларни ушлаб кўрдим, деворга осилган расмларга қарадим, шунингдек, ювиниш учун қутининг устига тахт қилиб қўйилган тоза сочиқ, совун, тиш тозалаш чўткаси ва пастасини кўрдим. Буларнинг ҳаммаси мен учун эди. Аммо мен шундай эътиборга лойиқманми?! «Бу одамлар менинг кимлигимни билишмайди, шунинг учун ҳам улар мендан асло шубҳаланишмаяпти», — деб ўйладим мен қаршимда осилган ойнага қарар эканман.

Мен ваннага кирдим, ечиниб иссиқ душ қабул қилдим. Баданимга ёпишиб кетган уч йиллик кир бир умрга ювилиб кетди. *Fylakida* ювиниш ўз-ўзидан жуда хатарли иш эди. Қонга тўлган ваҳший кўзлар доим ўлжа ахтариб юрарди, шунинг учун у ерда фақат ақлини еган жиннилар яланғоч бўлиб ечиниши мумкин. Иссиқ сув узиб-узиб бериларди. Баъзида иссиқ сувни бир неча кунга ўчиришлари мумкин эди. Крандан қандайдир кўрқинчли овозлар чиқиб, занглаган сув оқишни бошлаганида, биз душга тушиш учун жой талашиб, бир-биримиз билан ур-пичоқ бўлардик.

Пастдан стереофоник мусиқа ва Аннанинг оёқ товушлари эшитилиб турарди. Қизалоқ хонада югуриб юрарди, ота эса уни баланд стулга тик турғизмоқчи бўларди.

— Пастга тушинг, — деб жилмайди у менга тепадан қараб турганимни кўргач. — Ўзингизни уйингиздагидай ҳис қилинг.

Ота қизалоқнинг қўлларидан ушлаб олди ва қизча ҳайратдан чинқириб юбормагунча, уни айлантираверди. Шунда ота қизни қўлларига олди ва секингина менинг ёнимдаги баланд стулга ўтқазиб қўйди. Анна менга қаради ва кулиб юборди. Сўнгра ўйнашиб ту-

риб, кафтлари билан юзларини беркитди ва панжалари орасидан мени кузата бошлади.

Кэролайн буғи чиқиб турган катта лаганни кўтариб келди ва столнинг устига қўйди.

— Тони, катта лаганда овқат келтириб столнинг устига қўйганим учун кечирим сўрамайман.

Мен унга таажжуб билан қарадим.

— Тони, сиз меҳмонэmassиз, сиз — бизнинг оиламиз аъзосисиз. Шунинг учун ҳам таомларни қандай тортишимизга кўникишингиз керак. — Шундай деб Кэролайн ҳар биримизнинг тарелкаларимизга ўзидан лаззатли ҳид таратаётган катта-катта бўлак гўштили запеканкани солди. Жон таом учун Худога миннатдорчилик билдирди ва биз кечки овқатни тамадди қилишга киришдик. Бу нақадар ажойиб эди.

Нанналар оиласи мени жуда яхши кутиб олишди, бироқ улар бир нарсани тушунмадилар, шекилли: кундалик оилавий муҳит ва ҳаёт менга ғайриоддий бўлиб туюларди. Қолаверса, бундай шарт-шароитга менинг кўникишим ниҳоятда қийинчилик билан кечарди. Шунга ўхшаш оилавий ҳаёт тажрибам менда умуман бўлмаган. Уларнинг менга тўлиқ ишонишларидан ҳайрон бўлардим. Жон ўз хизматига кетганда, Кэролайн ётоқхонада кичкина Жошуа билан ўтирарди, мен эса меҳмонхонада Анна билан ёлғиз қолардим. Қизиқ, деб ўйлардим мен, наҳотки улар шунчалик содда бўлсалар, мен ҳаётим давомида кўплаб шафқатсизлик ва зўравонликларнинг гувоҳи бўлганман, қолаверса, буларнинг ҳаммаси қайсидир маънода менинг шахсиятимнинг бир қисми бўлиб қолганлигини улар ўйламайдилар ҳам.

Анна шўхлик қилишни яхши кўрарди. Олдинлари ҳеч қачон кичкина болаларни ўйнатмагандим, уларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш кераклигини ҳам билмасдим. Бунга қарангки, болалар билан мулоқот қилиш нақадар одамнинг кўнглини кўтари-

шини, уларнинг соддадиллиги эса катталарни тинчлантириб, беҳад қувонтиришини энди билдим. Кунларнинг бирида Кэролайн Аннанинг жуда секин ноушта қилишидан асабийлашди ва столнинг устига таймерни қўйди.

— У жиринглаганда, сен овқатингни еб тугатишинг керак! Агар охиригача еб тугатмасанг, унда... сени жазолайман! — деди-да, сўнг ошхонадан чиқиб кетди.

Анна сули ёрмасидан пиширилган шовлага тикилганича, ўтирарди.

— Егим келмаяпти, — деди қизча инжиқланиб ва лабини бурганча, косадаги овқатини нарига суриб қўйди.

Мен нима қилишни билмадим. Бориб қизчанинг ёнига ўтирдим.

— Анна, бир еб кўргин-да, қани ол-чи! Шовла жуда мазали бўлган, — дедим мен қизни юпатиб.

Қизча менга шубҳа билан қаради. Мен соатни олдим-да, орқага кўрсаткичини сал буриб қўйдим. Шовлани ейишга ажратилган вақтга бир неча дақиқа қўшиб қўйдим. Анна кулиб юборди.

— Т-ш-ш... — дедим мен қизчага кўз қисиб.

— Т-ш-ш... — деб қайтарди қизча кўрсаткич бармоғини лабларига босганича. Кейин яна кулиб юборди-да, тездагина шовлани еб қўйди. Шундай қилиб, биз дўстлашиб қолдик.

1992 йил 15 ноябрь. Якшанба куни мен Наннилар оиласи билан Нью-Молден баптистлар жамоатига йўл олдим. Мен бу жамоатни бориб кўришни орзу қилардим ва кўп ойлар мобайнида бу кунни интизорлик билан кутгандим. Майклнинг ва бошқа биродарлар ҳамда сингилларнинг Буюк Британия жамоатлари ҳақидаги ҳикояларини тинглаш жуда ёқарди. Бошқа масиҳий биродарлар билан учрашиш мен учун ҳақиқий байрамга айланишини мен

билардим. Уч юзтага яқин одамлар тўпланганди. Ибодат мени қойил қолдирди. Хайрихоҳлик руҳидаги муҳит ва мусикий лаҳзалар диққатга сазовор эди. Айниқса, воиз минбарга қўтарилганда, менинг бутун вужудим қулоққа айланди. Сўзининг сўнггида воиз ўзининг Худога қандай юз тутганлигини гапириб бериш учун хоҳловчиларни минбарга чиқишларини таклиф қилди. Мени қалтироқ босди, аммо Худо мени ўртага чиқишга даъват этаётганлигини тушундим. Мен ўрнимдан турдим ва нималарни гапиришим кераклигини ўзимча ўйлаб, ўртага чиқдим. Сўнгра тутилиб-тутилиб бошимдан кечган воқеаларни, тавба қилиб, Худони қабул қилганимни сўзлаб бердим. Мен олдин ҳеч қачон бундай жамоат олдида чиқишлар қилмагандим. Қамокхонада мен кўплаб маҳбуслар билан суҳбатлашганман, аммо у ерда бундай ҳолат табиий эди, қолаверса, зарурат ҳисобланарди. Энди эса менга жилмайиб қараб турган ва хайрихоҳлик билдираётган одамларга қараб, мен ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Ўзимни қўлга олишга кучим етмасди.

Пешинга бориб менинг дўстларимнинг сони анчагинага кўпайди. Мен сувда имон келтиришни хоҳловчилар гуруҳига ёзилдим. Қамокхонада узоқ ойлар мобайнида сувда имон келтириш кунини ҳақида қанчалар орзу қилганман. Майкл Райт Кипрдаги ўзининг жамоатидагилар сув бўйида имонга чўмдирилишлари ҳақида кўп марта сўзлаб берган. Ёшгина корейс йигит Иэн Ревезер уни денгизда имонга киритганлари тўғрисида қачонлардир хат йўллаган эди. Ўшанда унга қанчалар хавас қилгандим! Муқаддас Китобда Исо Масиҳни Ўрдун дарёси сувида чўмдириб, имонга келтирган Яхё пайғамбар ҳақида ўқиганман. Мен албатта гуноҳларимни эътироф этиб, Исо Масиҳнинг буйруғига биноан сувга чўмиб имон келтиришни аҳд қилганман. Қамокхонада бир урф-одатга мен муттасил равишда имкон қадар

амал қилардим. Ҳар гал душнинг тагида турганимча, рамзий маънода ўзимни олдинги ҳаётим учун ўлган ҳисоблардим ва душнинг тагидан мен пок, гуноҳсиз одам бўлиб чиқиб келардим.

Жамоатдан қайтиб келгач, мен уй бекасига якшанба кунги байрам дастурхонини тузашга ёрдам бериб юбордим. Наннилар оиласи икки меҳмон — Фил ва Сарани уйга таклиф қилишди. Меҳмонлар жамоатдан биз билан бирга келдилар. Улар Жон ва Кэролайннинг яқин дўстлари бўлган эканлар. Филнинг ёши, чамаси, меники билан тенг бўлса керак. Илиқ жилмайиши ва қўлни қаттиқ қисиши уни бошқалардан ажратиб турарди. Тез орада биз у билан яқин дўст тутиниб қолдик. Бунинг устига, биз иккимиз ҳам мотоцикллар билан қизиқар эканмиз. Сара менга қўлини узатди ва қўзларимга тикилганича деди:

— Сиз билан танишганимдан жуда хурсандман. Биз сиз ҳақингизда қўп эшитганмиз.

Мен ўзимни ноқулай ҳис қилдим. Сара жилмайди ва унинг юзи яшнаб кетди. Унинг қўзларининг ёнишига мен мафтун бўлиб қолдим. Худо Ўзини Саранинг ҳаётида қандай намоён қилганлиги ҳақидаги қизнинг ҳикояларни мен катта қизиқиш билан тинглардим. Фил ва Сара Исони севардилар, мен айнан шундай одамлар билан мулоқот қилишга муҳтож эдим.

Ўша куни кечқурун Сарани ўйламай туrolмасдим. У ниҳоятда ажойиб, гўзал, камтарин қиз эди. Мен ҳар гал уни эслаганимда, жилмаярдим. «Раббий, бу нимаси? — сўрардим мен Худодан. — Мен бундай нарсаларга ҳали тайёр эмасман!» Буларнинг ҳаммаси мени нималарга олиб келишини билмасдим, лекин бир нарсани аниқ билар эдим: Сара — олтин қиз. Ўша куни қиз мен билан шунчалик самимий эдики, мен унга совға ҳадя қилгим келди. Мен каллиграфик ёзув учун зарур бўлган қурооларни, бўёқни олдим ва ишга киришиб кетдим.

Бир неча кун ўтгач, мен Саранинг уйига меҳмонга йўл олдим. У бизлардан анча узоқда, Патнида* яшарди. Гарчанд мен олдинлари танқўриқчиси сифатида мижозларимнинг ишлари юзасидан кўп сафарларда бўлсам ҳам, қамоқхонадаги ҳаёт мени доим хонада ўтирадиган одамга айлантириб қўйган эди. Энди эса уйдан чиқишдан олдин мен жуда ҳаяжонланардим. Поезд ёки автобусда юриш ҳақида фикрнинг ўзи мен учун жуда оғир эди. Яқиндагина маҳаллий рассом ва декоратор билан танишиб қолдим. У мени ишга таклиф қилди. Унинг устахонаси Нанналар оиласи хонадонининг рўпарасидаги кўчада жойлашган эди. Иш куни тугаши биланоқ у иш ҳақининг кундалигини кунда бериб турарди. Ишлаб топган пулимнинг ҳаммасини Патнига бориш учун таксига ишлатдим.

Мен Саранинг уйи олдига етиб борганимда, юрагим кўкрак қафасимдан сакраб чиқишга тайёр эди. Мен бу ерда нима қилмоқдаман ўзи? Қўлимда қоғозга ўралган эстамп ва бир даста гул. Мен эшик қўнғироғини босаётганимда, қўлларим ҳаяжондан титрарди. Сара билан бирга бу хонадонда яна тўртта қиз, бўлажак педагог практикантлар яшашарди. «Илтимос қиламан, Сара, ишқилиб уйда бўлгинда», — деб пичирлардим мен ўзимга ўзим эшикнинг олдида турганимча. Эшикни ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган қиз очди. Ундан Сарани чақириб беришини илтимос қилганимда, у кулиб қўйди.

Сарачикдива меҳмонхонадан бир нечта қизиқувчан қўзлар мўралаб турганини кўриб қолдим. Сара қизариб кетди.

— Тони! Кутилмаган ҳодиса...

Мен нима дейишни билмасдим.

— Мен сизга мана шуни совға қилмоқчи эдим, — дедим зўрға тутилиб. Сарага эстамп ва гулларни тақдим қилдим ва қайтиб кетишга отландим.

* Патни — Лондоннинг жанубидаги шаҳарча.

— Тўхтанг, — деди қиз бирозгина ўйланиб. — Сизнинг шундай қайтиб кетишингизга йўл қўймайман. Ҳеч бўлмаса, уйга кириб бир пиёла чой ичиб кетинг.

Гарчанд қалтироқ ҳали ҳам босилмаган бўлса-да, мен розилик билдирдим. Одамни нохуш ҳолатга соладиган бу қалтироқ Саранинг уйини тарк этиб, Нью-Молденга қайтиб келганимда босилди. Кечқурун мен Сарага қўнғироқ қилдим ва эртага бирор жойга бориб тушлик қилишга биз келишиб олдик.

Бир неча ҳафта давомида биз бир неча бор учрашдик. Тўғри, ҳар бир учрашувда мен жуда ҳаяжонланардим, аммо биз кўпинча ўз эътиқодимиз ҳақида суҳбатлашардик, бундай суҳбат Сара билан ўзимни табиий тутишимга қандайдир ёрдам берарди. Янги дўстлар билан мулоқотда бўлар эканман, мен кўпинча ўзимни ноқулай сезардим, қамоқхонанинг қийинчиликлари ва дўзахнинг азоб-уқубатларини босиб ўтибгина, Худога келганимдан мен уялардим. Саранинг йўли умуман бошқа эди. Бу лобар, гўзал, меҳрибон ва ифбатли қиз Исони бутун ҳаёти давомида севган. Менинг унга ҳавасим келарди. Аммо Саранинг айтишига кўра, у Худога мен каби оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтиб, «реал» тарзда келишни хоҳлаган экан. Мен Сарани тушуна олмасдим. Мен бошимдан кўрган-кечирганларимни дунёда ҳеч кимга раво кўрмаган бўлардим. Сарага Худо мен каби эмас, бошқача намоён бўлган. Шундай бўлса-да, мен қизнинг «сўқир» эътиқоди олдида муқаддас ларзага келардим.

Сара ўз ҳаётини болалик пайтларидаёқ Исога бағишлаган экан. Ўзи ҳақида гапирар экан, қиз доимо кулиб турарди.

— Отам ваъз ўқийдиган жамоатга отам билан бирга бориш менга жуда ёқарди, — дейди қиз. — Отам жамоатда қўлларини кўтариб ёки қўл қўйиб хизмат қилмасди, лекин бизнинг жамоатимизда ҳамма биродарлар ваъз ўқишарди. Бир куни кечқурун отам

билан ибодатхонага бордим. Мен ўшанда ўн ёшда эдим. Ҳозир ҳам эсимда, ўшанда у «охир замон» ҳақида ваъз ўқиганди. Отамнинг айтишига кўра, охир замон ҳар лаҳзада рўй бериши мумкин эди. Исо албатта қайтади, Унга ишонмаган ҳар бир кимса ўлим диёрида қолади. — Шу вақт Сара тутилиб қолди ва бир сесканиб тушди. — Ўйлаб кўринг-а, ахир мен ҳам ўликлар диёрида қолдирилганлар ичида бўлишим мумкин эди, — деб гапини давом эттирди қиз. — Мен Муқаддас Китобдан олинган турлича ҳикояларни ўқирдим ва Исо Масиҳ ҳақида кўп нарсаларни билиб олгандим. Нажот топишим учун мен Унга имон келтиришим кераклигини тушунардим. Аммо мен ўшанда ҳам ҳар доимгидай, аллақачон Унга ишонардим. Бироқ менинг иккиланган нарсам шунда эдики, мен «тўғри» тавба қилдиммикан. Ўша куни диққат билан отамнинг ваъзига қулоқ солдим ва отам бу ердагиларни ўргатганидай, Худога ибодат қилишим кераклигини тушундим...

Мен Сарага қарадим. Унинг кўзларидан ёшлар оқаётганига гувоҳ бўлдим.

— Ҳа, ҳа, Тони... Мен отам ўргатганидек ибодат қилдим, — деди қиз. — Аммо ҳеч нарса юз бермади. Асло ҳеч нарса юз бермади. Шу вақтгача агар сен ибодат қилсанг, сенинг ҳаётинг ўзгаради, ёки Худо сенга қутқарилиш ҳадя этганлигига сенда қандайдир ишонч ва ҳис туйғу пайдо бўлади деб айтишганларини кўп эшитганман. Аммо менда ҳеч қандай ўзгариш юз бермади.

— Ҳеч қандай ўзгариш юз бермадими? — сўрадим мен ва ўзим биринчи бор қамоқхонанинг камерасида Исога ибодат билан мурожаат қилганимни эсладим.

— Йўқ, ёрқин шуъла ҳам кўринмади, самолардан ҳеч қандай садо ҳам келмади, ҳеч қандай мўъжизавий ҳис-туйғулар ҳам юз бермади. Ҳеч қандай. Мен ниманидир нотўғри қилдим, деган қарорга келдим. Эҳтимол, сўзларни айтиш тартибини бузгандир-

ман. Эҳтимол, етарлича даражада ўз юрагимни ито-
ат эттирмагандирман ва менинг қилган ибодатим
шунинг учун ҳам Худога хуш келмагандир... — деди
жилмайиб Сара. — Мен йил бўйи бундан қўрқиб юр-
дим, — деб гапини давом эттирди қиз. — Кечалари ўз
ўрнимда ётганимча, турлича овозларга қулоқ тутар-
дим. Ҳар қандай овоздан хурсанд бўлардим — зина-
ларнинг ғичирлашига ҳам, ота-онамнинг пичирлаб
гаплашишига ҳам; қисқаси, отам ва онамнинг уйда-
лигидан гувоҳлик берувчи ҳамма нарсага. Баъзида
мен атайлаб йўталиб қўярдим. Онам шу заҳотиёқ
ёнимга югуриб келарди — демак, ҳаммаси жойида,
мен ёлғиз эмасман. Уйда жимжитлик ҳукм сурганда,
Исо ҳаммани олиб кетди, уйда мен бир ўзим қолдим,
деб қўрқардим...

Мен таажжубланиб Сарага қарардим. У жилмайди:

— Хуллас, кунларнинг бирида мен отам ва онамга
бу ҳақда сўзлаб бердим. Шундан кейин ҳаммаси аён
бўлди.

— Қандай қилиб? — сўрадим мен. — Улар сенга
нима дедилар?

— Онамнинг тушунтиришларича, улар ҳаётим-
нинг биринчи куниданоқ мени асраб-авайлаб келган
эканлар, менинг қалбимга озор ва азоб-уқубат ет-
маслиги учун бирор зарар етказадиган нарсалар би-
лан шуғулланишимга йўл қўймаган эканлар. Шунинг
учун ҳам менинг ҳаётим бутунлай ўзгара олмас экан...

— Лекин қутқарилиш — бу ибратомуз камтар-
лик билан ҳаёт кечириш дегани эмас-ку, шундай-
ми? — деб ғудурладим мен. Хавотирлик мени безовта
қилаётганини сездим.

— Отам менга Ҳаворийлар Фаолияти Китобидан
олинган филиппилик зиндонбон ҳақида воқеани эс-
латди, — гапини давом эттирди Сара. — Павлус ва
Сила калтакланиб, зиндонга ташланганларидан кей-
ин уларни қаттиқ қўриқлаш зиндонбонга буюрила-
ди. Павлус ва Сила ибодат қилиб, Худони қуйлашаёт-

ганда тўсатдан шиддатли зилзила юз берди. Зиндон эшиклари очилиб, ҳамманинг кишанлари бўшаб қолди. Зиндонбон эса уйғонган заҳоти зиндон эшиклари очиклигини кўрди ва ҳамма маҳбуслар қочиб кетган деб ўйлаб, ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Лекин Павлус уни тўхтатиб ҳамма шу ердалигини айтди. Зиндонбон титраб Павлус билан Силанинг пойига ўзини ташлади ва сўради: «Жаноблар, нажот топишим учун нима қилишим керак?» Шундан кейин отам ҳаворийларнинг берган жавобини келтирди: «Раббимиз Исо Масихга ишонгин, сен ўзинг ва бутун хонадонинг нажот топасизлар». Мен яна отамдан сўрадим: «Шунинг ўзими? Бошқа ҳеч нарса керак эмаслигига ишончингиз комилми?» Муқаддас Китобдан олинган оятларга қўшимча тарзда, отам менга яна кўплаб мисоллар келтирди. Кўпчилик одамлар биринчи бор Худога юз тутганларида, уларнинг ҳаётида кўплаб муҳим ва драматик ҳодисалар рўй беради. Аммо бу — шундай бўлиши керак, дегани эмас. Отамнинг таъкидлашича, бу ерда энг муҳими — Исога бўлган доимий ишонч ва тасалли. Нимагадир айнан шуни мен эшитмоқчи эдим, — гапини яқунлади Сара.

Мен қамоқхонадаги дўстларимни эсладим. Уларнинг кўпчилиги Худога азоб-уқубатлар чекиб, ҳаётдан қийналиб келганлар. Мен уларга Масих ҳақида сўзлардим — мен бошқа ҳеч нарса билмасдим. Аммо шунинг ўзи ҳам ўз ҳосилини берарди. Кўпинча Муқаддас Китоб оятларини, маъносини сақлаб қолган ҳолда, мен ўз сўзларим билан гапириб берардим. Мен ҳеч қачон «формула»ни ҳам, стандарт ёдлаб олинган ибодатларни ҳам билмаганман. Бундай фикрлар ҳеч биримизнинг калламизга келмаган. Сарага менинг раҳмим келди. Чунки у ўзининг ибодатлари «нотўғри» эканлигидан азоб чекарди. Гап-сўзларни қандай талаффуз қилишдами? Чин дилдан қилинган ибодат ҳеч қачон жавобсиз қолдирилмайдиган бир пайтда, ёд олинган формулалар ва стандартлар

нимага керак?! Мен Майкл Райтнинг сўзларини эсладим: «Қутқарилиш — бу маош эмас, балки Худонинг инъомидир. Исо бизни қутқариш учун ҳаммасини қилди. Биз фақатгина Унга ишонишимиз ва Унинг инъомини қабул қилишимиз керак, холос. Буни қандай амалга оширишимиз — ҳеч қандай маънога эга эмас».

Саранинг гапларини тинглар эканман, ҳар биримизнинг ҳаётимиз нақадар турлича яратилганлиги ҳақида ўйладим. Қиз яхши оилада тарбия топди. Уларнинг оиласида имон ва эътиқод биринчи ўринда турарди. Унинг камтарлигига, меҳрибонлигига ва соддадиллигига ҳавасим келди. Аммо шундай оилада тарбия топган қиз қачонлардир ёвузликларга тўлган қотилни ва қамоқхонада уч йил ўтириб чиққан маҳбусни қандай қабул қилиши мумкин? Мен жуда уялиб кетдим. Эҳтимол, Сара учун мендай одам билан умуман мулоқот қилмаслик тўғри бўлар. Бироқ Саранинг менинг гапларимга қулоқ тутишида, саволлар бериб мени қўллаб-қувватлашида ўзгача нимадир бор эди. Нимагадир қиз билан суҳбатлашганимда, мен ўзимни аҳамиятли ва қадр-қимматли ҳис қилардим. Мен қандай қилиб шундай қиз билан мулоқот қилишдан воз кечаман?

Ўтган ҳаётим давомида мен бениҳоят ўзимга ишонганман ва ўзбилармон бўлганман. Мен катта аудитория қаршисида ҳам ҳеч қачон ўзимни йўқотмаганман ва доимо ўзимни бошқариб турганман. Кипрдаги синовлардан сўнг мен ўзгардим. Мен одамлардан уяладиган, ўзимни ноқулай сезадиган, ўзимча алланималарни ғудурлаб, ҳаяжондан титрайдиган бўлиб қолдим. Сара эса, албатта бунга эътибор қаратди. Мен билмасдан туриб ҳам унга тегиб кетишга қўрқардим. Мана, бир куни кечқурун Саранинг ўзи менинг қўлимни ушлади. Мен дарровдангина қўлимни тортиб олмоқчи бўлдим, бироқ ҳали қўлимни тортиб улгурмасимдан у мени кучоқлаб олди ва юзимдан

ўпди. Мен ҳаяжондан қотиб қолдим. Хуллас, натижада мен ҳаяжонланмай қолдим. Мендаги ноқулайлик ва тортинчоқлик ўз ўрнини ажойиб хурсандчиликка бўшатиб берди.

Бир неча ой ўтгач, мен Жон ва Кэролайнларнинг уйидан Алан ва Ирэн Киркларникига кўчиб ўтдим. Кекса Кирклар ҳам ўша жамоатдан эдилар. Кейинроқ Клапам темир йўл ҳудудида бир хона уйни ижара олдим. Ушбу уйнинг биринчи қаватида «Оак Рум» номли кичкинагина жамоат жойлашган эди. Бир-икки кундан кейин бу жамоатда фақатгина битта биродар борлигини билиб қолдим. Жамоатда асосан кекса ёшдаги қоратанли сингиллар иштирок этардилар. Жо Макдоналд мени кўрганида хурсанд бўлиб кетди. Гарчанд Ягона биродарлик* анъанавий жамоати биродар ва сингилларнинг жамоат хизматига нисбатан ниҳоятда жиддий муносабатда бўлса-да, биродар Жо ягона воиз ҳисобланарди. Жамоатдаги асосий хизматни, шубҳасиз, сингиллар бажаришарди, аммо ваъз ўқиш ва нон синдириш омилига бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Биродар Жо узоқ йиллар мобайнида тенгсиз, бунинг устига энг муҳими — севгувчи қавмбоши бўлган. У бир кунда икки марта — эрталаб ва кечқурун ваъз ўқирди. Шу тарзда у бетоб бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам у бажараётган барча хизматни вақтинчалик мен ўз зиммамга олдим. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмай, менинг ажабланишимга қарамай, биродар Жо ҳар қандай хизматдан воз кечди. Бинобарин, бутун жавобгарлик менинг зиммамда қолди. Қисқача қилиб айтганда, менга масъулиятли вазифа топширилди. Шу вақтга қадар мен одамларга фақат Масих ҳақида гувоҳлик бергандим, ҳа, буни мен кўп марта амалга оширгандим. Бироқ ваъз ўқиш, таълимот бериш ва ибодатни бошқариш — бу уму-

* Буюк Британиядаги эмигрант немис баптистлар Ягона биродарлик жамоатининг тармоқларидан бири.

ман бошқача иш! Сингилларимиз ўзларининг жиддий хулқ-атворлари билан ажралиб турардилар ва керак бўлганда мени тўғри йўлга солардилар, менга нисбатан жуда олижаноблик қилардилар. Раббий Ўзининг мустақил иродасига биноан мени айнан шу жамоатда хизмат қилишимни назарда тутганлигини мен тушунардим.

Ягона биродарлик жамоати аъзолари Муқаддас Китобни жуда яхши ўрганганликлари билан машхурдирлар, шунинг учун ҳам мен хоҳлайманми ёки хоҳламайманми, кечалари соатлаб ўтириб Муқаддас Ёзувни ўрганардим ва ваъзларга тайёргарлик кўрардим. Биринчи кунлари мен, то ваъз қилишнинг маълум кўникмаларини ўзлаштириб олмагунимча, ўз ваъзларимни варақлардан ўқиб бериб турдим. Бахтимга, тез орада менга ёрдам бериш учун баланд бўйли, қадди-қомати келишган янги зеландиялик Майк Ливингстон келди. Майк Лондонга мендан сал кейинроқ етиб келди ва биз тез кунларда иноқ дўст бўлиб қолдик. Худога минг қатла шукур, Майк бизнинг сингилларимизга жуда ёқди ва бироз вақт ўтгач, у менга хизматда ёрдам беришни бошлади. Биз кўпинча суҳбатлашиб, ярим кечагача қолиб кетардик. Иккимиз бир-биримизга ҳаётдан олинган турли воқеаларни сўзлаб берардик. Майк ҳам Сара сингари тақводор оилада тарбияланган экан, шунинг учун у ҳам менинг Масиҳ билан учрашганим ҳақидаги воқеани катта қизиқиш билан тингларди.

— Биласанми, мен баъзида ўзимни иккинчи даражали масиҳий деб ҳисоблайман, — деди Майк менга одатга кириб қолган кечки суҳбатларнинг бирида.

— Ахир, сен доимо Худони дегансан-ку, нега энди бундай деб ўйлайсан? — сўрадим мен.

— Тўғри, аммо дунёга мен отам ва онам кўзлари билан қарагандай эдим, ишонч-эътиқод меники эмас, менинг ота-онамникидай туюларди.

— Сен нимани назарда тутяпсан?

— Мен ҳар доим ўз эътиқодимда инонишни, унда тасдиқланишни хоҳлардим, — жавоб берди Майк. — Сен Худони реал учратгансан. Энди Унинг ҳаракатларини ўз ҳаётингда бошқа ташқи намоён бўлишини кўришнинг кераги йўқ, деб айтгансан. Сен Унга шундай ишонишингни таъкидлагансан.

— Худди шундай, — жавоб бердим мен. — Мен қамоқхонадалигимда, У мени ҳар вақт — кечаю кундуз сақлашини мен билганман. Фақат шу тарзда мен қамоқхонада тирик қолдим, буларнинг ортида, шубҳасиз, Худо турганди.

— Аммо менинг бундай тажрибам бўлмаган. Мен ҳеч қачон бундай куч билан Унга тасалли бермаганман, ахир, менинг ҳаётим доимо тинч ва сокин бўлган, — деди Майк.

Бу вақтга келиб Худо билан бўлиб ўтган бундай учрашувлар ҳақида мен бир неча бор эшитганман. Масиҳга юз тутиш тўғрисидаги Майкнинг ҳикояси ниҳоятда Саранинг тарихига ўхшаб кетарди. Шу орада на Майкнинг, на Саранинг тарихига ўхшаш воқеаларни эшитганимда, мен қанчалик муқаддас ларзага келганимни асло билмасдилар. Гап шунда эдики, бундай «сўқир» эътиқод билан қандай яшаш мумкинлигини мен тушуна олмасдим. Шундай бўлса-да, Майк ва Сара йилдан-йилга Худога ҳамду санолар айтиб, Унга ҳар нарсада суяниб ва чин юракдан Унга хизмат қилиб, имонда тасдиқланиб борардилар.

— Хўп, нима бўлибди? — сўрадим мен Майкдан. — Ҳар қандай вазиятда Раббий сен билан бирга, сен ўз кучинг билан ҳеч нарса қила олмас эдинг.

Биз иккимиз ҳам ваъз ўқирдик: жамоатни бошқарар эдик, хизматда бизни Парвардигорнинг кучи қўллаб-қувватлаётганини иккаламиз ҳам яхши тушунардик.

— Айнан шу ҳақда мен сенга айтмоқчи эдим, Тони, — жилмайди Майк. — Менинг Худога келган йўлим асло сеникига ўхшамайди, аммо Раббий мени

қачон «руҳлантирган»ининг аниқ вақтини айтолмас-
лигимни биламан, сен эса мендан фарқли ўлароқ,
айта олишингга чиндан ишонаман.

Майк чин дилдан гапираётганини билсам-да, мен
уни қийинчилик билан тушунардим.

— Қани, менга яхшилаб изоҳлаб бер-чи, мен ҳеч
нимани тушунмаяпман, — дедим мен.

— Мен Исони ҳамма яхши кўрадиган оилада тар-
бия топганман, шунинг учун мен ёшлигимдан ҳа-
қиқий масиҳий ва оддий қавмлар орасидаги фарқ-
ни тушунганман. Ўн ёшларга кирганимда мен ўзим-
ни маълум тажрибага эга масиҳий деб ҳисобла-
ганман. Исо — менинг Қутқарувчим эканлигини би-
лардим; аммо қачон ва қандай қилиб мен буни ту-
шунганлигимни ва Уни танлаганимни эслашим
қийинроқ бўлди. Мен шунга ишонардим — бўлди.
Мен қачон Масиҳга имон келтирган кунимни эслай
олмасдим, балки шунинг учун ҳамки, зеро мен Унга
ишонмаган кунимни эслолмайман... — Майк жил-
майди.

— Лекин мен буни тушунишим қийин, — дедим
мен. — Менда умуман бошқача бўлган. Мен шунча-
лик гуноҳга ботган эдимки, Худо мен билан анча вақт
ишлашига тўғри келди.

— Ҳа, эҳтимол, шундай бўлиши мумкин, — деди
Майк. — Баъзи одамлар гуноҳкорларни тўғри йўлга
қайтишларини икки мамлакат орасида саёҳат қи-
лувчи поездга қиёслайдилар, — деб гапини давом
эттирди Майк. — Агар ухламасанг, поезднинг чега-
рани кесиб ўтишини кўришинг мумкин, агар ухлаб
қолсанг — нима бўлишини ўзинг биласан. Сен бу-
нинг уддасидан чиқдинг, агар мен тўғримда гапира-
диган бўлсак, мен қандай қилиб «масиҳий» бўлиб
қолганимни эслай олмайман, тамом. Ҳамма гап мана
шунда.

— Аммо сен имон келтирганингга шубҳаланмай-
сан-ку? — сўрадим мен.

— Менимча, бу муаммо — сўнгги йилларда мен ечишим керак бўлган энг қийин муаммолардан биридир. Мен ўн уч ёшга тўлганимда, Исони Ўз Қутқарувчим сифатида танлаганимни ҳаммага кўрсатиш учун Худонинг Ўзи мени сувда имон келтиришга даъват этганлигига, мен чин дилдан ишонганман. Шундай қилиб, мени сувда чўмдириб имонга киритишди. Мен кейинроқ, улғайганимда, Худога «тўғри» имон келтирганимга шубҳаланганман. Мен айнан қачон тавба қилганимни, қайси санада бу юз берганини, хуллас, эслай олмадим. Менинг шубҳаланишларимнинг асл моҳияти мана шундан иборат эди, айниқса, баъзиларнинг Худони билиш тажрибаси худди сеникига ўхшаш бўлган одамлар билан учрашганимда.

Мен жилмайдим:

— Хўш, кейин-чи?

— Демак, менинг ўйлашимча, шунга ўхшаш шубҳаланишлардан тинмай ибодат қилиш орқали қутулиш мумкин. Агар мен ўз гуноҳларимга қайта — қайта тавба қиладиган бўлсам, бундан кимга ёмон бўларди? — кулиб юборди Майк. — Бундан ташқари, менинг фикримга кўра, сенга ўхшаб ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини бошидан кечириб, кейингина Худога юз тутиш тажрибасига эга бўлмаган одамлар, Унинг мавжудлигига илмий ва фалсафий нуқтаи назардан исбот топишга уринадилар. Мен Унга ишонишимни билардим, аммо бутун ҳаётим давомида ўзимга ва яқинларимга мен «нимага» Худога ишонишимни исботлашга интилганман. Ҳа, менинг ақлимнинг илмий салоҳияти худди шунақа. Бироқ Худонинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини илмий нуқтаи назардан исботлаб бўлмайди. Шунингдек, экспериментал йўл билан ҳам Худонинг борлигини исботлаш мумкин эмас. Хуллас, мен шундай хулосага келдим: жисмоний оламда Худонинг руҳий муҳитда мавжудлигига биз кўплаб исботларга эгамиз.

— Сен нимани назарда тутмоқдасан? — сўрадим мен.

— Авваламбор, бу коинотнинг мавжудлиги. Сўнгра бошқа имонлиларнинг гувоҳликлари. Фақатгина буларнинг ҳаммасини бирлаштириш керак ва имон-эътиқодга онгли равишда қадам қўйиш лозим.

Қоронғуда ёнма-ён ўтирганимизча, биз жим бўлиб қолдик. Мен Майкнинг айтганларини ҳазм қилмоқчи бўлдим. Унинг гувоҳлигининг кучи чиндан ҳам мени ҳайратлантирди.

— Ҳа, ҳақиқатдан ҳам сендаги каби Худо менга ҳеч қачон намоён бўлмаган. Бироқ У барибир менинг ҳаётимда буюк ва ажойиб мўъжизаларни кўрсатган ва кўрсатмоқда, — деб тугатди Майк гапини секингина. — Айнан У ҳаёт йўлимининг ҳар бир қисмида мени етаклаганлигини, бошқарганлигини ва марҳаматлаганини мен аниқ биламан!

— Омин! — дедим мен жилмайиб, — бу худди шундай бўлганлигига мен асло шубҳаланмаганман.

Жамоатда хизмат қилиш ҳаётимнинг кўп қисмини эгалларди. Аммо мен яшаш учун ишлаб, маблағ топишим лозим эди. Жамоат хизматидан бўш вақтларимда у ер-бу ерда иш топиб ижара ҳақини тўлашга ва бирозгина бўлса ҳам пул орттириб йиғишга ҳаракат қилардим. Яхшигина иш топиш юзасидан қийинчилик бўлаётган эди, аммо мен қўл қовуштириб ўтирмасдим, қандай иш топсам, қилиб кетаверардим. Маълум бир вақт официант бўлиб ишладим, сўнгра эстамплар билан шуғулландим. Юра-юра мен яна қўриқчилик соҳасига ишга кирдим. Қўриқчилик ишини бажаришга мен асло қийналмасдим, бироқ мени бир нарса хавотирга соларди — тойиб кетиб, олдинги ҳаёт йўлига тушиб қолиш. Оддий қўриқчи бўлиб ишлаш — қайсидир маънода ўз қобилятимни ерга қўмишим билан баробар эди, қолаверса, маошим ҳам кам эди. Аммо менга бу иш жуда ёқарди,

чунки тинч эди. Хизмат юзасидан мен кўпинча Кью-Гардензга* ва Лондон яқинидаги бошқа шаҳарларнинг кўркам жойларига бориб турардим. Ҳаёт кечиришга нон топиш учун қай тарзда пул ишлашга мен унчалик аҳамият бермасдим. Лекин барибир ҳаётимни ҳаракатга келтирувчи куч Исо Масих ва У менга ҳадя қилган ҳаётга гувоҳлик бериш зарурати эди. Мен одамларга ўз эътиқодим ҳақида гувоҳлик бериш имконияти учун тинмай ибодат қилдим. Имкониятлар эса жуда кўп эди, шунинг учун мен ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилардим.

Бироқ мен ҳозирда ишлаётган фирма кўриқчилик соҳасида фаолият кўрсатган олдинги тажрибаларимга тез орада эътибор қаратди. Менинг лавозимимни кўтардилар, кейин бўлса мен ўз-ўзидан хизмат поғонасидан кўтарилиб боравердим. Худо учун хизмат қилганим сингари менга чин дилдан меҳнат қилиш жуда ёқарди. Фирма ишини яхшилаш мақсадида мен нимани қандай қилиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурларга эга эдим. Бироз вақт ўтгач, мен ўзим билмаган ҳолда, ўзимда аввалгидай шухратпарастликни жо қилибман. Икки йил мобайнида бизнинг бизнесимиз бениҳоят ривожланиб борди ва жуда катта даромад келтирди. Кўз очиб юмишга улгурмасимданоқ, коммерсант директор бўлиб қолибман. Менга хизмат автомашинаси ва Лондоннинг марказига хизмат яшаш майдони ажратилди. Олаётган яхшигина маошим ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Худо шундай қилгани учун мен Ундан миннатдор эдим. Буларнинг ҳаммаси менга Унинг иши бўлиб кўринди. Шу вақтга келиб Сара ўқишни битирди ва ўқитувчи бўлиб етишиб чиқди. Биз тўйга тайёргарлик қила бошладик.

Уик-эндини биз Сара билан кўпинча унинг ота-онасининг Эссекдаги уйида ўтказар эдик. Оила қуришга

* Кью-Гарденз — Лондоннинг ғарбий қисмидаги катта ботаника боғи; 1759 йили ташкил топган.

уларнинг розилигини олиш учун, мен уларга кўп нарсаларни тушунтириб беришим лозим эди. Саранинг ота-онаси меҳрибон ва қалби очик одамлар, бироқ мен уларга қутилган кўёв бўла олишим амри маҳол эканлигини яхши тушунардим. Улар ягона суюкли қизлари учун жуда бошқача одамни кўёв қилишни орзу қилган бўлсалар керак. Ўша ҳолатда мен қилишим керак бўлган асосий иш — бу Худога илтижо қилиш, токи Худо мени уларга «янгича одам», яъни Раббий кундан-кунга мени гуноҳлардан поклаётган одам сифатида кўрсатишини хоҳлайман.

Аммо бу осон иш эмас эди. Кун-фу жанговар санъатидан аллақачонлар воз кечганлигимга қарамай, у ҳозирда ҳам ҳаётимнинг бир қисми бўлиб қолаверди. Қачонлардир, уик-эндларнинг бирида мен Саранинг ота-онасиникида дам олаётган эдим. Мен душанба куни Лондонгача бўлган эрталабки поездга ўтиришни режалаштириб қўйгандим. Эрта саҳарда, яъни соат бешларда Саранинг отаси Дейвид мени уйғотиб, бир пиёла чой таклиф қилмоқчи бўлибди. Мен хуррак отиб, жуда қаттиқ ухлаб ётгандим. Уйқумнинг ичида хонамга кимдир кириб келганини пайқадим ва бирдан ичимда томир отиб кетган қадимги инстинктларим жўш уриб кетди: кимдир менга ҳамла қилмоқчи. Мен шу заҳотиёқ дик этиб ўрнимдан турдим ва ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида отнинг жанговар усулида турдим. Бечора Дейвид қотиб қолди. Яхшиямки, мен вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим. Шубҳасиз, ҳеч қандай зарба бўлмади. Ҳайрон бўлган Дейвид бир сапчиб тушди, чойнакдаги қайноқ чой ҳам ерга тўкилмади.

Юз берган ҳам антиқа, ҳам нохуш воқеани Дейвид кейинроқ ҳар гал эслаганда, куларди. Мен учун эса бу воқеа олдинги «йўлим»ни, ҳаётимдан ўчириб эсдан чиқариб бўлмас маълум ачинарли даврни эслатиб туради. Кун-фу жанговар санъати мен учун «танага санчиладиган ниш» сифатида абадий бўлиб қолаверади.

Мен инсон танасида шундай нуқталарни биламанки, уларга таъсир кўрсатиш жараёнида одам бир неча сонияларда тил тортмай ўлиши мумкин. Бундай нарсаларни билиш ниҳоятда хавфлидир. Буни билиш — ҳар доим ўқланган қурол билан юриш деганини англатади. Биз олдинлари Сара билан бирга уйдан сайр қилишга чиққанимизда, у ўзини беҳавотир ҳис қилаётганини кўпинча айтарди. Аммо мен Сарадан айнан шундай сўзларни эшитишни хоҳлаганманми!

Ўша ажойиб кундан буён — мен Алькапони билан ёқалашаётганимда Худо Ўз кучини менга намоён қилган кундан бошлаб мен одамларни кунфу жанговар санъатининг барча усуллари ва турларидан воз кечишларини даъват қилиб келмоқдаман. Ғарбда соғлиқни мустаҳкамлаш ва одам ўзини ҳимоя қилиш мақсадида жанговар усуллардан фойдаланадилар. Аммо барча шарқона якка курашлар негизида маълум бир ибтидо туради. Бу ибтидо хавfli ва алдамчидир. Кун-фунинг йўли Исо Масиҳнинг ҳақиқий йўлига қарама-қаршидир ва одамда ўз кучига ишониш ҳис-туйғусининг пайдо бўлишига ва ривож топишига олиб келади. Жанговар санъатлар инсоннинг ички қўрқувини, даҳшатни ва обрўталабликни келтириб чиқаради. Исо Масиҳнинг йўли эса одамзодни гуноҳлардан фориғ эттириб, У орқали, У билан, Ундаги янги ҳаётга, эркинликка ва беҳавотирликка етаклайди.

14 боб

22 июль 1995 йили биз Сара билан оила қурдик. Ўша йили, бизнинг тўйимиздан бироз вақт олдинроқ, Саранинг энг яқин дугонаси Майкка турмушга чиқди. Афсуски, бу — Майк иккимиз «Оак Рум» жамоатини ташлаб кетишимиз кераклигини англатарди. Биринчи бўлиб Майк кетди, у кетгандан кейин бир неча ой ўтгач, мен ҳам шундай қилишимга тўғри келди. Сара ва Элен Эссексда, яъни уларнинг ота-онаси истиқомат қиладиган шаҳарда ишлашарди. Қизлар ёшликларидан бирга ўсишган, иккаласи ҳам унча катта бўлмаган «Моркрофт Холл» маҳаллий жамоатининг аъзолари эдилар.

Тез орада биз жамоат ҳаётига киришиб кетдик. Гуноҳларимга тавба қилганимдан кейин биринчи кундан бошлаб мен Хитойнинг бирон жойида, жуда бўлмаганда, рецидивистлар учун мўължалланган қаттиқ режимдаги қамоқхонада миссионер сифатида хизмат кўрсатишни орзу қилардим. Бунинг ўрнига мен ўз қалбини болаларга берган Саранинг ортидан бордим. Саранинг отаси узоқ йиллар давомида ёзги болалар лагерларининг ташкилотларига раҳбарлик қиларди. Мен унга ёрдам бера бошладим ва ўзим билмаган ҳолда болалар билан ишлашга қизиқиб кетдим, бу ҳар қандай одамга роҳат бағишлашини тушуниб етдим. Мен болалар билан турлича ўйин ва машғулотларни ўтказишни яхши кўрардим. Эҳ-

тимол, булар ўзимнинг болалигимда менга етишмаганлиги туфайлимикан. Ёзги дам олиш лагерлари программаларининг асосий пунктларидан бири — бу сувдаги турли машғулотлар, спорт мусобақаларини ва очиқ ҳаводаги спорт ўйинлари ўтказиш эди. Кечқурунлари биз Сара иккаламиз болаларга Исо Масиҳ ҳақидаги ҳикояларни сўзлаб берардик. Бу жуда осон эди. Болалар катта қизиқиш билан бизнинг ҳикояларимизни эшитишар, мен эса ўз навбатида, уларга нақадар кераклигимни ҳис қилардим.

«Моркрофт Холл» жамоати Инжил маросимларини ўтказмас эдилар, қолаверса, жамоатда ёшлар ҳам жуда кам эди. Ҳикоя қилинаётган ҳодисалардан бироз вақт олдин биз Сара, Майкл ва Элен билан биргаликда жамоат қошида ёшлар клубини ташкил этишга қарор қилдик. Шаҳарда ўспирин-ёшлар жуда кўп эди, улар нима қиларларини билмай кўча-кўйларда тентираб юришарди. Бирор яхшилик қилишга биз ғайрат-шижоатга тўлганмиз. Мен осонликча ёшлар билан танишардим ва уларни жамоатга таклиф қилардим, Майк эса хушхабарни ваъз қиларди. Ҳар жума кунлари биз микроавтобусда бутун Базилдонни айланиб чиқардик, жамоатга жалб қилиш учун болалар ва ўспиринларни тўплардик. Ўша пайтга келиб кўплаб болалар Масиҳга имон келтирган эдилар. Масалан, Жеймини олайлик. Бу ориқдан келган, тиниб-тинчимас, ҳар нарсага асабийлашиб кетадиган бола эди. Бола тўққиз ёшда бўлгани билан, ёшига қараганда жуссаси анчагина кичкина. Шунга қарамасдан Жейми бир неча марта уйларида қочиб, турлича кўнгилсиз воқеаларга аралашиб қоларди. У ҳеч кимга ишонмас, асабийлашганда тутилиб қоларди. Унинг ота-онаси ким, у қандай оилада тарбия олганлиги биз учун қоронғу эди. Биз оталиққа олган барча безори ўғил болаларники сингари, унинг отаси йўқ: турли машаққатлар билан боқиб онасининг

зиммасида эди. Биз имкон қадар барча болаларнинг ота-онаси билан яқиндан танишишга ҳаракат қилардик. Ота-оналар билан учрашганимизда, мен қамоқхонада ўтириб чиққанимни ҳеч кимдан яширмай, очиқ-ойдин гапирар эдим. Бироқ биз фаолият кўрсатаётган ўша давраларда бу уят ҳисобланмасди. Аёлларнинг эрларидан ва ўйнашларидан кўпчилиги, яъни тарбияланувчиларимизнинг оталари қамоқхоналарда жазо ўтаётганликлари сабабли биз оналарга ҳам ёрдам берардик. Болалар ёмон давраларга тушиб қолмасликларининг олдини олар эдик. Бунинг учун ота-оналар биздан миннатдор эдилар.

Ҳар ҳафта Жейми бизнинг ёшлар клубимизга ташриф буюрарди. Тез орада клубга у укаси ва опаси — Жон ва Мэнди билан бирга кела бошлади. Мен кўпинча бир нарсани ўйлаб қоламан: ҳаётнинг ўша оғир пайтларида агарда Жеймини ҳеч ким қўллаб-қувватламаганда эди, унинг тақдири нақадар ачинарли бўларди. Лекин унга ёшлар клуби катта ёрдам кўрсатди.

Биз ҳар ҳафта Биллеркейдан бир қизни — Бекки Уотсонни олиб келдик. У жуда гўзал қиз эди. Шу тарзда клубимиз аъзолари борган сари кўпайиб борарди. Бинобарин, энди болаларни ва ўспиринларни олиб келиш учун биз битта микроавтобустга қўшимча тарзда, иккита енгил машина билан чиқардик. Бир куни кечқурун, ўйин бошланишидан бироз олдин тўсатдан эсим оғиб қолди: мен Беккини олиб келишни унутибман.

Ўйинни бошлаб туришни ўз ёрдамчиларимга топшириб, мен қилган хатомни тўғрилашга кетдим. Машинани экстремал ҳолатда ҳайдаш тажрибамга таянган ҳолда, мен йигирма дақиқали йўлни жуда қисқа вақтда босиб ўтдим. Яхшиямки, Бекки ҳали ҳеч қаерга кетмаган экан. Гарчанд совқотган бўлса-да, у мени кутиб ўтирган экан. Қиз асло гина сақламай, мени осонликча кечирди. У табиатан шундай эди.

Машинада гаплашиб кетаётганимизда, мен қиздан тўғридан-тўғри сўрадим:

— Шундай бўлса-да, Бекки, сен Исо Масихга ишонасанми?

Ўртага сукунат чўкди. Ҳеч ким ва ҳеч қачон қиздан бу тўғрида очиқ-ойдин сўрагани йўқ эди. У олдига қараганча, кўзини узмай кетарди. Мен ҳам йўл белгиларига қараб ҳаракат қилганимча, индамай кетавердим. Иккимиз жамоат автостоянкасига кириб боргунимизча лом-мим демадик. Мен хавфсизлик ременини ечиб, автомобил эшигини очиб чиқаётганимда, Бекки кутилмаганда деди:

— Ҳа!

— Ҳа? — тушунмадим мен.

— Ҳа, мен Исо Масихга ишонаман, — деди Бекки менинг кўзларимга тикилиб қараб. Унинг юзида табассум пайдо бўлди, кўзлари ёнди. Қиз яна қайта деди: — Ҳа, Тони. Энди мен Исо Масихга ишонаман.

Ўша пайтдан бошлаб Бекки ҳар доим Исо Масих ҳақида тинмай гувоҳлик бериб келмоқда. Қолаверса, у ҳаммага менинг автомобилимда бир куни кечқурун Худога келганини ҳикоя қилиб берарди. Мен эса ўша пайтда чўчиб ўтирмай, тўғридан-тўғри қизга савол берганимдан ниҳоятда хурсандман. Бекки ҳозирда ҳам олдингидай хушхабарни тарқатиб юрибди. Бекки буни шунчалик содда қилиб барчага етказардики, ҳалигача мен унинг ишонтириш қобилиятидан ҳайратланаман.

Ўз юракларини Исога очган ва У ҳақда янада кўпроқ билишга интилган яна кўплаб ёшларни бизнинг клубимизда учратиш мумкин. Биз бундай ёшларни ҳар сешанба кунлари Муқаддас Китобни ўрганиш учун уйимизга таклиф қила бошладик. Улар учун алоҳида бўш хонамиз йўқ эди, шунинг учун ҳам улар ўн-ўн бешта бўлиб меҳмонхонамизда йиғилишарди. Уйимиз тор бўлса ҳам, кўнглимиз кенг эди. Хуллас, ўша даврлар ажойиб ҳисобланган.

Шу орада қўриқчилик соҳасидаги ишларим тобора ривожланиб борарди. Мен босаётган қадамимни ва бажаришим керак бўлган ишларни рақибларимга қараганда, олдиндан кўра билиш қобилиятига эга эдим, бу эса ўз навбатида менинг лавозимда ўсишимга ва маошимнинг ошишига сабаб бўларди. Лекин менинг юрагим ҳамон Исони билмаган одамларга нисбатан ғамхўрлик билан яшарди. Ҳозирда эса орқага назар ташлар эканман, руҳий ҳаётимнинг маркази ўшанда алмаша бошлаганини тушундим. Биз Сара билан Худога янада кўпроқ қурбонликлар қилишимиз учун У бизга кўп инъомлар қияпти, деб адашган эканмиз. Аслида бундай эмас эди. Биз ўзимизни қанчалик кўп Худога бағишласак, Худо бизнинг ризқимизни шунчалик кўп мўл-кўл қилар экан. Мен кўп вақтимни қўриқчилик фирмасида ўтказадиган бўлиб қолдим, бу эса ўз навбатида мени Сарадан, қолаверса, мени хизматга даъват этаётган Худодан ва жамоатдан тобора узоқлаштира борарди. Ўзим билмаган ҳолда мен «шон-шухрат тузоғига илиниб қолган масиҳийга» айлана бошладим.

Бир неча йил олдин шундай масиҳийларга нисбатан, ҳозирда ўзим шундай масиҳийга айланиб қолгандим, ёмон гаплар гапирганман ва уларни қоралаганман. Англияга келганимдан бошлаб мен жамоатнинг бир қисми бўлишга орзу қилганман. Қамоқхонадалигимда мен илк Жамоат ҳақидаги Янги Аҳд ҳикояларини ўқиганман ва шунга ўхшаш нарсаларни ҳозирги жамоатларда юз беришини тасаввур қилганман. Худо бундай хурсандчиликни бошимдан ўтказишимга имкон берди. Шубҳасиз, Кипрда руҳан қайта туғилганимдан кейин ягона эътиқоддаги биродарларим орасида яшашни мен катта ва улўф ҳады сифатида қабул қилдим. Орадан бироз вақт ўтгач, ташриф буюрган кўплаб жамоатлардан менинг кўнглим совий бошлади. Тўғри, биродарлар ва сингиллар бир-бирларини севишлари, саломлашишлари ва

меҳрибонлик қилишлари мумкин эди, аммо умуман олганда, уларни ўз ташвиш ва юмишлари қизиқтирар эди. Шубҳасиз, улар бева-бечоралар тўғрисида ибодат қилишарди, аммо камчилик ўз жамоатидан ташқарида хушхабарни тарқатиш истагини билдирарди.

Марк баён этган Муқаддас хушхабарнинг 16-боб, 15-оятида шундай дейилган: Исо шогирдларига деди: «Бутун жаҳон бўйлаб юринглار ва ҳамма тирик жонга Инжил Хушхабарини тарғиб қилинглар». Ўша вақтда Исонинг амри қандай бўлса, бутунги кунларда ҳам у шундайлигича қолаверади. Бундай амр бир умрга берилган ва барча масиҳийларга тегишлидир. Шундай бўлса-да, бу амрни кўплаб масиҳийлар бажармаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Мен эндигина қутқарилган ва буюк Худо томонидан қайта туғилган пайтимданоқ Исо Масиҳ ҳақидаги ҳақиқатни яшира олмадим. Бундай ҳаракатни саратон касаллигига қарши дори ишлаб чиқиб, уни беморлардан яшира олмаган табибга ўхшатаман. Масиҳ ҳақидаги Муқаддас Хушхабар мен учун ҳам шундай янгилик бўлди. Аммо менинг бу ерларда кўрганларим ҳеч нарсага арзимасдай бўлиб кўринди! Қутқарилиш масаласи барча учун биринчи ўринда турадиган масала, яъни зудлик билан иккиланмай ҳал қилиниши керак бўлган масалага айланиши керак. Одамларга аввалам бор айнан шулар ҳақида гапиришимиз лозим, минг афсуски, бу ҳақда одамлар ўйлаб ҳам кўрганлари йўқ. Қолаверса, шундай деб ҳисобловчи масиҳийлар нима сабабдан ниҳоятда камчилик эканликларини мен тушуна олмадим.

Олти йилдан кейинми, ёки етти йилдан кейинми, менинг ўзим ҳам тўкин-сочин ҳаёт кечириш қопқонига тушиб қолдим. Ўзим билмаган ҳолда руҳий саҳрога тушиб қолдим. Сара иккимизни олдинда оғир вақтлар кутарди.

1999 йилнинг ёз фаслида Майк ва Элен Беркшир яқинига кўчиб ўтдилар. У ерда Майкка яхшигина иш таклиф қилинди. Ёшлар гуруҳи ҳамон бизнинг уйимизда тўпланишарди, аммо Сара иккимиз жамоат ҳаётидан ниҳоятда норози эдик. «Моркрофт Холл» жамоатида бизнинг тенгдошларимиз йўқ эди, биз эса биродарлик муносабатларининг яқинлашишини хоҳлардик. Шубҳасиз, Худо бизнинг норозилигимизни тушунарди, бунга бизнинг ишончимиз комил эди. Ва ниҳоят, менга Фелтамда хизмат қилишни таклиф этганларида, Худо бизнинг илтижоларимизга жавоб қайтарганлиги учун Унга миннатдорчилик билдирдик. Менинг даромадларим анчагина кўпайди, маълум вақт ўтгач, биз марказий районларнинг бирида шинамгина уй сотиб олиш имконига эга бўлдик.

Биз қандай тентак бўлган эканмиз! Ортга назар ташлар эканман, Худонинг улуғворлиги яхши маош ёки шинам уйга эга бўлишдан иборат эмаслигини эндигина аниқ англаб етдим. Зарур бўлган нарсаларнинг барчаси тўкин ҳаётнинг қопқони экан. Худонинг инояти билан биз Эссекда ўз хизматимизни бошлаган эдик. Болалар бизга муҳтож эдилар, биз эса уларни ўз ҳолига ташлаб қўйдик. Тўғри, маҳаллий жамоат аъзолари ўртасида биз ишларни тақсимлаб чиқдик ва болаларга ғамхўрлик кўрсатилишининг гувоҳи бўлдик, аммо ўзимиз Худо йўлидан эмас, балки ўз йўлимиздан кетдик. Эҳ, биз шуларни ўшанда тушунганимизда эди!

Кўчиб кетишимиздан икки ҳафта олдин штатлар қисқаргани туфайли мени ишдан бўшатдилар. «Бунимаси? Худонинг синовимикан?» — ўйланардим мен. Бироқ менинг ич-ичимда ҳаммаси яхши бўлишига бир илинжим бор эди ва мен шундай бўлишига қаттиқ ишонардим ҳам. Ҳақиқатдан ҳам, бир неча ҳафтадан кейин мен бир компанияга коммерсант-директор бўлиб ишга жойлашдим. Ушбу компания

нақ Лондоннинг марказида хавфсизликни таъминлаш билан шуғулланарди. Бундан кейин бир неча кун ўтгач, Сара менга яна бир хушхабарни олиб келди: ҳадемай биз фарзандли бўлар эканмиз. Ҳаёт кўзларимга нақадар гўзал бўлиб кўринди. Биз тўғри йўлдан бораётганлигимизга, боришимиз керак бўлган ерда хизмат қилаётганимизга ва бу жойлар бизнинг диққатимизга сазовор эканлигига ишончимиз комил эди.

Инжил масиҳийларидан иборат бўлган маҳаллий жамоатда ёшлар билан ишлаш учун менга қавмбошлик лавозимини таклиф қилишди ва мен ўспирин-ёшлардан гуруҳлар туза бошладим. Бундай хизмат учун кўп машаққатлар чекишимга тўғри келди. Баъзи бир имонлилар билан кўнгилсиз зиддиятлар рўй берди.

— Менинг ўйлашимча, имонлиларнинг ҳавотирлиги шундаки, гўёки тўпланган болалар уларнинг тўшалган гиламларини эскиртириб тешиб қўядилар, — дедим мен киноя билан Сара иккимиз суҳбатлашиб ўтирганимизда.

Мен улардан бўш келмасликка қасам ичдим. Мен ўз хизматим билан жамоатда нималар қилиниши кераклигини ва нималар қилиш мумкинлигини уларга кўрсатаман. Бир неча ой ўтгач, жамоат қошида гуллаб-яшнаётган ёшлар клуби ташкил этилди.

Чиндан ҳам клуб фаолиятига қизиқиб кетган ёшлар жамоатга бир ўзлари эмас, опа-сингилларини, ака-укаларини ва дўстларини олиб кела бошладилар. Шубҳасиз, жамоатда буни сезмай қолмадилар. Аммо барибир хушхабарни тарғиб қилиш истаги жамоат аъзоларида кўпаймади. Буларга эътибор қилмай, мен ўз ишимни давом эттиравердим ва қатъий ҳаракат қилавердим. Хушхабарни тарғиб қилиш Исонинг амри бўлган, мен Муқаддас Хушхабарни ўзим тарғиб қиламанми, ёки бирон кимса биланми — бу бошқа масала. Олдин бошқаларни ўргатиш учун, ўз эзгу

ишларимга таянмай, аввалам бор ўзим ўрганишим кераклигини энди тушундим. Ўшанда Худо энди менинг меҳнатимни марҳаматламай қўйганини ўшанда кўрмаганман.

Қайсидир душанба куни кечки пайт, 2000 йилнинг март ойи бошларида бизнинг олдимизга ёшлар гуруҳидан бир болакай келди. Биз у билан суҳбатлашдик, мактаб муаммолари тўғрисида ибодат қилдик. Қоронғу тушганда, мен уни уйига олиб бориб қўйдим. Уни ташлаб қайтаётганимда, уйга овқат заказ қилиш учун хитой ресторанига кирдим. Кун бўйи юравериб чарчагандим.

Ташқарида ёмғир томчилаб, машинамнинг ойнасига тақиллаб тушарди. Қоронғу бўлгани ва ёмғир ёғаётгани учун мен ниҳоятда эҳтиёткорлик билан машинамни бошқарардим. Ўтган ойда мен бир неча марта оғир бўлмаса-да, автоҳалокатга учрадим. Мен эрталабдан кечгача автомобилни бошқариб юришимга тўғри келарди: кундузлари ишга бориб сўнг уйимга қайтардим, кечқурунлари эса болаларни уйларига ташлашга борардим. Чарчоқ мени енга бошларди.

Мен машинамни тор ва қоронғу қишлоқ кўчаларидан ҳайдаб борардим. Бу ерларда доим кўплаб кийиклар дайдиб юради. «Спидометрга қараб тур», — деб огоҳлантирдим мен ўзимга ўзим. Бир ками энди кийикка урилиб кетишим қолувди!

Аммо барибир қайсидир дақиқада тўхташга огоҳлантирувчи белгини кўрмай қолибман. Ўзимни қўлга олгунимча, мен йўлнинг чорраҳасига чиқиб қолибман. Қизил чироқ ёниб қолганини кўришим биланок, шиддат билан тормозни босдим. Ғилдираклар айланишдан тўхтади ва автомашинам катта йўлга сирғаниб чиқиб кетди. Бахтимга, катта йўлда ҳеч ким йўқ экан. На фараларнинг ёруғи кўринарди, на бирор бир транспорт воситаларининг сигнали эшитиларди. Автомобилим қарама-қарши ҳаракат томонига ўтиб қолганди. Аммо бу нима? Мен тормозни

босгунимча, автомобилнинг олдида, ўнг тарафдан чап тарафга нимадир ўтиб кетгандай бўлиб кўринди менга. Шу заҳоти нимадир келиб машинамга урилгандай бўлди, зарба унчалик кучли бўлмаса-да, бироқ мен чўчиб кетдим. Эҳтимол, бирор жонивор урилиб кетгандир, деб ўйладим. Мен нима юз берганини кўриш учун машинамдан тушдим. Машинамнинг олди фараси синган эди, бошқа ҳеч нарса йўқ. Мен йўлга қарадим. Йўлда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Балки, бу кичкинагина кийикча ёки тулкичадир. Ким бўлган тақдирда ҳам, у тирик ва ўрмончада беркиниб олган бўлиши мумкин.

Автомобилга ўтириб, мен бир неча метр орқага — чорраҳага қайтдим. У ерда ҳам ҳеч нарса кўрмадим, аммо қалбим қандайдир нотинчликни ҳис қилар эди. Машина рулини ушлаганимча, мен бир неча дақиқа ўйланиб ўтирдим. Чорраҳадан унча узоқ бўлмаган жойда, яъни йўлнинг четида яна иккита бошқа машиналарнинг тўхтаганини кўрдим. Машинада ўтирганлардан ҳеч бири автомобилдан чиқмади. «Эҳтимол, улар ҳам қандайдир жониворни деб тўхтаб туришгандир», — деб ўйладим мен. Мен нима қилишни билмасдим. Идишдаги овқатим совиб қолаётган эди. Йўлда диққат қилиб юрмаганлигим учун мен ўзимни койирдим. Машинадагилар билан гаплашишни ис-тамасдим. Айниқса, яраланган жониворни деб. Мен газни босдим ва бошқа йўлдан уйимга жўнаб кетдим. Бошқа бу ҳолат ҳақида асло эсламадим.

Кейинги шанба кuni бизнинг уйимизга ёшлар гуруҳидан бир нечта ўспирин йигитлар келишди. Биз навбатдаги Муқаддас Китоб дарсини ва кечки овқатни режалаштириб қўйган эдик. Болалар бирин-кетин меҳмонхонага кирдилар.

— Ҳой, Тони, машинангизга нима бўлди? Душман ўқи тегдими? — деб сўради кулимсираб Том ва ўзини креслога ташлади. Том жуда ҳам радиони яхши кўрарди ва ниҳоятда криминалистика билан қизиқар-

ди. У битта қолдирмай полиция хабарларини эшитар, газетадан маҳаллий детективларнинг хизмати ҳақидаги ахборотларни мунтазаб равишда кузатиб борарди. — Биласизми, полициячилар сизнинг автомобилнингизга ўхшаган бир машинани қидириб юрибдилар, — деди у лабини қийшайтириб кулар экан.

— Сен нималар деяпсан? — сўрадим мен тўсатдан унинг гапларига қизиқиб.

— Душанба куни бир аёл машина тагига кириб кетибди. — Том гапиргани сари, мени титроқ боса бошлади.

— Хўш, бу қаерда содир бўлибди? — сўрадим мен ҳавотир олаётганимни билдирмасликка ҳаракат қилиб.

— Брэкнелл-роудда. Аёл мотоцикл минган экан, машина ҳайдовчиси тўхтамабди ҳам.

Мен ўзимни ёмон ҳис қилдим.

— Яхши, тергов жараёни қандай кетаётганлигини кейинроқ сўзлаб берарсан, — дедим мен ҳазиллашиб, аммо ичимни муз босди. Болалар қачон уй-уйларига жўнаб кетишларини интизорлик билан кутдим.

— Сизга нима бўлди? — ҳавотир олиб сўради Сара келган меҳмонларни кузатиб бўлиб. — Дарсни бунчалик тез тугатасиз деб ўйламагандим.

Мен диванга ўтирдим ва иккала қўлим билан бошимни ушладим. Сара олдингидан ҳам баттарроқ ҳавотирга тушди.

— Ҳой, дўстим, нима бўлди? Мабодо, касал бўлиб қолмадингизми? — сўради у.

— Мен сенга бир нарсани айтишим керак... — жавоб бердим мен. Кўзларимга ёш келди, ўзим эса тоғтерак барги каби титрадим. Мен Сарага йўлда рўй берган нохуш воқеани, ўшанда мен бирор ҳайвон менга урилиб кетдим деб ўйлаганим, Том айтаётган ҳалок бўлган аёл ҳақида ҳам ҳаммасини сўзлаб бердим.

— Нега сиз гап ўша воқеа ҳақида кетяпти деб ўйлайсиз? — сўради Сара, имкон қадар ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб.

— Гап худди ўша воқеа ҳақида боряпти. Худди ўша вақт, худди ўша жой. Мендан бошқа у ерда яна ким бўлиши мумкин?

— Тони, нега сиз бу ҳақда менга олдинроқ айтиб бермадингиз?

— Шунчалик жиддий, нохуш воқеа юз берганлигини билганим йўқ эди.

— Машина бир нимага урилганини сиз сезмаган бўлишингиз мумкин, шундайми?

— Шунга ўхшаш бир нарсa юз берганди. Менинг машинамга урилган бирор ҳайвон деб ўйлагандим. Ўзинг ўйлаб кўргин-а, машинамнинг фақатгина олди фараси синган, холос.

— Тони, энди нима бўлади? — деб сўради хавотирланган Сара. Энди у ҳам ваҳимага тушди.

Мен бирозгина тинчланиш ва яхшилаб ўйлаб кўриш мақсадида, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошладим.

— Ҳаммасини аниқ билмагунимизга қадар, ҳеч нарсa қилмаслигимиз маъқул... — деди Сара.

Сара ўқилмаган бир уйим газеталарни олди ва бир нималарни ахтариб, уларни тита бошлади. Брэкнелл-роудда юз берган фожеа ҳақидаги мақолани кўриб қолиб, бақириб юбормаслик учун оғзини қўли билан беркитиб олди.

— Йўқ! — деб тортиб олдим мен газетани.

Газета чоп этилган мақолада юз берган фожеа ҳақида бутун тафсилотлар ёзилганди. Душанба куни кечкурун, таҳминан соат тўққиз яримларда, Брэкнелл-роуд чорраҳасида номаълум машина томонидан кўчани кесиб ўтаётган мотоцикл уриб кетилган. Мотоциклни бошқараётган аёл йўлнинг четидаги ариққа тушиб кетган ва ўша ерда ҳалок бўлган. Аёл маҳаллий байскаутлар отрядининг раҳбари ва икки

гўдакнинг онаси бўлган эди. Ўша мудҳиш куни у йиғилишдан кейин уйга қайтаётган экан. Сўнг газетада хабар берилишича, аниқланмаган автомобил ҳайдовчиси қотиллик юз берган жойдан ғойиб бўлибди, энди детективлар қотилни излаб топишга умид қилмоқдалар.

Мени тинмай қалтироқ босарди. Сара ичидаги бизнинг боламизни асраш ниятида қорнини ушлаганича, уввос тортиб йиғларди.

— Агар мен ўша аёлни босиб кетган бўлсам, бу ҳолда мени албатта қамаб қўядилар... — дедим мен.

— Аммо бу бахтсиз ҳодиса—ку, кутилмаган тасодиф! — эътироз билдирди Сара.

— Аёл вафот этган! — деб бақирдим мен ўзимни тута олмай. — Тасодифми, тасодиф эмасми, барибир мени қамаб қўйишади.

— Бизнинг боламиз-чи? — янада қаттиқроқ йиғлади Сара. — Биз нима қиламиз?

Биз Сара билан Худо мени яна қамоқхонага қайтаришини истамаслиги ҳақида кечаси билан гаплашиб чиқдик. У бизни бундай азоблардан ҳалос қилиши аниқ! Биз биргаликда тинмай ибодат қилдик. «Раббий Исо Масиҳ! Ўзинг бизни қутқар ва нажот бер!» Биз Худога илтижо қилардик, бироқ бизнинг илтижоларимиз арзимас эди. Биз Ундан Ўз иродасининг бажарилишини эмас, балки бизнинг илтижоларимиз бажарилишини сўрардик. Биз ноҳақ эдик, шунинг учун ҳам самолар бизга жавоб қайтармасди.

Биз ҳеч нима қилмасликка қарор қилдик.

Бир неча кун ўтгач, биз автомобилни автосервисда қолдирдик. Машинамга автостоянкада шикаст етказишибди деб, мен механик устани алдадим. Автосервисда машинамнинг ремонти тугагунча, бизга бошқа машина беришди. Сара ишлаётган мактабга мен уни олиб бориб қўйдим. Сарани ишида қолдириб кетар эканман, орқани кўрсатувчи ойнадан қандайдир полиция келиб, Сарани гапга солаётга-

нини кўрдим. Орқага қайтишимга тўғри келди. Мен чинакамига ҳавотирга тушдим, эҳтимол, хавотирлигим Сараникидан ҳам кўпроқдай туюлди. Бу полициячини Сара танирди. Полициячининг ўғли хотинининг синфида ўқирди.

— Машиналарингизга нима бўлди? — деб сўради полициячи мен уларнинг олдиларига борганимда.

Сара безовталаниб менга қаради.

— Мен машинамни автосервисда қолдирдим, — жавоб бердим мен.

— Яхши, — тиржайди полициячи. — Ҳозирда биз худди сизнинг машинангизга ўхшаганини қидириб юрибмиз. Район бўйича шундай машиналардан беш юзтаси регистрациядан ўтган экан. Шу машиналардан бири ўлим билан тутаган йўл ҳалокатига учраган.

«Ишқилиб Сара ўзини тута билсин-да», — ўйладим мен бениҳоят ҳавотирланиб. Бахтимизга, полициячи хайрлашиб, ўз ишларини давом эттиришга кетди.

Бу учрашувдан сўнг мен зудлик билан уйга қайтдим ва телефон справочнигини тита бошладим. Мен катта кулфатга дуч келганимни тушундим. Бизга адвокат керак.

Кейинги куни ҳали хўроз қичқирмай, эрта саҳарда эшигимиз тақиллади. Мен ётган ўрнимдан сапчиб турдим ва эшик томон отилдим. Мен эшикни очганимда, уйимизга бир тўда полициячилар итлари билан бостириб кирдилар. Қўрқиб кетганидан ранги оқарган Сара зинапояда турарди. Полициячилар тинтиш учун бизга ордерларини кўрсатдилар ва уйда тинтув ўтказа бошладилар. Ўзлари билан олиб кетиш учун компьютертимизни ўчириб қўйдилар, нималарнидир ахтариб ахлат челақларимизни титиб ташладилар.

Сара индамай турарди. Полициячилар Сара иккимизни ҳар хил машиналарга итариб тиқаётганларида, қўшниларимизнинг деразадаги пардалари бир неча

бор очилиб, ёпилди. Менинг бошим гаранг. Э-воҳ, мен нималар қилиб қўйдим! Нега бундай «ош пиширдим»? Энди қандай қилиб ўзим «пиширган ош»ни мен ҳазм қила оламан? Сарага нима бўлади? Буларнинг ҳаммасига у қандай дош беради? Полиция маҳкамасига олиб келгач, полициячилар бизни алоҳида-алоҳида камерага олиб киришди. Сўроқларни ҳам бошқа-бошқа хоналарда ўтказишарди. Биз бўлиб ўтган воқеани қандай бўлса, шундайлигича тезроқ сўзлаб беришни хоҳлардик. Энди ҳеч қандай ёлгон гапириш йўқ! Сара иккимиз мудҳиш воқеа қандай юз берганини, биз нималар қилганимизни батафсил равишда, рўй-рост айтиб беришга ҳаракат қилардик. Сўроқ ўз-ўзидан мени унча ҳавотирга солмасди. Бу дунёда бошқа яшагим келмасди. Мен машинада босиб, ўлдириб қўйган аёл ҳақида ўйлардим. Хушxabарчи сифатида, мен одамларни Исо Масиҳга олиб боришга даъват этилганман, токи Исо уларга янги ҳаёт инъом этсин. Ҳозир-чи, ҳозир нима юз берди? Мен тубан кетиб, бир бегуноҳ аёлнинг ўлимига сабабчи бўлиб турибман. Мен сингари, у ҳам ёшлар билан ишлаб, уйга кетаётган эди. Аёлни уйда икки норасида болалари кутиб ўтиришганди. Агар аёл масиҳий бўлмаса-чи? Демак, мен уни абадий ҳаётга эришиш имконидан маҳрум қилган бўламан! Самолардаги менинг жойимни ана шу аёлга беришини, мени эса жаҳаннам қаърисига жўнатишини Худодан илтижо қилиб сўрардим. Агар менинг ўлимим аёлни ҳаётга қайтариш имконини берганда эди, мен ўз ҳаётимдан воз кечган бўлардим. «Раббий, менга Ўз нигоҳингни қарат ва мени дўзахга равона қил!» — деб сўрардим мен Худодан.

Полиция маҳкамасида бизни тўғри тушундилар ва бизга ачиндилар ҳам. Полициячилар вазиятни тўғри баҳолашга ҳаракат қилдилар. Тергов ишларидан шулар аён бўлдики, мен тезликни оширмаганман, фақат ёмғир ёғаётганлиги туфайли йўллар сирпанчиқ бўл-

ган, қолаверса, халок бўлган аёлнинг мотоцикли сигнал берувчи чироқлар билан таъминланмаган экан. Бироқ буларнинг ҳаммаси менинг кайфиятимни ва руҳимни асло кўтармади. Нима бўлган тақдирда ҳам, мен бир инсоннинг ўлимининг ва унинг оиласидаги катта мусибатнинг сабабчиси бўлиб қолдим.

— Буларнинг ҳаммасига хотинимнинг ҳеч қандай дахли йўқ, — деб илтижо қилардим мен полициячиларга, — сиздан илтимос қиламан, уни қўйиб юборинглар.

Саранинг бундай шарт-шароитда сақланиши унинг соғлиги учун жуда зарар. Бизнинг автомобилimiz Саранинг номига хатлаштирилгани учун уни қамокқа олишди. Полициячиларнинг фикрича, Саранинг қамокқа олиниши менга тазийқ ўтказиш мақсадида амалга оширилган экан. Шундай ҳолатда полициячилар мени сўзсиз ҳаммасини ўз бўйнига осонликча олади деб, тахмин қилган эканлар.

— Қулоқ солинг, Тони, бу ахир бахтсиз ҳодиса—ку, — деб тинчлантирди мени сержант. Аммо унинг айтган гаплари менга асло енгиллик келтирмади. — Ҳамма кўрсатмалар сизнинг фойдангизга ҳал бўлмоқда. Жиноятларни текшириш хизмати сизга мурувват кўрсатади.

Нима қилишни билмай мен бош чайқадим. Мен ҳеч қандай енгилликни ёки мурувватни тан олмайман. Қилган ишимга яраша жазо олишим керак.

— Агарда бу аёл ўлмаганда эди, Тони, сизни жиний жавобгарликка тортишга ҳеч қандай асос бўлмасди, — гапини давом эттирди сержант. — Бу ҳолда жазонинг энг оғири — сизни ҳайдовчилик гувоҳномангиздан маҳрум қилишарди холос. Аммо вазият ҳозир бошқача...

Бундан кейинги ҳафталар ва ойлар ўз-ўзидан жаҳаннам синовларига ўхшаб кетарди. Одамлар билан нималар юз берганлигини гаплашиш жуда оғир

эди. Ҳар сафар бу нохуш воқеа эса олинганда, биз юз берган ҳодисадан ниҳоятда эзилдик. Ҳаттоки бизнинг энг яқин дўстларимиз ҳам юз берган воқеа тафсилотларини билмасдилар. Жамоатдан ҳам биз қаттиқ зарба едик. Жамоат аъзоларига нисбатан биз ўзимизни самимий тутишга ҳаракат қилардик, аммо биз уларнинг қўмаги ва севгисига муҳтож бўлиб турган бир пайтда шундай ҳолат юз бердики, улар биздан юз ўгирдилар. Мени ёшлар билан ишлаш қавмбошилиқ вазифасидан бўшатдилар ва бу лавозимни бошқа биродар зиммасига юкладилар. Мен учун бу юракка санчилган пичоқдай бўлди. Биродарлар кенгашининг чиқарган бундай қарори асосини мен тушунишга ҳаракат қилдим. Бунинг учун эса мен ўзим билан ўзим курашишимга тўғри келди.

Вазият кундан-кунга кескинлашиб борарди. Айни шу ҳодисалар авж олган пайтда, яъни 11 июнь 2000 йили Сара ўғил туғди. Биз ўғлимизга Этан деб исм қўйдим. Ҳаётимдаги энг қувончли кун аянчли ҳолат билан якун топиши мумкин. Агар мени ҳукм қилиб, қамоқхона жазосини тайинлашса-чи? Саранинг бир ўзи болани қандай қилиб оёққа турғизади? Бу дунёдаги энг яқин одамларимга мен қандай ёрдам беришим мумкин?

Бизнинг маъносиз изтиробларимиз ва шубҳа-гумонларимиз ярим йилга чўзилиб кетди. Ва ниҳоят ҳаммаси ижобий ҳал бўлишига ишониб, биз Лондондан кетишга қарор қилдик. Биз Дидкокда ўзимизга бир уй топдик, бироқ у ерда ҳам узоқ яшамадик. Янги туққан Сара иложи борица ота-онаси яқинида яшашни хоҳлади. Биз яна Эссексга қайтиб келдик. Мен Саутэндедаги безори болалар уйида ёшларнинг руҳоний мураббийси вазифасини бажаришни ўз зиммамга олишга рози бўлдим. Болалар уйининг директори Рон Райт мен билан очиқчасига гаплашди. Мен терговда эканлигимни у биларди, аммо Раббий унга менинг юрагимни очди, юрагим эса

ёшларга хизмат қилишга ва хушхабарни тарқатишга тўлиб тошган эди. Мен ҳаётнинг аччиқ зарбаларига дош берганлигимни билган Рон, безори болалар билан тил топишиб, уларни тўғри йўлга бошлашимга, Рон Райт эса ўз навбатида, Худо олдида болалар учун жавоб беришига иккимиз ҳам ишонардик. Болалар билан ишлаб, мен анчагина таскин топдим.

Шу орада Худо Сара иккимизни мук тушириб қўйди. Шу тарзда Масихда ўсишнинг, У ва Сара иккимиз ўртамиздаги ўзаро муносабатларимиз мустақамланишининг узоқ ва машаққатли жараёни бошланди. Сара ўша вақт ҳодисаларига ўзгача назар билан қарайдиган бўлди. Менга эса Худо бўйсуниб, тавба қилиш ва меҳр-мурувват кўрсатиш сабоқларини берди. Узоқ йиллар мобайнида ўз режаларимга таянган ҳолда, хушхабарни тарқатиш истагида олдинги қаторда ўзимдан ўзим руҳланиб юрганлигимни мен тушундим. Мен Худога жой қолдирмасдим, Унга манзур бўлган ҳолатда мендан фойдаланишга Унга йўл қўймасдим. Мен бениҳоят ўзимга ишонардим ва ўйлашимча, Худонинг ишончини оқламаган бошқа одамларни мен осонлик билан ўзимча ҳукм қилардим. Қандай қалтис йўлда юрганлигимни эндиgina тушуна бошляпман. Сара иккимиз ўртамиздаги муносабатларимизнинг бутун тарихи давомида биргаликда чин дилдан эндиgina ибодат қилардик. Ибодатларимизнинг мазмуни ва мавзулари тамомила ўзгарди. Эндиги илтижолар ўз фойдамизни кўзлайдиган, Худо эса бизнинг хоҳиш-иродамизни бажариши керак бўлган илтижолар эмас эди. Эндиликда биз ўзимизни Худонинг қўлига топширдик ва У бизга меҳр-мурувват кўрсатишини, Унинг инояти ва мақсадларини бизнинг тушунишимизга имкон беришини илтижо қилдик. Саранинг Худо олдида тоат-ибодатда ўтказган узоқ ҳаётига қарамасдан, Кипр қамоқхонасида Уни ажойиб тарзда англаганлигимга қарамасдан, биз иккимиз ҳам Худо билан

бўлган ўз муносабатларимизни энг паст поғонага қўярдик.

Ҳар ой бизнинг ишимиз бўйича суд жараёни бўлиб ўтарди. Суд жараёнида ҳар гал янгидан-янги тафсилотлар очилаверарди. Биз мунтазам равишда ўз адвокатларимиз билан учрашиб турардик. Сара бу каби учрашувларни чидаб бўлмас азоб тариқасида қабул қиларди. Одил суд системасининг сотқинлиги мени асло ҳайрон қолдирмасди, лекин Сарани ваҳимага соларди. Ишимиз юзасидан судда иштирок этаётган гувоҳларнинг ҳаммаси ёлғон гапираётганлиги аниқ кўриниб турарди, адвокатларимиз эса ҳақиқатга ҳаттоки яқин бўлмаган нарсаларни гапиришга бизни мажбурлашарди. Буларнинг ҳаммаси гўёки ишни ютиб чиқиш учун керакмиш. Ҳаммаси — адвокатдан тортиб то прокуроргача бизга қарши ўзаро келишиб олишган.

— Нега энди ҳаммасини қандай юз берган бўлса, шундайликча айтиб қўя қолмаймиз? — сўради Сара ўз адвокатидан. Адвокат эса унинг соддалигидан куларди. — Биз гуноҳ устига гуноҳ қилиб, қўл қовуштириб ўтирибмиз, — деди у аламзада бўлиб менга қарар экан.

Менинг ўзим ҳам нима қиларимни билмасдим. Мен бу системани Сара сингари қоралардим.

— Менга яна бир тушунтириб беринг, — дедим мен ўз адвокатимга, — мени аниқ нимада айбламоқдалар?

— Расмий айблов қуйтдагичадир: транспорт воситасини эҳтиётсизлик билан бошқариш натижасида аёлни ўлдирганликда, тергов ишларининг холис боришига тўсқинлик қилиш ва ҳақиқатни бузиб кўрсатишда, — жавоб берди менга адвокат. — Сўнгги айблов шу билан боғлиқки, сиз велосипеддаги полициячига ёлғон гапиргансиз, — қўшиб қўйди у. — Буларнинг ҳаммаси камлик қилгандай, прокурор сизни воқеа содир этган жойни ташлаб кетганлигингизда, нохуш воқеа юз берганлигини ҳеч кимга айтмаганлигингиз

учун ҳам айбламоқда. Бироқ сўнгги икки айблов етарли даражада асослаб берилмаган.

Мен даҳшатдан бармоқларимни қирсиллатдим.

— Лекин Тони, буларнинг ҳаммаси ўртача айблов ҳисобланади, ҳар ҳолда охир-оқибатда яхшилик билан тугашига умид бор, — деди адвокат. — Бундай айбловлар туфайли суд сени узоқ муддатга қамоқхонага ташламайди. Ҳеч бўлмаганда, сенга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди.

— Сара-чи, Сарага нима бўлади? — сўрадим мен ичимни қалтироқ босиб.

Иккала адвокатлар ҳам кенгаша бошлашди, сўнгра менга қараб Саранинг адвокати деди:

— Агар сиз терговни атайлаб адаштирганлигингизни бўйнингизга олсангиз, хотинингизни жавобгарликдан озод қилишади. Ва уни оқлашларига, менинг ишончим комил.

— Сара чиндан ҳам ҳеч кимга ёлғон гапирмаган, — дедим мен аччиғим чиқиб. — Ёлғонни мен гапирганман. Сара бир оғиз сўз ҳам айтмаган, — қўшимча қилиб дедим мен. Менинг арзимас ёлғонни гапиришим бизга жуда қимматга тушадиган бўлди.

Адвокатлар қоғозларини тита бошладилар.

— Лекин полициячининг гувоҳлик беришича, ҳаммаси аксинча бўлган — ёлғонни Сара гапирган экан, — деди адвокатлардан бири. — Полициячи Сарадан ўша куни машиналаринг қаердалигини сўраганда, айнан Сара уни алдаган.

Бундай сўзлардан кейин Сара пастки лабларини тишлади. Адвокат уни юпатмоқчи бўлиб, қўлларини силади.

— Сара, хавотир олманг, ўйлашимча, суд жараёнида бунга ҳеч қандай эътироз билдирилмайди. Сизнинг виждонингиз пок, муаммолар кўзда тутилмайди.

Биз бир неча дақиқа жим ўтирдик.

— Тони, яна бир нарсаси бор... — деди тўсатдан секингина бошқа адвокат. — Буни эътиборга олмаса

ҳам бўлади, ҳар эҳтимолга қарши билиб қўйганингиз яхши.

Адвокат ҳозир нима дейишини мен аллақачон билдим. Бу можаро бир неча ҳафта олдин юз берди. Мен ҳаяжон ва уятдан ҳали ўзимга кела олганим йўқ.

Бизнинг компаниямизнинг юқори мансабли клиентларидан бири ўзи учун Лондонда бир грек ресторанида расмий ишчан учрашувни ташкил этишимни илтимос қилганди. Олдиндан жойга буюртма бериш учун қўнғироқ қилганимда, мен қандайдир қўпол, мижғов бир одамга тўғри келиб қолдим.

— Мен эртага кечки учрашув учун олти ўринлик жойга буюртма бермоқчиман, — дедим мен. — Бунинг иложи борми?

— Албатта, иложи бор, — деган жавоб эшитилди гўшақдан, — маълумингиз бўлсинки, бу ер ресторан!

Бундай оҳангдаги жавобга эътибор қилмай, мен гапимни давом эттирдим.

— Менга жуда бир юқори мансабли одамнинг хавфсизлигини таъминлаш топширилган, — дедим мен. — Биз учун яхши жойни олиб қўясизми?

— Бизнинг ҳамма жойларимиз жуда яхши, — деди қўполлик билан ресторан ишчиси нариги томондаги телефон гўшаги орқали ва тўнғиллаб қўшиб қўйди: — Malagas!*

— Нима дединг?

— Бизнинг ҳамма жойларимиз яхши дедим.

— Сен нима деб тўнғиллаганингни мен эшитдим. Сенинг ўзинг қартайган Malagas! Мен грек тилини биламан, ҳозиргина мени грекча сўкканингни ҳам тушундим.

— Аҳ, сен тасқара! Тентакона саволларинг билан жонимга тегдинг, тур йўқол! — деди у жиғибийрон бўлиб.

* Malagas (грекча) — эчки; хотинчалиш.

Мен олдинига ҳайрон бўлдим, сўнг ғазаб отига миндим. Ғазаб ичимни тўлдириб, жин сингари ташқарига отилиб чиқди. Мен грек тилидаги барча сўкинишларни айтиб чиқдим. Менинг томим кетгандай эди. Исо Масихда ҳаётимнинг узоқ йиллари ўтмагандай эди, мен олдинги Тонига айландим—қолдим. Мен ресторан хизматчисини куракда турмайдиган ва уят сўзлар билан ҳақоратладим. Автомобил йўл ҳалокатидан кейин ичимда тўпланган барча қаҳр-ғазаб, дард-аламларнинг ҳамма-ҳаммаси вулқондай ташқарига отилиб чиқди. Ва ниҳоят мен телефон гўшагини аппаратга қаратиб отдим. Шу заҳотиёқ телефон жиринглаб қолди. Мен яна ўша тўнғизни сўка бошладим. Ҳа, бу айнан ўша эди. Яна бошқатдан ҳақорат, таҳқирлаш сўзлари ва дўқ-пўписа ёғилди. Телефон симининг нариги томонида гўшакни тутиб турган «хайвон» биронта сўз айтолмай гўшакни ташлади. Бундан менинг янада диққатим ошди. Қаҳр-ғазабдан ўзимни қўярга жой топа олмай, энди мен қўнғироқ қилдим. Ресторан хизматчиси гапларимга кулоқ тутмай, яна гўшакни қўйди. Кейинги телефон қўнғироғи полициядан бўлди. Қўпол, тарбиясиз хизматчи менинг устимдан полицияга арз қилибди.

Менинг адвокатим қандайдир ҳужжатни менга узатди.

— Тони, сизнинг устингиздан қуйидагича мазмундаги ариза тушибди...

Мен ниҳоятда уялиб кетдим, мен кўз қири билан Сарага қарадим.

— Сизнинг нуқтаи назарингизча, буларнинг ҳаммаси арзимас эканлигини мен тушунаман, аммо қуйидагича айбловлар энг асосий йўл ҳаракати ҳодисаси билан боғлиқ бўлган айбловни маълум даражада оғирлаштиради.

Мен ўрнимдан шиддат билан дик этиб туриб кетдим. Кўз олдимда ҳамма нарса қоронғулашди. Аммо мен йўлда машинамни уриб олганимдан сўнг, вафот

этган бир бегуноҳ аёл ҳақида олдингидай ўйлардим, мен туфайли етим бўлиб қолган икки бола бутун фикру ҳаёлимни банд этган.

2001 йил июнь ойининг бошларида суд бўлиб ўтди. Суд бошланишидан бироз вақт олдин биз ўз адвокатларимиз билан қисқача гаплашиб олдик. Иккала адвокатларимиз ўзларини хотиржам тутардилар, мен эса ўзимни касал ва асабийлашган ҳис қилардим.

— Бўлар-бўлмасга ҳаяжонланаверманг, — деди менинг адвокатим. — Ҳаммаси яхши бўлади. Сизга сўз бераман, сизни фақат ҳайдовчилик гувоҳномангиздан маҳрум қилиб, жамият учун фойдали қандайдир ишларга жалб қилишлари ёки шартли равишда жазо беришлари мумкин, холос.

Биз Сара иккимиз ишимиз билан таништиришларини судланувчиларнинг ўринларида ўтирганимизча тингладик. Тахминан бир соатдан кейин судья ҳукм чиқариш учун танаффус эълон қилди. Аммо бундан олдин адвокатлар билан бир қанча иккинчи даражали тафсилотлар ҳақида гаплашиб олди. Мен ҳаяжонлана бошладим. Нималар юз бермоқда? Танаффус тугагач, судья залга қайтиб келди. Пировардида, судьянинг эълон қилишича, менинг ишим юзасидан суд ҳукмини чиқариш, яна кўп нарсаларга ойдинлик киритиш мақсадида бошқа кунга кўчирилибди. Мен Сарага қарадим. У ҳам мен каби, нималар юз бераётганига хайрон. Бироқ у менга тасалли бериш учун табассум билан қўлимни сиқиб қўйди. Унинг юзи оқариб кетган ва ниҳоятда чарчаганлиги кўриниб турарди. Мен уни қандай азоб-уқубатларга қўйдим! Мен Сарани бундай дарду жафоларга қўйганим учун, у мени кечира олармикан?

— Сара Энтони, илтимос, ўрнингиздан туринг, — деди судья.

Сара ўрнидан турди, унинг тиззалари қалтираётганини мен сездим. Менинг нафасим ичимга тушиб

кетди. Сара йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида эшитиши биланоқ, полицияга хабар бермагани учун судья уни айблади. Сара индамай турганича, бош чайқарди. У ўзининг кучли ва иродали эканлигини ҳаммага намоён қиларди. Лекин ҳозирда у ҳақиқатдан қай аҳволда эканлигини фақатгина мен ҳис қилардим: нозик, узун бармоқлари оқариб кетган; қўллари титраганича, ҳаяжондан йиқилиб тушмаслик учун судланувчилар курсисини ажратиб турган тўсиқни маҳкам ушлаб турарди. Ҳамма айб менда, уни бу аҳволга мен солдим. Мен ночорлигимни ҳис қилдим.

— Сиз бир юз йигирма соат фойдали жамоат ишларини бажаришга ҳукм қилиндингиз, — гапини тутатди судья. — Марҳамат, ўтиришингиз мумкин.

Сара ўтирди ва стулнинг суянчиғига бошини қўйди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Бироқ шунда ҳам у ўзини йўқотмасликка ҳаракат қилди. Бу орада менинг ичимни ит тирнарди, қалбим нафрат ва саросима билан курашарди. Мен аччиқ ва надомат билан Саранинг адвокатига қарадим. Адвокат эса, нега бундай жазо тайинланганини ўзим тушунмаяпман, демоқчи бўлгандай, бош чайқади.

Бизнинг ишимиз юзасидан қайта суд жараёни 29 июнда бўлиб ўтди. Ўтган сафарги суд мажлисида Сарага нисбатан ҳукм ўқилгани сабабли, у ойнанинг нариги томонида — суд жараёнига келганлар учун ажратилган жойда қолганлар билан бирга ўтириши керак эди. Айбловчининг курсисида бир ўзим эдим. Ойнали тўсиқ тарафга қараб, мен Сарани кўрмадим, лекин унинг шу ердалигини ҳис қилишим менга қувват бахш этарди. Тўсатдан тўсиқ ортидан кимнингдир юзи кўринди. Тикилиб қараб, мен уни танидим. Олдин мен уни кўрганман. Бу йигит ҳар бир суд жараёнида иштирок этиб келмоқда. Чамаси, ўн саккиз ёшда бўлган бу йигитнинг қора сочлари калта қилиб олинган, кўзлари ичига кирган эди. У менга тики-

либ қарарди. Мен кўзимни бошқа томонга олиб қочдим ва томоғимга бир нима тиқилганини ҳис қилдим. Эҳтимол, бу йигитча ҳалок бўлган аёлнинг ўғли бўлса керак. Наҳотки мен шу йигитни етим қилиб қўйган бўлсам? Қиёфа ойна ортида ғойиб бўлди. Сўнгра яна кимнингдир юзи кўринди. Бу қиз бола эди. Мен энди унинг бетига қарай олмасдим. Менинг авзойи баданим титраб кетди. Агар адвокатларимнинг гапига ишонадиган бўлсам, демак, мен бу ердан оқланиб чиқиб кетаман. Бироқ мен ҳеч қачон тинчланолмайман ва айбдорлик ҳиссидан қутула олмайман. Мен ҳеч қачон ўша йигитнинг юз ифодасини унутмайман.

Суд бошланди, адвокатлар яна бошқатдан бўлиб ўтган воқеаларнинг бутун тафсилотларини гапира бошладилар. Айтилганларнинг ҳаммаси судга маълум. Адвокатимнинг мени ҳимоя қилиши асабимга тегарди. Тўғри, у ўз вазифасини бажармоқда, лекин у мени одамлар олдида, суд олдида тамомила оппоқ, мутлақо бегуноҳ қилиб кўрсатгани учун, мен унинг гапларини асло эшитгим келмасди. Адвокатнинг ҳимоясидан таскин топиш ўрнига, мен ғазабланардим. Менинг кўз ўнгимдан ойнали тўсиқ ортида кўринган болалар ўтиб турарди. Гуноҳимнинг нақадар оғирлигини ва қалбимнинг изтироб чекаётганини ҳеч ким тушунишга қодир эмас. Сўнгра сўз прокурорга берилди ва бу сафар у Интерпол* орқали олинган маълумотни, яъни мен Кипр қамоқхонасида жазо ўтаганим ҳақидаги қарорни ўқиб эшиттирди. Бундай ҳолатга қарши менинг адвокатим зудлик билан эътироз билдирди.

— Ҳурматли судья жаноблари, прокурор томонидан ўқиб берилган маълумотнинг ҳозирги ишга ҳеч қандай алоқаси йўқ, — деб қўшиб қўйди адвокат.

* Интерпол — 1923 йили ташкил этилган халқаро жиноий полиция ташкилоти.

Унинг эътирози судья томонидан инобатга олинмади ва адвокат бошқа ҳеч нарса демай, жойига ўтиришига тўғри келди.

Суд жараёни давом этди. Нималар ҳақида гап бораётганини мен эшитмасдим, аниқроғи эътибор қилмасдим. Рўй бераётган ҳодисалар менга амалий эмасдай бўлиб кўринарди. Мен Худо олдида гуноҳкор эдим ва шунинг учун ўлгим келарди. Ва ниҳоят ҳукм ўқиладиган пайт келганда, суд зали жимжит бўлиб қолди. Кимнингдир ҳиқиллаб йиғлагани эшитилди.

Менга ўн беш ой қамоқ жазоси тайинладилар.

15 боб

Қора полиция автофургони Оксфордшир кенглидан елиб кетарди. Қўлларимга кишан солинган, шунинг учун ҳам темир панжара билан ажратилган тор жойда тиззаларимни қучоқлаганимча ўтирардим. Виждон азоби ва ор-номус мени бўғиб келарди. Мен кимман? Мен қотилман! Агарда Майкл Райт ҳозир мени кўрганда, нималарни ўйлаган бўларди?

Бир қўшиқ сўзлари қулоқларимда янграрди. Бу гимн бўлиб, у қуйидагича номланади: «*Менинг гуноҳларимни нима юва олади?*» Бу гимннинг чуқур маънога эга бўлган бир мисраси мени ўйлантириб қўйди: «Гуноҳдан руҳ қутқарар — ҳайҳот, асло ҳеч нарса, фақат Исонинг қони». Қачонлардир мен бу гимнни қалбимдаги миннатдорчилик ҳисси ила қуйлаганман. Ўша вақтлар эсимга тушиб кетди:

Менинг гуноҳларимни нима юва олади?

Ҳайҳот, асло ҳеч нарса, фақат Исонинг қони.

Қайта яна нелар шифо беради?

Ҳайҳот, асло ҳеч нарса, фақат Исонинг қони.

Мени поклаган сув нақадар муқаддасдир!

У шиддатли дарёдан ҳам кучлироқдир.

Ҳайҳот, асло ҳеч нарса, фақат Исонинг Қони!

Бу гимн сўзларининг ҳақиқийлиги қалбларнинг туб-тубини ларзага солади. Юзларимдан кўз ёшлар

оқарди. Мен онгли ҳаётимнинг барча йилларини қайта кўриб чиқдим. Мен гуноҳкор эдим, мени Худо қутқарди ва нажот берди. Гарчанд мен бунга нолойиқ бўлсам ҳам. Демак, энди мен буларнинг ҳаммасини қўлдан бой бердим. Эндиликда Худо мен билан нималар қилганини сўзлаб беролмасдим, Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик бериш учун бошқа сўз топа олмасдим. Мен яна бошқатдан Парвардигорнинг курули бўла олишимга энди умид қилсам бўладими? Мен У ҳақда бошқа гапирмасликка қарор қилдим. Ўзимнинг Худодан ҳеч қачон ихлосим қайтмайди. У мен учун инкор этиб бўлмас ҳақиқат бўлган, шундай бўлиб қолади ҳам. Бироқ Исо Масиҳнинг номини айтишга мен энди нолойиқман.

Бошимни кўтариб яна бошқа ҳукм қилинганни кўрдим. Автофургонда маҳбуслардан икки киши эди — мен ва яна бир маҳбус. Бу йигитнинг сочи қириб олинган, битта қошига темир халқача тақиб олган эди. У менга қараб жилмайди. Маҳбус ўз жилмайиши орқали, дўстим, хавотир олма, сен ҳаммасини енга оласан, деб айтмоқчи эди. У ҳеч нарсани тушунмаяпти. Мени хавотир қилаётган нарса қамоқхона эмас. Ҳар қандай қамоқхонадан мен омон чиқаман. Никосиядан кейин Баллингдондаги қамоқхона менга курортдай кўринди. Аммо менинг ўзимнинг қамоқхонам бор эди. Темир панжара ортида ор-номус ва гуноҳ билан эзилган менинг виждоним занжирбанд бўлиб қолди. Мен ҳеч қачон ўзимни бунчалик ёмон ҳис қилмаган эдим.

Баллингдондаги қамоқхона яқин саккиз ойга менинг уйимга айланиши керак эди. Қамоқхонага қабул қилиш билан боғлиқ бўлган барча расмиятчиликни мен тинчгина ўтказдим. Шахсий кўрик, расмларга тушиш, бармоқ изларини топшириш... Буларнинг ҳаммаси менга ёд бўлиб кетган. Бу ерда, Баллингдондани қамоқхона ёруғ эди ва ўлаксаларнинг ҳиди келмасди. Никосиядаги сассиқ камералар билан солиштиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Мени икки маҳбус қамоқ жазосини ўтаётган камерага олиб киришди. Нима қандайлигини қамоқхона назоратчилари менга тушунтиргунларича, кўп вақтдан бери шу ерда яшовчи камерадошларим ўзларининг шикоят ва талабларини айта бошладилар.

— Бу камера эмас, ахлат ўраси, — деб норозилик билдирди битта маҳбус. — Бизга қачон телевизор қўйиб берадилар? Ярим ой олдин ваъда берилган!

Иккала маҳбус ҳам менда нафрат ҳиссини уйғотди. Улар, эҳтимол, ёзги таътилда дам оляпмиз, деб ўйлашяпти, шекилли? Ҳа, бу чиндан ҳам қамоқхона эмас! Никосия билан солиштирилганда — бу болалар боғчаси эди. Блокдан ўтиб борар эканман, мен биллиард ва стол тенниси ўйнаётган маҳбусларни кўрдим. Бу қамоқхонада компьютерлар, телевизорлар, ишқилиб, ҳамма шарт-шароитлар яратилган экан. Мен ўз каравотимга чиқиб олдим. Темир каравот унча кенг бўлмаса-да, бироқ матрац ва адёл бор эди, бунинг устига, бу ердаги ўрин-кўрпалар ниҳоятда тоза эди.

Мен Сара ва Этан ҳақида ўйлашга журъат қилолмасдим. Балки, Саранинг мени кўришга кўзи йўқдир. Мен ўзим ҳам Сарани бу аҳволга солиб қўйганим учун, ўзимдан-ўзим нафратланиб кетдим. Энди мен унга қандай эрлик қиламан! Қолаверса, мен бундан кейин қандай отаман! Эҳтимол, қамоқхонада жазони ўташим, менинг ўғлим учун бутун умрга тамға бўлиб қолса керак.

Мен деярли ҳар куни Сарадан хат олиб турардим. Сара менга Муқаддас Китобни ва яна бир нечта китоблар бериб юборибди. У менга ўз хатлари орқали руҳан мадад берарди ва мени қўллаб-қувватларди. Аммо мен Саранинг келажагини ўйлаб, у билан учрашгим келмасди. Шундай қилсам, аввалам бор, Сара учун яхши бўлади. Ҳукмга биноан Сара маҳаллий меҳр-шафқат кўрсатиш мага-

зинида* ишларди. Албатта, ишдан ташқари бир ўзи болани боқишга ва тарбиялашга қийналарди, лекин ҳеч қачон бундан шикоят қилмаган. Сара Этан билан бирга ҳозирча ота-онасиникида яшарди, аммо унча қиммат бўлмаган квартирани қидириб юрарди. Бу осон эмасди. Мен қамоқхонада ўтирганим учун давлат Сарага боқувчисидан айрилган ёлғиз она сифатида яхшигина пул тўларди, бироқ яқин-атрофдаги квартираларга унинг пуллари камлик қиларди. Эссекда ишлашни бошлаётган вақтларимиз эсимга тушиб кетди. Биз билан ишлаш учун узоқда квартираларда ижара турадиган бир нечта оилалар келишарди. Ишқилиб, бир чекка қишлоқдан квартира олмасин-да! Она-бола қандай қилиб кун кечиришади?!

Ҳафта кетидан ҳафталар ўтарди, аммо мен ўз фикру хаёлларимга кўмилганимча, хушхабарни тарқатиш ҳақида ўйламасдим ҳам. Менинг «намунали хулқим» учун менга бир кишилик камерадаги жойни мукофот тариқасида топширишди. Энди мен ҳар ҳолда тинч ва хотиржам яшай бошладим. Ҳар ҳолда деганимки, чунки Баллингдондаги қамоқхонада жимжитлик ҳеч қачон ҳукм сурмасди. Аммо бачабозларни асосий блокка қўйиб юборганларида, булардан даҳшатлироқ кунлар йўқ эди. Бундай ҳолат ҳафтада икки марта юз берарди. Бошқа маҳбусларни устиларидан қулфлаб қўйишарди. Қамоқхонада бачабозларни ҳамма ёмон кўрарди. Булар ёш болаларнинг номусига тажовуз қилган ваҳшийлар ва педофиллар эди. Қамаб қўйилган қотил маҳбусларга булар, сўзсиз, ёқмасди. Уларнинг бақир-чақирларидан қулоқларим битиб қоларди. Зэklar камераларининг эшикларини тепишарди, овозлари борича дод-вой солишарди, қўлларига нима тушса, уриб синдири-

* Бундай магазинда ишлатилган нарсалар сотиларди ва тушган пулларни меҳр-шафқат кўрсатиш мақсадида етим-есирларнинг оилаларига бўлиб бериларди.

шарди. Маҳбуслар баланд шовқин кўтаришга интилардилар ва ўзларини шундай тутиш орқали педофил ва бачабозларга нисбатан ўз нафратларини намоён қилардилар.

— Қанийди, шу тасқараларнинг бирортаси билан менга учрашиш имконини берганларида эди, парча-парча қилиб йиртиб ташлардим! — деди Ленни дарғазаб бўлиб ва ўз кафтига муштлади.

— Олдинлари мен ҳақимда ҳам шундай дейишарди, — дедим мен.

— Йўқ, йўқ, Тони, сен бундай одам эмассан. Сен бу ёвуз ваҳшийларга асло ўхшамайсан, — деди Ленни ғазаб билан ҳавога муштлар экан.

— Ўхшайман.

Умуман олганда, мен унинг гапларига қўшиламан. Мен бундай одамлар ҳақида ва ўз ўғлим ҳақида ўйлаганимда, бутун баданим увушиб кетарди. Кичкина болаларни ва вояга етмаган қизчаларни зўрловчи одамларга нисбатан бўлган нафратимиз тушунарли. Бироқ бошқа тарафдан, бу бузуқ одамларга қараганда мен ва бошқа маҳбуслар яхшироқмизми? Нимамиз билан яхшироқмиз?

Бундай нуқтаи назарга ижобий қараш қийин, бироқ мен гуноҳ ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимотини биламан: «Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир». Шу вақтда мен Майкл Райтнинг гапларини эсладим. У гуноҳни оппоқ қўйлакка тушган кичкинагина сиёҳ томчи заррачаси билан қиёслаганди. Сиёҳ заррачаси — бу кичкинагина ёлғон — оппоқ қўйлақда из қолдиради ва қўйлақ энди оппоқ, тоза эмас. Қўйлақ қир ҳисобланади. Сиёҳ томган оппоқ қўйлакни ювиш учун сувга солганингизда, сиёҳ сувда эриб, сувнинг ранги кир бўлиб қолади. Мен ўз қалбим ҳақида ўйладим. Эндиликда менинг қалбимни катта-катта қора доғлар босган!

Камерамнинг темир панжарасидан ташқарига қарадим ва хаёлан Кипрдаги қамоқхонада ўтирган

вақтларга, шунингдек, Майкл Райтнинг баъзи бир маслаҳатларига қайтдим. «Дунё ҳеч қачон гуноҳдан қутула олмайди», — деган Майклнинг яхши кўрган ибораларидан бирини эсладим. Ўшанда Майкл учрашув хонасида ўтирган маҳбусларга қўл силтади.

— Биз кўпинча гуноҳнинг даражасини ва меъёрини аниқлашга ҳаракат қиламиз ва биздан, яъни ўзимиздан ёмонроқ деб ҳисоблаган одамларни устидан қулфлаб қўямиз. — Шундан кейин Майкл сал олдинроққа эгилди ва секингина гапира бошлади. — Жамият ўзининг ахлоқсизлигини шунга ўхшаш қорхоналарда беркитади, токи ўзини ўзига солиҳ қилиб кўрсатмоқчи бўлади, Тони, — деб насиҳат берарди у менга, — аммо Худо учун нариги гуноҳкорлар ҳам, бериги гуноҳкорлар ҳам бир хил.

— Ҳукумат ва атрофимиздаги олам бизга бир уюм ахлатга қарагандай муносабатда бўлишларига ишончим комил, — деб маъқулладим мен Майклнинг гапларини. — Аммо биз ҳаммамиз бир-биримиздан баттарроқ гуноҳкорлармиз.

— Ҳа, Тони. Айнан шундай гуноҳкорлигимизча Худо олдида биз намоён бўламиз. Бизларнинг ҳар биримиз, у жинойтчими ёки йўқми — бундан қатъий назар, Худонинг кўз ўнгида чуқур гуноҳга ботганмиз, шунинг учун ҳам Ундан ажратилганмиз.

— Аммо кейин Исо келди-ку?

— Сен энг муҳимини тушуниб олибсан, — жилмайди Майкл. — Масиҳ Гўлготада қурбон бўлганда, У бутун оламнинг гуноҳларини Ўз зиммасига олди, гуноҳнинг барча оғирликларини — ўтиб кетган, ҳозирда ва келажакдаги гуноҳларнинг юкини кўтарди. Исонинг айнан шу жасорати туфайли биз ҳам кечирилишга умид боғласак бўлади. Биз ўз гуноҳларимиз учун жазоланишимизга тўғри келмайди ёки қилмишимизга яраша жазо тариқасида қамоқхонада ўтирмаймиз. Исо ҳаммаси учун тўлов берди.

Майкл бу ҳақда ўз ирланд акценти билан ҳаяжонланиб ва тўлқинланиб гапирганини эслаб, мен жилмайдим.

— Шунинг учун ҳам Тони, сен мен сингари бутун озод ва эркинсан, — деди жилмайиб у. Мен уни тўғри тушунаётганимни, Майкл жуда яхши биларди.

Ўшанда, менинг назаримда, ҳамма нарса буюк маънога эга эди. Қанчалик қизиқ бўлмасин, Кипрда, қамоқхонада масиҳий бўлиш кейин эркинликдагига қараганда, анча осон бўлган. Ўшанда, биринчи навбатда, бажармоқчи бўлганишим — бу барча яқинларимга Масиҳ ҳақида гувоҳлик бериш эди. Ҳаммаси қачон ўзгариб қолган бўлиши мумкин экан?

Кунларнинг бирида мен ўз камерамда Муқаддас Китобни ўқиб ўтирганимда, менинг олдимга Даррен Браун учиб кирди. Бу йигитни мен билан бирга полиция машинасида Баллингтонга олиб келишган эди. Мен шу заҳотиёқ Муқаддас Китобни ёстиғимнинг тагига беркитдим.

— Сен нимани ўқияпсан? — сўради у.

— Айтарлик ҳеч нарса, — жавоб бердим мен истар-истамас.

Мен гапиргим келмасди. Даррен шалпиллаб каравотимга ўзини ташлади ва ўрнашиб ўтириб олди.

— Нима деганинг «айтарли ҳеч нарса»? — сўради у. — Порнографиями? Ёки шунга ўхшаш бирор нарсами?

Энди менинг жаҳлим чиқди.

— Аслида бу Муқаддас Китоб, мен фақатгина мана шу Муқаддас Китобни ўқияпман, — жавоб бердим мен кўполлик билан.

— Му-қадд-ас К-и-т-о-б? — чўзиб сўради Даррин. — Нима сен, тақводормисан... нима деб атарди уларни? Ҳа, масиҳиймисан?

— Сенинг эътиборинг учун, мен энди масиҳий эмасман... Мен ҳозирда қамоқхонадаман.

— Қўйсанг-чи, акахон, ҳамма ҳам хатога йўл қўяди.

— Лекин мен ҳар доим буни эсда тутишим керак эди.

— Хўп, ўзингнинг Муқаддас Китобингдан нималарни ўқидинг? Қизиқроқ бирор нима борми? — Даррен мени саволлар билан кўмиб ташлади.

Менинг янада жаҳлим чиқди. Мен билан унинг нима иши бор? Уни чақирмаган бўлсам.

— Мен билан сенинг нима ишинг бор? — эътироз билдирдим мен. — Ҳозир сен билан бу ҳақда гаплашишни истамаяпман, тушундингми?

— Ҳа-хўп. Жаҳлинг чиқмасин. Мен фақат бир сўрадим-қўйдим-да... — деди у қўлларини тепага қўтариб.

Шунда бекордан-бекорга йигитни хафа қилиб қўйганимни тушундим.

— Яхши, — дедим мен ўзимни сал босиб олиб, мен ҳозиргина Юҳанно баён этган Муқаддас хушхабарнинг саккизинчи боб, ўттиз олтинчи оятини ўқидим. Бу оятда мени озодликка олиб чиққан Зот — Исо ҳақида айтилган.

Менинг кайфиятим яхши эмаслигини Даррин сезди, шекилли. У ўрнидан турди ва босиққина деди:

— Тинчланиб олганингдан кейин стол тенниси ўйнагани келгин. Хўпми, биродар?

Даррин чиқиб кетди, мен эса мушкул аҳволда қолганимдан қўлларимни мушт қилдим. Менинг этиқодим... Бу ҳақда ҳеч ким билан гаплашгим келмасди.

Уч кун ўтгач, Даррен яна менинг камерамга меҳмонга келди. Энли қулоғига етгудек бўлиб тиржайганича, каравотимнинг бир чеккасига ўтирди.

— Биродар, ҳеч қачон топа олмайсан!

— Сен нимани назарда тутмоқдасан? — кулиб юбордим мен. Унинг айёр жилмайиши мени қизиқтириб қўйди.

— Ўтган сафар сенинг олдингдан кетишим биланок, жуда катта кўнгилсизликларга дуч келдим.

— Нима юз берди?

— Сенинг олдиндан кетиб, мен тўғри бутхонага Муқаддас Китоб олиш учун бордим. Муқаддас Китобдан сен нималарни ўқиганингни айтмадинг. Шунинг учун мен ҳам бир ўқиб кўрмоқчи бўлдим, — деди Даррен.

Мен иякларимни силаганимча, диққат билан унга қараб турардим. Яна нималар дер экан?! Даррен гапини давом эттирди:

— Мен руҳонийдан Муқаддас Китоб беришини илтимос қилдим. У бўлса, мени Муқаддас Китобдан сигарета учун қоғоз айлантиради деб ўйлади, шекилли. Албатта, руҳоний менга ҳеч қандай китоб бермади, аммо у тескари қараганда, мен ўзимга керак бўлган нарсани ўғирлаб олдим. Китобни жимпиримнинг ичига беркитдим.

— Фақат сени тутиб олганликларини гапирма.

— Ҳа, мени тинтиб кўришди, Муқаддас Китобни топишгандан кейин мени йигирма тўрт соатга карцерга ташлашди.

— И-е, шундайми?

— Аммо энг муҳими шуки, қамоқхона хизматчилари ҳаммасини топа олмадилар! Бошқа Муқаддас Китобни мен иштонимнинг ичига солиб олгандим. — Дарреннинг кўзлари ёниб кетди.

Мен ҳам ўзимни тута олмай кулиб юбордим.

— Хўп, энди карцерда бўш ўтирмайдиган бўлдим, — гапини давом эттирди у. — Мен Китобдан сен ўқиган жойни ахтариб топмоқчи бўлдим. Аммо қаердан ахтаришни мен билмасдим. Ўшанда сен ким тўғрида гапирганингни эслашга ҳаракат қилдим. Ёқуб ҳақидамиди, Юҳанно ёки Жек ҳақидамиди... Аниқ эсимда йўқ. Қолаверса, мен олдин Муқаддас Китобни асло қўлимда ушламаганман.

— Бу Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабардан олинган оят, — дедим мен секингина.

— Буни энди ўзим ҳам биламан, — деб жилмайди Даррен. — Мен қўшни камерадаги бир маҳбус йи-

гитдан деворни тақиллатиб сўрадим: «Ҳой биродар, Муқаддас Китобни ўқиганмисан?» Йигит эса менга жавоб қилди: «Ҳа, мен масиҳийман. Сен нимани билиб олмоқчисан?». Сен менга Исо ҳақида гапирганингни, У сени қандай озод этганини қўшни камерадаги йигитга бақариб айтдим. Йигит эса деди: «Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарни ўқиб чиққин». — Даррен гапини давом эттирди: — Мен Муқаддас Китобнинг мундарижасини кўриб ва Юҳанно баён қилган Муқаддас Хушхабарни бошидан-охиригача ўқиб чиқдим. Хўп, бошқа нима ҳам қилардим? Беҳуда вақт ўтказмайман-ку! — кулиб юборди Даррен. — Тони, олдинига мен ҳеч нимани тушунмадим. Ҳаммаси беҳуда гапдай туюлди. «Азалда Калом бор эди, ва Калом Худо бўлди...» Қандайдир куф-суф. Кейин ҳаммаси тушунарли бўлди... Исо сувни шаробга айлантирди, кейин бир аёл бор экан... ҳаҳ, кимиди... ҳа, самариялик аёл... ҳа, қудуқ олдидаги самариялик аёл. Аммо аёлнинг бир нечта эри борлигини У қаердан билиб олди экан, мен тушунмадим. Ахир, булар қизиқ эмасми? Жуда ҳам қизиқарли!

— Тўғри — да, — дедим мен хотиржамлик билан, — бу чиндан ҳам жуда қизиқарли.

— Шундай қилиб мен бутун китобни ўқиб чиқдим. Сен айтган жойни топдим: «Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса, ҳақиқатан эркин бўласизлар». Мен шу жойни бир неча марта ўқиб чиқдим, кейин ўйладим.

Даррен жим бўлиб қолди, гўёки менинг фикримни билмоқчи эди.

— Менимча, биродар, бунинг нималигини мен тушундим. Ҳа-ҳа, мен чиндан ҳам бу жойни жуда яхши тушуниб олдим, — деди у. — Мен Исо ҳақида ўқидим ва Унга ишондим. Кеча кечқурун мен У билан гаплашдим ҳам. Демак, мен энди масиҳийман, шундайми?

Мен данг қотиб қолдим, хайрон бўлганимча, ажабланиб ўтирардим. Мен Дарренни хайдаб чиқариш

учун қўлимдан келганини қилдим. Аммо менинг қаршилигимга қарамасдан, Худо мени Ўзининг қуроли қилмоқчилигини менга кўрсатди. Гўёки Худо менга шундай деб айтмоқчи: «Мана энди сен тор-мор қилиндинг ва кучсизсан, эндиликда Мен сен орқали Ўз меҳнатимни амалга ошираман».

— Биродар, сен йиғлаяпсанми? — Дарреннинг овози менинг хаёлларимни бўлди.

Мен тездагина кўзимдан оқаётган ёшларни артдим. Мен унга нима дейишни ҳам билмасдим, аммо Дарреннинг мен билан жуда гаплашгиси бор эди. Ва биз иккимиз отбой вақти келгунча, узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Даррен менга ўзи ҳақида сўзлаб берди. У болалигиданоқ етим бўлиб қолган экан. Уни бир нечта оила бирин-кетин асраб олаверибди. Ҳамма оила уни ўзича тарбияламоқчи бўлар, эндигина бир оилага ўрганганда, уни бошқа оилага бериб юборишар экан. Шундай қилиб, у безори бола бўлиб улғайибди ва полициячиларнинг бош оғриғига айланибди. Бора-бора қамоқхона унинг қадрдон уйи бўлиб қолибди. Бу қамоқхонага Дарреннинг биринчи бор келиши эмас. Бу сафар у ўз дугонасини қандайдир йигитга рашк қилиб, уни бошига шиша билан ургани учун тушган.

— Шундан кейин севган қизим мени ташлаб кетди, — деди Даррен, — ва менимча, ҳозирда ўша мен урган бола билан топишиб олган.

— Кел, шу учун ибодат қиламиз, — деб таклиф қилдим мен.

Даррен ниҳоятда асабийлашарди. Мен билан бирга ибодат қилиш у учун жуда оғир эди.

— Мен қандай ибодат қилишни билмайман, — деди у.

Даррен мен билан гаплашишидан олдин, мен бошимни олдинга эгиб, Худо билан сўзлашгандим. Шундан сўнг биз Даррен билан кўп кунларни бирга ўтказдик. У кўпинча иккимиз биргаликда ибодат қилишимизни сўрарди. Биз Даррен билан Муқаддас

Китобни ўрганишни бошладик. Худди шу тарзда мен қачонлардир Никосияда дўстларим билан ҳам ўзимни шундай тутганман.

Дарреннинг ҳаёти жуда ўзгача эди. У наркотикларга тобе бўлиб қолганди. Қамоқхонада наркотикларни топишнинг қийин жойи йўқ. Қамоқхонада мунтазам равишда тинтув ўтказилишига қарамасдан, қўплаб маҳбуслар барибир тинмай наркотик қабул қилишарди. Текшириш ва тинтув жараёни ниҳоятда қаттиқ ўтказиларди: экспресс анализ қилинади, агар жавоби ижобий чиқадиган бўлса, наркоманлар амнистиядан ва муддатидан олдин озод қилинишдан маҳрум бўлардилар, шунингдек, наркотик қабул қилганларга яна қайтадан қўшимча жазо тайинланарди. Барча маҳбуслар учун бу ҳаёт тарзи бўлиб қолган. Наркотикларга тобелигидан Даррен ниҳоятда азобланарди. Гашиш унинг миясини айнитиб қўярди. У ўн икки ёшидан чекишни бошлаган, ҳозирда депрессия ва паранойядан қийналарди. Мен уни наркотиклардан воз кечишга ишонтирардим, наркодиллерлардан узоқроқ юришга ундардим, Даррен билан биргаликда унинг шифо топиши учун ибодат қилардик. Баъзида у бир неча ҳафта давомида ремиссияда юрарди. Бу эса унинг энг катта ютуғи эди. Мен чин дилдан Дарренга ёрдам қилишга интилардим. Ахир, айнан Даррен туфайли мен Худо билан бўлган аввалги муносабатларимга қайтдим, ҳа-ҳа, айнан у мени яна Худога олиб келди.

Мен Даррен билан бирга эканман, Муқаддас Хушхабарни ичимда сақлаб юриш ҳуқуқига эга эмаслигимни мен тушундим. Худо мен орқали ҳаракат қилишига мен ижозат беришим даркор. Бундан ташқари, ҳамма нарсa ўз вақтида содир бўлиши кераклигини тушундим. Энди кенг масштабдаги Инжилни тарғиб қилиш бўлмаслиги керак. Ҳеч қандай ўзбилармонлик. Ўз кучимга ҳеч қандай ишонч йўқ. Мен мук тушиб, Худо олдида тавба қилишим лозим. Менинг

хаётим тамомила ўзгариши даркор. Олдинлари ибодатга керакли даражада эътибор қилмаганлигимни мен тушуниб етдим. Бундай хизмат учун мен доимо банд бўлганман. Менинг ибодатларим Худонинг олдига қўяётган ўз шахсий талабларимдан иборат бўлиб, сўнгра уларнинг бажарилишини мен Ундан кутиб ўтирардим. Қанчалик қизиқ бўлмасин, бу вақтда Худо менинг тўхташимни ва Унинг ҳузурида бирозгина бўлишимни хоҳларди. Мен ҳаммасидан ҳам нимага муҳтож бўлганимни эндигина тушундим: мен Унинглаб, ўз вақтимни У билан ўтказишим керак эди.

Хавф туғдирмайдиган бритвадан секингина лезвиени олдим ва қоғоздан хоч кесдим. Хочда тоғ олди тасвирини чиздим: кўм-кўк ўтлоқлар ва дарахтлар, зилол ирмоқлар оқиб турарди. Тиш пастаси билан мен ўз ижодимни ойнага «ёпиштириб» қўйдим. Менинг камерам биринчи қаватда жойлашганди ва ээklar ишлайдиган ички ҳовлидан ойнам бемалол кўриниб турарди. Мен ўз камерамни озода ва тартибли сақлардим. Хушхабарни ёйишнинг бу энг содда ва камтар усули эди. Мен ўзимда бор нарсани маҳбуслар билан баҳам кўришга ваъда бердим ва уларнинг ҳар бирини дўстона, очик чехра билан кутиб олишга доимо тайёр эдим.

Аста-секинлик билан, бирин-кетин одамлар маслаҳат сўраб менга мурожаат қила бошладилар. Ўзим ҳақимда ҳикоя қилиш жуда осон эди: маҳбусларга ҳам, назоратчиларга ҳам, қамоқхона бошлиқларига ҳам. Баллингтонга қандай қилиб тушиб қолганимдан хабар топган кўпчилик одамлар ниҳоятда ҳайратда қолардилар. Йўлдаги оддий бир бахтсиз ҳодиса шундай ҳукм чиқарилишига асос бўла олиши мумкинлигини улар асло тушунмасдилар. Мени кўпинча «гуноҳсиз жабрланувчи» деб атардилар. Бу эса ўз навбатида, мен ҳақиқий масиҳий эканлигимга қарамасдан, хато қилишга қодир эканлигимни тан олишимга имкон берарди.

— Фикримча, менинг жойим айнан шу ерда, — дедим мен. — Менга навбатдаги сабоқни бериш учун, мени бу ерга тушишимга Худо йўл қўйди.

Тез орада ҳамма мени «қавмбоши», баъзида эса (қамоқхонадаги «наркотиклар тарқатувчиси» сўзига қарама-қарши!) «умид тарқатувчи» деб атай бошладилар.

Ҳар куни ҳовлида, эрталабки қирқ дақиқалик жисмоний машқлар пайтида мен Масих ҳақида гувоҳлик бериш имкониятига эгаман. Бир куни Найжел Питерс мен билан тенглашиб қолди. У одам ўлдиргани учун жазо ўтарди. Унинг ёши ўттиз бешларда бўлиб, боши кал, сочлари қириб олинган эди. У ҳеч қачон чекмасди ва кунда эрталабда югуриб, ўзини жисмонан яхши сақлаб қолганди. Биз иккимиз шошмасдан бирга айланиб юрдик ва ўз ҳаётимиз ҳақида, бошимиздан ўтказган мусибатлар ҳақида бир-биримизга сўзлаб бердик.

— Сен бошқалардан ўзгачалигингни мен сездим, — деди Найжел Питерс. — Қолганлар ўзларининг қилган қотилликлари ҳақида тинмай мақтанаётган бир пайтда, сен фақат Худо ҳақида гапираётганингни эшитаман.

Мен унга жилмайиб боқдим.

Икки кундан кейин гимнастика залидан чиқаётган Найжелга дуч келдим. Ундан тер қуйилиб оқаётган эди.

— Қалай, машқлар яхши ўтдимми? — сўрадим мен.

— Ростини айтсам, мен ҳаммасидан чарчадим, — жавоб берди Найжел. Ростдан ҳам унинг кўриниши хафа, кўнгли ғашдай туюлди менга.

— Тони, мен ўн тўрт йилдан бери қамоқхонадаман. Керак бўлмаган жойга мен ҳеч қачон бурнимни суқмаганман. Энди менга қара, мен нимага ўхшаб қолганман.

Найжелни яқиндагина бошқа қамоқхонадан Баллингтонга ўтказишган эди. Олдинги қамоқхонадаги

режим бунчалик қаттиқ эмасди. Ўша ерда бир ҳафтада бир марта уни ишлашдан озод қилишларига у эришди. Аммо унинг блокадаги наркотиклар билан боғлиқ бўлган кўнгилсизликлар туфайли Найжел Питерс бундай имтиёздан муҳрум қилинди.

— Уларга фақат бир куни кечқурун кўшилгандим, бор-йўғи шу — барча имтиёзларимдан айрилдим, — деди у менга. — Ўшанда менинг томим кетиб қолди. Шунинг учун ҳам бу ёққа кўчириб ўтдилар. Ана энди жазо муддати тугагунча, охиригача ҳеч қандай дам олиш куни бўлмайди. Бу эса — яна уч ярим йил қаторасига бу ердан чиқмаслигимни англатади.

Биз маълум вақт гапирмасдан юрдик.

Тўсатдан, умуман кутилмаганда у сўради:

— Агар ҳамма жойда шундай воқеалар содир бўлиб турган бўлса, Худо борми ўзи бу дунёда?

Мен бирозгина ўйланиб турдим ва дедим:

— Хоҳлайсанми, мен сенга бир масални сўзлаб бераман?

— Айта қол, қани бир эшитайлик-чи.

— Бир кема сув остидаги қоя тошларга урилиб, парча-парча бўлиб кетибди. Кема талофотга учрагандан сўнг биттагина одам тирик қолибди. Қандайдир тарзда у кимсасиз оролга бориб қолибди. Шундан кейингина у нақадар аянчли аҳволга тушиб қолганини англабди. Ўшанда омон қолган одам чин дилдан Худога ибодат қилибди, аммо ҳеч нарса юз бермабди.

— Ҳеч қандай Худо йўқ бўлса, у кимдан нимани кутиши мумкин! — менинг гапимни бўлди Найжел.

— Совуқдан беркиниш учун у ўзига чайла қурибди, — деб гапимни давом эттирдим мен. — Бир куни у ўзига озиқ-овқат топиш мақсадида оролни айлангани кетибди. Қайтиб келиб қараса, чайласи ёниб ётган экан. Пешинда шундай жазирама иссиқ бўлибдики, чайла устидаги сомон ёниб кетибди. Бечора одам сўнгги умидининг ёниб тугашига қараб тураверибди. Ана шунда у ниҳоятда ғазабланиб кетибди. «Эй

Худо, шундай бўлишига Сен қандай йўл қўйдинг?» — деб бақирибди у ва осмонга қараб мушт ўқталибди. Ўша куни кечкурун у совуқдан дир-дир қалтираб, дарахт тагида ётибди. Эрталаб уни одамларнинг овози уйғотиб юборибди. «Сизлар мени қандай топиб олдиларинг?» — деб сўрабди у хайрон бўлиб. «Биз узоқдан тутун сигналини кўриб қолдик», — деб жавоб беришибди улар.

Мен ўз ҳикоямни тугатганимда, Найжел тўнгиллади.

— Баъзида Худонинг севгиси бизга Унинг нафрати бўлиб кўринади, — дедим мен. — Нега У бизнинг ҳаётимизда қандайдир нохуш воқеалар юз беришига йўл қўйишини, биз кўпинча тушунмаймиз. Мана мен ҳам бу қамоқхонага келиб қолишимга У қандай ижозат берганини тушуна олмадим-да. Сен ҳам қандай қилиб ўз имтиёзларингдан айирилиб қолганингни ҳозир тушунмаяпсан. Менимча, сенинг сўнгги умидинг — бу сенинг тутун сигналингдир.

— Бўлиши мумкин... — деди Найжел.

— Қулоқ сол, — деб гапимни давом эттирдим мен, — Муқаддас Китобда, Римликларга мактубнинг саккизинчи боб, йигирма саккизинчи оятида шундай дейилган: «Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади». Яъни, Худони севганларнинг ҳаётида нимаики юз берса, ҳамма нарса уларнинг фойдасига хизмат қилади. Найжел, бу оятда калит сўз *ҳамма нарса*. Ушбу ибора яхшини ҳам, ёмонни ҳам, шу жумладан, сенинг имтиёзларингни ҳам ўз ичига олган... Агар сен Исо Масиҳга имон келтирсанг, ҳаттоки шу ҳолатингда ҳам, сен ҳеч нарса ютқизмайсан. Вазиятга мағлубиятга қарагандай, қарамагин. Шундай ҳолатларда, ҳозирнинг ўзида, Худо сенинг фойдангга хизмат қилмоқда.

Найжел қоқилган қозикдай қотиб қолди. Менинг назаримда, бу сўзлар унинг қалбини чертиб ўтди.

— Найжел, Худо сени севади, У Ўз фарзанди сингари сенга ғамхўрлик қилади.

— Найжел менга тикилиб турарди.

— Ҳикоянг учун раҳмат, Тони, — деди у ва секингина мендан нари кетди.

Кейинги куни Найжел ички ҳовлида яна менинг олдимга келди.

— Тони, кеча сен менга сўзлаб берган ҳикоя менинг калламдан чиқмаяпти, — деб гап бошлади у. — Ўзимни қўярга жой топа олмаяпман. Менга ўз Худоинг ҳақида яна бирор нимани гапириб бер.

Мен унга Масих ва Унинг Муқаддас Хушхабари ҳақида гувоҳлик бердим, аммо мен шуни яхши тушунардимки, мен фақат нажот ҳақидагина гапириб қолмаслигим керак. Масихий ҳаётнинг қийинчиликлари ҳақида мен жуда кўп нарсани билардим.

— Худо сени азоблардан халос қилолмайди, — дедим мен Найжелга. — Айнан азоб-уқубат пайтида У сени иродали қила олади. Одамлар тўкин-сочин, бой-бадавлат яшаётганларида, улар Худога камданкам мурожаат қилишларини мен ўзим бошимдан ўтказганман. Найжел, мен катта қийинчиликлар билан бу сабоқни англаб олдим. Аммо мен барибир ҳар куни Худо мени бу ерга олиб келгани ва менга бу ҳақиқатни кўрсатгани учун Унга миннатдорчилик билдираман.

— Тони, лекин менда ишонч мавжудлигига шубҳадан...

— Дўстим, асло шубҳаланмагин, — эътироз билдирдим мен. — Кулоқ сол. Сен бутун эрталаб уйғондинг. Сен нафас оляпсан. Сен нимадан нафас олаётганингни ўйламайсан ҳам. Биз ҳавони кўра олмаймиз! — Найжел жилмайди ва мен гапимни давом эттирдим: — Сен стулга ўтираётганингда, у сени кўтардимми ёки йўқми, олдин пайпаслаб кўрмайсан-ку? Йўқ, сен бундай қилмайсан. — Энди Найжел кулиб юборди. — Худо ҳам худди шундай, — дедим мен

Найжелнинг кўзларига қараганимча. — *У шу ерда*, сен фақатгина бунга ишонишинг керак.

Найжел мендан кўзларини олиб қочди ва осмонга тикилиб қарай бошлади.

— Кунларнинг бирида, — деб гап бошладим мен, — бир болача осмонда варрак учираётганди. Ҳаво булут экан. Бобоси унинг олдига келиб сўрабди: «Сен нималар қиялпсан?» Бола жавоб берибди: «Қоғоз варрак учиряпман». Бобо уни масхара қилмоқчи бўлибди: «Аммо мен ҳеч қандай варракни кўрмаяпман». Болакай ҳам бошини кўтариб қараса, қоғоз дўсти йўқ эмиш. У бирозгина ўйланиб турибди-да, кейин бобосига деди: «Ҳа, бобо, гапингиз тўғри. Варрак кўринмаяпти, аммо унинг ўша ердалиги аниқ. Варрак тепадалигига ишончим комил, ахир, ипнинг тортилаётганини мен ҳис қилмоқдаман». — Мен ҳамроҳимга қарадим: — Найжел, агар сен Исо Масиҳга имон келтирсанг, унда У билан бўлган алоқани ҳис қиласан.

Ўша кунни кечқурун мен Найжелга хат ёздим. Сайр пайтида нималар ҳақида гаплашган бўлсак, ҳаммасини қисқача қилиб хатда баён этдим, Муқаддас Китоб оятлари билан тўлдирдим ва унга ёрдам берувчи оятларни диққат билан ўқиб чиқишни маслаҳат бердим. Хатни олгач, у тез орада Исо Масиҳнинг қатъий ишончига эга бўлди. Мен озодликка чиққанимдан кейин Найжелни Баллингдондаги қамоқхонадан Челмсфорддаги қамоқхонага олиб ўтишди. Бугунги кунга қадар мен ундан хабар олиб тураман.

Блокда энг қайсар ва камгап маҳбуслар Балла ва Фергюсонлар бўлишган. Лекин тез орада ички ҳовлида бизнинг компания билан сайр қилишга уларга ҳам рухсат берилди. Балла Лондоннинг шарқий, энг камбағал қисмидан эди. Бу йигитнинг гавдаси бақувват, елкалари кенг ва қўллари кучли бўлган. Четдан қараганда, худди унинг бўйни йўқдай туюларди. Оғир тоифадаги моҳир боксчи, бўлди! Эркинлик-

да солиқ ундирувчи бўлиб хизмат қилган, қамоқхонага эса ашаддий ирқчиликни намоён қилгани учун тушган. Унинг оиласи фашист ғояларига ниҳоятда берилган бўлган. Баллага бу туйғу она сути билан кирган.

Ҳеч ким у биланг тенг бўлишни хоҳламасди, шунинг учун ҳам ҳеч ким унга кўнгилсизликлар етказмасди ҳам. Аммо ҳамма ундан дод дерди, айниқса қоратанлилар ва барча чалазотлилар. Қамоқхона хизматчиларидан бири Балланинг қоратанлиларга нисбатан навбатдаги фашист агрессиясини олдини олиш учун ўзича бир ҳийла ўйлаб топибди. Хизматчининг фикрига кўра, у менинг бир неча йил олдинги қамоқхонадаги ҳаётимдан баъзи бир маълумотларни етказмоқчи бўлибди. Бундай маълумотлар қамоқхона хизматчилари орасида аслида сир тутилиши керак эди, лекин улар ўз фойдаларини кўзлаган ҳолда баъзида атайлаб баъзи бир маълумотларни ўзлари тарқатишарди. Қамоқхона назоратчилари мени кун-фу бўйича уч карра жаҳон чемпиони бўлганлигимни билишарди. Бундан ташқари, Интерполдан ўзларига керак бўлган ҳар қандай маълумотни осонликча билиб олишлари мумкин эди.

— Уни ҳамма Қавмбоши деб атайди, бироқ бу йигит бутун дунёга маълум ва машҳур. У ўз қўллари билан жўжанинг бошини узиб ташлагандай, сенинг қаллангни ҳам ўзиб ташлашга қодир, — дебди хизматчи Баллага.

Балла мен билан қизиқиб қолди. Эҳтимол, мен чала оқтанли бўлганлигим тўғрисидаги далил уни тинч қўймаётгандир. Қолаверса, у кун-фу ҳақида кўпроқ нарсани билиб олишни хоҳларди. Ўткинчи ҳаётим ҳақидаги шов-шувлар тезлик билан бутун қамоқхонага тарқалди. Ўз биографиямнинг шу қисми ҳақида мен асло гапиришни истамасдим, бироқ айнан менинг «жанговар» ўтмишим Баллага ўхшаш қайсар тўнғизларнинг менга нисбатан бўлган уларнинг иззат-ҳурматини оширарди. Менинг ўйлашимча, нима

сабабдан мен каби моҳир спорт устаси, ҳеч кимдан қўрқмайдиган йигит ўзининг пайкасини бошқалар билан бўлишиши, маҳбусларга хат ёзишга ёрдам бериши ва ҳар бир истовчи билан ибодат қилишга тайёрлиги уларни бениҳоят ажаблантираётган бўлса керак.

— Қарагин-да, мен кун-фуни ўрганиб олганга ўхшайман, — деб туриб олди Балла, кунларнинг бирида ҳовлида сайр қилиб юрганимизда. У турлича ҳаракатлар қилди, қўллари ва оёқлари билан зарба бериш усуллари менга кўрсатди.

— Нимаиди, Будда менга ёқади. Мен унчалик диндор киши эмасман... аммо сен учун эса — бу жуда қимматли эканлигини мен биламан. Мен ҳам бу билан яқиндан танишишни хоҳлайман, ҳаҳ, оти нимаиди... шаманизм, шундайми? Хуллас, ҳаммаси сафсата.

Мен тўхтадим ва унинг кўзларига тик боқдим.

— Ҳа, сен энг муҳим нарсаларни билиб олибсан, дўстим, — дедим мен қатъийлик билан.

Балла бироз ўйланиб қолди.

— Сен ҳозирда гапираётган нарсаларнинг ҳаммаси диний туман, ҳа-ҳа, диний туман ва бошқа ҳеч нарсаси эмас! Ҳаммаси хато фикр! Фойдасиз! Ёлғоннинг ўзгинаси!

— Тони, тинчлан!

— Йўқ, менга қулоқ сол. Тарозунинг бир палласида — Худога ишонч, бошқасида эса — дунёдаги барча динлар. Мен биргина Қодир Худога ва Унинг Ўғли, Исо Масихга ишонаман. Фақатгина Исо Ўзи ҳақида шундай деган: «Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман; барча Отамнинг ҳузурига фақатгина Мен орқали боради».

— Оҳ-о, жуда баланпарвоз гаплар-ку!

— Балла, бу баланпарвоз гаплар эмас, бу ҳақиқат. Муқаддас Китобда, Коринфликларга Биринчи мактубнинг саккизинчи боб, олтинчи оятида шундай ёзилган: «...Лекин биз учун биргина Отамиз Худо бор. Ҳамма нарса Ундандир, биз У учун яшаймиз.

Шунингдек, биргина Раббимиз Исо Масих бор. Ҳамма нарса у орқали вужудга келган, биз ҳам У орқали яшаймиз». Балла, сен ҳақиқатга қарши чиқа олмайсан, ёки одамлар томонидан тўқиб-чатилган бир талай таълимотлар билан ҳақиқатни чалкаштириб, уни бузиб талқин қилолмайсан.

Биз яна иккимиз юришни давом эттирдик. Тўсатдан Балла деди:

— Сен учун ўзингнинг эътиқодинг — мен учун худди «Миллуолл» кабидир.

— Балла, сен нима деяпсан?

— Қулоқ сол, Тони, «Миллуолл» — энг зўр команда, тўғрими? Ягона ва тенги йўқ. Бошқа командалар — шунчаки, ўзича.

— Хўп, гапингни давом эттиравер, — дедим мен, — қизиқ, менга нималарни исботламоқчисан?

— Тони, сенинг гапларингга бошқача мисол келтиряпман-да. Тушундингми? Сен учун бу эътиқод ва сенинг Исо Масихинг. Мен учун эса — «Миллуолл» футбол клуби.

Мен вақтимни бекорга ўтказаяётганимни тушундим, аммо у билан бирга кулдим.

— Йўқ, йўқ, Балла, сен ҳеч нимани тушунмадинг...

— Нимани тушунмадим?

— Исо мен учун хобби ҳам эмас, фойда чиқарадиган иш ҳам эмас. Сен футболга, яна кимлардир шахматга, шашкага ёки рақс тушишга ишқибоз бўлгани сингари, мени Исога ишқибоз бўлган деб айтиб бўлмайди...

— Братан, сал ўзингизни босиб олинг!

— Қулоқ сол, Балла, Исо мен учун — бу ҳамма нарса. У нафақат яхши дўст, балки У — менинг ҳаётимнинг пойдеворидир. У — ҳаётнинг ўзидир. Мана шундай. Сен буни қабул қиласанми, ёки йўқми, бу сенинг ишинг. Мен учун бу — осмоннинг кўклиги, дарахтларнинг яшиллиги кабидир. Буларнинг акси эканлигини ҳеч ким менга исботлай олмайди. Лекин мен бу

ҳақда бошқаларнинг билишини ҳам хоҳлайман. Бу ҳаёт—мамот масаласидир.

— Кўриб турибман, сен гижинглаган тойни эгарлаб олибсан! Хўп, шундай бўлақолсин, сен бунга ишонасан ва бу сенинг ишончинг.

— Фақат менинг ишончим эмас, балки миллионлаб бошқа одамларнинг ишончи, улар ишонч қадамини қўйдилар ва ўзлари учун ҳақиқатни очдилар.

— Ҳа, лекин мен уларнинг биттаси эмасман...

— Яхши, фараз қилайлик, сен стадионда ўтирибсан, атрофингда кўплаб дўстларинг, сизлар биргаликда ажойиб футбол ўйинини томоша қиляпсизлар. Ҳакам сизлар яхши кўрган команда дарвозаси томон ўн бир метрли жарима тўпини тепишни белгилайди, бироқ шу пайтда сени зудлик билан бовул қилгин келиб қолади. Сен хожатга чиқиб кетдинг, шу вақтда кучли за-р-р-ба — сизларнинг дарвозабонларинг тўпни тутиб олди! Сен орқага югуриб келиб қарасанг, сенинг дўстларинг ўзида йўқ хурсанд — бақир, чақир... Улар бу зарбани ва дарвозабоннинг эпчил ҳаракат қилиб тўпни тутиб қолганини кўрдилар. Бу энг зўр ҳолат. Бундай дақиқаларни сен ҳеч кўрмагансан. Дарвозабон бутун командани мағлубиятдан қутқариб қолди! Бундай лаҳзаларни ўтказиб юборганингдан сен афсусдасан. Бинобарин, сен бунга шубҳа билан қарайсанми? Албатта, йўқ! Сен ўзинг буни кўрмаган бўлсанг-да, лекин бунинг нақадар зўрлигига ишонасан. Ҳа-ҳа, сен ишонасан, чунки дўстларинг сенга дарвозабоннинг моҳирлигини ва эпчиллигини роса мақтайдилар. Сен тўп тепилганда бу ерда бўлмагансан, дунёдаги энг зўр футбол эпизодини — битта дарвозабон бутун командани қутқариб қолганини кўрмадинг. Лекин дўстларинг бунинг гувоҳи бўлдилар, сенга буни етказдилар ва сен бунга тўла ишонч ҳосил қилдинг.

— Энди тушунарли. Мен ўз кўзим билан кўрмаганим, бу ёлғон дегани эмасдир. Сенинг таъкидлашинг-

ча, Исо мавжуд, гарчанд мен Уни кўрмаган бўлсам-да, У бор ва бу ҳақиқат.

— Тўғри-да! Исо хочда сен ва мен учун ўлганда, у бизга қутқарилиш ато этган, деб айтяпман сенга. Бу тўғрида менга бир одам сўзлаб берганда, мен бунга ишондим. Энди эса Исонинг нажот беришига ишонаман, зеро бунга ўзим амин бўлдим. Ҳаётимнинг сўнги кунигача қутқарилиш, нажот учун Ундан хурсанд ва миннатдор бўлишдан тўхтамайман.

— Мен ҳамон сартирда ўтирибман, деб айтмоқчимисан?

— Йўқ, Балла, мен сенга Исо ҳақида сўзлаганимда, сен сартирдан чиқиб кетгансан. Энди сен столнинг олдига бориб, сенга тавсия қилинаётган бепул пивони олишинг керак.

— Мана бу бошқача гап! Ва ниҳоят сен одамларга ўхшаб гапирадиган бўлдинг.

— У ерда сен учун кружка ҳам тайёрлаб қўйишган, — дедим мен жилмайиб.

Балла мени тушунди. Келгусида иккимизнинг ўртамизда шунга ўхшаш кўплаб суҳбатлар бўлиб ўтди. Мен ҳамон у учун ибодат қилмоқдаман, токи Балла ажойиб бир лаҳзада ҳақиқатни топа олсин.

Фергюсон ҳам Балланинг тоифасидан эди. Қоратанли йигит, ҳокимият учун курашда Балланинг рақиби бўлган. У овқат тарқатиш блокида ишларди. Кунларнинг бирида олдимга келди ва деди:

— Ҳой, Тони! Менинг эшитишимча, сен масиҳий экансан, шундайми?

Мен жойимда қотиб қолдим. Балки, Фергюсон мени тепишга тайёр тургандир. Қандай қилиб унинг зарбасини қайтарсам экан?

— Ҳа, мен ўшандайман, — дедим мен ва ўз кўркувимни ундан беркитдим.

Унинг хатти-ҳаракати мени ҳайрон қолдирди.

— Ҳозиргина менинг хотиним вафот этибди, — деди у ғамгинлик билан.

Мен ўзимни қўлга олдим. Демак, ҳозир у ўз аламини мендан олади. Бир дақиқа ўтди, икки, уч... У қўлини менинг елкамга қўйганини ҳис қилдим.

— Хотиним учун ибодат қиласанми? — сўради Фергюсон.

Менинг томоғимга бир нима тиқилгандай бўлди.

— Албатта, мен сенинг хотининг учун ибодат қиламан, — дедим мен, — шунингдек, мен сен учун ҳам Худога ибодат қиламан, чунки У сени тирик қолдирди.

Биз узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Энди болаларига нима бўлиши тўғрисидаги ўз қўрқув ва хавотирликларини у беркита олмасди. Менинг қўлимдан келган ёрдамим — Фергюсон билан ибодат қилишим эди. У ибодатни миннатдорчилик билан қабул қилди.

Шу воқеадан сўнг Фергюсон ҳар сафар озик-овқат блокада навбатчилиқ қилганда, менга қўшимча тарзда апельсин ва пудинглар олиб келиб турарди.

Барча маҳбуслар боришни истаган иш — «қизил боғичли» иш эди. «Қизил боғичли» ишчиларга бир ҳафтада беш фунтгача пул тўланади. «Қизил боғичли»ларга блокнинг ташқарисидаги худудни йиғиштириш ишониб топширилган. Улар ҳеч қандай назоратсиз ўзлари ишлашга чиқиб кетардилар ва ўзлари қайтиб келардилар. Бироқ бу ишга маҳбусларни ажратиб олувчи назоратчиларнинг бошлиғи ниҳоятда синчковликни ва эҳтиёткорликни намоиш қиларди. Қамокхонанинг атрофи периметр бўйлаб баланд девор билан ўралган. Аммо «қизил боғичли» ҳар қандай маҳбуснинг хоҳиш-истаги ва ўзига хос жисмоний тайёргарлиги бўлса, у ҳеч муаммосиз осонгина девордан ошиб қочиши мумкин. Мен учун бу иш Худонинг инъоми эди. Ташқаридаги худуд жуда ифлос бўлганлиги туфайли, иш оғир эди.

Аммо мен очик ҳавода, бир ўзим берилиб ишлардим. Ҳар куни супурги ва ҳокандоз ёрдамида ўз участкамдан йигирма қоп мусор йиғиб олардим. Баллингтон «В» тоифадаги муассасалардан, яъни бошқача қилиб айтганда, қаттиқ режимга асосланган қамоқхона эди. Бироқ шуниси қизиқ эдики, бу ердаги маҳбуслар нимани хоҳласалар, шунга эга бўлардилар. Қамоқхона блоки икки қаватли бино бўлиб, ҳамма деразалари ташқарига қараган эди. Деразадан маҳбуслар бемалол бир марталик ишлатилган шприцларни, презервативларни, ачиган мева-сабзавотларни, шишаларни, газета ва ҳаттоки ўз ахлатларини ҳам ташлашарди. Баъзи бир маҳбуслар ҳайвонлардан ҳам баттар эдилар.

Шундай одамлар ҳам борки, улар менга берилган имтиёзларга ҳасад қилардилар. Деразадан қараб турган ҳасадгўйлар қўлларига нима илинса, шуларни менга қарата отардилар: шиша синиқларидан тортиб апельсин пўчоқларигача, ёки сасиган пайпоққа ўралган олқинди совун учиб келарди, баъзида эса тепадан қайноқ сув қуйиларди. Бундай «ўқлардан» қочиб қутулиш қийин эди ва мен ҳар доим иш вақтида ибодат қилардим. Тез орада паст қаватдаги маҳбусларнинг кўпчилиги билан яқиндан танишиб олдим. Сал кейинроқ эса мен ҳар бир маҳбус учун у ёки бу тарзда Худо ҳақида гувоҳлик бера бошладим. Битта камерада икки поляк — Анжей ва Болек ўтиришганди. Улар профессионал ўғрилар бўлиб, қаттиққўл ва жуда қўпол эдилар. Иккиси ҳам узоқ муддатдан бери жазосини ўтардилар. Улардан биттаси инглиз тилида чала-чулпа, яъни аранг гапирарди, шунинг учун ҳам у билан мулоқот қилиш унчалик осон иш эмасди.

Бир куни кечқурун полякларга хат ёзишга ўтирдим. Мен Муқаддас Хушхабарни уларга содда инглиз тилида тушунтириб бермоқчи бўлдим. Инглиз тили билан бирга поляклар учун тушунарли бўлсин деб

баъзи бир грек сўзларидан ҳам фойдаландим ва хатни уларнинг дераза деб аталмиш туйнукчасига қистириб қўйдим. Орадан бир неча кун ўтгач, мен уларнинг деразаси тагини супураётганимда, мени Анжей чақириб қолди.

— Тони, хат учун раҳмат. Аммо биз бир нарсага қойил қолдик, — деди у ҳаяжонланиб, — нима сен, поляк тилини биласанми?

— Нима? — сўрадим мен ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, сенинг хатинг... Ажойиб поляк тилида ёзилган, — ўзида йўқ хурсанд бўлиб деди Анжей. — Менинг дўстим нима ва қандайлигини менга тушунтириб берди. Яна бир бор катта раҳмат.

Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Ахир поляк тилида мен бирорта сўзни ҳам билмасдим.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деб эътироз билдирдим мен. — Мен инглиз ва грек тилида ёзгандим.

Анжей ҳайратда қотиб турарди. У полякча бир нималарни ғудурлаб кўздан ғойиб бўлди. Деразадан Болек кўринди, у қўлидаги хатни кўрсатиб, мен билан саломлашди.

— Ҳа, ҳа. Поляк тили ажойиб, — деди у ва оғзи қулоғига етгудек бўлиб тиржайди.

Мўъжиза юз берганини мен англадим. Худо шу ерда ҳам ишлабди.

Мен Унга ҳамду сано айтиб, ибодат қилдим. Сўнг-ра ўз ишимни давом эттирдим. Йиғиштиришни тугатиб, мени асосий блокка киргизишлари учун қўнғироқни босдим. Назоратчилар кўпинча мени «эсларидан чиқариб қўйишарди». Улар шу тарзда кўм-кўк ўтда ўтириб, Муқаддас Китобни ўқишга ёки қамоқхонани ўраб олган ям-яшил баландликлардан завқ олишимга имкон яратиб бераётганликларини мен тушундим.

Бир куни тепа қаватдаги камераларнинг биридан овоз эшитилди:

— Ҳой, Қавмбоши, Исо ўлибди, эшитдингми?

Мен зудлик билан хушёр тортидим. Бу маҳбусдан мен олдинлар ҳам кўп азоб чекканман. У менинг бошимга шишалар отарди ва куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратларди, лекин мен ҳеч қачон ўзини кўрмаганман. Мен белкуракни қўлимга олиб, унинг бошига урмоқчи бўлгандай тепага кўтардим. Аммо вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим, агар Исо менинг ўрнимда бўлганда, у албатта бошқача йўл тутишини ўйладим. Мен маҳбусга эътибор бермасликка ҳаракат қилдим. Аммо қутурган маҳбус асло тинчимасди. У ўзини безбетларча тутарди. Энди у тентакларча кула бошлади. Бирор чора кўришим керак. Ғазаб ичимда қайнарди. Бироқ мен қатъий қарор қабул қилдим.

— Йўқ, сен ноҳақсан, — дедим мен имкон қадар босиқликбилан. — Исо тирик. Мен бунганиқ биламан, чунки У менинг юрагимда яшамоқда, шундай экан, мен сени кечираман. Раббий сени марҳаматласин!

Бирозгина сукунат ҳукм сурди. Шундан кейин нима юз беришини мен тушуниб етдим. Мен тўхтадим, бошимни қуйи эгиб, Забурнинг йигирма иккинчи саносини ёддан ўқий бошладим...

Ўлим водийси зулматида юрсам ҳам, даҳшатлардан мен қўрқмайман, чунки Сен менга ҳамроҳдирсан, Ўз ҳассангу хивичинг менга тасалли берар...

Тепадаги деразадан устимга қайноқ сув қуйилди. Мен жойимда қотиб қолдим. Менинг кийимларимдан пар чиқарди, бироқ сув менга қайноқ эмас, балки бирозгина совуқдай туюлди. Баданимда куйган жойларнинг ҳеч қандай изи йўқ эди. Мен бирозгина ўйлашиб турдим, сўнг дилозорни чақирдим:

— Ҳой, сен деразадан қарагин! — Менга жавобан қаҳ-қаҳ кулгу эшитилди. — Нима, қўрқиб кетдингми? — бақирдим мен. Сукунат. Нима қилиш керак?

Мен уни яна бошқатдан чақиришимга тўғри келди. — Сен ким бўлсанг ҳам, шуни билиб қўйгин: мен чақимчи эмасман, сени ҳеч кимга сотмайман. Мен ҳаттоки сени қидирмайман ҳам. Агар мен масиҳий бўлмаганимда эди, аллақачон каллангни чақиб ташлаган бўлардим. Бироқ мен Исони жуда яхши кўраман. Мен қилган гуноҳларим учун шу ерларда юрибман, мен ниҳоятда афсусдаман. — Тепада — жимжитлик. Мен гапимни давом эттирдим: — Сен қуйидагиларни билиб олишингни жуда-жуда хоҳлайман: Раббимиз Исо Масиҳ номи билан мен сени кечирдим. Парвардигорнинг Ўзи сени марҳаматласин!

Юз берган воқеани кўплаб одамлар кўришди ва эшитишди.

— Тони, унинг адабини бер, — деб маслаҳат қилишарди менга. — Қайноқ сув қаердан қуйилганини билиб берсанг, бас, биз уни излаб топамиз.

— Йўқ, мен бундай қилмоқчи эмасман, — жавоб бердим мен.

Ҳамма мени ақлдан озиб қолди шекилли, деб ўйлади. Мен блокка қайтиб келганимда, назоратчилар юз берган воқеадан аллақачон хабар топган эканлар.

— Тони, у кимлигини бизга айтгин. Биз белгиланган тартибга мувофиқ иш кўрамыз, — деб ваъда беришди улар.

— Йўқ, унинг кимлигини мен айтмайман, мен унга сўз бердим.

— Уни шундай жазосиз қолдириб бўлмайди-ку, — эътироз билдиришди улар. Назоратчилардан бири менинг билагимдан ушлади ва хотиржамлик билан тушунтира бошлади: — Биз индамаймиз. Сен тепага чиққин-да, яхшилаб уни қилмишига яраша дўппослагин. Бир неча дақиқадан сўнг биз кириб келамиз, керагини биз ҳам қўшимча қиламиз.

— Мен бундай қилолмаслигимни сизлар яхши биласизлар, — дедим мен. — Мен энди бошқача йўлдан юряпман.

Назоратчилар шокка тушиб қолдилар. Мен уларга тушунтиришга ҳаракат қилдим:

— Биласизларми, мен бу одамни осонликча кечирдим. Кечириш кучи озодликни инъом қилади. Кечириш — ўч олишдан юксакроқдир.

Мен назоратчиларга яҳудийларнинг қадимий урф-одати ҳақида сўзлаб бердим. Урф-одатга кўра, юбилей йилида князлар ва шоҳлар маҳбусларни озод қилиб, барча қарзларни бекор қилар эканлар.

— Исо Масихга имон келтириш — шундай озодликка эришиш демакдир, — дедим мен. Бу худди шундай юбилей йили — хурсандчилик ва байрам қилиш вақтидир. Кечириш инсонларнинг юрагига ҳақиқий эркинликни ва бахт-саодатни олиб келади. Ва аксинча, адоват одамларни бир умрга қамоқхонага ташлайди. Бу одам ким бўлишидан қатъий назар, мен уни кечиришга мажбурман.

Назоратчилар бир бирларига қарадилар ва елкаларини қисдилар. Улардан биттаси елкамни қоқиб қўйди.

— Қавмбоши, сен мендан ҳам яхшисан, — деди у жилмайиб.

Шундай қилиб мен ўша одамдан ўч олмадим. Аммо кейинроқ менгача етиб келган шов-шувларга кўра, пастки қаватдаги менинг дўстларим қаердан қайноқ сув тўкилганини аниқлаб олибдилар. Пайт пойлаб туриб, улар тепага кўтарилганлар ва ўзлари-ча ҳаммасини ҳал қилиб чиққанлар. Дилозор билан бошқа менда ҳеч қандай муаммо бўлмаган.

16 боб

Ибодатхона доимо учрашувлар ўтадиган энг яхши жой ҳисобланади. Маҳбуслар у ерга боришни яхши кўрадилар, чунки бу уларга камерадан чиқиш имкониятини берарди. Англикан жамоатининг руҳонийси Хушхабарни ваъз қилишда унчалик ғайрат ҳам кўрсатмасди. Қамоқхонада у узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келади. Бироқ қамоқхонадаги хизмат руҳоний учун ниҳоятда зерикарли эди. Ҳар куни кечқурун у ташқи дунёга қайтса-да, лекин аслида у ҳам биз каби, яъни камераларга ташланган маҳбуслар сингари асир эди. Масиҳ ҳақида менинг гувоҳлик беришим, шубҳасиз, унга ёқмасди, бироқ руҳоний менга қаршилиқ кўрсатмасди.

Ҳар ҳафта мунтазам равишда маҳбуслар Худога тинмай мурожаат қилардилар. Биз кўпинча ибодатхонада йиғилиб, Муқаддас Китобни ўқирдик, суҳбатлашардик ва ибодат қилардик. Бизнинг жамоат йиғилишимизда ҳар доим синчковлик билан кузатиб турувчилар ҳам иштирок этардилар. Кейинроқ баъзи бирлари бизнинг қамоқхона жамоатимизга қўшилар эдилар. Олифта Бислей — ўғри қарашли ёш йигит, оқ танли наркоман — улардан бири эди. Ҳаётининг кўп қисмини у турли қамоқхоналарда ўтказган. Кунларнинг бирида иккаламиз суҳбатлашиб ўтирганимизда, у менга деди: «Эркинликда бу бош нималарни кўрмади-ю...» Жазо муддати тугай деган-

да, у албатта бирор бир «найранг» кўрсатарди, бунинг устига унинг «найранги» бениҳоят жиддий бўларди. Бунинг натижасида Бислейнинг жазо муддатига яна янги жазо муддати қўшиларди. «Бу ер менинг уйим, — деб тушунтирарди у менга. — Озодликда жуда қийин. У ерда менинг ҳеч кимга керагим йўқ. Эҳ-ҳе, турган битгани ташвиш: унга пул тўла, бунга пул тўла, яшаш учун жой ахтар... Менга шу керакми? Бу ерда эса, ҳеч бўлмаганда, бир кунда уч марта иссиқ овқат беришади, ёнимда доим дўстларим». Олифта Бислейга ўхшаганлар бу ерда кўп эди, жуда ҳам кўп эди.

Масалан, Силлаки лақабли яна бир маҳбусни олайлик. Силлаки доимо ибодатхона олдида сандирақлаб юрарди. Эркинликда у ўзининг миллий қаҳрамонлик шухрати билан мақтаниб завқланарди. Бўлмасамчи, у ҳақдаги мақолалар ва унинг расмлари барча газеталарда чоп этиларди, ҳаммаси атрофимиздаги оламнинг тозалиги — унинг қилган барча сайр-ҳаракатларидан. Сим ортида эса у ўта бахтсиз маҳбус эди. Баллингтонда дарахтларни ва яйловларни асраш билан ҳеч ким шуғулланмасди, ҳаттоки қизиқмасди ҳам. Силлаки ниҳоятда мажусийликка берилган эди ва тез-тез бутхонада ўзининг «коҳина»си билан учрашиб турарди. Баъзида «коҳина» руҳоний билан ҳам яширинча учрашиб турарди, руҳоний эса ўз навбатида Англикан жамоати одатига кўра, Худога хизмат қилишнинг бир қисмини унга ўтказишни топширарди. Бундай ҳолат менинг асабимга тегарди. Лекин мен фақат ибодат қилишим керак. Чиндан ҳам ибодатларимдан кейин Худо ўртага тушди. Қандай сабабларга кўра билмадим-ку, бироқ Силлакига «коҳина» билан учрашиш манъ қилиб қўйилди.

Бир куни менинг камерамга Силлаки отилиб кирди. Атайлаб мени туртиб ўтди ва деди:

— Ҳой, сен ва сенинг мазҳабчилик сафсатанг ҳақида эшитдим. Сенинг дастингдан менинг дугонамни бу

ердан ҳайдашди. Ҳали сен шошмай тур! Бир адабингни бериб қўяй!

Шиддатли ҳаракат билан мен унинг қўлини елкамдан итариб ташладим. Унинг бўйи меникидан баланд бўлганлиги сабабли, мен ўрнимдан туриб унинг кўзларига тикилганимда, менинг кўзларим унинг бурнининг тагига тўғри келди.

— Энди менинг гапларимга кулоқ сол, — дедим мен. — Нима ўйлаган бўлсанг, шуни қилгин. Агар хоҳласанг, ҳозирнинг ўзида тескари қараб тураман, сен мени уришинг мумкин, — дедим мен тишларимни ғичирлатиб, унинг кўзларига тикилганимча. — Шуни билгинки, — гапимни давом эттирдим мен, — сен нима қилсанг ҳам, мен сени кечиришга қарор қилдим. Исо Масиҳ номи билан мен сени яхши кўраман. Сенга нисбатан менда ҳеч қандай адоват йўқ, сенга келсак, хоҳлаганингни қил.

Силлаки мени ютиб юборгидай бўлиб, индамай турарди. Кейинги дақиқаларда нима юз бериши мумкинлигини иккимиз ҳам билмасдик. Ва ниҳоят, Силлаки бир сўкинди-да, тескари қараб чиқиб кетди.

Орадан олти ой ўтди, менга тез орада озодликка чиқишим тўғрисида эълон қилдилар. Олдинда мени нималар кутаётганлигини билмасдим, аммо бу ерда Худо менга шунча ажойиб сабоқларни берди. Ҳозирда мен бошқа одамга айландим. Сара ҳам руҳан кучга кирди. У Худога кўпроқ ишонадиган бўлди, шунингдек, худди мен каби кўп вақтини ибодатда ўтказадиган бўлди. Сара ва Этаннинг ҳаёти енгил эмасди, лекин хотиним Исога нисбатан бўлган севгиси ҳақида менга ғайрат билан гапирганини эшитганимда, менинг кўнглим анча кўтарилди.

Эркинликка чиқишимга — бу эса 2002 йилнинг 12 феввалида юз берди — мен бирозгина пул тўплаб қўйдим. Жазо муддатининг сўнгида, қамоқхонада узоқ ойлар мобайнида мен билан бирга бўлган дўстларимга кутилмаган ҳадя қилмоқчи бўлдим. Одат-

дагидек, кунда келувчилар ва бир нечта янги маҳбуслар ибодатхонада тўпланганларида, мен кириб келдим.

— Қавмбоши, халтангда нима бор? — сўради мендан Сэм Пол. Қавмбоши лақабини менга айнан шу йигит берганди (мен эса ўз навбатида, уни Хагрид* деб номлаганман). Мен халтамни очдим ва столнинг устига «Марс» шоколад батончикларини тўқдим.

— Агар биттадан олсаларинг, ҳаммага етади, — деб бақирдим мен, чунки залда кулги ва шовқин-сурон кўтарилганди. Маҳбуслар орасида ҳамма шоколадни яхши кўрарди, айниқса, ўз пулларига сигарет сотиб олувчилар. Қамоқхонада бериладиган пулни чекувчилар фақат сигаретга сарфлар эдилар.

— Йигитлар, эшитинглар, бугун қамоқхонада менинг сўнгги куним. Ўзларингиз яхши биласизлар, мен сигарет чекмайман, шунинг учун бирозгина пул йиғиб қўйган эдим. Сизга кичкинагина совға қилиб, сал бўлса-да, кўнглингизни кўтармоқчи бўлдим. Мен сизга шундай демоқчиман: «Раббий сизларни марҳаматласин!»

Хеч ким хафа бўлмадимикан, ҳамма ўз шоколадини олдимикан, деган мақсадда мен ибодатхонани айланиб чиқдим. Мен бу ерда Силлакини ҳам кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. У озгина тортиниб турарди. Масиҳий анъанага кўра, биз доира бўлиб турдик ва бир-биримизни марҳаматладик:

Раббимиз Исо Масиҳнинг марҳамати, Ота Худонинг севгиси, ва Муқаддас Рух мулоқоти биз билан бирга. Омин.

* Рубеус Хагрид — инглиз ёзувчиси Ж.К.Роулингнинг Гарри Поттер ҳақидаги романлар руқнининг персонажи, ғайритабиий мавжудотларга қаровчи мураббий ва «Хогвартс» сеҳр-жоду мактабининг ўрмончиси.

Биз тик турганимизда, ҳаммага бир-бир қараб чиқдим. Бу ерда олти ой мобайнида тубдан ўзгарган маҳбуслар жуда кўпчилиқни ташкил қиларди. Доирада Силлаки ҳам бор эди. У биз билан ибодат қилмасди, лекин ўзида йўқ хурсанд бўлиб, жилмайиб турарди. Сўнгра у хайрлашиш учун менинг олдимга келиб қўлимни сиқди.

— Ҳаммаси жойида, биродар, — деди у.

— Худо сени марҳаматласин, — деб жилмайдим мен ҳам унинг қўлини маҳкам сиқар эканман.

Озод бўлиб чиққанымдан кейин мен Силлакига ҳам, қамоқдаги кўплаб бошқа дўстларимга ҳам тез-тез хатлар ёзиб турардим. Бунга жавобан менга юзлаб, минглаб хатлар келарди, зеро эндиликда хат ёзиш ва биродарларнинг ҳолидан бориб хабар олиш менинг хизматимга айланди: Баллингдондаги кўплаб маҳбусларни мен қўллаб-қувватлаб турардим. Кимдир озодликка чиқди, кимлардир бошқа қамоқхоналарга кўчирилди, аммо мен имкон қадар ҳаммасини бориб кўришга ҳаракат қилардим.

Баллингдон қамоқхонаси ўтган олти ой мобайнида ўзгартириш мумкин бўлган маҳбуслар орасида, менинг назаримда, мендан-да кўпроқ ўзгарган одам бўлмаса керак. Ортга, ўша мудҳиш воқеа юз берган вақтдан бошлаб босиб ўтган йўлимга назар ташлар эканман, Худо менга руҳий саҳродан юриб ўтишимга имкон берганини тушундим. Ахир, айнан ўша ерда менинг устимдан зарур бўлган ишларни У бажара оларди. Ўша ерда У менинг ўзбошимчалигимга ва ортиқча ғайратимга қарши чиқиши мумкин эди. Фақатгина ўша ерда У мени тиз чўктириб, мўминликка, итоат этишга ўргатиши мумкин эди. У менга бундай сабоқни бериши ниҳоятда зарур эди.

Муқаддас Ёзувни тадқиқ этар эканман, Худо томонидан танлаб олинган кўплаб одамлар руҳий саҳрода синовлардан ўтишларини мен англаб етдим. Баъзи одамларни Худо ҳақиқий саҳродан олиб ўт-

ган. Мусо ва Исроил ўғиллари қулликдан ажойиб ва мўъжизавий тарзда қутилганларидан кейин саҳрода қирқ йил юрдилар. Мен уларнинг тарихини Амрлар Китобининг саккизинчи бобида ўқидим ва қуйидаги манба оятни танлаб олдим:

Худойингиз — Эгамиз сизларни қирқ йил мана шу чўлдан олиб юрган узоқ йўл эсингизда турсин, У юрагингизда нима борлигини, унинг амрларини сақлашингизни ёки сақламаслигингизни билиш учун, сизларни қийинчиликларга дучор қилиб синади...

Мен каби, Исроил ўғиллари ҳам тинмай гуноҳ қилганларини тушундим. Улар Парвардигорнинг буюк ва улкан ишларининг гувоҳи бўлсалар-да, Худо билан бўлган аҳдни улар бузавердилар. Лекин барибир Худо уларни яхши кўрарди. Китобни ўқишни давом эттирар эканман, Худо уларга сув, озиқ-овқат ва асло эскирмайдиган кийим-кечак берганидан ҳайратланардим. Бу бўйсунмас халққа нисбатан Худонинг Ўз ният-мақсади бор эди. Натижада, Худо улар билан ҳаттоки гаплашди, Исроил халқига янги ваҳийни — Ўнта амрни берди.

Муқаддас Китобни яна варақлар эканман, мен ўзим учун шуни кашф қилдимки, барча муҳим воқеалар саҳро жойларда бўлиб ўтарди. Мен Ёзувни бошидан-охиригача синчиклаб ўқиб чиққанимдан кейин шу маълум бўлдики, саҳрони билдирувчи иброний сўзлардан бири — «Худо гапирадиган жой», деб таржима қилинар экан.

Мен Худони янада чуқурроқ билишни истардим. Яхё пайғамбарни одамлар «чўлда янграган нидо», деб атаганларини билардим. Бу буюк пайғамбарнинг хулқ-атворини ўрганиб, мен ўзим учун кўп нарсаларни очдим. Худо мени қандай кўришни хоҳлашини мен тушуна бошладим. Яхё пайғамбарнинг хизмати инсоният нуқтаи назаридан ниҳоятда муваффақият-

ли бўлган. Кўпчилик унинг ваъзини ўзларига яқин олиб, гуноҳларини эътироф этдилар ва сувда чўмиб имон келтириш учун навбатга турдилар. Мен Яҳё пайғамбар сингари ажойиб воиз бўлишни хоҳлардим. Бироқ Яҳё пайғамбар унинг ваъзаларининг маъновий маркази ўзи эмаслигини тушунарди. У яқинлашиб келаётган Худонинг Шоҳлиги ҳақида эълон қилар экан, Келаётган Яҳё пайғамбардан ҳам қудратлироқ эканлигини у таъкидлайди. Юҳанно баён этган Муқаддас Хушхабарнинг учинчи боб, ўттизинчи оятида Яҳё пайғамбар Исо Масиҳ ҳақида шундай дейди: «Масиҳ улғайиши, мен эса пасайишим керак».

Муқаддас Ёзувнинг ушбу ояти устида қанчалик кўп фикр қилсам, бу оятдан шунчалик кўп шодланардим. Ҳаттоки Исони ҳам Муқаддас Рух чўлга ҳайдаб кетганди. Исо чўлда қирқ кечаю қирқ кундуз бўлиб, шайтон томонидан уч маротаба васвасага солинган экан. Муқаддас Китобнинг кўплаб қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, Исо Ўз Отасига итоатли бўлиб қолди. Бу дунёнинг барча васвасаларига У қаршилик кўрсатиб, бардош берди. «Исо — тақлид қилишнинг энг зўр намунаси!» — деган қарорга келдим мен.

Менга Муқаддас Китобни яқиндан ўрганишга ва Исо Масиҳни англашга вақт, имконият берган Баллингдонни мен жон-дилим билан эсга оламан. Саҳрода шайтоннинг васвасаларига қарши руҳий кучни намоён этган Исо итоаткорликнинг мукамал намунаси бўлиб қолди. Тана ва руҳ томонидан тор-мор қилинган Исо бутун инсониятнинг ҳамма гуноҳларини Ўз зиммасига олди ва ҳамма гуноҳкорлар учун хочда азоб чекиб ўлди. Пайғамбарлар Исо ҳақида қандай кароматлар қилганларини билиш учун мен Эски Аҳдга мурожаат этдим. Йигирма биринчи санода Исо Масиҳнинг чекадиган жафолари ва даҳшатли ўлими ҳақида башорат қилинган. Еттинчи санони ўқиганимда, менинг этларим увишиб кетди. Бу сано кун-фу жанговар санъати билан шуғулланиш

ва ҳайвонларга қандай тақлид қилиш тушунчасини мен олдин қандай англаганлигимни эсимга солди. «Ахир мен одам эмас, қуртман», — дейди Довуд. Мен илон усулини қандай ўрганганлигим ёдимга тушди. Хужумни дафъ қилиш учун, илон тепага қўтарилиб қоддини ростлайди, пишиллаб туриб зарбага жавоб қайтаради. Бу инсоният «мен»ининг ҳақиқий намоён бўлишидир. Қурт эса аксинча, асло қаршилиқ кўрсатмайди. Уни ким нима хоҳласа, шуни қилаверади. Сен қуртни оёғинг билан тепишинг мумкин ёки эзиб мажақлаб ташлашинг мумкин. Ҳақиқий итоаткорликнинг намунаси худди ана шундай!

Бу образ ҳақида ўйланиб мен узоқ ўтирдим. Худонинг Ўғли Исо, бутун оламнинг Яратувчиси мен ва мен кабиларни деб, Уни қурт сингари эзиб ташлашларини хоҳлади. Исони деб, мен Ундан неча баробар кўп азоб-уқубат чекишим керак? Исо барча муносабатларда гуноҳсиз, мукаммал масиҳийни қидирмаган. Бироқ мен айнан шундай бўлишни орзу қилардим. Бу дунёда яшовчи барча одамлар сингари мен ҳам васвасалар гирдобига тушдим: мени иш ва кредитлар жалб қилди, энг зўр автомобилга эга бўлишга, умуман олганда, энг зўр нарсаларнинг ҳаммаси меники бўлишига интилдим. Марк баён этган Муқаддас Хушхабарда (4:19) уруғ сепувчи ҳақидаги масал ёдимга тушди: «...лекин бу дунёнинг ташвишлари, бойликка ўчлик ва бошқа ҳаваслар уларнинг юракларига сукулиб кириб, каломни бўғиб қўяди, калом эса самарасиз қолади». Ҳашаматли уйга, чиройли нарсаларга эга бўлиш гуноҳми, деб ўйлардим мен. Менинг кўзим энди очилди — бу нарсаларга қандай муносабатда бўлишни Исо ўргатди менга. Бойлик, тўкин-сочин ҳаёт менинг мақсадимга айланиб қолганлигини ўзим ҳам сезмай қолибман. Шундай қилиб, менинг руҳий марказимнинг бошқа томонга силжиши юз берди. Мен Худони излашга эмас, балки дунёвий ҳавасларга берилиб кетгандим.

Худоба юз тутишимнинг илк кунларидан бошла-
боқ мен ҳаворий Павлуснинг ҳаётини ўргандим. Бу
шундай одам эдики, мен ниҳоятда унга ўхшаб ке-
тардим. Мен сингари Павлус ҳам катта гуноҳкор
бўлган. Мен каби у ҳам Исони ғайриоддий ҳолатда
учратган. Мен сингари Павлус ҳам қамоққа ташлан-
ган. Павлус ўзи ҳақида шундай ёзади: «Шунингдек,
бизлар учун ҳам ибодат қилинлар: биз Худонинг
каломини тарғиб қилишимиз ва Масиҳ сирини баён
етишимиз учун Ўзи бир эшикни очиб берсин. Мен
ана шу сир туфайли қамоқдаман. Бу сирни муносиб
равишда изҳор эта олишимни Худодан сўранлар»
(Кол. 4:3–4). Қамоқхонада ўтирганимда, жуда кўп ўй-
ланардим. Камерамнинг деразасидан ички ҳовлида
айланиб юрган маҳбусларни кўрардим. Уларнинг
кўпчилиги қилган қотилликлари тўғрисида фахрла-
ниб гапиришарди. Бошқалари эса мен сингари, ўз
қилмишларидан уялишарди ва тавба қилишарди.
Фикрлашимча, уларнинг ҳаммаси у ёки бу тарзда ўз
гуноҳларига боғланганлар. Маҳбуслар Исо Масиҳ-
нинг қутқарувчилик марҳаматини англаб етишлар-
ини ва унга сазовор бўлишларини мен қанчалик
хоҳлардим.

Мен кўпинча калламга келган фикрларни ёзиб
борардим, баъзида эса Муқаддас Ёзувни ўрганаёт-
ганимда, беихтиёр равишда қоғозга алланималарни
қайд қилиб қўярдим. Мен ёзув дафтарчамга қарадим
ва ўзим билмаган ҳолда кантон иероглифларини ёза-
ётганимни англадим. Мен хитой тилида «солиҳлик»
ва «қўзи» деб ёзганимни кўриб, жилмайдим. Юҳанно
баён этган Муқаддас Хушхабарда Исо шундай ном-
ланган эди: «...Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига
олувчи Худонинг қурбонлик Қўзиси!» (Юҳ. 1:29).
Гуноҳкорларнинг Масиҳга бўлган эътиқоди учун Худо
уларга мана, нақадар ажойиб ва пок солиҳлик рамзи-
ни тақдим қилмоқда!

Баллингдон қамоқхонасида ўтирганимда мен Худодан кейинги йўлимни кўрсатиб беришини сўраб илтижо қилганман. Ҳали қиладиган ишларим жуда кўп эди. Сара ва Этаннынг мени қандай кутиб олишлари бениҳоят мени ташвишга соларди. Сара эрсиз ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган. Этан эса мени, ўз отасини ҳеч қачон билмаган. Мен улар билан энди қандай яшай оламан? Сара биз учун бир уй топиб қўйибди, аммо рўзғорни тебратиб туриш учун мен ҳали бирор-та иш топишим керак. Ким ҳам мени, Баллингдондан «йўлланма» билан жўнатилаётган маҳбусни ишга оларди?!

Аввалам бор, мен ўз олдимга мақсад қўйдим — Баллингдондаги қамоқхонага тушишимдан олдингидай масихий бўлмасликни. Мен Худо учун хизмат қилишни давом эттиришимга, У тўғрида гувоҳлик беришимга ва Хушхабарни тарқатишимга Ундан куч ато этишини сўраб илтижо қилдим. Аммо бу сафар ҳаммаси бошқача бўлиши керак. «Эй Раббий, Сендан илтижо қиламан, мени қўллаб-қувватловчи биродарларни бергин. Токи улар менга камтарликда ҳаёт кечиришга ва Сенинг олдинда бўйсунишимга ёрдам берсинлар», — деб ибодат қилардим мен.

Худо менинг ибодатларимга жавоб қилди, бунинг устига, ҳар бир ибодатимга ўз вақтида. Озодликка чиққанымдан кейин икки кун ўтгач Сара менга бир сирни очди: мен гўёки у билан доимо бирга бўлганман, ҳеч қаерга кетмаганимни ва ҳеч қандай Баллингдон бўлмаганлигини у ҳис қилибди. Сара нақадар ўзгариб кетган! Худо уни ҳам итоат эттириб, тиз чўктирди. Муқаддас Китобдан ёзиб олинган оятлар холодильник устига ва ҳамма жойга ёпиштирилган эди. Этан жуда тез орада менга кўникиб қолди. Биз иккимиз бирга ўйнаб, хурсанд бўлардик. Ҳар гал Этан «Дадажон!» деб чинқириб, бағримга отилганда,

юрагим шодликка тўлиб тошарди. Ундан мен кўп нарсаларни ўрганишимга тўғри келди.

Озодликка чиққанымдан кейин биринчи ҳафтанинг сўнгида мен ресторанда официант бўлиб ишлай бошладим. Мен ресторан директорига сўнгги олти ой давомида қаерда бўлганимни очиқ-ойдин айтиб бердим. Қамоқхонадан олган менинг «йўлланмам»га қарамай, директор хурсандчилик билан мени ишга қабул қилди. Ойлик маош, маълумки, жуда кам эди, лекин ҳар куни мен ишга юзимда табассум билан келардим. Юзимдаги табассум Масиҳ ҳақидаги менинг гувоҳлигим эди. Менда хурсандчилик ҳисси яна тўлиб–тошарди. Худо менга иккинчи бор имконият бераётганлигини тушундим, бу мени руҳлантириб юборди. Мендаги ер билан яксон қилувчи кучни ишлатиш истаги сўнди, Исо Масиҳ менда янгидан–янги хислатларни очаётганлигини ҳис қилдим. Мен одамларнинг хотиржамлик, тинчлик-омонлик ниқоби остида яширинган ҳақиқий қиёфаларини кўришни ўргандим. Менинг атрофимда бахтсиз кимсалар шунчалик кўп эдики, мен уларнинг ҳаммасига Исо ҳақида гапиргим келарди. Кўпинча автобусларда ёки ресторанда мен нотаниш одамлар билан суҳбатлашардим. Четдан қараганда менинг хулқ-атворим ғалати бўлиб кўриниши мумкин, бироқ мен учун бу ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. Мен неча марта ўзимнинг ҳузур-ҳаловатимни ўйлаб Худони алдаганман ва Унга панд берганман, аммо У ҳеч қачон мендан уялмаган. Эндиликда мен Ундан уялишим мумкинми?

Шундай қилиб, мен ҳар ерда ва ҳаммага Масиҳ ҳақида кўрқмасдан гапирардим. Шу билан бир вақтда, ҳар бир одамга нисбатан ўзгача бир ёндашув бўлиш кераклигини Худо менга кўрсатди. Йўлда мен учратган одамларнинг ҳаммаси ҳам тўғридан–тўғри, саботли эзгу хушхабарга муҳтож эдилар. Баъзи бир одамлар менинг жилмайишимни, бошқалари эса

— уларни диққат билан тинглашимни хоҳлардилар. Баъзида ўз суҳбатдошимга мен бирор масиҳий адабиётларини ёки одамларга тарқатиш учун тайёрланган менинг Худога юз тутганлигим ҳақидаги буклетларни тақдим қилардим. Буклетда менинг телефон рақамим ва зарур бўлганда боғланиш учун таклифлар бор эди. Телефон қўнғироқларнинг қўплиги мени ҳайратда қолдирарди. «Бугун биз сиз билан автобусда гаплашган эдик...» ёки «Биз сиз билан бир неча ҳафта олдин универсамда танишган эдик...». Менга ҳар хил одамлар дуч келарди: масиҳий муҳитда вояга етганлар ҳам, яна шундай одамлар ҳам бор эдики, улар қачонлардир Худо билан аҳд тузганлар, кейин эса Ундан ажралиб кетганлар. Қолаверса, одамларга Худо ҳақида содда қилиб тушунтирадиган бирор кимса учрамаган. Қўпчилик фақатгина ўз дарду ҳасратларини, юракларидаги гапларини айтиб бериб, қўнғилларини ёзиш учунгина миннатдор тингловчи сифатида менга мурожат қилардилар.

Шу вақт орасида мен ўзимизнинг Ли-роуддаги баптистларнинг жамоатида хизмат кўрсатишга киришдим. Жамоатдаги биродарлар ва сингиллар мен Баллингдондаги қамоқхонада бўлганимда менга ва Сарага жуда катта ёрдам кўрсатганлар. Мана энди озодликка чиққанимдан кейин ҳам улар мени бағриларини очиб кутиб олдилар. Мен шу заҳотиёқ жамоат хизматига киришишни хоҳлардим, лекин мен Худонинг кўрсатмаларини кутдим. Баллингдондан озодликка чиқишимдан олдин Ҳаворийларнинг Фаолияти Китобининг биринчи бобидаги бир оят менга ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди. Исо азоб чекиб ўлгандан кейин, қирқ кун мобайнида ҳаворийларга зоҳир бўлиб, Худонинг Шоҳлиги ҳақида уларга сўзлади ва қўп ишонарли исботлар билан Ўзининг барҳаёт эканлигини кўрсатди. Исо Отанинг берган ваъдаси то амалга ошгунча, ҳаворийлар Қуддусда кутишларини буюрди. Худди шуни Худо менга ҳам амр қилди —

«Отам Ўз эрки билан белгилаб қўйган вақту фурсатни кутиб тургин».

Қавмбоши Стивен Хембери мени ҳар доим тушунарди ва мени очиқ чехра ҳамда хурсандчилик билан кутиб оларди. Ёшлар билан ишлаш жараёнида менинг орттирган тажрибамдан у хабардор эди, қолаверса, маҳаллий болалар билан шуғулланишдаги ва ёшлар миссиясидаги менинг фаоллигимни қўллаб-қувватларди. Менинг Худога юз тутганлигим тўғрисида жамоат олдида гувоҳлик беришимга у мени таклиф қилди. Мен кўп нарсалар ҳақида гапиришни хоҳлардим, шунинг учун ўз ҳикоямни икки қисмга бўлдим. Гувоҳлик-ваъзимнинг иккинчи қисмини мен тахминан ярим йилдан кейин қилдим. Иккала ваъзимни ҳам катта қизиқиш билан тинглашди. Менинг болалигим, ўсмирлигим ва биринчи бор Худо билан учрашганим ҳақидаги ҳикоямни тинглаб, ҳамма ҳайратда қоларди. Бу одамлардан фақатгина саноқлилари кун-фу жанговар санъати билан таниш бўлиб, зўравонликка дуч келганлар. Аммо бошқа нарса муҳим — менинг ҳикоям баъзи бир тингловчиларни биринчи бор ҳаётда Исо Масиҳнинг реал мавжудлигига ишонтирди. Ўша кун мен учун жуда катта байрам бўлди.

Аммо менинг иккинчи ваъзимдан сўнг таъсирланиш янада кучли бўлди. Бизнинг йиғилишимиздаги кўплаб одамлар узоқ йиллар давомида масиҳий бўлганлар. Баъзи бирлари мен сингари, транспорт йўл ҳалокатидан олдин худди ўшандай тўрга тушганлар. Бу одамлар Худо йўлидан юриш учун кенг ва осон йўлларни қидирганлар. Улар Исога бўлган севгини унутдилар, ўз яқинларига У ҳақида гапиришни бас қилдилар. Қаршимда ўтирган одамларнинг кўпчилиги меҳрибон, ростгўй эканликларини мен яхши билардим. Улар ўз кучларини аямай, ўзларининг жамоатлари учун меҳнат қилардилар ва чин дилдан бир-бирларини яхши кўрардилар.

-Бироқ сизлар ҳақиқатдан ҳам Худонинг хоҳиширодасини бажаришга интиласизми? — деб сўрардим мен улардан. — Ёки фақатгина ўзингизга ва ўз кучингизга ишониб, мен юрган йўлдан юриб, Худога хизмат қиляпсизми?

Шу ерда мен Галатияликларга мактубда (2:20) ёзилган Павлуснинг сўзларини аниқсиз таъкидлаб ўтмоқчиман: «Энди яшаётган мен эмас, балки Масих менинг ичимда яшаяпти...».

— Мен шундай тушунчага келдимки, — дердим мен дўстларимга, — то менинг ғурурли «мен»им енгилмагунча, Исо менда яшай олмайди ва мен орқали Ўзини намоён қилолмайди. Худбинлик ва ўзинигина севувчи одам, — гапимни давом эттирдим мен, — ҳар доим ўзини оқлашга сабаб топади, ўз йўлидан боришга интилган қайсар одам ҳақиқатга қаршилиқ қилади ва ўзининг шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўяди. Сиз Худо олдида то тиз чўкиб бўйин эгмагунингизча, ўз гуноҳингизни тан олиб, ўзингизни тўлиқ Исога бағишламагунингизча, У ҳеч қачон сизнинг ҳаётингизга кириб келмайди ва сизда Ўз хоҳиширодаси бўйича ҳаракат қилмайди. Сиз ҳеч қачон Исодаги ҳаётнинг тўлақонлигини ва хурсандчилигини ҳис этмайсиз, сиз фақатгина ўткинчи хурсандчилик ва ўзингизнинг худбинларча истакларингизни бажарилиши билан кифояланиб қоласиз.

Жамоатда сукунат ҳукм сурди. Мен ўзимнинг «сахродаги» тажрибам ҳақидаги ҳикоямни давом эттирдим, чунки йиғилишдаги кўплаб одамлар мени тушунадилар, жуда ҳам яхши тушунишларига менинг ишончим комил эди. Ўзингизни ҳеч кимга керак эмас, яккаю ёлғиз ва талофот чўққисида турганингизни ҳис қилишингиз учун қамоқхонада ўтиришингизнинг зарурати йўқ. Ўзим ҳақимда сўзлар эканман, мен уларнинг кўнглини кўтарар эдим.

— Баъзида Худо сахродаги Ўз ўғилларига мурожаат қилади. Ҳамма нарсаму таом бўлди, деб ўйлага-

нингизда, саҳрода сизга қаратилган Унинг мулойим овозини эшитишингиз мумкин. Синовлардан асло чўчиманг, — дердим мен уларга. — Бошингизга азоб-укубатлар тушганда, уларни Худога бўлган ўз ишончингизни намоён қилиш ва Унга итоат этиш имконияти сифатида қабул қилинг. Мулойим ва беозор бўлинг! Худо сизни севишини ва сизга ғамхўрлик қилишини ёдингизда тутинг. Унга суянинг ва ишонинг. У нима қилаётганини Ўзи яхши билади. Унинг хушхабарини ва мукаммал иродасини тушуниш учун, Унинг овозига қулоқ тутинг.

Ваъзнинг сўнгида кўпчилик ҳўнграб нола қилди, мен ҳам йиғладим. Менинг ёнимга бир кекса сингил келди. Унинг юзи Исога бўлган севгидан ёнарди. Аёл ваъз учун менга миннатдорчилик билдирди ва огоҳлантирди:

— Сен саҳрода узоқ ва оғир йўлни босиб ўтибсан, — деди у. — Бироқ Худо сени яна қайтадан у ерга олиб бормади, деб ўйламагин.

Мен сесканиб кетдим. Бу беҳосдан юз берди.

— Ҳушёр тур. Унга яқин бўл, — деди сингил.

Шундай сўзларни айтгач, аёл кетди. Унинг сўзларини мен ўз юрагимда сақлаб қолдим. Буни эсда тутган ҳолда, мен ҳар куни ўзимни Исога топшираман ва менда Унинг меҳнати эндигина бошланишини аниқ биламан.

Сўнги бир неча йил мобайнида мен ўз тарихимни жамоатларда, мактабларда, қариялар уйларида, кўчаларда, қамоқхоналарда, спорт майдонларида ва Буюк Британиянинг барча бурчакларида ҳикоя қилдим. Худо менинг ибодатларимга жавоб беришни давом эттириб, Муқаддас Хушхабарни ваъз қилишга мени руҳлантирмоқда.

Менинг тарихим — бу барча одамлар учун Худо ҳақидаги гувоҳликдир, шунингдек, тақдир томонидан енгилган одамга Унинг шифо бериши, гуноҳкорни

кечириши, янги ҳаётга қайта тайёрлаши, келажакка умид билан қарашни ўргатиши ва қалбларни хурсандчиликка тўлдириши ҳақидаги гувоҳликдир. Сиз менинг тарихимни ўқиб чиқиб, ўзингиз ҳақингизда шундай сўзларни айта олишингиз учун мен Худодан илтижо қиламан.

Xohishla

(муаллифлар ҳақида)

2003 йили Тони Энтони обрў-эътиборли одамларнинг қўмагида жавобгарлиги чекланган «Аванти» жамиятини ташкил қилди. Avanti итальянчадан таржима қилинганда «юриш, қадам ташлаш» маъносини англатади. Шунинг учун ҳам бу ташкилотнинг номи Исо Масиҳнинг Буюк амридан келиб чиқади:

Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд ортиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириб, имонга киритинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Мана, Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан».

Матто 28:19–20

«Аванти» миссияси маҳаллий жамоатлар ҳамкорлигида ишлаш учун ва уларга Исо Масиҳ ҳақидаги Муқаддас Хушхабарни тарқатишда ёрдам бериш учун тузилган.

2004 йилнинг бошларида Тони Инжилни тарқатишга ўзини тўлиқ бағишлади ва ҳозирги пайтда у фақатгина миссионерлик билан шуғулланмоқда. У мактабларда ва ногиронлар уйларида, қамоқхоналарда, кинотеатрларда ва кўча-кўйларда ваъз қилиб келмоқда. У ўзи ҳақида ҳикоя қилади, Муқаддас Хушхабарнинг нурини ҳам ўзининг юртига, ҳам

чет элларга олиб бормоқда. У имонлилар жаоматининг содиқ ва тажрибали командаси ёрдамида турлича ёшлар йиғилишларини, оилавий байрамларни ва кичикдан тортиб, то катта-катта масштабдаги миссионерлик тадбирларини моҳирлик билан ўтказиб келмоқда. «Аванти» миссияси маҳаллий жамоатларга ниҳоятда чуқур эътибор қаратмоқда, зеро уларнинг ёрдамида яқинларга ва узоқдагиларга Хушхабар ҳақида зудлик билан гувоҳлик бериш мумкин, энг муҳими — асосли, долзарб ва ўринлидир. Бўлажак хушхабарчиларни тайёрлашга ва ўқитишга, инжиллаштириш методлари ва Муқаддас Китобни ўқитиш курсларини очишга бутун диққат-эътиборини қаратган Тони Энтони гуруҳи жамоатларни ўсиб-ўлғайиб, кенг ривожланишга ундайди.

Тони Баллингдон қамоқхонасидаги кўплаб маҳбусларни (шу жумладан, бу китобда номлари қайд этилганларни ва ҳозирга қадар ушбу қамоқхонада ўз жазосини ўтаётганларни), шунингдек, Буюк Британиянинг бошқа қамоқхонасидаги маҳбусларни ҳам қўллаб-қувватлашни давом эттириб келмоқда.

Тони ва Сара олдингидай Эссексда яшашмоқда. Ҳозирда уларнинг иккита ўғли — Этан ва Жейкоб бор.

Анжелла Литтл яшаш учун адабий меҳнат билан шуғулланмоқда. Олдинига «Premier» журналида редактор бўлиб ишлаган Анжела, «Authentic Media» ва «Hodder & Stoughton» нашриётида чоп этилган кўплаб ишларни ёзишда фаол иштирок этган. Ҳозирда у Нортхемптонширда турмуш ўртоғи Фил ва ўғилчиси Сомил билан бирга яшайпти.

«Аванти» миссияси ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлиш учун веб-сайтга кириш: www.avantiministries.com ёки бевосита Тони Энтони билан электрон почта орқали боғланиш: tony@avantiministries.com

Мундарижа

1-боб	5
2-боб	12
3-боб	37
4-боб	59
5-боб	81
6-боб	108
7-боб	130
8-боб	147
9-боб	171
10-боб	194
11-боб	220
12-боб	244
13-боб	267
14-боб	293
15-боб	319
16-боб	348
Хотима	364